

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

БЕКТОШ ОХНОРОВИЧ БЕРДИЕВ

ГЕОСИЁСАТ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан 5121100 – Халқаро муносабатлар бакалавриат таълим
йўналиши талабалари учун қўлланма сифатида тавсия этилган**

ТОШКЕНТ – 2021

КВК: 86.2 (ЗЎ36)

M21

UO'K: 451/25/14

Б.О.БЕРДИЕВ. ГЕОСИЁСАТ.

Ўқув қўлланма. – Тошкент, “Наврўз” нашриёти, 2021. 150 бет.

ISBN 978-9943-565-65-4

Тузувчи муаллиф:

Б.О.БЕРДИЕВ, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори, PhD

Масъул муҳаррир:

М.М.Муҳаммадсиддиқов, сиёсий фанлар доктори, доцент

ТАҚРИЗЧИЛАР:

С.А.Жўраев, сиёсий фанлар доктори, профессор

О.Сирожев, сиёсий фанлар, профессор

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
Ушбу қўлланма Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг халқаро
муносабатлар таълим йўналишида талабалари учун тайёрланган ушбу нашр
мазкур илмий йўналишнинг қайдо бўлиши ва шаклланиш босқичлари, унинг
тарихий асослари, объекти ва субъекти халқаро муносабатлар билан боғлиқ
илмий категориялари, уларнинг умумий қонуниятлари, давлатларнинг
геосиёсий манфаатлари ва мавқеи, геосиёсий мақсадларига оид асосий
билимларни, тушунча ва атамаларни қамраб олган.

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2020 йил 10 ноябрдаги 1026-сонли буйруғига асосан 5121100 – Халқаро
муносабатлар бакалавриат таълим йўналишии талалари учун ўқув қўлланма
сифатида нашрга тавсия этилган.*

Рўйхатга олиш рақами 1026-009

Б.О.Бердиев

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

ISBN 978-9943-565-65-4 “Наврўз” нашриёти, 2021

МУНДАРИЖА

Кириш	
Биринчи мавзу. Геосиёсатнинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Фан доирасидаги назарияларнинг ривожланишига доир цивилизациявий ёндашувлар	
Иккинчи мавзу. Геосиёсатнинг халқаро муносабатларда акс этиши ва тенденциялари. Дунёнинг геосиёсий манзараси	
Учинчи мавзу. Европанинг геосиёсий мавқеи ва геосиёсий манфаатлари. Кўхна қитъа ва унинг атрофидаги геосиёсий жараёнлар	
Тўртинчи мавзу. Африка қитъаси дунё мамлакатлари геосиёсий манфаатлари ва мақсадлари тизимида	
Бешинчи мавзу. Яқин Шарқ геосиёсий манфаатлар тизимида: минтақанинг геосиёсий мавқеи ва унинг халқаро муносабатларда акс этиши	
Олтинчи мавзу. АҚШнинг геосиёсий манфаатлари ва уларнинг минтақавий жиҳатлари. “Атлантизм” ва “Изоляционизм”	
Еттинчи мавзу. Лотин Америкаси ва унинг геосиёсий жараёнлардаги ўрни	
Саккизинчи мавзу. Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёдаги геосиёсий жараёнлар. Минтақада қудратли давлатларнинг геосиёсий манфаатлари	
Тўққизинчи мавзу. Россиянинг жаҳон геосиёсий жараёнларига таъсири, геостратегик манфаатлари	
Ўнинчи мавзу. Жанубий Осиёдаги геосиёсий жараёнлар: Ҳиндистон ва Покистон геосиёсатининг хусусиятлари	
Ўн биринчи мавзу. Хитой геосиёсати ва геостратегиясининг ўзига хос хусусиятлари	
Ўн иккинчи мавзу. Япония геосиёсий жараёнлар марказида. Япониянинг геосиёсий манфаатлари ва қарашлари	
Ўн учинчи мавзу. Туркиянинг замонавий геосиёсий жараёнлардаги мавқеи ва халқаро муносабатларидаги ўрни	
Ўн бешинчи мавзу. Марказий Осиёнинг геосиёсий мавқеи ва минтақада юз бераётган геосиёсий жараёнлар	
Ўн олтинчи мавзу. Ўзбекистоннинг геосиёсий мақеи, манфаатлари ва мақсадлари	
Тавсия этилган адабиётлар	

КИРИШ

Халқаро муносабатларнинг тобора мураккаблашиб, глобаллашув жараёнларининг шиддати ортиб бораётган бир шароитида жаҳоннинг қудратли мамлакатларининг геосиёсий манфаатлари ҳам доимий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Геосиёсатнинг фан сифатидаги тарихи узоқ йилларни қамраб олмасда, ҳар доим давлатлар ташқи сиёсатининг энг асосий мақсадларини ўзида жамлаган ва қудратини юксалтирувчи омил бўлганлиги бугун ҳеч биримизга, айниқса, илм аҳлига сир эмас. Шу нуқтаи-назардан ҳам “Геосиёсат” фан сифатида бугунги кунда бутун дунёда қизиқиш билан ўрганилмоқда, ҳар қандай олимнинг, тадқиқотчи ёки талабаларнинг сиёсий билимларини юксалтиришнинг, ҳам жўғрофий ва ҳам сиёсий тафаккурини ривожлантиришнинг бирламчи омили сифатида намоён бўлмоқда. Умуман олиб қараганда, Геосиёсат фан сифатида, гарчи XIX – XX асрларда ўзининг бошланиш ва тараққиёт босқичларини босиб ўтган бўлсада, сиёсий фанларнинг энг фойдали йўналишларидан бирига айланиб улгурди.

Асосий сабаблари эса фан томонидан тадқиқ қилинадиган мавзуларнинг барча учун ниҳоятда қизиқарлилиги, уни англаб етиш учун эса таълим олувчининг ҳам жўғрофия ва ҳам сиёсатдан хабардор бўлиши лозимлигидир. Шунингдек, геосиёсий жараёнларни ўрганиш, тадқиқ ва таҳлил қилишнинг ҳар қандай шахснинг билимини оширишга хизмат қилишидир. Геосиёсат фанининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, уни яхши ўзлаштирган мутахассислар нафақат таълим тизимида, балки, мамлакатнинг ташқи сиёсатини шакллантириш, минтақа ва мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, мамлакатнинг геосиёсий манфаатларини нафақат минтақа, балки глобал миқёсда ҳам илгари суриш билан боғлиқ тадқиқотларда, ушбу вазифаларни амалга оширадиган давлат ва жамоат ташкилотларида хизмат қилиши, давлатнинг ташқи сиёсатини шакллантиришда ўз хулосалари ва илмий қарашлари билан иштирок этишидадир.

Фаннинг муҳимлиги шундаки, Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт даражаси, мамлакатимизнинг минтақа ва глобал миқёсда рўй бераётган геосиёсий ўзгаришлар ва жараёнларнинг муҳим субъектига айланганлиги, минтақавий хавфсизлик, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш борасидаги фаол сиёсий ташаббусларнинг иштирокчиси сифатидаги роли, дунёнинг қудратли мамлакатлари томонидан илгари сурилаётган геосиёсий, стратегик ташаббусларнинг бир қисми сифатида мавқеи кабиларда намоён бўлмоқда. Айниқса, минтақада сўнгги ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида тўпланиб қолган муаммолар ва қудратли давлатлар, турли сиёсий кучлар томонидан амалга оширилган, давом этаётган геосиёсий ўйинлар натижасида вужудга келган мураккабликларни ечиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистоннинг геосиёсий, ташқи сиёсий ташаббуслари, фаолияти бутун дунё томонидан эътироф этилаётганлиги масаланингт нечоғли жиддий эканлигини англатади. Бу ҳолатларнинг ўз ҳам мамлакатимизда геосиёсатни чуқур англайдиган, унинг мазмун-моҳиятини

мутахассислар орасида тарғиб қиладиган, соҳа бўйича кучли мутахассисларни тайёрлаш, энг асосийси, уларни геосиёсат фанига доир маълумотлар, ахборотлар, таҳлилий тафаккурни ривожлантирадиган илмий-методик манбалар билан таъминлашнинг нечоғли долзарб вазифага айланганлигини кўрсатиб турибди.

Маълумки, геосиёсий аҳамияти юқори, табиий бойликлар кўп миқдорда мавжуд бўлган, транспорт-логистик жиҳатдан стратегик аҳамият касб этадиган минтақалар доим геосиёсий манфаатларнинг тўқнашув объекти бўлиб келган. Шунингдек, ҳар қандай қудратли давлат ўз геосиёсий манфаатини амалга ошириш учун доим турли стратегиялардан, стратегик аҳамияти юқори бўлган транзит ҳудудларни ўз тасарруфига олишдан, савдо йўллари устидан назорат ўрнатиш каби услублардан фойдаланган. Бунинг тарихан, Рим империяси, Александр Македонский, Араб-мусулмон цивилизацияси билан боғлиқ халифаликлар, Чингизхон, Амир Темур, Усмонийлар империяси, Британия империяси, Чор Россияси ва хоказоларнинг чуқур ва пухта геосиёсий тафаккури, ташқи сиёсати, дипломатияси кабиларда кўришимиз мумкин. Санаб ўтилган давлатлар, империялар, жаҳонгирларнинг барчаси геосиёсатни чуқур англаган ва жуда катта ютуқларга, муваффақиятларга эришганликларини исботлашга ҳожат йўқ. Шу нуқтаи-назардан ҳам, нафақат тарихда, балки бугуннинг ўзида, келажақда геосиёсатнинг нафақат фан сифатидаги, балки амалий аҳамияти ҳам тобора ортиб бораверади, қайсики миллат, қайсики халқ ва қайсики давлат уни яхши ўзлаштиради, унинг қонуниятларига амал қилса, фanning энг муҳим жиҳатларини, билимларини амалиётда пухта қўллай олса албатта ўз хавфсизлигини, барқарорлигини, жадал тараққиётини таъминлай олади, халқаро сиёсатда муваффақиятларни қўлга киритади.

Геосиёсат фан сифатида нафақат, халқаро муносабатлар доирасида, балки жўғрофия, минтақашунослик сингари фанлар билан ҳам узвий алоқадор эканлигини таъкидлашимиз лозим. Шу нуқтаи-назардан ҳам ушбу ўқув қўлланма талабалар ва тадқиқотчилар ўртасида давлатлараро, минтақалараро, халқаро муносабатлар, минтақавий ва глобал хавфсизлик тизими, глобаллашув жараёнлари ва қудратли давлатларнинг ўзгарувчан манфаатлари тўғрисида объектив ва чуқур илмий хулосаларни шакллантиришга, уларда замонавий геосиёсий тенденцияларни англашга ва таҳлил қилиш салоҳиятини ривожлантиришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Нафақат Ўзбекистоннинг, балки, бутун минтақанинг манфаатларини таъминлаш, геосиёсий барқарорлигини мустаҳкамлаш вазифаларини ҳам қамраб олган мазкур ўқув қўлланма давлатлар ўртасидаги геосиёсий рақобат, геоиқтисодий стратегиялар борасида ҳам талабалар ва тадқиқотчиларда зарурий билим ва кўникмалар шакллантиришга қаратилган.

БИРИНЧИ МАВЗУ. Геосиёсатнинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Фан доирасидаги назарияларнинг ривожланишига доир цивилизациявий ёндашувлар

Режа:

1. Геосиёсатнинг фан сифатида шаклланиши, унинг объекти ва предмети
2. Геосиёсат мактаблари ва назарий йўналишлари

1. Геосиёсатнинг фан сифатида шаклланиши XIX-XX рўй берган бўлиб, бу шунчаки инсониятнинг юксак билим ва тафаккурга эга бўлишининг маълум бир тизимли чўққисига эришганлиги билан ҳамоҳанг рўй берган десак асло муболаға қилмаган бўламиз. Чунки, жаҳон миқёсида халқаро муносабатларнинг доимий ўзгариб бориши ва янги сиёсий воқеликларнинг вужудга келиши инсоният олдига, айниқса дунёда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва устунликка эришишни мақсад қилиб қўйган ҳар қандай давлат замонавий билимларни эгаллашга, геосиёсий жараёнларни чуқур англашга ҳаракат қилар эди. Геосиёсат эса фан сифатида дунёда бир қанча рақобатчи куч марказларининг пайдо бўлиши билан ҳамоҳанг вужудга келди ва ривожлана бошлади.

Бунга қадар, яъни Қадимги дунё олимлари ҳам сиёсий фаолият ва ҳудуднинг ўзаро боғлиқликларини англаб етганлар. Хукмдорлар сиёсий фаолиятидаги асосий вазифалардан бири – бу айнан ҳудудларни ҳимоя қилиш ва уларни кенгайтириш эканлигини яхши англаганлар. Ҳақиқатан, ҳар қандай ақлли хукмдор ўз ватанининг, давлатининг ҳудуди қанча эканлигини, унда қандай инсонлар яшашини, қанча солиқ тушумини, қандай майдонлар, тоғу-тошлар, экинзори, ўрмонлар, савдо йўллари ва хоказоларни билмаслиги унинг нақадар калтабинлигини англатар эди. Чунки, мамлакатнинг урушларда ғалаба қозониши, доимо муваффақиятли юришлари албатта давлатнинг, шунингдек, ўзга давлатнинг хусусиятларини, табиатини, ҳудудини, ўзининг ва қарама-қарши томоннинг иқтисодий ҳолати ҳамда ҳарбий қудратини яхши билиши билан боғланган эди. Шулар қаторида, зафар қозонишни мақсади деб билган раҳбар қарши томон халқининг маданиятини, сонини, зич яшашини, менталитети ва бошқа демографик хусусиятларини чуқур билиши унга фақат ва фақат имкониятлар тақдим қиларди.

Шундай қилиб, геосиёсий юқори билим тарихан хукмдор ёки давлатнинг сиёсий фаолиятидаги муваффақиятнинг гарови сифатидан баҳоланган. Шу нуқтаи-наардан ҳам “геосиёсат” терминининг ўзи икки қисмдан иборатлиги, яъни “гео” жўғрофий омилларнинг таъсири остида шаклланган тушунча ва “сиёсат” эса бошқарув маъноларини англатади.

Жўғрофий омиллар ичида эса асосийлари:

- Ҳудуд;
- Давлатнинг жойлашуви, яъни жўғрофиясидаги қулайлик;
- Чегараларининг узунлиги, уларнинг табиий шароитлари ва ҳолати;

- Сув ва коммуникация тўсиқлари сифатидаги дарёларнинг мавжудлиги;
- Денгизга яқинлик ҳамда кемасозлик ва улардан фойдаланиш учун муҳим бўлган қирғоқ чизиқларининг нақадар узунлиги;
- Иқлим (совуқ, мўътадил, иссиқ, қуруқ ва хоказо);
- Ҳосилдор ерларнинг ҳажми ва кенглиги;
- Ер ости бойликлари, жумладан кончиликнинг тараққиёти;
- Инсон омили, аҳоли сони, ижтимоий таркиби ва хоказолар ҳисобланади.

XX асрнинг сўнги ва XXI асрнинг бошларида “гео” сўзининг илдизи иккинчи мазмунга ҳам эга бўлди. Энди ушбу сўз сиёсатнинг “умумсайёравий”, “глобал” ўлчови сифатида талқин қилина бошланди ва бир вақтда А.Тойнби ва С.Хантингтонларнинг “цивилизациялар тўқнашуви”ида ифодаланганидек АҚШ, СССР сингари қудратли мамлакатлар, шунингдек, НАТО ва Варшава каби ҳарбий блокларнинг ўзаро муносабатларини баҳолашга хизмат қиларди. Шу билан бир қаторда, геосиёсат деганда мазмунан дунёнинг жўғрофий тузилиши, икки қутблиликдан бир қутблилик сари ўзгариши, моно ва полицентрик ўзгаришлар ҳам айнан геосиёсат доирасида кўралар эди. Геосиёсат терминининг иккинчи қисми, яъни “сиёсат” эса ҳукмронликни амалга ошириш, ҳокимиятга, ҳудудга эгалик қилиш ва уни ўзлаштириш маъноларини англатиши барчага маълум. Бироқ, сўнгги вақтларда геосиёсат тушунчаси ҳам шу даражада ўзгариб бормоқдаки, унда геосиёсатнинг замонавий акторлари шунчаки янги ҳудудларни қўлга киритиш ва ўзлаштириш билангина чекланмасдан, максимал даражада эҳтимолли ҳудуд ва маконларни назорат қилишга интилаётганлиги намоён бўлмоқда. Замонавий геосиёсий акторларнинг асосий мақсадларидан яна бири – бу нафақат ҳудудларни, балки ушбу ҳудудларнинг молиявий, товар, ишчи кучи сингари коммуникацияларини ҳам тўлиқ назоратга олиш ва шу орқали ўз тараққиётини ва фаровонлигини таъминлаш бўлиб қолмоқда.

Геосиёсат ривожланишининг классик даврида (XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошлари) фаннинг хусусиятларига эга бўла бошлади ва давлатни тирик организм сифатида маконга жорий қилинганликка (Ф. Ратцель, Р. Челлен) диққат қаратилди. Замонавий геосиёсат эса давлатни геосиёсий жараёнларнинг актори, бироқ замонавий халқаро муносабатлар давлат органларининг ролини камайтириш зурарлиги ҳисобига ўрганишни давом эттирмоқда. Унинг яна бир хусусияти БМТ, ҳарбий-сиёсий блоklar, минтақавий халқаро ташкилотлар, иқтисодий ва маданий халқаро тузилмаларнинг аҳамиятини оширишга эътибор қаратаётганлигидир. Бугунги кундаги геосиёсат фани ўз ичига геосиёсий мувозанатни (жаҳон ихудудийерархияси, жаҳон сиёсати субъектларининг мақоми ва роли) ва геосиёсий динамикани (геосиёсий жараёнлар, жаҳон шахмат доскасида геосиёсат акторларининг ҳолати ўзгариши) олади.

Геосиёсатнинг мустақил фан соҳаси сифатида қарор топиш даврида (XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошлари) унинг фан ёки давлатни

худудий ўсиш жараёни англаш йўли ва усули эканлиги ҳақидаги ягона фикр мавжуд бўлмаган. Масалан, “геосиёсат” терминининг муаллифи Р. Челлен уни “худудда ифоданган жўғрофий организм сифатидаги давлат ҳақидаги фан” деб атаган бўлса, унга қарама-қарши фикрни немис классий мактабининг таниқли вакили А.Грабовки геосиёсатни ўз предмети, қонуниятлари ва фанлар тизимида ўз ўрнига эга бўлган фан эмас, шунчаки “англаш воситаси”, “методи” дея атаган. Ҳаттоки, тан олинган немис мактабининг ёрқин намоёндаси К.Хаусхофер ҳам ушбу муаммо ечими борасида иккиланган ва геосиёсатни “давлат ҳақидаги фанлардан бири”, шунингдек, “фан эмас, англаш сари ёндашув ва йўл” деб атаган¹.

Шундай бўлсада, XIX–XX асрларда геосиёсатчилар ўз тадқиқот объекти этиб давлатни табиий муҳит билан алоқадорликдаги, шунингдек, бирликдаги тирик организм каби, ҳамда тадқиқот предмети этиб — давлатнинг худудий ўсиш қонуниятларини белгилаб олдилар. Ўша вақтлардаёқ, янги фаннинг назарий ва амалий жиҳатлари ажратиб олинган эди. Мюнхен мактаби манифестида К.Хаусхофер геосиёсатни “сиёсий жараёнларнинг ер билан алоқалари тўғрисидаги фан” ҳамда “амалий сиёсатни бошқариш лаёқати бўлган санъат” дея таърифлаган эди. У геосиёсатчиларни халққа “геосиёсий фикрлаш”ни, раҳбарлар ва ҳукмдорларга эса “геосиёсий ҳаракат қилиш”ни ўргатишга чақирган. Ҳар қандай фанга нисбатан прагматик қарайдиган машҳур америкалик олимлар геосиёсатни “амалиётган асосланган доктрина” сифатида шунингдек, талқин қилар², ҳамда ҳарбий машинани миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган худудларни эгаллашга сиёсий йўналтириш вазифасини бажарувчи “стратегиялар мактаби” мисолида кўрар эдилар³.

Бундай нуқтаи-назар 1947 йилда француз олими Ж.Готтманн томонидан ҳам илгари сурилган ва олим геосиёсатни “пангерманизм эҳтиёжларига мослаштирилган тарихни жўғрофий талқин қилиш” дея атаган⁴. Шундай қилиб, геосиёсат ривожининг классик даврида унинг термини ва таърифларини қуйидаги. Таким образом, в классический период в развитии термина и определения геополитики можно выделить следующие хулосаларни келтиришимиз мумкин:

- ўз тадқиқот предмети, қонуниятлари, тушунчаларига, фанлар тизимида ўз ўрнига эга бўлган фан ёки сиёсатни жўғрофий омиллар орқали англаш методи;
- объектив илмий фан ёки ҳаётий муҳим макон ва худудларни босиб олиш сиёсатини оқлайдиган субъектив мафкуралашган сохта фан.

Урушдан кейинги даврда геосиёсат ўзига “тамға” сифатида босилган тажовузкор мафкура ва сиёсатга хизмат қилувчи номдан холос бўла бошлади. Гарчи, шубҳали ва салбий қарашлардан бутунлай қутулиб, мустақил фан бўла олмасада, бошқа сиёсий фанлар қаторига яқинлашиб бора бошлади. Бугунги геосиёсат эса қатъий ва аниқ қонунларни шакллантириш

¹ Цымбурский В. Л. Геополитика как мировидение и род занятий. — М., 1990. С. 10.

² Mattern J. Geopolitik doctrine of national self-sufficiency and empire. Baltimore, 1942. P. 14.

³ Strausz-Hupe R. Geopolitics: the struggle for space and power. N.-Y., 1942.

⁴ Gottman J. La politique des Etats et leur geographie. Paris, 1952. P. 13.

анъаналаридан воз кечди. Ҳозирда геосиёсат эса ўз субъектларининг қонуниятлари ва тенденциялари, геосиёсий жараёнлар ва уларнинг ривожланиши тўғрисидаги қарашларни илгари сурмокда.

Дунёнинг қайтадан бўлиб олиниши билан боғлиқ сиёсий жараёнларнинг тобора кескинлашуви, янгидан –янги мустамлакаларга эга бўлиш, стратегик йўллар ва ҳудудлар устидан назорат ўрнатиш, кучайиб бораётган низолардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ва хоказо омиллар – жаҳон майдонида қудратли геосиёсий рақобатчилар олдига табиий равишда бу йўлдаги қурашларнинг усуллари доимий такомиллаштириб бориш талабларини қўяр эди. Мамлакатларнинг ўз геосиёсатларини такомиллаштиришининг асосий мақсади – бу иқтисодий омил эканлиги тобора аён бўлиб борар эди.

Бугунга қадар илмий адабиётларда “геосиёсат” тушунчасига нисбатан кўплаб концепциялар, таърифлар илгари суриилган, фан нуқтаи-назаридан унга нисбатан ёндашувлар ҳам табиий равишда турлича шаклланган. Бу эса барча фанларга хос хусусият эканлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Зеро, ҳанузга қадар соҳа олимлари доирасида ва уларнинг тадқиқотларида фаннинг объекти ва предмети доимий баҳсларга сабаб бўлаётир. Геосиёсат бир вақтнинг ўзида сиёсий, ҳарбий-стратегик, табиий, иқтисодий, халқаро муносабатлар, ташқи сиёсат билан боғлиқ фан сифатида намоён бўлаётганлиги ҳам шундандир.

Шунингдек, кўплаб тадқиқотчилар геосиёсат деганда бир-бирлари ўзаро муносабатга киришадиган жўғрофий, тарихий, сиёсий ва бошқа омилларнинг қўшма-қўшма ўрнаниши ва давлатнинг стратегик салоҳиятига катта таъсир кўрсатадиган фанни тушунадилар.

Барчамизга маълумки, табиий ва аниқ фанларни ривожлантириш билангина чекланган собиқ совет иттифоқида геосиёсатга нисбатан империалистик давлатларнинг ҳудудий тажовузини оқлашга қаратилган ёлғон ва буржуазия фани сифатида қаралган эди. Аммо, собиқ иттифоқнинг дунё бўйлаб таъсири камайиши, ғарб давлатларининг либерал қарашлари ва тараққий топган фан тармоқларининг таъсири остида аста секин, собиқ республикаларга бу фан кириб кела бошлади ва кенг тарқалди. Ўзбекистон ҳам ўз мустақил тараққиётида сиёсий фанлар ва унинг бир йўналиши бўлган Геосиёсатни фан сифатида тан олиб, бу борада ҳаттоки мутахассислар тайёрлашга киришди.

Умуман олганда, “геосиёсат” тушунчасини фанга швед олими Рудольф Челлен киритган бўлиб, олим ўз қарашларида уни “давлатни жўғрофий организм ёки макон феномени сифатида қарайдиган доктрина” сифатида баҳолаган эди⁵.

Бугунги кунда “Геосиёсат” сиёсий фанлар тизимида тобора муҳим ўрин эгаллаш билан бир қаторда, объектив ва субъектив сабабларга кўра, жадал ривожланиб бормокда. Геосиёсат фанининг назариячилари уни шунчаки назарий аҳамиятга эга бўлган фан сифатида эмас, балки амалий

⁵ Dorpalen Andreas. The World General Haushofer. Geopolitics in Action. N. Y., 1942. P. XII.

аҳамияти ҳам ниҳоятда юқорилигини таъкидлайдилар. Зеро, ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсати шаклланишида, миллий манфаатлари таъминланишида геосиёсатдан фойдаланиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, геосиёсат амалий жиҳатдан дунёнинг қудратли мамлакатлари ташқи сиёсатининг намоён бўлиши сифатида баҳоланади.

Геосиёсатнинг фан сифатида шаклланиши билан жараёнларда унга нисбатан турли таърифлар, қарашлар шаклланган бўлиб, улар ичида немис тилида чоп этиладиган “Zeitschrift fuer Geopolitik” (Геосиёсат журнали)да бир мунча кенгроқ ва тушунарлироқ таъриф берилган: “Геосиёсат замин ва сиёсий жараёнларнинг муносабатлари тўғрисидаги фандир. У жўғрофиянинг кенг фундаментида асосланган ҳолда, биринчи галда сиёсий жўғрофияга таянар эди. Бундан ташқари, геосиёсат давлат сиёсатига жўғрофий билимларни сингдириш ва уларнинг ўзаро аралашуви асосида сиёсий қарор қабул қилишда жўғрофий омилларни назарда тутишини унутмаслигимиз лозим. Шунинг учун ҳам геосиёсатга амалий сиёсатни бошқара билиш санъати сифатидаги ёндашувлар ҳам бежиз эмаслигини айд этиш лозим.

Геосиёсат давлатни доимий, ўзгармас жисм эмас, балки тирик организм сифатида қаралиши немис олими Фридрих Рацель томонидан илгари сурилган. Унинг фикрича, геосиёсат давлатни унинг атроф-муҳитга, аввало маконга муносабатини ўрганади ҳамда ўз олдида ҳудудий муносабатлардан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилишни мақсад қилиб қўяди. Олимнинг таъкидлашича, сиёсий жўғрофиядан фарқли равишда геосиёсатни давлатнинг ҳолати, шакли, ҳажми, чегаралари, иқтисодиёти, савдоси ва маданияти қизиқтирмайди. Буларнинг барчаси кўп жиҳатдан сиёсий жўғрофия соҳасига тегишлидир. Зеро ундагина давлатнинг статистик ҳолатини ўрганиш муҳим ўрин тутди.

Геосиёсат сиёсий ҳодисаларни уларнинг ҳудудий ўзаро муносабатларига боғлиқлигини, шунингдек, уларнинг ер куррасига ва маданий омилларга ўзаро таъсирини ўрганади. Бу эса жўғрофий талқин қилинган сиёсат, мустақил таълим майдонига эга бўлмаган ораликдаги фандир. Кўпроқ сиёсатга оғиши билан бир қаторда, ўз диққат-эътиборини сиёсий ҳодисаларга қаратади ва жўғрофий талқинларини ва ушбу ҳодисаларнинг жўғрофий таҳлилини тақдим қилишга интилади.

Рус олими, сиёсатшунос Э.А. Поздняковнинг таъкидлашича, геосиёсат ўзининг асосий эътиборини сиёсатнинг жисмоний муҳит ва унга давлатнинг ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва экологик хавфсизлиги манфаатларидаги таъсири омилидан фаол фойдаланишини очиб бериш ва имкониятларини ўрганишга қаратади. Амалий геосиёсат эса давлатнинг ҳудудий муаммолари, унинг чегаралари, инсоний ва бошқа ресурслардан фойдаланиш ва уларни тақсимлаш билан боғлиқ барча масалаларни ўрганади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, геосиёсатга макон ва ҳудуд устидан назорат тўғрисидаги билимлар тизими бўлган фан дея қисқача таъриф бериш мумкин. Геосиёсат ҳудуд ва маконни сиёсат (давлат) нуктаи-назаридан

карайди. У сиёсий жўғрофияга нисбатан доимий ҳаракатдалиги билан ажралиб туради.

Қайд этишимиз лозимки, Геосиёсат борасидаги таълимотлар асосан Европалик ёки Ғарб тақиқотчиларига тегишлидир. Чунки, фан сифатида шаклланиши ва ривожланишини белгилаб берган олимлар ҳам дастлаб немис, инглиз, америкаликлар бўлиб, кейинчалик бошқа мамлакатлар ва миллатлар учун ҳам оммалашган дейиш мумкин. Булар ичида россиялик олимларнинг ҳам тадқиқотлари, қарашлари ўта ривожланганлигини, бунинг сабаби сифатида эса Чор Россиясидан тортиб, бугунга қадар Россия жуда катта ҳудудларга эгаллиги ва уни бошқариш, тасарруф қилиш, химоя қилиш борасидаги доимий хавф мавжуд бўлганлигини, бу эса фан ривожига таъсир кўрсатганлигини кўрсатиш мумкин. Яна бир муҳим сабаб, Евроосиё қитъасининг марказида бўлган Россия ҳудуди доимо Европа томонидан ўзлаштириш объекти бўлганлигини, Наполеондан тортиб, Гитлергача ушбу ҳудудларга эгалик қилиш истагида бўлганлиги тарихан барчамизга маълум. Зеро, кўплаб геосиёсатчилар ер шарининг юрагини эгаллаган бу минтақани қўлга киритиш бутун дунёга ҳукмронликни англатишини таъкидлаганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бунга жавобан россиялик геосиёсат назариётчилари ва амалиётчилари Россиянинг яхлитлигини ва мақомини сақлаш учун мустаҳкам геосиёсий иттифоқ тузиш зарур эканлигини таъкидлашган. Евроосиёчилик концепцияси рус геосиёсатчилари яратган муҳим геосиёсий таълимот эканлигини ҳам қайд этиш лозим.

Гарчи барча қудратли давлатлар ёки кучлар учун Евроосиёнинг марказига интилиш ва унга эгалик қилиш геосиёсий таълимотларнинг моҳиятини ташкил этсада, геосиёсий жараёнлар доимий ўзгаришда бўлади ва бугунги кунга келиб, давлатлар геосиёсий мақсад йўналишлари ўзига хос тарзда ўзгарган дейишимиз мумкин. Бу Европанинг геосиёсий тақдири борасида олиб борилган курашларда илмий ва адабий асарларда айниқса кўпроқ намоён бўлган. Геосиёсий таълимот борасидаги мумтоз асарлари бугунги халқаро муносабатларнинг туб илдизларини очиб беришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ушбу қўлланмада жаҳон миқёсида юз бераётган геосиёсий жараёнлар тадқиқот ва уларнинг халқаро муносабатларда акс этиши, давлатлараро ва қитъалараро геосиёсий вазият ва муносабатларнинг шаклланиши, дунёнинг қудратли давлатларининг геосиёсий манфаатлари ва мақсадлари, дунёнинг геосиёсий манзараси ва унинг ўзгарувчанлигига таъсир кўрсатаётган омиллар борасида талабалар ва тадқиқотчилар учун зарурий манбалар, қарашлар ўрин олган.

Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг, сиёсий куч ёки бирликларнинг ўз геосиёсий қарашлари, манфаатлари ва мақсадлари мавжуд бўлиб, бугунги кунда Евроосиё Ер шарининг марказий қисмини эгаллаган қуруқлик ва унга эгалик қилиш, жаҳон миқёсида геосиёсий устунликни беради деган қарашларнинг ўзгариши кузатилаётганлигини айтиб ўтишимиз лозим. Турли ҳудудлар, транспорт-логистика имкониятлари, сув йўллари ва бошқа стратегик нуқталар айнан давлатлар ва кучларнинг геосиёсий манфаатларига

айланиб улгурди. Яқин Шарқ, Осиё-тинч океани минтақаси, Марказий Осиё, Шимолий Африка, Шимолий йўл, Жануби-Шарқий Осиё, Евроосиё ва хоказо ҳудудлар бугунги кун геосиёсатининг асосий объектига айланиб улгурди. Минтақалар, давлатлар, ҳудудларнинг умумий табиий—жугрофий кўрсаткичлари, иқлим шароитлари, иқтисодий ва демографик салоҳияти, транспорт-логистика имкониятлари, қазилма бойликлари геосиёсий таҳлилнинг предмети сифатида тадқиқотларда ўз аксини топмоқда.

Геосиёсат сиёсий фанлар ва халқаро муносабатлар доирасида тадқиқ этиладиган хавфсизлик, минтақавий хавфсизлик сингари соҳалар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, айрим мавзулар айнан ана шу икки соҳа нуқтаи-назаридан таҳлил этилади. Шунингдек, қўлланмада мазкур фан тарихида муҳим ўрин тутган машҳур асарлардан намуналар ҳам келтирилган.

Ушбу китоб нафақат олий ўқув юртлари талабалари, балки илмий-тадқиқот билан шуғулланувчи олимлар, ўқитувчилар ва сиёсат билан қизиқувчи бошқа соҳа мутахассисларига мўлжалланган. Таҳсил давомида тарқатма материаллар ҳамда дастурга оид адабиётлар, материалларни мустақил равишда ўрганиш, экспертларни машғулотга жалб қилиш орқали дарсларнинг амалий таъсирини кучайтириш, дарс жараёнида муаммоли вазиятларни таҳлил этиш ва самарали ечимини топишга тингловчиларнинг эътибори қаратилади. Шунингдек, уларнинг мустақил фикрлаш, ташқи сиёсий фаолиятни таҳлил қилиш ҳамда ўзлари учун фойдали хулосалар чиқаришга интилишларини рағбатлантириш методларидан фойдаланади.

Курс бўйича таълим жараёни сиёсат, халқаро муносабатлар, халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича таълим олувчи талабалар, соҳа бўйича фан мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, экспертлар, тадқиқотчилар, элчилар, дипломатлар иштирокида бўлиб ўтадиган маъруза, амалий машғулотлар ва семинарлар шаклида ташкил қилинади. Машғулотларда курсга оид Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун ва расмий ҳужжатлар, шунингдек, мамлакатимизда ва хорижда чоп этилган турли манбалардан, Интернет тармоғидан олинган маълумотлардан кенг фойдаланилади. Предмет билан яқиндан таништириш мақсадида мавзуга оид ҳужжатли фильмлардан парчалар намойиш қилинади. Курсни ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилади.

Геосиёсий қарашларнинг доирасида Марказий Осиёнинг аҳамияти ҳам борган сари ортиб бораётганлиги гувоҳ бўлиб турибмиз. Айниқса, Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси бўлиши билан минтақавий хавфсизлик, давлатлар ўртасидаги рақобат билан боғлиқ қатор янги муаммоларга дуч келди. Қудратли давлатлар ўртасидаги жаҳон миқёсида сиёсий қутблашув кескинлашиши оқибатида минтақавий можаролар, этник зиддиятлар, диний экстремизм ва терроризм каби таҳдидлар пайдо бўлди. Бу жараёнларни англаш зарурати айнан геосиёсат сирларини англашни тақозо этмоқда. ХХІ асрда дунёдаги стратегик кучлар мувозанатининг ўзгариши, жаҳон миқёсида кўпқутблилик сари

тенденцияларнинг ривожланиши геосиёсат фанининг аҳамияти ҳам тобора ортишига сабаб бўлмоқда.

Бундай сиёсат оқибатида ХХІ асрда ҳам ер юзида кўплаб уруш ўчоқлари пайдо бўлаётгани Ғарб ва Шарқ ўртасидаги зиддиятлар борган сари кескинлашаётганини кузатиш мумкин. Халқаро ва турли минтақалар доирасида юз бераётган можаро ва зиддиятлар ҳамда муайян давлатларнинг босқинчилик сиёсати геосиёсатга асосланаётгани, унинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари ва тамойилларини илмий жиҳатдан жиддий ўрганишни тақазо этади. Бу ўринда даставвал геосиёсатнинг илмий негизини тушуниш, унинг илмий таърифини аниқлаб олиш талаб этилади.

2. Ушбу фан доирасида икки хил йўналиш шаклланади. Яъни: **биринчиси**, олдиндан белгилаб бериладиган, ёки доктринал-меъёрий йўналиш; **иккинчиси**, баҳоловчи концептуал йўналиш. Биринчи йўналишга Хаусхофер томонидан асос солинган немис мактабини, иккинчи йўналишга эса Маккиндер, Спайкмен, Коэнлар томонидан асос солинган инглиз-америка мактабини киритиш мумкин (гарчи, ушбу мактаблар ўртасида аниқ ажратиладиган хусусиятлар мавжуд бўлмасада).

Бугунги кунга қадар Геосиёсат фан сифатида турли мазмун ва моҳият, янгидан-янги ғоялар ва қарашлар билан бойиб келаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Бунга сабаб, дунё миқёсида геосиёсий қарашларнинг, ўзгаришларнинг доимий рўй бераётганлиги, илмий қарашларнинг ривожланаётганлиги, бу борада тадқиқотларнинг кўпайиши ва уларнинг давлатлар сиёсатида акс этишидир. Шунинг учун ҳам Геосиёсат нафақат дунёнинг сиёсий харитасида давлатлар манфаатлари асосида ўзгаришлар ясай оладиган реал воқелик сифатида, балки етакчи давлатлар ва китъаларнинг сиёсатларини башорат қилишнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Геосиёсий мактаблар намояндалари яратган турли концепциялар геосиёсат фанининг мазмун-моҳияти, йўналишлари, тамойиллари ва умумий предметини ташкил этади. Албатта, ушбу фаннинг асосий предмети ҳамда бош услубий тамойилларини белгилашда муаллифларга турли ёндошадилар. Бундай бўлиниш тарихий шарт-шароит, шунингдек, геосиёсатнинг дунё сиёсати, ҳокимият муаммолари ва ҳукмрон мафкуралар билан узвий боғлиқлигидан келиб чиқади. Геосиёсатнинг умумийлик хусусияти унинг таркибида география, тарих, демография, стратегия, этнография, диншунослик, экология, ҳарбий таълимот, мафкура, социология, сиёсатшунослик тарихи каби кўпгина фанлар унсурларининг уйғунлашувида намоён бўлади. Аммо бу ўз йўналишларига эга бўлган ушбу фанларни фақат геосиёсатга тегишли, дея қатъий хулоса чиқаришга асос бўла олмайди.

Геосиёсат атамасини фанга киритган олимлардан бири – Р.Челлен геосиёсатни «давлатни жуғрофий тана ёки ҳудудий ҳодиса сифатида талқин қилувчи доктрина» деб ҳисоблаган. Мумтоз таълимотларни ўрганиш орқали геосиёсатни дунёқараш сифатида талқин қилиш ва бундай ҳолда уни фанлар билан эмас, балки фанлар тизими билан қиёслаш лозимлиги ўртага чиқади. Геосиёсатнинг асосчилари бу фаннинг бош мақсади – давлатнинг

ривожланиши учун бошқа давлатлар ҳудудини босиб олиш заруратини англашдан иборат, дея талқин этишган. Зеро, уларнинг фикрича, «аллақачон бўлиб олинган дунёда ҳудудларни бир давлат бошқасидан фақат куч билангина тортиб олиши мумкин». Рус олими Ю.В.Тихонравов машҳур немис геосиёсатчиларидан К.Хаусхофернинг геосиёсат «сиёсатнинг жуғрофияга боғлиқлиги» тўғрисидаги таълимот сифатида таърифлаганлигини таъкидлайди

Геосиёсий таълимотнинг тарихий асослари Европа тадқиқотчилари томонидан яратилганлиги туфайли асосий илмий изланишлар немис, француз, инглиз олимлари, шунингдек геосиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлмиш америкалик олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Россия ҳудудий нуқтаи-назардан геосиёсий жараёнларнинг марказида бўлганлиги туфайли рус олимлари ҳам ушбу йўналишда чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришган. Мумтоз тадқиқотчилар ва бевосита уларнинг асарларига мурожат қилиш орқали мавзунинг тўлиқ ёритилишига эришиш мумкин.

Фридрих Ратцельнинг давлатлар тўғрисидаги қарашлари. Немис “органистик мактаби” нинг шаклланиши. Ўз асарларида геосиёсат атамасини ишлатган бўлмаса ҳам, Фридрих Ратцелни (1844-1904) геосиёсатнинг “отаси” деб ҳисоблаш мумкин. У “сиёсий география” ҳақида ёзган ва “Сиёсий жўғрофия” номли асосий асари 1897 йилда нашр қилинган.

Хулоса тарзида айтиш мумкинки, бугунги кунда сиёсий тадқиқотларни олиб бориш ва унинг мазмун-моҳиятини тушуниш бугунги кун тадқиқотчилари, мутахассислари, талабалари, экспертларининг асосий вазифалари қаторидан ўрин олиши табиий. Бунинг учун нафақат, бугунги кунда жаҳонда юз бераётган геосиёсий жараёнларни англаш, балки, уларнинг тарихий илдизларини тушуниб етиш, унинг қонуниятларини ўрганиш ва бу борада олиб борилган тадқиқотлару, яратилган мактабларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Геосиёсатнинг фан сифатида шаклланиш жараёнлари
2. Геосиёсатнинг илмий мактаблари ва намоёндалари
3. Геосиёсий назарияларнинг давлатлар ташқи сиёсатига таъсири
4. Геосиёсат атамасини фанга олиб кирган олим ким?

ИККИНЧИ МАВЗУ. Геосиёсатнинг халқаро муносабатларда акс этиши ва тенденциялари. Дунёнинг геосиёсий манзараси

РЕЖА:

1. Геосиёсатнинг халқаро муносабатларга таъсири
2. Геосиёсат доирасидаги цивилизациявий ёндашувлар

1. Геосиёсатнинг халқаро муносабатларга таъсири. Геосиёсат кўплаб тадқиқотчилар томонидан халқаро муносабатларнинг, шунингдек, жаҳон сиёсатининг бир қисми сифатида қаралади ва бу бежиз эмас. Чунки, геосиёсат давлатларнинг ташқи сиёсатини шакллантирувчи омил сифатида албатта халқаро муносабатларда акс этади. Яна баъзи мутахассисларнинг қайд этишича, геосиёсат сиёсий реализм мактабининг бир йўналиши сифатида халқаро муносабатларга таъсир кўрсатиши билан бир қаторда, давлатлар ўртасидаги кучга таяниладиган муносабатларни вужудга келтиради.

Геосиёсат шунингдек, халқаро сиёсат субъектлари ўртасидаги маконга таъсир кўрсатиш ва уни ўз тасарруфига олиш борасидаги муносабатларини, рақобатини ҳам ўрганади. Шу нуқтаи-назардан ҳам геосиёсатни дунё макони ва ҳудуди бўйича ҳокимиятларни тақсимлаш тўғрисидаги фан сифатида ҳам баҳоланади. Халқаро жараёнларнинг геосиёсий таҳлили ер қуррасида дунёни қайтадан бўлиб олиш борасидаги олиб борилган тарихий даврлар билан боғлиқ эканлигини, яъни ўша даврларда ҳақиқий геосиёсий рақобат кучайганлигини таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Олдинги мавзуларда таъкидлаб ўтганимиздек, **"геосиёсат"** термини 1864–1922 йилларда яшаб ижод этган швед олими Р.Челлен томонидан илмий соҳага киритилган ва у томонидан геосиёсат “давлат жўғрофий организм ёки макондаги жараён” сифатида таърифланган. Челлендан ташқари немис олимларидан **Ф.Ратцел** ва **К. Хаусхофер**, америкалик тадқиқотчилар **Х.Маккиндер** ва **Н.Спайкман**ларни ҳам киритишимиз керакки, айнан ушбу олимлар томонидан геосиёсатнинг халқаро муносабатларга таъсир кўрсатувчи омил эканлиги борасидаги кўплаб илмий қарашлар илгари сурилган.

Нима учун **геосиёсат** халқаро муносабатларга таъсир кўрсатади, ёки гоҳида айнан уни белгилаб берувчи омил сифатида баҳоланади? – деган саволга жавоб беришдан олдин сиёсатнинг жўғрофий омилларини (ҳудуд, савдо йўллари, табиий бойликлар, иқлим ва хоказо) ва уларнинг халқлар ва давлатлар тарихий тараққиётига катта таъсир кўрсатишини тушуниб олиш муҳим аҳамият касб этади. Кўпчилик ҳолларда, айнан геосиёсий омиллар халқаро муносабатларга шу даражада катта таъсир кўрсатганки, бу ҳолат жаҳон сиёсатининг бутунлай янгича қиёфа касб этишига олиб келганлиги сўнгги икки юз йилдан ортиқ даврда ўз исботини топганлигини қайд этишимиз лозим. Зеро, геосиёсат фақат назария бўлишгина билан чекланиб

қолмасдан, балки **ташқи сиёсий амалиёт** бўлганлигини тарихий манбалардан жуда яхши биламиз. Айнан геосиёсатнинг сўнгги икки юз йиллар давомида замоннинг энг долзарб масаласига айланганлигининг бир неча сабаблари бўлиб, улар қуйидагиларда ўз аксини топган:

- Буюк жўғрофий кашфиётлар натижасида тобора тараққий этган Европанинг геосиёсий амбициялари тобора ортиб кетиши;

- Қудратли давлатларнинг геосиёсий рақобати тобора кучайиб кетганлиги;

- Дунёни қайтадан бўлиб олиш сиёсатининг халқаро муносабатларни белгилаб берганлиги;

- Мусулмон дунёсини ва кўхна Шарқнинг каттадан-катта ҳудудларини ўз тасарруфига олиш борасидаги зиддиятларнинг ортиб кетиши;

- Усманийлар империясини заифлаштириш, парчалаш ва унинг ҳудудлари устидан ўз ҳукмронлиги ўрнатиш ва хоказо.

Ушбу жараёнларнинг мантиқий давоми сифатида Чор Россияси ўрнида вужудга келган СССР ва АҚШ бошчилигидаги Ғарб давлатлари ўртасидаги мафкуравий зиддиятларнинг тобора ривожланиши ва унинг халқаро муносабатларда геосиёсий омил сифатида акс этганлиги. Деярли етмиш йил давом этган икки қутбли рақобатда коммунизм мафкураси ҳам ғоявий, ҳам геосиёсий барбод бўлгандан сўнг, янгича тизимнинг трансформацияси билан характерланадиган муносабатлар ҳам янгича халқаро муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишига асос бўлди.

Бугунги кунда ер куррасида демографик ва экологик ҳолатнинг кескинлашаётганлиги, инсониятнинг тез суъратлар билан кўпайиши ва уларни ҳаётий зарур ресурслар билан таъминлаш борасидаги мураккабликларнинг вужудга келиши кузатилмоқда. **Ресурсларнинг нотекис тақсимооти, давлатлар тараққиёти ва бойлик даражасининг турлилиги, баъзи манбаларнинг тугаб бораётганлиги, мафкуравий зиддиятларнинг торбора авж олиши ва хоказолар ўз-ўзидан дунё геосиёсий вазиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда.** ХХІ асрга келиб, кўплаб турдаги табиий ресурсларнинг тугаб бораётганлиги, улар устидан назоратни ўрнатиш курашларнинг ҳам ортиб кетишига олиб келмоқда. Бу ҳолат айниқса, ер куррасида “олтин миллиард”ни (АҚШ, Ғарб давлатлари, Япония, Исроилни қамраб оладиган аҳоли категорияси назарда тутилмоқда) тўлиқ таъминлаш учун қудратли давлатлар жуда катта геосиёсий лойиҳаларни илгари сурмоқдалар ва уларни амалга ошириш учун мисли кўрилмаган ресурсларни сафарбар қилмоқдалар.

Таъкидлаш лозимки, зарурий ресурсларнинг тугаши (нефть ва газ, кўмир, олтин, темир рудаси металлар, турли кимёвий элементлар, чучук сув, дунё океанидаги балиқлар ва хоказо) ер куррасида инсоният сонининг доимий ўсиши таъсирида рўй бермоқда. Бор-йўғи 120 йиллар олдин, яъни 1900-йилларда инсониятнинг умумий сони 1,5 ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 1970 йилда 3,5 млрд.ни, 1990 йилга келиб эса 5,5 млрд.ни, 2020 йилга келиб эса 7 млрд.ни ташкил қилмоқда. 100 йилдан ортиқ вақт давомида

ер курраси аҳолиси деярли 5 бараварга ўсди. Ер юзи аҳолисининг доимий ўсиши 1972-йилда дунёнинг таниқли экспертлари Донелл Медоуз, Деннис Медоуз, Йорген Рандерс ва Вильям Беренс III лар томонидан тайёрланган ва Рим клубига тақдим этилган “Ўсиш чегараси” (инглизча The Limits to Growth) маърузасида илк бора тилга олинган. Унда сайёрада одам сонининг ҳаддан ортиқ кўпайиб кетиши ва табиий ресурсларнинг чегараланганлиги, уларнинг тугаши, инсониятни боқиш тобора мушкул масалага айланиши ва натижада инсониятнинг қирилиб ботиши эҳтимоли ҳақидаги фикрлар илгари сурилган ҳамда ушбу жараёнларнинг математик модели ишлаб чиқилган.

Шунингдек, АҚШ бошчилигидаги Ғарб томонидан илгари сурилаётган либерализм бир томондан, ўз миллий ва этник, маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш, сиёсий тузумини ўзлари хоҳлагандек ташкил қилиш, ғарбнинг геосиёсий босимларига қарши туриш тарафдори бўлган кўплаб Шарқ давлатлари ўртасидаги геосиёсий рақобатлар ҳам борган сари кескинлашиб бораётганлигини қайд этиш лозим. Бу ҳолат, айниқса, XX асрнинг сўнгги йилларида СССР бошчилигидаги социалистик лагернинг барбод бўлиши билан янада кучайди. Деярли ярим аср давом этган кучли мафкуравий ва геосиёсий рақобат Ғарбнинг яққол “ғолиблиги” билан якунланди. XX асрнинг сўнгги ўн йилликларидан бошлаб, геосиёсий курашларнинг авж олиши бир неча тузилмаларнинг кенгайиши билан параллел равишда содир бўлди. Бу НАТОнинг Шарққа қараб кенгайиши, Европа иттифоқининг ташкил топиши ва унинг ҳам аъзолари сони ортиб бориши, ташқи сиёсатида Россия ва Хитойнинг таъсирини камайтириш, керак бўлса, уларни бутунлай заифлаштириш йўлидан борганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бунда турли сиёсий воситалар, геосиёсий мақсадларни амалга оширишга қаратилган услублар, технологиялар (рангли ва бошқа инқилоблар назарда тутилмоқда) кенг қўлланила бошланди.

Аммо, дунё миқёсида нефть ва газ сингари стратегик хом-ашёларга талабнинг кескин ортиши ва уларнинг нархи кескин кўтарилиши, ҳарбий техникалар экспортининг ошиши, бошқа соҳаларга ҳам технологик тараққиётнинг татбиқ қилиниши, ҳокимиятга ҳокимиятига Ғарб босимида бардош бера олишга лаёқатли кучларнинг келиши (В.Путин назарда тутилмоқда) Россиянинг кучайишига сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан технологиялар ва ишлаб чиқаришнинг энг арзон кучлари, имкониятларига эга бўлган Хитойнинг кўплаб омиллар таъсирида дунёнинг қудратли мамлакатлари сафидан ўрин олиши Ғарбнинг геосиёсий мақсадларига ва манфаатларига зарба берди. Россия ва Хитойни парчалаб ташлаш ва уларни дунё рақобатидан маҳрум қилиш борасида олиб борилган **геосиёсий интилишлар** ўзини окламади ва бу жараёнлар давом этмоқда. (Бу ҳақда қўлланманинг бошқа мавзуларида батафсил тўхталамиз).

Маълумки, дунё тараққиётининг бугунги босқичига келиб, ҳар қандай мамлакатнинг жўғрофий чегараларининг аҳамияти аста-секин йўқолиб бормоқда. Глобаллашув жараёнларининг вужудга келиши қудратли давлатлар **геосиёсий** қарашлари ва интилишларига маълум бир тузатишлар, ўзгаришлар киритилишига сабаб бўлмоқда. Ташқи сиёсий манфаатларини ва

геосиёсий мақсадларини амалга оширишнинг бутунлай янги услублари ва воситалари пайдо бўлаётганлигини ва улардан самарали фойдаланаётган давлатларгина катта ютуқларни қўлга киритаётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Мана шундай омиллар, услублар, воситалар ва технологияларни ўзлаштириш ва ўзларининг геосиёсий мақсадларида фойдаланган ҳолда, жаҳонда етакчиликка интилаётган давлатлар сони ортиб бораётганлигини, асосий иштирокчилар сифатида АҚШ, ЕИ, Хитой, Россия, Япония, Исроил, Туркия, Араб давлатлари ва Эрон сингари давлатлар майдонга чиқмоқда.

Халқаро муносабатларга таъсир кўрсатиш, ўзининг устунлиги ва етакчилигини таъминлаш учун халқаро муносабатларнинг акторлари **геосиёсий омиллардан** фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Дунёнинг энг муҳим минтақалари, жумладан, Яқин Шарқ (Сувайш канали, Форс кўрфази, Босфор, Гибралтар, Малакка бўғозлари, Панама канали ва хоказо), Осиё-Тинч океани минтақаси, Евроосиё кабилар дунё геосиёсий жараёнларининг стратегик объектлари сифатида намоён бўлмоқда. Инсоният замонавий дунёда ушбу ҳудудларга эгалик қилиш ва уларда ўзининг устунлигини таъминлаш учун рақобат эса кундан-кунга кескинлашиб бораётган даврда яшамоқда.

2. Геосиёсат доирасидаги цивилизациявий ёндашувлар. XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон миқёсида юз берган геосиёсий жараёнлардан илхомланган кўплаб қарашлар, концепциялар, ғоялар вужудга келди. Айниқса, геосиёсатнинг цивилизациявий асослари ҳам борган сари каттадан-катта илмий тадқиқотларнинг объектига айлана бошлади. Цивилизациявий, маданий, миллий, диний қарашларнинг ўрни ҳам геосиёсатнинг маълум бир йўналиши, керак бўлса, ўша йўналишларнинг мазмун-моҳиятини белгиловчи кучга, омилга айланди. Бундан бир неча юз йиллар олдин сиёсий муносабатларнинг устун жиҳати бўлган ва XX асрда деярли кузатилмаган диний (дунёвий) белгилар ва қарашлар халқаро муносабатларга, баъзи ҳолларда давлатлараро муносабатларга таъсир кўсатаётган куч сифатида яна майдонга чиқа бошлади. Бу ҳол, бундан кейин ҳам халқаро муносабатлар ва қудратли давлатлар геосиёсий манфаатларининг бирламчи омилига айланиши мумкинлиги борасидаги концепциялар кенг тарғиб қилина бошланди. Бунинг яққол мисолини америкалик сиёсатшунос, стратег С.Хантингтоннинг “Цивилизациялар тўқнашуви” номли концептуал мақоласида кўришимиз мумкин. Ўз даврида дунё миқёсидаги олимлар, экспертлар, керак бўлса сиёсатчилар ўртасида ҳам жуда катта шов-шув ва муҳокамаларга сабаб бўлган ушбу мақола халқаро муносабатларга, дунё акторларининг геосиёсий манфаатлари ва мақсадларига цивилизациявий ёндашувларнинг нечоғли қудратли таъсир кўрсатишини исботлашга қаратилган эди.

Ҳақиқатдан ҳам, назар ташлайдиган бўлсак, сўнгги йилларда диний, миллий, маданий, цивилизациявий қарашлар натижасида халқаро муносабатларда турли жараёнлар, мураккаблиklar рўй бермоқда. Яқин Шарқда XX асрнинг иккинчи ярмидан бери давом этиб келаётган низолар, Жанубий Осиё, яъни Ҳиндистон-Покистон ўртасидаги можаролар, Кашмир

муаммоси (бу ерда фақатгина ҳудуд эмас, балки асосан диний қарашларга асосланган низолар назарда тутилмоқда), Африка қитъасида кўплаб давлатларда юз берган ва бераётган диний қарама-қаршиликлар. Афғонистон, Мьянма, Хитой (мусулмон озчилик бўлган уйғурлар билан боғлиқ Шинжон муаммоси), Араб давлатлари ва Эрон ўртасидаги мазҳаблараро зиддиятлар, Ғарб жамиятларида исломофобия тенденцияларининг кучайиб бораётганлиги ва хоказолар айнан ушбу қарашларга мисол бўла олишини қайд этишимиз лозим. Айниқса, ўзлигини сақлаб қолишга, бунинг учун мамлакатга мусулмонларни, хитойлик ва ҳиндларни қабул қилмаслик чақириқлари билан чиқаётган Европада сўл кучларнинг ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги, миллий хусусиятларини йўқотишдан қўрқиб, борган сари мигрантларни мамлакатга киритмаслик ҳақида бош қотираётган Япониянинг “ташвишлари”, мусулмон-араб миллатини иккинчи даражали миллатга айлантириш учун фақатгина яҳудийлар мамлакати дея эълон қилинган Исроил ва бошқа жараёнлар масалани тобора чигаллаштирмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Аммо, Европадаги ва Япониядаги демографик инқироз ишчи кучига бўлган талабни фақатгина меҳнат мигрантлари ҳисобигагина тўлдириш мумкинлиги кўрсатмоқда. Бу эса юқорида келтириб ўтганимиздек, муаммоларни вужудга келтираётганлигини, Европанинг асосий қудратли давлатлари бўлган Франция, Буюк Британия, Германия, Нидерландия, Бельгия, Испания ва Скандинавия давлатларида катта миқдорда мусулмон диаспорасини пайдо бўлишига олиб келганлигини кўриб турибмиз. Бундан тобора хавфсираётган Европада аста-секин мультикультурализм қарашлари барбод бўлаётганлиги ҳақидаги қарашлар ҳам илгари сурилмоқда. Япония эса имкон қадар чегараларини ёпиб, ишчи кучини роботлаштириш йўли билан бартараф этишга ҳаракат қилаётган бўлсада, бу ҳали ўз натижасини бераётгани йўқ.

Европа маданияти бугунги кунга келиб ислом маданиятининг суқилиб киришига бардош бера олмаётганлиги, кўхна қитъа мамлакатлари исломлашаётганлиги ҳақида бонг урилаётганлиги, ўзларини “оқ танли англосаксон протестант маданияти” сифатида кўрадиган АҚШга Лотин Америкасидан юз минглаб католикларнинг, ҳиндулар ва мусулмонларнинг кириб келиши ва мамлакат миллий ва диний таркибини ўзгартириб юбораётганлиги барча ахборот воситаларида кенг эътироф этилмоқда. Энг ачинарлиси, мамлакатда араб ва бошқа мусулмонларнинг кўчиб келиши, кўплаб қора танли аҳолининг ислом динини қабул қилиши билан боғлиқ мусулмон маданиятининг ёйилиши миллий хавфсизлик учун **тахдид ва хавф-хатар** сифатида баҳоланмоқда, бунинг ортида маълум бир сиёсий кучлар ўзларининг қарашларини намоён қилмоқда.

Бундай турдаги миллий ва диний муаммолардан Россия, Хитой, Ҳиндистон каби давлатлар ҳам мустасно эмас. Ушбу давлатларда ҳам табиий равишда мусулмон аҳолисининг кўпайиши, уларнинг жамиятдаги мавқеи ўсишига қарши реакция пайдо бўлаётганлигини, Россияда миллатчи скинхедлар, Ҳиндистонда ҳинду миллатчилари оёққа турмоқда. Кўпинча

ушбу реакциялар қирғинбаротга сабаб бўладиган диний ва миллий низоларга (Ҳиндистонда) сабаб бўлмоқда. Россияда эса рус ва бошқа насроний миллатларига мансуб аҳолининг кескин камайиб кетаётганлиги, аёлларининг туғиш кўрсаткичлари пасайиб, репродуктив ва демографик муаммолар борган сари ортиб бораётганлиги намоён бўлмоқда. Айниқса, Москва ва Санкт-Петербургда ташқари барча ҳудудларда аҳоли сони камаяётганлиги, бунинг натижасида кўплаб шаҳарлар ва кишлоқлар одамларсиз ҳувиллаб қолаётганлиги россиялик сиёсатчиларни ташвишга солмоқда. Аксинча, мусулмон аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудлар, яъни Кавказ, Татаристон, Бошқирдистон ва хоказоларда аҳоли сони йилдан йилга ортмоқда.

Хитой эса мамлакатдаги барча миллатларни жадал равишда ханлаштириш сиёсатини олиб бораётганлиги, мамлакатдаги миллий озчиликларга, шунингдек, мусулмонларга (асосан уйғурлар ва бошқа туркийзабон мусулмонлар назарада тугилмоқда) нисбатан “маданий геноцид”ни амалга ошираётганлиги дунёнинг кўплаб мамлакатлари ва сиёсатчилари томонидан эътироф этилмоқда.

Замонавий дунёнинг геосиёсий манзараси ҳарбий ҳаракатларнинг вужудга келиши билан эмас, балки халқаро низолар ва кичик урушлар даражасига тезда кўтарила оладиган сиёсий беқорлик ўчоқларининг турли ҳудудларга ёйилиши билан характерланади. Шунинг учун ҳам маҳаллий қуролли низолар ўта хавфли тус олмоқда. Бунга турли қудратли мамлакатларнинг таъсир доирасида юз бераётган Афғонистондаги ҳарбий ва фуқаролик урушларини мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Ўзаро турли миллатлар, элатлар, мазҳаблар (шиалик ва суннийлик ҳам назарда тугилмоқда) ўртасида келишмовчиликлар геосиёсий ўйинчиларнинг манфаатларига мос келмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзларига маъқул бўлган кучларни қўллаб-қувватлашда, уларни тан олишда ва хоказо ҳаракатларда рақобатлашаётганликларини кўришимиз мумкин (Афғонистон мавзуси алоҳида мавзу бўлиб, қўлланма давомида сўз юритилади).

Халқаро муносабатларнинг геосиёсий рақобат акторлари (АҚШ, Хитой, Европа давлатлари, Россия, Туркия, Эрон, Япония, баъзи араб давлатлари) нафақат жўғрофий, балки ўзларининг ташқи сиёсатида мафкуравий, цивилизациявий хусусиятларни ҳам ҳисобга олаётганлигини кўриб турибмиз. Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги ўз ечимини топмай келаётган низо ҳам аслида Буюк Британия томонидан экилган **геосиёсий манфаатнинг “уруғи”** эканлиги бугунги кунда ҳеч биримизга сир эмас. Шунингдек, 2020 йилда Озарбайжон томонидан ғалабага эришилган ва ўзининг қонуний ерлари тортиб олинган Тоғли Қорабоғ низоси ҳам бундан 200 йилдан ортиқ вақт давомида дастлаб Чор Россияси, кейин эса собиқ Иттифоқ ва Россиянинг **катта геосиёсий лойиҳаси** бўлганлигини қайд этишимиз лозим. Масаланинг цивилизациявий аҳамияти шундаки, Усмонли туркларнинг исломий ва туркий миллатларни қўллаш ва уларга мафкуравий таъсир ўтказишидан кўрққан Чор Россияси жўғрофий жиҳатдан оралиққа насроний арманлар давлатини тузиш йўлини ўйлаб топган эди. Бу ҳолат бугунгиги кунга қадар Жанубий Кавказда беқарорлик ўчоғи сифатида сақланиб қолмоқда. Буюк

Британиянинг Яқин Шарқдаги жосуси полковник Лоуренс томонидан арабларни Усманийлар империясидан ажралиб чиқишларига ундаши ва “буюк кўзғолон” туфайли бир нечта Араб давлатларини ташкил қилиш борасидаги фаолияти ортида икки хил геосиёсий мақсадни, яъни Усмонлиларни заифлаштириш ва Яқин Шарқдаги катта энергетик ресурсларга эгалик қилишни кўзлаган эди.

Замонавий дунёда эса ўз геосиёсий мақсадларини амалга ошириш учун қудратли давлатларнинг барчаси турли йўللardan фойдаланаётганлигини, Катта Яқин Шарқ, Катта Марказий Осиё сингари янгидан-янги геосиёсий лойиҳалар ўйлаб топилаётганлиги, “бошқариладиган тартибсизлик”, “бошқариладиган демократия”, “рангли инқилоблар”, “демократия экспорти” сингари услублар ва ахборот босимларидан фойдаланаётганликларига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айниқса сўнгги йилларда глобал интернет тармоғи жаҳон геосиёсий акторларининг энг қулай ахборот қуролига айланганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Лекин, ушбу геосиёсий мақсадларнинг асоси машҳур инглиз жўғрофия ва геосиёсат олими Хэлфорд Жон Маккиндернинг “Хартленд” концепцияси доирасида амалга ошаётганлигини кўришимиз мумкин. Ўрта ер тушунчасини илмий соҳага киритган олимнинг фикрича, “ким Шарқий Европани назорат қилса, у Хартлендни бошқара олади, Хартлендни назорат қилган Дунё оролини бошқара олади, Дунё оролини назорат қилган эса жаҳонни бошқара олади”. Бу ғоялар бугунги кунда ҳам ниҳоятда долзарб бўлиб, дунё геосиёсатини шакллантираётган ва уни бошқараётган назария сифатида қолмоқда.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Геосиёсий қарашларда жаҳон цивилизацион жараёнлари ва уларнинг геосиёсатга кўрсатган таъсири?
2. Цивилизация нима ва илк цивилизацион жараёнлар учун шарт - шароит яратган омиллар нималарда намоён бўлади?
3. Геосиёсатнинг мамлакатлар ташқи сиёсатини шакллантиришнинг ўрни ва аҳамияти нималарда намоён бўлади?
4. Цивилизацион жараёнларда геосиёсий омилнинг аҳамияти нимада?

УЧИНЧИ МАВЗУ: Европанинг геосиёсий мавқеи ва геосиёсий манфаатлари. Кўхна қитъа ва унинг атрофидаги геосиёсий жараёнлар

Режа:

- 1. Европанинг геосиёсий мавқеи ва уни шакллантирувчи омиллар**
- 2. Европадаги қудратли мамлакатларининг геосиёсий манфаатлари: тарихи ва замонавий геосиёсий тенденциялар тараққиёти**
- 3. Кўхна қитъа атрофида рўй бераётган геосиёсий жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари**

1. Замонавий Европанинг геосиёсий ҳолати ва мавқеини таҳлил қиладиган бўлсак, кўз олдимизда қуйидаги жўғрофий харита, яъни Ғарбий Европа, Шимолий Европа, Марказий Европа, Шарқий ва Жанубий Европа сингари ҳудудлар шаклланади:

1. Ғарбий Европа континентал жиҳатдан Франция, Бельгия, Нидерландия, Германиянинг ғарбий қисмларини, шунингдек, орол давлат Буюк Британия, Ирландия, Исландияларни қамраб олади;

2. Шимолий Европага асосан тўрт давлат давлат, яъни Норвегия, Финляндия, Швеция ва Дания каби давлатлар кирса;

3. Марказий Европа ўз ичига Австрия, Венгрия, Германия, Лихтенштейн, Люксембург, Монако, Швейцария, Словения кабиларни олади.

4. Шарқий Европа деганда эса биз Белоруссия, Болгария, Чехия, Польша, Венгрия, Руминия, Сербия, Словакия, Молдова, Литва, Латвия, Эстония, Украина ва Россиянинг ғарбий ҳудудларини назарда тутамиз.

5. Эндиги навбат Жанубий Европага бўлиб, ушбу ҳудудларда Албания, Андорра, Босния ва Герцеговина, Хорватия, Греция, Италия, Македония, Мальта, Черногория, Испания, Португалия, Санъ-Марино, сингари давлатлар жойлашган.



Европа номи Қадимги Греция асотирларида келтирилганидек, Финикия подшоси Агенорнинг қизи номидан олинган. Бугунги кунда қитъанинг

умумий майдони 10 млн км² ни ташкил этади. Шу билан бирга, юқоридаги барча давлатларнинг аҳолисини қўшиб ҳисоблаганда 500 млн.дан ортиқ. Инсоният тараққиёти ва цивилизациясида қитъанинг ўрни ва маъқеи ва бекиёс бўлиб, унда икки асосий савдо йўли, яъни Ла-Манш ва Гибралтар бўғозларини келтириш мумкин.

Минглаб йиллар давомида Европани бирлаштириш ғояси мавжуд бўлган бўлиб, бунга Рим империяси, ундан кейин насронийлик цивилизацияси, гуннлар, викинглар ва бошқалар бир неча бор уриниб кўрганлар. Шунингдек, мўғулларнинг ҳужумлари ҳам амалга ошган бўлиб, маълум бир ички сиёсий зиддиятлар туфайли қитъа ичига кириб бормаган. Гарчи, муғуллар, араблар, турклар, печенеглар, хуннларнинг маданий таъсири бўлган бўлсада, Европа ўзининг ўзлигини ва хусусиятларини сақлаб қола олган дейиш мумкин.

Бизнинг эндиги асосий вазифамиз, Европанинг геосиёсий маъқеини ва имкониятларини, геосиёсатини ва глобал миқёсдаги тутган ўрнини кўриб чиқишдир. Тарихан маълумки, узоқ тарихдан фақат бир-бирлари билан рақобат ва уруш, турли низолар ва ҳудуд талашишлар билан банд бўлган Европа давлатларининг шаклланиш жараёнларининг ўзи ҳам феноменал тараққиёт босқичларига эга. Рим империясининг, шунингдек, Греция демократиясининг маданияти деярли барча мамлакатларнинг тараққиётига у ёки бу даражада таъсир кўрсатган. Бир-бирлари аксарият ҳолларда уруш ва низо ҳолатида бўлган Европа мамлакатлари ўртасида геосиёсий манфаатлар турлича бўлганлиги, уларнинг аксарияти цивилизациявий эмас, балки кўпроқ иқтисодий мақсадларни кўзлаганлигини қайд этиш жоиз. Катта миллатлар сифатида шаклланган французлар, немислар, испанлар, италянлар, орол давлатда истиқомат қилган инглизлар ўртасида доимий рақобат бўлганлиги, улар турли ҳаттоки, тарихда маълум бир империялар таркибида ҳам бўлганлиги ҳам барчамизга аён.

Умуман олганда, монархлар қўлида шаклланган турли феодал Европа давлатларининг тараққиёти, замонавий давлатчилиги шаклланиши, буржуа-капиталистик тараққиёт йўлига ўтиши билан боғлиқ жараёнлар асосан, савдо йўлларининг кашф қилиниши билан боғлиқ Буюк жўғрофий кашфиётлар билан боғлиқ бўлганлигини асло унутмаслигимиз лозим. Бунга қадар цивилизациявий ва мафкуравий жиҳатдан Рим папасининг диний ҳукмлари остида ҳам яшашга мажбур бўлганлигини, салб юришлари ва араб мусулмон цивилизацияси билан доимий тўқнашувлар **Европанинг сиёсий мақсадларни кўзлайдиган геосиёсати** шаклланишига замин бўлган эди.

Беш асрдан ортиқроқ вақт давомида Усмонли турклар таъсири ва босиб олиш хавфи остида ҳам яшашга мажбур бўлганлиги ҳам Европа тарихига хос хусусият саналади. Гарчи, Франция, Германия, Британия сингари Қиролликлар, Италия, Испания сингари давлатларнинг (албатта чегаралари турлича) пайдо бўла бошлаган бўлсада, уларнинг барчаси Усмонийлар босқини хавфидан доимо огоҳ бўлишга мажбур бўлган эдилар. Шарқий ва жанубий Европанинг баъзи ҳудудлари билан чекланган Усмонийлар империяси Венадан нарига ўтолмаганлиги, Марказий, Ғарбий ва Шимолий

Европага Усмонлиларнинг хавфи ва таъсири деярли бўлмаганлигини таъкидлашимиз лозим.

Юқорида келтириб ўтганимиздек, Буюк жўғрофий кашфиётлар Европа давлатлари учун янги-янги имкониятлар эшикларини очди. Қитъадаги кўплаб давлатларда кемасозлик, у билан боғлиқ ҳолда дунёвий фанлар шу даражада тез ривожландики, дунёнинг бурли нуқталарида Голландия, Бельгия, Буюк Британия, Португалия, Испания ва Франция мустамлакачилик сиёсатини олиб бордилар. Қадимий цивилизацияга эга бўлган бой мамлакатларни босиб олиш, уларнинг бойликларини талаш ва ўз мамлакатига келтириш билан боғлиқ геосиёсий манфаатлари ва мақсадлари тобора ривожланиб бориши билан бир қаторда, қитъа давлатлари ўртасида кенг рақобат ҳам авж ола бошлади.

Африка, Ҳиндихитой, Шимолий ва Жанубий Америка, Австралия, Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ сингари ҳудудларнинг деярли барчаси Европа давлатларининг мустамлакачилик сиёсатининг қурбонига айланган эди. Бундай катта ютуқларнинг замирида эса қитъанинг қудрати ва уни таъминлайдиган технологик тараққиёт туришини асло назардан қочирмаслик керак. Бир вақтлар тараққиётнинг, илм-фаннинг ўчоғи бўлган Шарқ ўз ўрнини Европага бўшатиб берган эди. Биргина Буюк Британиянинг ўзи дунёнинг 25%ига эгалик қилганлигини, жаҳон савдоси ва саноатини бутунлай назоратига олганлигини, Германия эса гарчи, мустамлакаларга катта эътибор қаратмаган бўлса-да, саноат ва металлургия, кемасозлик ва машинасозлик бўйича жаҳоннинг етакчи мамлакатига айланганлигини, асосий эътиборини Европада жойлашган муҳим геосиёсий нуқталарга, конларга қаратганлигини алоҳида қайд этишимиз лозим.

XVII асрдан бошлаб, Европада бир қанча қудратли давлатлар шаклланган эди. Улар ичида Буюк Британия, Франция, Испания, Португалия, Голландия ва Германия сингари давлатлар алоҳида ажралиб турар ва барчасининг геосиёсий манфаатлари шаклланган эди. Айниқса, дунёвий давлатчилик элементларининг тобора кучайиб бориши, черковнинг устунлигига аста-секин нуқта қўйилиши, мустамлакалардан келадиган бойликларнинг саноат буржуазияси ривожланиши учун сарфланиши, аҳолининг саводхонлиги ортиб бориши, дунёвий илм-фанга катта эътиборнинг қаратилиши энг муҳими барча давлатлар томонидан саноатни ривожлантириш орқали дунёда устун бўлиш мумкинлигига ишончнинг вужудга келиши сингари омиллар қитъадаги баъзи қудратли давлатларнинг дунё ҳукмрони бўлишларига имкон яратди.

2. Европадаги қудратли мамлакатларининг геосиёсий манфаатлари ҳам турлича бўлганлиги, улар ўртасида рақобат муҳити ҳар доим ҳам юқори бўлганлиги бугунги кунда ҳеч биримизга сир эмас. Мустамлакачилик давридан шаклланган ва бошланган геосиёсий манфаатлар ва рақобатга қарайдиган бўлсак, турли жараён ва тенденцияларни кўришимиз мумкин. Буюк Ипак йўлининг барҳам топиши ва европаликлар томонидан Шарқ билан савдо қилишга бўлган эҳтиёж сув йўллариининг очилишига замин бўлганлигини яхши биламиз. Айниқса, бир томондан тобора қолоқлик ва

илмсизлик ботқоғига ботиб бораётган Шарқ, кенг жўғрофий, илмий ва технологик тараққий этиб бораётган Ғарб Европа давлатлари геосиёсатининг такомиллашувига сабаб бўлганлигини алоҳида қайд этишимиз лозим.

Дастлаб Голландия, кейин эса Британия томонидан Ҳиндистоннинг эгаллаб олиниши ва у ерда узок йиллик Бобурийлар ҳукмронлигига чек қўйилиши, шунингдек, қитъанинг бошқа қудратга тўлиб бораётган давлатлари учун янги имкониятларни очди дейиш мумкин. Европанинг кўплаб давлатлари, жумладан, Бельгия, Франция, Испания ва Португалия сингари давлатлар ҳам Африка, Осиё ва Америка қитъалари бўйлаб нафақат мустамлакаларга эга бўлиш, балки, уларни бошқариш, ўша ҳудудларда геосиёсий мақсадларини амалга ошириш, ташиб келинадиган бойликларнинг логистик хавфсизлигини таъминлаш борасидаги билимларини янада бойитдилар, бошқа халқлар устидан ҳукмронлик қилиш тажрибаларига эга бўлдилар.

Шунингдек, яна бир муҳим хусусият шунда эдики, гарчи каттадан-катта мустамлакаларга эга бўлганлигига қарамасдан, Европанинг барча мустамлакачи давлатларининг ўз геосиёсий манфаатлари, давлатчилик қарашлари, таъсир доиралари мавжуд эди. Ушбу омиллар таъсирида улар ўртасида жуда катта рақобат мавжуд бўлганлиги, уларнинг бир-бирларига душманлиги, ҳар қандай йўл билан бўлсада, бир-бирларига зарар етказишга интилиши сингари ҳолатлар доимо кузатиладилар, уларнинг бир-бирларига душманлиги бугунги интеграциялашган Европадан кескин фарқ қилар эди. Нафақат XVII-XVIII-XIX асрларда ҳаттоки XX асрнинг биринчи ярмидан ҳам бутун Европа бир-бирларининг ҳақиқий душманлари ва жаҳон геосиёсий майдонида ҳақиқий рақиблар бўлганлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Асосий геосиёсий акторлар сифатида Британия империяси, Испания, Голландия ва Португалия майдонга чиққанлиги, улар ўртасидаги узок йиллик геосиёсий рақобатга асосланган ката урушлар бир томондан ушбу давлатларни ҳақиқатда халқаро муносабатларнинг қудратли иштирокчилари сифатида майдонга чиқарган бўлса, иккинчи томондан улар учун кўплаб инсоний йўқотишлар билан характерланган фожиаларни келтириб чиқарди. Франция-Англия-Испания ўртасида 1689 йилларда бошланиб, 1763 йилларга қадар давом этган бир неча юз минглаб инсонлар ҳаётига зомин бўлганлигини, Франция Канадаси ва Англия Америкаси ўртасидаги геосиёсий урушларда нафақат европаликлар, балки маҳаллий аҳоли бўлган ҳинду қабилаларининг ҳам қирилиб кетишига сабаб бўлди.

Бундан ташқари, мустамлакаларни талашиш (бунга Ҳиндистон ва бошқа Ҳиндихитой мамлакатлари ҳудудларида ўзларининг ҳукмронлигини ўрнатиш учун Англия ва Голландия ўртасидаги низоларни, Африка ҳудудларидан тобора катта қисмларни эгаллаш учун Бельгия, Голландия, Франция ўртасидаги геосиёсий рақобат ва урушларни мисол сифатида келтириш мумкин) Европа учун ҳақиқий геосиёсий назарияларнинг вужудга келиши ва ривожланишига, технологияларнинг такомиллашувига сабаб бўлганлигини айтиш мумкин. Биз юқорида номларини санаб ўтган Европа давлатлари учун Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Африка,

Шимолий ва Жанубий Америка қитъалари ва минтақаларини мустамлакаларга айлантириш жуда катта геосиёсий ҳукмронлик билан боғлиқ имкониятларни тақдим этган бўлса, мустамлака давлатлар битмас-туганмас жароҳат ва изтироб билан суғорилган фожиаларни олиб келган эди. Бунга мисолларни турли манбаларда кўриб, гувоҳ бўлишимиз мумкин.

XVII-XIX асрларда геосиёсий қарашларнинг ривожланиши, қуроллар ишлаб чиқарилиши ва уларнинг такомиллашган намуналарига, шунингдек, ўз замонаси учун ниҳоятда қудратли бўлган денгиз флоти ва қуруқликда уруш тактикаларининг тараққий этиши натижасида Европа давлатлари деярли бутун дунёни ўз тасарруфига олишга муваффақ бўлганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Улар ичида алоҳида ажралиб турадиган Британия империяси ер куррасининг деярли 25%ига эгалик қилар эди. Ундан сўнг асосий эътибор Усманийлар империясини парчалаш ва европаликлар ўзлари учун цивилизациявий жиҳатдан жуда яқин ҳисобламайдиган Россиянинг Жанубий минтақалардаги, шунингдек, Узоқ Шарқдаги таъсири чеклашга қаратилган эди. Илм-фаннинг ривожланганлиги, бунинг натижасида аста-секин замонавий техникаларга, қурол-яроғларга ва бошқа омилларга эга бўлиб, кучайиб борган Европа мақсадига эришганлигини, Россияни Марказий Осиё билан тўхтата олганлиги, Жанубий Кавказдан ортиқ ҳудудларни эгаллай олмаганлигини, энг асосийси асрлар давомида Европани қўрқув исканжасида ушлаб келган Усманийлар Туркиясини емирганлигини алоҳида қайд этишимиз лозим.

Насронийлик цивилизацияси асосида бирлашиш, ислом ва конфуцийлик маданиятини ўзига қарам қилишни асосий геосиёсий мақсад қилиб қўйганлиги ҳам кўплаб илмий манбаларда ўз аксини топган. Геосиёсий мақсадлар эса манфаатларнинг тўлиқ таъминланишига, халқаро муносабатларни белгиловчи омилга айланганлиги, Европа давлатлари ўз ташқи сиёсатида уларга қатъий амал қилганлиги, уларнинг геосиёсий муваффақиятининг гарови бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

Европанинг геосиёсий устунлигини таъминлаган яна бир ҳолат – бу ҳам бўлса, дунёнинг энг муҳим стратегик ва савдо йўларига эгалик қилганлигидир. 1900-йилларнинг бошларига келиб, ислом цивилизациясини бутунлай мавҳ этган Европа Африка ва Яқин Шарқ минтақасидан Туркияни (Усманийлар империясини) бутунлай “қувиб чиққан” эди. Бундан ташқари содир бўлган Биринчи жаҳон уруши натижасида ҳам Европа жуда катта геосиёсий режаларни амалга ошира олди. Усманийларни жаҳон сиёсати майдонидан чиқариб ташлаганлиги туфайли, Англия ва Франция Форс кўрфази (Ормуз бўғози), Сувайш канали, Гибралтар, Малакка бўғози сингари энг муҳим стратегик мавдо йўллари устидан ҳукмронликни ўрнатганлиги натижасида Германия, Россия, Япония ва АҚШ дан устун эканлигини намоён қила олар эди.

Европа давлатлари ичида алоҳида мавқега эга бўлган Германия “олис ҳудудлардан” мустамлака қилишга камроқ аҳамият қаратган, балки Европанинг ўзида катта ҳудудларни ва конларни эгаллаш геосиёсати амалга оширган давлатлардан бири ҳисобланарди. Аммо, немис олимлари ичида

жуда катта салоҳиятга, таъсирга эга бўлган назариётчилар Германия геосиёсатига, унинг концептуал асослари ривожланишига катта таъсир кўрсатган эди. Германия геосиёсий мактаби немис жўғрофий анъаналарида, айниқса “сиёсий жўғрофиясида” ўзининг назарий асосларига эгаллиги барчамизга маълум. Бу мактабнинг энг обрўли вакилларидаан бўлган Фридрих Ратцелнинг ишлари ва унинг илгари сурган назариялари ўз даврида шу даражада машҳур эдики, ҳаттоки, унинг қарашларидан швед олими Рудольф Челлен ҳам илхомланганлиги маълум. Ф.Ратцелнинг жаҳон геосиёсий назариялари учун аҳамияти фундаментал асосга эгаллиги, у томонидан киритилган “сиёсий жўғрофия” ва “антропожўғрофия” тушунчалари Германия геосиёсати амалиётида ҳам ўз татбиқини топганлигини эътироф этишимиз лозим.

Шунингдек, Ф.Ратцелнинг издошларидан бўлган, либерал-протестант йўналиш вакили ҳисобланмиш Фридрих Науманнинг (1860 –1919) сиёсатшунослик концепциясига “Ўрта Европа” (Mitteleuropa) киритганлиги ҳам аслида ўша давр учун оламшумул ғоя ҳисобланган. Кўпчилик, Науманнинг Германия Европанинг марказида жойлашганлиги учун, унинг Англия ва бошқа геосиёсий акторлар билан рақобатлашиши лозим деган фикрларига эргашганлиги, бунинг натижасида Германиянинг ўз геосиёсати шаклланганлигини таъкидлайдилар. “Ўрта Европа” лойиҳасида Ф.Науман Германия, Австрия, Дунай дарёси бўйида жойлашган давлатларнинг, кейинчалик эса унга Франциянинг интеграцияси лозимлиги тўғрисидаги қарашларни илгари сурган эди.

Бироқ, Биринчи жаҳон уруши геосиёсий кучларнинг жойлашувига сезиларли таъсир кўрсатди дейиш мумкин. Дунёни қайтадан бўлиб олиш сиёсатининг чуқурлашуви ва жадаллашуви натижаси ўлароқ, 1879 йилда Германия ва Австро-Венгрия ўртасида тузилган шартномага орадан уч йил ўтиб, 1882 йилда Италиянинг ҳам қўшилиши ва “Учлар иттифоқи”ни ташкил қилиши, шунингдек, унга қарама-қарши тарзда Франция, Буюк Британия ва Россия ўртасида узоқ дипломатик музокаралар ва имзоланган шартномалар натижасида Антантанинг (франц. Entente, тарж. – келишув) тузилиши, ундан кейинги сиёсий жараёнлар сифатида Россияда инқилоб ва ҳокимиятнинг советлар қўлига ўтиши билан сиёсий воқеликлар дунё харитасининг ўзгаришига сабаб бўлганлигини қайд этмоқ жоиз. Айниқса, Антантанинг урушда қўли баланд келиши ва Версал шартномасининг имзоланиши нафақат Европада, балки жаҳон миқёсида геосиёсий вазиятнинг тубдан ўзгаришига сабаб бўлди. Бир томондан Германия жуда катта ҳудудлардан айрилиши, иккинчи томондан Россиянинг (ташкил топган янги давлат бўлган СССР) геосиёсий ўйинлардан чиқиши ва мақсадлари бутунлай ўзгариши, учинчи томондан Усмонийлар империясининг барбод бўлиши ва Туркия Республикаси ташкил топиши сингари ҳолатлар жаҳон геосиёсий манзараси ва жараёнлари бутунлай ўзгаришига олиб келди дейиш мумкин.

3. Кўхна қитъа атрофида рўй бераётган геосиёсий жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари шундан дарак берадики, XX асрнинг биринчи ярмида Европа давлатларининг ўз геосиёсий манфаатлари ва мақсаларидан келиб

чиққан ҳолда, жуда катта рақобат ва душманлик муҳити ҳукм сурганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Ҳар икки жаҳон уруши (Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари) ҳам айнан Европада содир бўлганлиги, инсоният ҳаётига жуда катта кулфатларни келтирганлиги, айнан ушбу урушлар туфайли Кўхна китъа ўзининг жаҳондаги геосиёсий мавқеини ва устунлигини йўқотганлиги эса тарихий ҳақиқат эканлигини ҳам яхши англаймиз. Лекин, илм-маърифатли Европа ушбу урушлардан, вайронгарчиликлардан тўғри хулоса қила олганлигини, муаммоларни, келишмовчиликларни ўзаро маданиятли тарзда интеграция йўли билан ҳал қилиш лозимлигини англаб етганлиги ҳам эътирофга лойиқ.

Аммо, ўтган асрнинг биринчи ярмида, аниқроғи 1939-45 йиллар оралиғида содир бўлган Иккинчи жаҳон уруши инсоният ўз бошидан кечирган энг даҳшатли қирғинбарот уруш бўлганлигини, айнан ушбу геосиёсий низолар Европа давлатларининг тор геосиёсий мақсадларини кўзлаб содир қилганликлари ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ. Бунда энг катта куч сифатида фашистик Германия ўзининг геосиёсий устунлигини таъминлаш, биринчи жаҳон уруши даврида “йўқотилган ва бой берилган ҳудудларни” қайтариб олиш ва хоказо мақсадларни кўзлаганлиги, шунингдек, воқеалар ривожини ва якуни борасида сўз юритиш ортиқча. Аммо, XX асрнинг иккинчи ярмига қадар дунёда **иккита катта сиёсий қутб вужудга келганлиги** ҳам айнан юқорида келтириб ўтганимиз жараёнлар билан боғлиқ. Иккинчи маротаба ҳам енгилган Германия жуда катта изтиробли ҳаётни бошдан кечирди ва қолган йиллар давомида қўлдан берилган “имкониятларни” иқтисодий тараққиёт, сиёсий демократия ва тарихан зарар кўрган мамлакатларга бадал тўлаш сиёсати, бунёдкорлик ва техник-технологик ривожланиш йўли билан тиклаш сиёсатини амалга оширди. Ғолиб томонлар қаторида, нафақат СССР ва АҚШ, шунингдек, Буюк Британия ва Франция ҳам борлигини таъкидлаш лозим. Демак, XX асрнинг иккинчи ярмида ҳам катта, шиддатли ва қизғин **геосиёсий ўйинлар даври** давом этганлигига ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва ҳам мафкуравий асослар вужудга келган эди деб бемалол айтишимиз мумкин.

Аммо, урушдан кейин дунёнинг кўплаб сиёсатчиларию, экспертлари томонидан кутилган Европа давлатларининг навбатдаги рақобати юз бермади. Балки, бутунлай тескари ҳолат, яъни сиёсий, иқтисодий ва саноат интеграция жараёнлари учун шароит ва муҳит вужудга келди. XX асрнинг иккинчи ярмида дунёда юз берган тараққиёт ва интеграция жараёнлари Европа давлатларининг ҳам геосиёсий қарашлари ўзгаришига, маълум бир жамоавий қарорлар қабул қилиниши асосида давлатлар ўртасида бирлик, интеграция, ўзаро ҳамкорликка интилиш сингари ҳолатларни вужудга келтирди. Савол туғилиши табиий, бунга қадар европада интеграциявий лойиҳалар ёки ҳаракатлар бўлмаганмиди? Албатта бўлган. Бунга қадар Рим империясининг бутун Европани бирлаштириш учун олиб борган ҳарбий юришларини, Рим Папасининг Католик черков доктриналари орқали Европани диний-маънавий бирлаштириш сари ҳаракатларини, Франция императори Наполеон Бонапарт томонидан мажбурий бирлаштиришга

бўлган ҳаракатни, Германия национал-социалисти, фашистик мафкура сиёсатчиси Адольф Гитлернинг Европанинг деярли 70% ҳудудида ягона давлат тузиш сари ҳарбий ҳаракатлари ва хоказоларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Бироқ, XX асрнинг иккинчи ярмидаги интеграцион жараёнларнинг ўзи аслида жадал геосиёсий жараён бўлганлигини, Ғарб давлатлари имкон қадар АҚШдан ҳам СССРдан ҳам мустақил умумий ташқи ва ички сиёсат олиб боришга бўлган интилишлари, “орзулари” сабаб бўлганлигини таъкидлаш лозим. Бунга сабаб, Буюк Британия, Франция, Германия Федератив Республикаси, Италия, Испания, Скандинавия давлатлари, Нидерландия, Бельгия, Испания сингари давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан ўзлари тиклагани сайин АҚШнинг таъсиридан чиқиш учун бирлашиш кераклигини англаб етганлигидир. Аста-секин Европани бирлаштириш ғоялари қайта ҳаётга қайта бошлади. Буюк Британия Бош вазири Уистон Черчилл томонидан 1946 йилнинг 19 сентябрида Швейцариянинг Цюрих университетидаги чиқишида Америка қўшма штатларига ўхшаш “Европа қўшма штатларини” яратиш тўғрисидаги илк таклиф илгари сурилган эди. Бундай чақириқ ва интишларнинг натижаси сифатида 1949 йилда Европа Кенгаши (ҳозиги кунга қадар мавжуд) ташкил топган эди. Секинлик билан европа давлатларининг бирлашуви содир бўла бошлади ва бу турли босқичларни қамраб олади. Биз бу интеграциянинг ҳам бир босқичларини қараб ўтирмаймиз ва бугунги кун Европаси геосиёсатининг асосий масалаларини кўриб чиқамиз.

Бугунги кунда Европа умумий бозор, интеграцион бирлашма, ягона иттифоқ мақомига эга бўлган, ўзининг ички ва ташқи сиёсатини белгилаб берадиган институтларига эга. Европарламент, Европа кенгаши, Европа комиссияси, Европа марказий банки, Европа иттифоқи кенгаши, Инсон ҳуқуқлари бўйича европа вакили, Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили ва хоказолар шулар жумласидандир. Лекин, савол туғилади, Европа бутунлай АҚШ таъсиридан чиқиб кета олдими? Европа ўзининг ташқи сиёсатини ва хавфсизлигини мустақил тарзда белгилай оладими? Ташқи сиёсат, минтақавий ва глобал хавфсизлик борасида Европа давлатлари яқдилми? Бирлашган европа давлатлари глобал дунёда АҚШ ёки Хитойга рақобатчи куч бўла оладими? Энди ушбу саволларга жавоб берсак.

Кўплаб экспертларнинг фикрича, бугунги кунда (XXI асрнинг иккинчи ўн йилликлари назарда тутилмоқда) Европа иттифоқи ва Буюк Британиянинг умумий иқтисодий қудрати АҚШ билан тенглашган. Лекин иқтисодий жиҳатдан АҚШ билан бутунлай интеграциялашган бўлиб, бир-бирларисиз иқтисодий қудрати йўқолади. Иккинчидан, Маршал режаси (Иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ томонидан Европани тиклаш учун ажратилган ёрдам маблағлари бўлиб, унинг асосини АҚШнинг геосиёсати ташкил қилади) ҳанузгача ўзининг кучини йўқотмаган ва бир неча омилларга асосланадиган бўлсак, Европа АҚШ таъсиридан на ташқи сиёсат ва на хавфсизлик борасида чиқиб кета олган эмас. Буни биз АҚШ ташқи сиёсати билан боғлиқ барча

жабҳаларда кўрамиз. Шунингдек, хавфсизлик борасида НАТОнинг мавқеи АҚШ ва Европа ҳарбий сиёсатининг интеграциялашган институционал асосларини ташкил қилади. Гарчи, сўнгги вақтларда геосиёсий жиҳатдан қарашларда тафовутлар ҳам вужудга келаётган бўлса-да, (Россиянинг Шимолий оқим-2 газ лойиҳаси, Эроннинг ядровий дастури, баъзи давлатларга АҚШ томонидан санкцияларнинг жорий қилиниши ва ушбу сиёсат Европа Иттифоқи томонидан маъқулланмаслиги ва хоказо) аммо томонлар тил топишишга доимий ҳаракат қилаётганликларини кўришимиз мумкин. Европанинг қудратли давлатлари Германия ва Франция кўп ҳолларда мустақил ташқи сиёсат тарафдори бўлса, Буюк Британия, Польша, Болтиқбўйи давлатлари ва бошқалар кўпроқ АҚШ нуқтаи-назарини маъқуллашга ҳаракат қилаётганликлари ҳам аслида икки ва кўп томонлама геосиёсий зиддиятларнинг мазмун-моҳиятини ташкил қилмоқда.

Европа давлатлари халқаро муаммоларга минтақавий хавфсизлик нуқтаи-назаридан ёндашсалар, АҚШ глобал нуқтаи-назардан ёндашмоқда. Европанинг баъзи давлатлари Россияни қитъанинг бир бўлаги ва у билан мулоқотни йўлга қўйиш лозим деб ёндашсалар, АҚШ бутунлай Россиянинг изоляцияда яшаши тарафдори, халқаро низоларни ҳал қилиш учун Европа давлатлари халқаро ташкилотлар орқали ҳаракат қилишни афзал кўрсалар, АҚШ бир томонлама ечим топишга интилади. Одатда мураккаб масалалар, низолар ечимида Европа сиёсий ва иқтисодий имкониятларга таянса, АҚШ ҳарбий йўл билан ҳам ечим топишга ҳаракат қилмоқда ва хоказо.

Сўнгги йилларда бирибир Европа мудофаа ва хавфсизлик борасида, ташқи сиёсатда мустақил бўлишга ҳаракат қилаётган бўлса, юқорида келтириб ўтганимиздек, баъзи давлатлар кўпроқ АҚШга таянган ҳолда иш кўришни маъқул кўрмоқда ва ЕИнинг мустақил сиёсатига қарши чиқмоқда. Айниқса, бу ҳолат Европа Иттифоқининг янги аъзолари билан рўй бераётганлигини, улар гарчи, иқтисодий, инсоний ресурсларга эга бўлсаларда, миллий-этник, цивилизациявий, диний, сиёсий, жўғрофий сабаблар туфайли иқтисодий жиҳатдан фаровон Ғарбий Европа давлатларидан анча ортда қолмоқда. Бу бўшлиқни тўлдиришни эса ЕИ давлатларидан эмас, баъзан АҚШдан кутаётганлигини ҳам мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

АҚШнинг Европадаги геосиёсий устунлигини таъминловчи бир қанча омиллар бўлиб, уларни НАТО ва иқтисодий интеграцияда кўришимиз мумкин. Айниқса, НАТОнинг Шарққа қараб кенгайиши, Европа иттифоқининг янгидан-янги аъзолар ҳисобига бойиб бориши сингари ҳолатлар АҚШ ва Европанинг асл геосиёсий манфаатлари анчайин муштарак эканлигидан дарак беради. Бугунги кун реалликларининг кўрсатишича, европа демографик, этник, диний, ҳудудий жиҳатдан ўзгариб бораётган, имкон қадар ўз геосиёсий манфаатларини ва мақсадларини кўзлайдиган, мустаҳкам интеграциялашаётган бирлашма сифатида инсоният цивилизацияси тараққиётида муҳим роль ўйнамоқда.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:


1. Европанинг жўғрофий тузилиши ва геосиёсий мавқеи нималардан иборат?
2. Европа давлатлари геосиёсий рақобати ва ташқи сиёсатини шакллантирувчи омилларни санаб беринг
3. Қудратли давлатларнинг мушамлакачилик сиёсатининг бирламчи омиллари нималарда намоён бўлади?
4. Германия геосиёсати шаклланишига таъсир кўрсатган намоёндалар қимлар эди?

ТЎРТИНЧИ МАВЗУ. Африка дунё давлатлари геосиёсий манфаатлари ва мақсадлари тизимида

Режа:

1. Африканинг геосиёсий хусусиятлари
2. Дунё геосиёсий жараёнларида Африканинг ўрни
3. Африка - қудратли мамлакатлар геосиёсий манфаатлари тизимида

1. Дунёдаги ҳудуд катталиги жиҳатдан иккинчи ўринни эгаллайдиган Африкада (29,2 млн км²) бугунги кунда 53 та мамлакат мавжуд бўлиб, тараққиёти бўйича барча давлатлар турлича. Қитъа аҳолисининг умумий сони 800 миллиондан ортиқ бўлиб, демографик жиҳатдан жадал ўсиб бормоқда. Геосиёсий жиҳатдан Африка Шимолий, Ғарбий, Жанубий, Шарқий ва Марказий Африкага бўлинади ва мазкур фан доирасида худди шундай қисмларга ажратилган ҳолда тадқиқ қилинади. Қитъа геостратегик жиҳатдан, шунинг табиий, ер ости ва ер усти бойликларига ниҳоятда бой бўлиб, бу ҳолат тарихан қитъада қудратли давлатлар ҳукмронлиги ўрнатилганлиги, бутун бошли Африканинг Европа давлатлари мустамлакаларига айлантирилганлиги, Африка аҳолисининг бошига фаровонликдан кўра кўпроқ кулфатлар келтирганлиги барчамизга маълум.



Жўғрофий қисмлар жиҳатдан бир мунча ривожлашган, маданийлашган, катта тараққиёт цивилизациясига дахлдор бўлган **Шимолий Африка** ўз ичига саккиз давлатни олади. Булар: Миср, Судан, Ливия, Тунис, Жазоир, Марокаш, Мавританию ва Ғарбий Сахаралардир. Миллий этник таркиби жиҳатдан аҳолининг аксарияти араблар (араблашган африкаликлар) ва берберлардан иборат. Аммо сўнгги 100 йиликда юз берган демографик ўзгаришлар, миграция, мустамлакачилик

сингари омиллар таъсирида миллий ва этник таркиб бир мунча ўзгарган дейишимиз мумкин. Яна бир хусусият – бу туғилиш даражасининг ўта юқорилиги ва унинг натижасида аҳол соннинг доимий ўсиб боришидир. Шимолий Африка давлатлари аҳолиси – 150 млн. кишидан ортиқ.

Ғарбий ва Марказий Африка эса ўз ичига 23 мамлакатни олади. Булар Нигерия, Камерун, Габон, Мали, Чад, Нигер, Сенегал, Гамбия, Гвинея, Гвинея-Бисау ва хоказолар бўлиб, Африканинг энг мураккаб минтақаси ҳисобланади. Бу ҳудудларда 1,5 мингдан ортиқ тил, лаҳжа ва диалектларда гаплашадиган, турли динларга (ислом, насронийлик ва анъанавий динлар) эътиқод қиладиган 600 дан ортиқ миллатлар, этник гуруҳлар ва қабилалар истиқомат қилади. Доимий қабилалараро урушлар, диний низолар, турли хил геноцидларнинг рўй бериши одатий ҳол ҳисобланади ва бу ҳолатдан Африка халқлари, аҳолиси, хаттоки флора ва фаунаси ҳам жиддий зарур кўради. Ғарбий ва Марказий Африканинг яна бир хусусияти бу ўта қашшоқлик, саводсизлик, очлик ва турли касалликларнинг ўчоғи эканлигидир.

Шарқий Африка эса Сомали, Жибути, Эритрея, Эфиопия, Кения, Танзания, Бурунди, Руанда, Уганда сингари 9 давлатни ўз ичига олади. Бу давлатлар ҳам юқорида келтириб ўтганимиз Ғарбий ва Марказий Африкадан фарқ қилмайди. Шарқий Африка ясси тоғликларида жойлашган ушбу давлатларнинг ҳам аксариятида қашшоқлик, очлик, турли касалликлар, саводсизлик ва қабилавий урушлар ҳукмронлик қилади.

Яна ўз ичига 9 та мамлакатни оладиган **Жанубий Африка** Конго ва Замбези дарёлари ҳавзасида жойлашган Ангола, Замбия, ЖАР, Свазиленд, Лесото, Сейшел ороллари, Маскарен ороллари, Комор ороллари ва Мадагаскардан иборат.

Қитъада, юқорида келтириб ўтганимиздек, минглаб халқлар, элатлар, этник гуруҳлар, қабилалар истиқомат қилади ва уларнинг деярли барчаси ўз тиллари ёки лаҳжаларида гаплашади. Маданий жиҳатдан ҳам турлитуманлиги кўпинчи улар ўртасидаги низолар, келишмовчиликларга сабаб бўлади. Яна бир муҳим хусусият – бу ҳар бир ҳудуд собиқ мустамаलाкиларининг тилларидан ўзлаштирган сўзлар кўплиги жиҳатдан давлат тили сифатида португал тили, голланд тили, француз тили, инглиз ва фламан тилларини жорий қилганлигидир. Бунинг асосий сабаби – ҳаммага тушунарли бўлиши учун европа тилларидан умумий фойдаланишга бўлган интилишдир ва бу ҳолат барчани қониқтиради.



Геосиёсий жиҳатдан ўта муҳим ҳудудда жойлашган қитъа Европа давлатлари учун бир вақтлар ҳақиқий “ҳазина” вазифасини ўтаган. Унинг табиий, жўғрофий, инсоний (асосан қулдорлик) ресурсларидан кенг фойдаланиши эвазига Европа давлатлари янада бойиган ва тараққиётга эришган бўлсаларда, Африка халқлари учун бу ҳақиқий фожиа эди. Мустамлакачиликка қарши бирлаша олмаслик, ўз манфаатларини англаб етмаганлик, турли қабилаларга бўлиниш, қолоқлик ва ночорлик каби ҳолатлар туфайли узоқ йиллар давомида Европаликлар томонидан эксплуатация қилинган, бойликлари талон-тарож қилинган, маданий турмуш тарзи оёқ ости қилинган. Ҳанузга қадар кўпчилик Африка давлатларининг иқтисодиёти асосан кончилик саноати ва қишлоқ хўжаликка таянади. Бунинг сабаби, юқорида келтириб ўтилганидек, қитъа жуда фойдали қазилмаларга бой. Олмос, уран, олтин, темир рудаси, алюминий, мисл ва бугунги кун энергетик тараққиётида энг муҳим стратегик хом-ашё ҳисобланган кобальт сингари табиий қазилма бойликларнинг асосий қисми айнан Африкада жуда кўп. Ўз ҳудудида қазилма бойликлар кам жамланган давлатлар эса қишлоқ хўжалиги асосида яшайди ва халқаро ҳамжамиятнинг ёрдами, ривожланган мамлакатларнинг кўнгиллилари тавсиялари, услубий кўрсатмалари билан туризмни, турли сафариларни ташкил қилишга ҳаракат қилмоқдалар ва айнан туризм баъзи мамлакатларнинг эса асосий даромад манбаига айланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги аста-секин ривожланаётган бўлсада, қитъада тоза сувнинг чекланганлиги, нафақат деҳқончилик, балки аҳоли ва чорва молларининг, шунингдек, ёввойи ҳайвонларнинг истеъмоли учун ҳам сув ресурсларининг етишмаслиги энг катта муаммо бўлиб қолмоқда. Сув ресурслари билан етарлича таъминланган ҳудудларда эса шакарқамиш, қаҳва, каноп ва пахта, маккажўхори, баъзи ҳудудларда ўта ноёб ёғоч маҳсулотлари етиштирилади.

Африкадаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, кўпчилик давлатларнинг сиёсий тизимида бугунги кунга қадар авторитар бошқарув хусусиятлари сақланиб қолмоқда. Баъзи давлатларда доимий давлат тўнтаришлари содир бўлиб туриши одатий ҳолга айланган. Бунда ёки ҳарбий ва ёки фуқаролик диктатуралар ўрнатилади ва уларнинг ҳам сиёсий барқарорлиги ёки давомийлиги узоқ бўлмайди. Доимий ҳокимият алмашинувлари ички ёки

ташки кучларнинг таъсирда амалга ошади. Қитъа мамакатларидаги аҳолининг ўта қашшоқлиги доимий инқилобларга ундайдиган шиор, омил сифатида намоён бўлади ва бундай вазиятлардан турли сиёсий кучлар ўз манфаат ва мақсадлари йўлида фойдаланади. Паст даражадаги демократия ва фуқаролик жамияти, биринчи томондан, қашшоқлик ва саводсизлик, қабилавий муносабатларнинг устунлиги иккинчи томондан этник низоларнинг тез-тез рўй беришига сабаб бўлади ва бунинг натижасида бутун бир қабилаларнинг қириб ташланиши ҳам юз беради. Бунга ўша **хуту ва тутси** қабилалари ўртасидаги қонли низоларнинг даҳшатини мисол келтириш мумкин. Ушбу жараёнлар халқаро ҳамжамият томонидан геноцид дея баҳоланган ва унда нафақат қабилалар ўртасидаги низо, балки чет кучларнинг ҳам аралашуви бўлганлиги қайд этилган.

2. Дунёдаги геосиёсий жараёнлар ҳар доим динамик тарзда мураккаблашиб бориши билан боғлиқ жараёнларда Африканинг ўзига хос ўрни, мавқеини алоҳида таъкидлашиб ўтишимиз лозим. Аслида Ҳиндихитой мамлакатларини, Жануби-Шарқий Осиё минтақасини мустамлакага айлантиришга бел боғлаган Европа давлатлари учун Африка жуда катта тўхташ ва нафас ростлаш, шунингдек, қурол-яроғ тўплаш ва тақсимлаш, армия шакллантириш, омборларга эга бўлиш борасидаги таянч маркази вазифасини ўташи лозим эди. Шу нуқтаи-назардан, Европа давлатлари аста-секин Африканинг қирғоқбўйи ҳудудларида ўз истехкомларини, таянч марказларини ташкил қила бошлаган бўлса, иккинчи босқичда улар Африкани кенг ўргана бошлаганлар ва каттадан-катта табиий бойликларга эга бўлган ҳудудларга дуч кела бошлаган. Аста-секин Африкани мустамлака ҳудудларига айлантириш билан бир қаторда, ўз ҳукмронликларини таъминлаш учун бу ерда турли қабилалар ўртасидаги низоларни, динлараро қарама-қаршилиқларни, миллий ва этник урушларни кенг рағбатлантириш эвазига минтақада ўз ҳукмронликларини ўрната бошлаган. Африка геосиёсий аҳамиятининг бир жиҳати, унда ўта арзон хом-ашё базасининг мавжудлиги, тобора ривожланиб бораётган жаҳон иқтисодиёти ва саноати учун эса ушбу базага эҳтиёжнинг катталигидир.

Аслида Африканинг геосиёсий мавқеи унинг Шимолий ва Шарқий чегаралари, яъниким Гибралтар буғози билан туташлиги, Ўрта ер денгиз қирғоқлари билан чегарадошлиги, Европани Осиё билан боғлайдиган Сувайш канали, шунингдек, Аден кўрфази сингари сув йўллари билан бевосита алоқадорлиги билан белгиланади. Ушбу салоҳият ичида Сувайш канали ва Аден кўрфази ўзининг стратегик мавқеи билан алоҳида ўринга эга. Жаҳон савдоси ривожланишининг асоси бўлган сув йўллари қўлга киритиш ҳар доим геосиёсатнинг стратегик йўналиши бўлганлиги барчамизга маълум. Шунинг учун ҳам дунёнинг қудратли давлатлари яқин юз йилликларда доим Сувайш каналини қўлга киритиш ёки унда ўзининг ҳукмронлигини ўрнатишга интилмоқда. Бунинг яққол мисолини 1959 йилда Буюк Британия, Франция ва Исроил томонидан Мисрга, аниқроғи Сувайш каналини қўлга киритиш учун олиб борган тажовузида ҳам кўришимиз

мумкин. Бундай геосиёсат бугунги кунда ҳам турлича шаклларда амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, дунёда стратегик хом-ашёларга нисбатан талабнинг ортиб бориши, жумладан, олмос, олтин ва замонавий ахборот технологиялар ривож, шунингдек, янгича энергетика тараққиёти учун ўта зарур ҳисобланган кобальтнинг Африкада захиралари кўплиги, қитъага **“анъанавий даъвогар давлатлар”**дан (Европа мамлакатлари, АҚШ, Россия, қисман Туркия) ташқари, Хитой, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Япония, Эрон, Яқин Шарқ араб давлатларининг ҳам геосиёсий манфаатларини ишлашга чорламоқда. Биргина Хитой ҳақида гапирганда, айтиш мумкинки, сўнгги йилларда иқтисодий ва технологик жиҳатдан жуда катта тараққиётни қўлга киритаётган ушбу мамлакат Африка давлатларининг энг катта инвесторларидан бирига айланди. Айниқса, Хитой томонидан денгиз савдо йўллари ва портларга бўлган қизиқиш мамлакатга Африка қитъаси бўйича жуда катта геосиёсий ютуқларни таъминламоқда ва унинг бундай кутилмаган геосиёсий ютуқлари эса ўз навбатида, юқорида келтириб ўтганимиз, Африкага ўзининг улуши сифатида қарайдиган **“анъанавий даъвогар давлатлар”**ни қаттиқ хавотирга солмоқда. Қитъа давлатларида эса ҳанузга қадар, илгари уни бутунлай мустамлака сифатида тасарруф этган Бельгия, Франция ва Буюк Британия, Италия ва Португалия каби давлатларнинг таъсири ўта юқори. Демак, Африка қитъаси атрофида ҳали олдинда жуда катта ва шиддатли геосиёсий манфаатлар тўқнашуви юз бериш эҳтимоли катта дея башорат қилиш мумкин.

Яна бир хусусият, бу динлараро ёки америкалик сиёсатшунос олим С.Хантингтоннинг назариясига биноан, цивилизациялар тўқнашуви билан боғлиқ хавотирли келажак ҳақида ҳам гапириб ўтиш мумкин. Юқорида келтириб ўтилганидек, қитъада юз бераётган тўқнашувларнинг аксарияти **диний қарашлар** асосида рўй бераётганлигига эътибор қаратиш лозим. Бир томондан Европа давлатлари, шунингдек, Ватикан томонидан олиб борилган ва бугунги кунга қадар у ёки бу шаклларда давом эттирилаётган миссионерлик ва прозелитизм шиддати, иккинчи томондан эса баъзи сиёсий, радикал кучлар, давлатлар томонидан ислом динига эътиқод қилувчи мамлакатлар аҳолиси орасида радикал ғояларни ёйишга, бошқа динларга нисбатан тоқатсизликка чақиришга бўлган интилишларнинг ортиб бориши натижасида бугунги кунда барқарор мувозанатга путур етадиган вазият шаклланимоқда. Жанубий ва Марказий Африка томондан насроний африкаликлар, Шимолий ва Шарқий мусулмон африкаликлар билан келажакда тўқнашуви рўй бериши, энг асосий геосиёсий курашлар Ғарб ва Шарқий мусулмон мамлакатлари муносабатларига кўчиши мумкинлигини ҳам тахмин қилиш мумкин. Яъниким, урушадиган томонларни ўзаро қўллаб-қувватлаш, қуроллантириш жараёнлари авж олиши, бунга турли мамлакатларнинг четдан туриб аралашувининг кучайиши ва натижада динлараро қонли низоларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши тўғрисидаги сиёсий таҳлиллар, башоратлар тобора кўпайиб бормоқда. Умуман олганда, келажакда Африка қитъаси Ғарб қўллаб-қувватлайдиган насронийлик ва

мусулмон давлатлари қўллаб-қувватлайдиган ислом тўқнашадиган ҳудуд сифатида қарашга мойиллик ҳам ортиб бораётганлигини афсус билан қайд этишимиз жоиз.

Африка геосиёсий хусусиятига тегишли бўлган **яна бир омил** – бу аҳоли сонининг доимий динамик ўсиб бораётганлиги, аҳолининг ўз туғилган мамлакатларида очлик, саводсизлик, ишсизлик, турли касаллик туфайли имкон қадар Европага қараб миграцион оқим ташкил қилаётганлигидир. Бу эса Европа учун жуда катта муаммоларни келтириб чиқараётганлиги, мигрантларни қабул қилиш, уларни махсус лагерларга жойлаштириш, зарурий ҳолатларда уларни квота асосида тақсимлаш, улар олиб келадиган турли касалликлардан ҳимояланиш, керак бўлса, таълими ва иш билан таъминлаш борасида катта муаммоларга дуч келаётганлигидир. Европа давлатлари учун гарчи, арзон ишчи кучи бўлсада, тегишли квалификацияга эга бўлмаган бундай катта оқимни қабул қилиш катта мураккабликларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам Европа Шимолий Африка давлатлари билан бу борада ҳамкорликка алоҳида аҳамият бераётганлиги, уларда қуйи Африкадан келадиган мигрантлар оқимини тўхтатиб қолиш учун махсус лагерлар барпо этишга кўмаклашишга ҳаракат қилиши ҳам табиий. Маълумки, Евопанинг жанубий чегараларини мустаҳкамлаш, асосан Гибралтар буғози, Ўрта ер денгизи ва Греция ороллари орқали кириб келадиган йўлларни жиддий назорат қилиш ҳам катта заруратга айланмоқда. Бу ҳолат, бугунги кунга келиб, Европа давлатларининг Африка билан муносабатларидаги асосий геосиёсий мақсадларига айланиб улгурди.

3. Африканинг қудратли давлатлар геосиёсий манфаатлар тизимидаги ўрни ҳақида гапирганда аввало, АҚШ, ЕИ, Хитой, Россия, Япония ва Туркия каби давлатларнинг минтақадаги тарихий ва замонавий манфаатлари ва фаолияти ҳақида сўз юритмоқ лозим.

АҚШ. Дунёнинг энг қудратли мамлакати сифатида эътироф этиладиган ушбу мамлакат аслида Африканинг кўплаб мамлакатларида ҳарбий базаларга эга. Лекин асосий расмий катта ҳарбий базаси Жибути давлатидаги Кэмп Лемонье бўлиб, ундан АҚШ 2001 йил жойлашган. Аммо, ҳар қандай ҳарбий операцияни жадал амалга ошириш учун АҚШ қитъанинг ҳар қандай бурчагида имкониятга эга. Берилган расмий маълумотларга кўра, бугунги кунда Африкада АҚШнинг умумий 7 мингдан ортиқ контингенти жойлашган. Уларнинг кўпчилиги қитъанинг ғарбий қисмида ва Африка шоҳида (Horn of Africa) жойлашган.

Шунингдек, Африканинг 12 нуқтасида АҚШ ҳарбий қисмлари жойлашганлиги мамлакатга жуда катта геосиёсий имкониятларни тақдим қилади. Биргина сўнгги ўн йилликлар мобайнида АҚШ томонидан Африкага жуда катта геосиёсий қаратилаётганлигининг асосий сабабларидан бири бу терроризм ва халқаро экстремизмга қарши курашиш билан бир қаторда, Россия ва Хитойнинг, Туркия ва баъзи араб давлатларининг таъсирини чеклашга, яқин иттифоқчиси Исроилнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Энди бевосита **Россиянинг** таъсири ҳақида гапириб ўтиш лозим. Маълумки, Африканинг геосиёсий имкониятларини, стратегик аҳамиятини яхши англаган Совет иттифоқи қитъадаги кўплаб давлатларга иқтисодий, маданий-гуманитар, ҳарбий, техникавий ёрдам кўрсатган, миллиардлаб қарз берган, халқ хўжалиги ва ҳарбий соҳа учун мутахассислар тайёрлаш, техник-технологик кўмак кўрсатиш борасидаги кўп ишларни амалга оширган эди. Шунингдек, мамлакат совуқ уруш даврида социалистик ғояларни кенг ёйиш ва совет давлати дўстларини кўпайтириш сиёсатини фаол олиб орган давлатдир. Собиқ иттифоқнинг парчаланиб кетиши билан боғлиқ жараёнларда Россия ўзининг қитъадаги мавқеини деярли йўқотган эди.

Аммо, XXI асрнинг бошларидан дунё бозорида нефть нархининг ошиб кетиши, умуман энергоресурсларга бўлган талабнинг тобора ортиши Россиянинг иқтисодий аҳволи яхшиланишига, бунинг ортидан давлат қудрати ва ташқи сиёсий амбицияларининг қайта тикланиши кузатилди десак, муболаға бўлмайди.

Дастлаб, Яқин Шарқда, хусусан Сурияда терроризмга қарши кураш учун амалдаги ҳокимиятни қўллаб-қувватлаш истагида ўзининг Хмеймим ва Тартусдаги ҳарбий базаларини кучайтириб олган, Башар Асад ҳокимиятини асраб қола олган Россия, иккинчи қадам сифатида Шимолий Африкадаги Ливия давлатидаги сиёсий жараёнларга аралаша бошлади. Россия доим халқаро санкциялар остида яшаётган Ливия жумҳурияти раиси Муаммар Қаззофийни қўллаб-қувватлаб келар эди. НАТО томонидан олиб борилган ҳарбий операциялар ва қўзғолончиларнинг мамлакатнинг катта ҳудудларини эгаллаб олиши билан боғлиқ жараёнларда Қаззофийнинг ўлдирилиши Россия геосиёсий манфаатлари учун маълум маънодаги зарба бўлган бўлсада, ундан кейин айнан ўша қўзғолончиларнинг етакчиларидан бири бўлган, амалдаги халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган ҳукуматга қарши курашаётган Халифа Хафтар билан сиёсий мулоқот ўрнатди ва уни Москвада бир неча бор қабул қилди. Керакли қурол-яроғ билан таъминлаганлиги, молиявий қўллаб қувватлаганлиги тўғрисидаги хабарлар ҳам халқаро майдонда тарқалди. Лекин бу ҳолат Россиянинг Европа Иттифоқи, АҚШ ва Туркия билан зиддиятга боришига сабаб бўлмоқда ва бу ҳолатдаги низолар давом этмоқда.

Шу билан бирга, Россия Африканинг кўплаб давлатларининг СССР давридаги қарзларидан кечиб, улар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга кенг ҳаракат қилмоқда. Шундай давлатлардан бири, Африканинг энг қудратли ва ривожланган давлатларидан бўлган Жанубий Африка Республикасидир. Ушбу мамлакат билан БМТ, Катта йигирматалик, БРИКС (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва жанубий Африка ташкилоти – ингл. BRICS) сингари ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилаётганлигини алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Эндиги қудратли давлатлардан бири **Хитой** ва унинг Африкадаги геосиёсий манфаатлари ва фаолияти ҳақида сўз юритсак. Африканинг кўплаб мамлакатлари учун охирги 15 йил Хитой билан савдо алоқаларини мустаҳкамлаш даври бўлди дейиш мумкин. Хитой ҳозирда Африканинг энг йирик инвесторига айланди. Қитъанинг мустамлакачилик ўтмиши учун

айбдорлик мажмуини бошқарган Европа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, узоқ вақтдан бери инсонпарварлик ёрдамига ва Африка қарзларини камайтиришга эътибор қаратган Хитой, дарҳол савдо ва сармояга асосий урғуни қаратди. Бу Африкани гуманитар ёрдамга боғлиқ бўлган қитъадан хусусий инвестицияларга боғлиқ қитъага айлантирди.

Бу борада Хитой АҚШ ва ЕИни қувиб ўтганлиги, сиёсат эмас, балки амалий иқтисодий, инфраструктуравий, инвестицион лойиҳаларни амалга ошираётганлиги, ҳаётий вазифаларни амалга ошираётганлиги ўзининг асосий геосиёсий мақсадларига эришмоқда дейиш мумкин. Хитойнинг Африкага бўлган қизиқиши тушунарли. Минтақада улкан табиий ресурслар захиралари, қишлоқ хўжалигига яроқсиз ерларнинг қарийб 60 фоизи, сотиб олиш қобилияти ўсиб бораётган улкан ички бозор ва салоҳиятли армия, шунингдек, кам маош оладиган ишчи кучи борлиги Хитой учун янада қўл келаётганлигини қайд этиз жоиз. Сўнгги йилларда табиий ресурслар импортини диверсификация қилиш Хитойнинг энергетика стратегиясининг асосига айланди. ХХР доимо янги имкониятларни қидириши билан, африка муҳтож бўлган иқтисодий кўмак ва инвестиция тақдим эта олиши билан Афрканинг деярли барча мамлакатлари “кўнглига йўл томоқда”. Шу билан бирга, ХХР Африкадан импортда табиий ресурслар улушининг камайиши ҳақида бир неча бор баёнот берганига қарамай, улар савдонинг асосий компоненти бўлиб қолмоқда. Умуман, 2020 йилда Африкадан хом нефт импорти Хитой еҳтиёжининг 30 фоизини қоплаган. Шу билан бирга, нефт Хитойнинг Африка мамлакатларидан импортининг 64% ни ташкил қилади. Африка, шунингдек, Хитойнинг темир рудаси импортининг 6 фоизини (асосан Жанубий Африкадан) ва миснинг 8,3 фоизини (асосан Замбиядан) беради. Африка-Хитой ҳамкорлигининг формуласи “ресурслар евазига ёрдам” дир. Африкада йўллар ва инфратузилмани қуриш бўйича кўплаб лойиҳалар прагматик нуқтаи назардан Хитой бизнесини қизиқтирмоқда ва бу борада келажакда ўз геосиёсий манфаатларини осонлик билан амалга ошириш учун катта инвестицияларни сарфлаётганлигини ҳам кўришимиз мумкин. Қўлланмамизнинг Хитойн геосиёсий мақсадлари ва имкониятлари мавзусида ҳам ушбу масалалар ёритилганлиги нуқтаи-назаридан бу мавзуга ортиқча чуқурлашиб ўтирмаймиз.

Энди Африка узоқ йиллар ҳукмронлик қилган ва фундаментал геосиёсий манфаатларига эга бўлган **Европа давлатлари** ҳақида сўз юритсак. Юқорида таъкидланганидек, тарихан Африкани ўз мустамлакасига айлантирган, унинг табиий ва инсоний ресурсларидан хохлагандек фойдаланган Европа давлатлари, жумладан, Бельгия, Франция, Италия, Испания, Португалия ва Буюк Британиялар ўзларининг қудратли геосиёсий манфаатларига эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Барча манфаатлар биринчи галда ресурсларга, у табиий ёки энергетик бўладими, инсоний ёки жўғрофий макон бўладими фарқи йўқ. Чунки, бутун Европа бугунги кунда Россия ва Яқин Шарқ давлатлари энергетик ресурсларига қарамлик таъсиридан чиқишга зўр бераётган даврда Африка жуда қўл келади ва бу ҳолат тарихий бир неча уринишларда ўз аксини топган.

Айниқса, Ливия ва Нигерия нефти Европа учун ўта муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик лозим. Биргина Нигерия ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, мамлакат иқтисодиёти асосан Ғарбий Европа ва АҚШга нефт сотишдан тушган даромадлар ҳисобидан таъминланади. Shell (ишлаб чиқаришнинг 52 фоизини бошқарадиган), ExxonMobil, Chevron, ConocoPhillips, Eni, Total ва Addax каби нефт гигантлари Африка бойликларини энг кўп қазиб олаётган ва жаҳон бозоиға чиқараётган компаниялар эканлигини унутмаслик лозим. Бу ҳам масаланинг юздан бири. Лекин шунча бойлик сотилсада, халқларнинг аҳволи яхшиланмаган. Ишсизлик, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, кўча жиноятчилиги Ғарб компанияларининг ёки улар томонидан олиб борилган сиёсатнинг маҳсули сифатида пайдо бўлганлиги кўплаб мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда. Муаммоларни радикал ечим сифатида, ҳарбийлаштирилган ташкилотлар ҳам пайдо бўлди - Нигер дарёси дельтасини озод қилиш ҳаракати, МЕНД, Бойс Бакасси, Африкалик Егбесу, нефт қувурларида мунтазам портлашлар содир этиб, Ғарб фирмаларининг ходимларини ўғирлаб кетишади ва пул талаб қилишади. Шунингдек, "Боко Ҳарам" ва бошқа салафий ташкилотлар, "Ал-Қоида" ва баъзи Ғарб давлатлари сиёсатининг маҳсули эканлиги ҳам экспертлар томонидан қайд этилмоқда.

Шунингдек, қитъада бошқа кўплаб мамлакатлар ва кучларнинг, манфаатлари мавжуд бўлиб, булар турли кўринишларда, шакл ва фаолият турларида намоён бўлмоқда. Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Япония, Канада, Жанубий корея сингари давлатлар, шунингдек, баъзи Яқин Шарқ араб давлатлари ҳам африкада ўз геосиёсий манфаатларига ва мақсадларига эга эканлиги, улар томонидан олиб борилаётган геосиёсат қитъа давлатлари ва халқлари учун доим ҳам фаровонлик, тинчлик, барқарорлик ва юксалиш келтираётгани йўқ. Кўпинча уруш, низолар, қашшоқлик, турли касалликлар, одам савдоси, террор, одам ўғирлаш ва сотиш каби муаммолар ҳам геосиёсий мақсадлар ва фаолиятнинг таъсири бўлиб қолмоқда.

Кўплаб мутахассисларнинг таъкидлашларича, агарки Африка учун ажратилаётган маблағлар, уларга қурол-яроғ учун эмас, балки таълим ва тиббиёт учун сарфланганида қитъада барқарорлик, тинчлик, фаровонлик юзага келиши учун етади. Лекин афсуски, бу муаммоларга эътибор қаратиш учун жаҳон ҳамжамияти етарлича ирода намоёиш қила олмаяпти.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1. Африка қитъасининг жўғрофий имкониятлари ва табиий ресурслари нималарда ўз аксини топган?**
- 2. Африкада геосиёсий рақобат ва мураккабликлар нималарда намоён бўлмоқда?**
- 3. Қудратли давлатлар геосиёсий манфаатлари таъсири ҳақида сўзлаб беринг.**
- 4. Африка учун мустамлакачилик сиёсати келтирган зарур ва оқибатлар ҳақида нималарни биласиз?**

**БЕШИНЧИ МАВЗУ. Яқин Шарқ геосиёсий манфаатлар тизимида:
минтақанинг геосиёсий мавқеи ва унинг
халқаро муносабатларда акс этиши**

Режа:

- 1. Яқин Шарқнинг геосиёсий мавқеи ва минтақадаги сиёсий жараёнлар тарихига бир назар**
- 2. Минақада қудратли давлатлар геосиёсий манфаатлари ва миллий этник жараёнлар**
- 3. Яқин Шарқ минтақасидаги геосиё жараёнлар шаклланишига таъсир кўрсатадиган омиллар**

1. Замонавий жаҳон сиёсатининг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб турган Яқин Шарқ минтақаси ва унинг халқаро муносабатлардаги ўзига хос ўрнига нисбатан дунё миқёсида олиб борилган тадқиқотларнинг катта қисми тўғри келади. Бунинг ўзига хос сабаблари бўлиб, улар асосан минтақанинг табиий-географик ўрни, геосиёсий, геоиқтисодий аҳамияти, энергетик ресурсларга бойлиги, қадим маданиятлар ва диний қарама-қаршиликларнинг ҳар доим маркази бўлиб келганлиги, мафкуравий зиддиятларнинг кучайиб борганлиги каби омилларда ўз аксини топди. Шу сабабли ҳам минтақанинг аҳамияти ва ундаги сиёсий жараёнларнинг шиддати XX асрда янада ортди. «Ҳар бир минтақа хавфсизлигини таъминлаш муаммолари муайян моҳиятга эга. Шунингдек, ҳар бир минтақанинг ўз хусусиятлари, ўз таҳдид манбалари ва хавфсизлигини сақлаш омиллари бор».



Яқин Шарқ минтақасидаги мамлакатлар, маълум бир сиёсий кучлар, гуруҳлар, трансмиллий корпорацияларнинг манфаатлари кесишуви доимий мавжуд бўлган. Шуниси диққатга сазоворки воқеликларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва бошқа омилларни ёритишга, прогнозлаштиришга қаратилган тадқиқотларда Яқин Шарқ минтақасидаги сиёсий жараёнлар ва араб давлатларининг халқаро муносабатлардаги иштироки масалалари кенг ёритилган. Бу борадаги тадқиқотлар асосида минтақадаги сиёсий жараёнлар

хақидаги қарашларни ўрганиш учун аввало, минтақада узоқ вақтлардан бери ўз манфаатларига, сиёсатига эга бўлган давлатлар томонидан яратилган тадқиқотларни ўрганиш ҳам муҳим ўрин тутди. Яқин Шарқ минтақасида жойлашган араб давлатлари ўзига хос мавқега эга бўлиб жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларда турли хил тенденциялар шаклланишига таъсир кўрсатадиган даражада салоҳиятга эга бўлиб қолмоқда.

Маълумки, Яқин Шарқ араб давлатлари ўзининг миллий-этник, диний, геоиктисодий, тарихий маданий, маънавий ва мафкуравий хусусиятлари асосида дунёнинг бошқа минтақаларидан фарқланиб туриши билан бир каторда, унинг геосиёсий ҳолати ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ўтмишда ушбу ҳудудга эгалик қилиш учун Форс ва Усманийлар империяси, Португалия, Голландия, Германия ва АҚШ кураш олиб бориб турли муваффақиятларга эришишган. Тўсиқлар мавжуд бўлсада Россия сиёсати ҳам айнан шу мақсадга қаратилган. Жўгрофий жиҳатдан Яқин Шарқ дунёнинг уч қисмини, Европа, Осиё ва Африкани боғлайдиган муҳим минтақадир. Шу сабабли ҳам асрлар давомида қудратли давлатларнинг бу ҳудудга нисбатан манфаатдорлиги юқори бўлиб, улар ҳар доим ушбу минтақа устидан назорат ўрнатишга, уни ўз тасарруфига олишга интилишган.

Шарқ цивилизацияси қанчадан қанча илмий кашфиётларни дунё тамаддунига тақдим қилганлиги, инсоният учун кўплаб янгиликларни яратганлиги, тараққиётга хизмат қиладиган жуда катта давлатчилик ва инсонпарварлик тафаккурини тақдим қилганлигига қарамасдан, дунёнинг шиддатли тараққиёти ушбу цивилизацияни деярли Ғарб цивилизациясига қарам қилиб олишга эришди. Шарқ цивилизацияси дунё тараққиётидан ортда қола бошлади, дея таъкидлаган америкалик олим Фредерик Старр. Араб давлатлари иқтисодий-ижтимоий қолоқликни бартараф этиш, маданий тараққиётдан ортда қолмаслик, ташқи таҳдидларга қарши тура олиш салоҳиятини тиклаш каби муаммоларни ҳал қилиши ўта муҳим аҳамият касб этарди. Бундай имкониятларни қўлга киритиш учун эса, биринчи галда араб давлатлари ўртасидаги муносабатларини мустаҳкамлашга бўлган эҳтиёжини кондириш зарур эди.

Яқин Шарқ қадим цивилизация ўчоқларидан саналиб, дунёдаги уч дин, яъни яҳудийлик, насронийлик ва исломнинг бешиги ҳисобланиши, бу ҳудудда турли маданиятлар мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Зеро, фақатгина Ислом цивилизацияси устунлигига эга, дея эътироф этилаётган ушбу ҳудудларда насронийлик ва яҳудийлик динининг ҳам устунликка интилиши сабабли кўплаб низолар вужудга келган. Минтақада йиллар мобойнида давом этиб келаётган геосиёсий курашларнинг асосида айнан мафкуравий ва диний қарама-қаршиликларни кўришимиз мумкин.

XX асрнинг иккинчи ярмида минтақада мафкуравий, маданий курашлар, зиддиятларнинг кучайиб борганлиги, дунёнинг сиёсий манзарасини ўзгартириб, халқаро муносабатларнинг ҳал қилувчи кўринишдаги жараёнларига сабаб бўлди. Америкалик олим С.Хантингтон «Дунё сиёсатида цивилизациялар тўқнашуви устун омил бўлиб,

цивилизациялар ўртасини ажратиб турадиган масофа – бу айнан келажагдаги фронтларнинг масофаларига айланади» – деган фикрни илгари сурган. Дарҳақиқат Яқин Шарқ минтақасида цивилизациялар тўқнашувининг амалдаги ифодаси сифатида кўзга ташланиши билан боғлиқ тенденцияларни намоён қилди.

Асрлар давомида динлар ва маданиятларга нисбатан толерантликни намоён қилган, энг муҳими, ислом ва бошқа динларни маркази ҳисобланган Яқин Шарқ давлатларидаги вазиятни янада чигаллаштиришга, беқарорлаштиришга нисбатан ҳаракатлар XX асрнинг иккинчи ярмига келиб тобора кучайиб борди. Энди минг йиллар давомида елкама-елка яшаб келган турли маданиятлар, мафкуралар, динлар бир-бири билан тўқнаш кела бошлади.

Шарқшунос олим Н.Абдуллаев тадқиқотида келтирилганидек «Яқин Шарқ минтақасидаги можаролар асосан ҳудудий, этник, диний, ижтимоий, сиёсий ва ресурслар билан боғлиқ низолар натижасида юзага келган. Улар аста секин можаронинг энг юқори нуқтаси ҳарбий можарога айланган». Бундай кескинликларнинг сабаби ушбу омилларга боғлиқ бўлиб, ҳудудда можаролар қанчалик кескинлашиб борса, қудратли давлатларнинг позициялари ҳам мустаҳкамланиб, уни янада кучайтириш имконияти ортиб борди. Охирги етмиш йил мобайнида ушбу минтақа содир бўлган низолар сонининг кўплиги билан фарқланиб туради. Чунки айнан Яқин Шарқда содир бўлган низолар ва можароларнинг кўп сонлилиги дунёнинг ҳеч бир минтақасида кузатилмаган.

Минтақа имкониятларининг юқорилиги айнан кескинликларнинг ошишига сабаб бўлган омиллардан ҳисобланган. Яъни, Яқин Шарқ жаҳон бозорига олиб чиқадиган, дунё товарлари ва хом-ашёси айланиши учун ўта муҳим стратегик йўл ҳисобланади. Транзит имкониятларнинг кенглиги минтақа геосиёсий аҳамиятини таъсирчан асосий мезон бўлиб, Форс кўрфази, Ормуз қўлтиғи, Босфор буғози, Сувайш канали каби жаҳон савдо ва товар айланмасида стратегик аҳамиятга молик транзит йўлакларининг ўзи минтақанинг жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлардаги мавқеини белгилади. Зеро, айнан ушбу савдо йўллариининг дунё миқёсидаги аҳамияти ва муҳимлиги фақатгина XX асрда эмас балки, XVI асрдан бошлаб ўзининг бошланғич нуқтасига эга бўлган. Шу туфайли ҳам минтақадаги сиёсий ва иқтисодий муносабатлар ўз ўзидан ҳудудий муаммоларга чамбарчас боғланган.

Россиялик сиёсатшунос олим А.Шумилиннинг тадқиқотида Яқин Шарқ минтақасининг халқаро майдондаги нуфузи ошиши ҳудуддаги геоиқтисодий курашларнинг авж олишини ўзига хос объектив ва субъектив сабаби сифатида минтақада кўплаб нефт конларининг очилиши асос қилиб кўрсатилган. Ўтган асрнинг бошларида Яқин Шарқ минтақасида фаолият юритган инглиз айғокчиси полковник Томас Эдвард Лоуренс томонидан ушбу ҳудуд жуда катта нефт ва газ сингари табиий ресурсларга эгалиги, шунинг учун ҳам минтақани қўлдан чиқармаслик йўллариини топиш лозимлигига доир Буюк Британия учун тақдим қилинган маълумотлар

минтақа учун геосиёсий курашларнинг кучайишига сабаб бўлди. Жаҳон ҳамжамияти учун айнан Яқин Шарқ минтақаси дунёдаги энг йирик энергетик ресурсларга бойлиги билан фарқланиб, жаҳон энергетик бозори ва савдосида ўта муҳим ўрин эгаллайдиган минтақа сифатида шаклланди.

Тарихчи олим Ц.М.Чикаидзенинг таъкидлашича, «Буюк Британия, Франция, Германия ва АҚШ учун араб Шарқининг жозибадорлиги фақатгина бу минтақадан Европа, Осиё ва Африкани боғловчи асосий йўллар ўтганлигидагина эмас, балки жуда катта нефт захираларига бой бўлган минтақани ўз тасарруфига олиш истагида бўлган қудратли Ғарб давлатларининг ҳарбий-стратегияси ва сиёсий ҳукумронлигига интилишида намоён бўлади».

Шарқшунос олим З.И.Мунавваров келтириб ўтганидек «... нефт кашф этилгунга қадар дунё сиёсий-ҳарбий, иқтисодий ва маданий-мафкуравий тараққиётининг асосий йўналишларини белгилашда ҳал қилувчи омилликка даъвогар кучлар томонидан бу минтақага асосан, қулай жўғрофий-стратегик мавқе, деб қаралган бўлса, нефт конлари очилгач, хусусан бу ердаги нефтнинг ниҳоятда олий навлиги ва захиралари ҳажмининг улканлиги исботлангач, бу жой юқорида ишора этилган кучлар учун ҳаётий манфаатлар аҳамиятини касб этди».

Яқин Шарқ мамлакатларининг катта энергетик салоҳияти ҳар доим ҳам уларнинг фаровонлигига хизмат қилмади ва бу ҳолат ушбу мамлакатларга қудратли давлатларнинг геосиёсий стратегияларининг турли тарзда шаклланишига олиб келди. Европалик олим Саул Коэн Яқин Шарқ минтақасига нисбатан «парчаланиш тасмаси» (ингл. shatterbelt) терминини ишлатиб, «Яқин Шарқ қудратли давлатлар манфаатлари тўқнаш келадиган, бир қатор бир-бирига қарама қарши давлатларни қамраб олган, стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади», дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, минтақа бойликлари учун курашлар ҳар доим кескинлашиб, XX асрнинг иккинчи ярмида сиёсий, иқтисодий жараёнларда шиддатли тус олиб мураккаблиklar майдонига айланди.

XX аср Яқин Шарқ араб давлатлари ҳаёти учун шиддатли жараёнларга бой бўлди. Айниқса, дунё миқёсида иккита жаҳон урушининг содир бўлиши, инсоният бошига кўплаб кулфатларни келтирганлиги, ундан «ғолиб» чиққан давлатларнинг геосиёсий манфаатлари кенгайиб, дунё давлатларини ўзларига қарам қилиш борасидаги «интилишлари» кучайиши туфайли дунёда нотинчлик ҳукмрон бўла бошлади. Ушбу урушлар Яқин Шарқ араб давлатларига тўғридан-тўғри катта талофат келтирмаган бўлсада, дунё урушидан чиққан давлатларнинг бойитиш манбаларидан бирига айланди. В.Стивенс иккинчи жаҳон урушидан кейинги жараёнларда, айнан Яқин Шарқ ва ушбу минтақада жойлашган давлатлар деярли барча низоларнинг асосий нишони бўлганлигини таҳлил қилиб ўтган.

Сиёсатшунос Ф.Каримов тадқиқотида келтирилганидек «XX асрнинг бошида Ғарб давлатлари томонидан ўз геосиёсий мақсадлари йўлида Яқин Шарқ минтақасидаги турли миллат ва диний-конфессия гуруҳлари бир неча давлатларга бўлиб ташланди». Яқин Шарқда сиёсий жараёнларнинг асосий

қисми, бевосита Буюк Британия ва Франциянинг минтақа ҳаётига аралашуви, ҳудудда турли монархияларнинг ташкил топиши ва сиёсий тартиботнинг ўзгариши шунингдек, собиқ Совет Иттифоқи ва АҚШнинг ўзаро рақобати асосида динамик тарзда ўзгариб борди.

Н.Абдуллаев собиқ Совет Иттифоқи ва АҚШнинг ўзаро рақобат жараёнини таҳлил қилиб «АҚШнинг Яқин Шарқ минтақасидаги манфаатлари уч тоифага тақсимланган: минтақада Совет Иттифоқи таъсири кенгайишига йўл қўймаслик; нефть манбаларини назорат қилишдан манфаатдорлик; Исроил давлати ривожланишини таъминлаш».

Таҳлиллар натижасида XX асрда Яқин Шарқ араб давлатларида содир бўлган сиёсий жараёнларни тадқиқ қилиб қуйидагича таснифладик:

-ҳудуддаги давлатларнинг сиёсий мустақиллик учун курашлари; маълумки, Яқин Шарқдаги араб давлатларининг мустақилликни қўлга киритиши асосан, XX асрда юз берганлигини инобатга олиш зарур. Зеро бу даврга келиб минтақада Буюк Британиянинг мустамлакачилик сиёсати барбод бўлиши натижасида араб давлатлари босқичма босқич мустақилликка эришди. Аммо бу билан араб давлатлари шаклланиши, қайта ташкил топиши ва ўзгариши билан боғлиқ сиёсий архитектураси ҳали ўз якунига етмаган эди. Шундай бўлсада, араб давлатларининг мустақилликка эришиши, давлатлар ўртасида кенг ҳамкорликнинг йўлга қўйилишига замин яратди.

- Минтақа давлатларининг иқтисодий-молиявий имкониятлари ўсиши; XX асрнинг бошларида минтақада нефть ва бошқа энергетик захираларнинг аниқланиши натижасида араб давлатлари иқтисодий-молиявий имкониятлари ортиб, табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига иқтисодий кўрсаткичи ўсди. XX асрнинг иккинчи ярмида, дунё бозори энди тараққиёт ва истеъмол жиҳатдан Яқин Шарқдаги ушбу ресурсларга тўлиқ боғланиб қолдилар. Натижада, энергетик ресурслар экспортдан келадиган маблағлар ҳисобига минтақадаги давлатлар юқори молиявий имкониятларни қўлга кирита бошладилар. Биргина Саудиядаги Saudi Aramco компаниясининг жаҳон бозоридаги улуши 1/10 ни ташкил қилади. Шу нуқтаи-назардан, минтақанинг барқарорлиги дунё бозорининг ҳолатини белгилаб берарди. В.Ахмадулин тадқиқотида «бутун дунё барқарорлиги учун бу минтақадаги ижтимоий-сиёсий ҳолатнинг қандай бўлиши катта аҳамиятга эга», - дея эътироф этади. Бундан ташқари, айнан иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Саудия қироли Файсал томонидан олиб борилган «оқилона» сиёсат туфайли Яқин Шарқнинг манфаатлари ҳам юзага чиқа бошлаганлигини айтиб ўтиш лозим. У томонидан илгари сурилган ва амалга оширилган сиёсат, ҳақиқатда араб давлатларининг манфаатларини дунё миқёсида ҳимоя қила олди.

- зиддиятлар, уруш, можаролар, шунингдек, диний, этник, миллий, сиёсий қарама-қаршиликларнинг вужудга келиши;

Ушбу жараёнлар қуйидаги воқеликлар билан ҳам характерланади:

1. Фаластин ҳудудида Исроил давлатининг ташкил топиши;
2. Сувайш инқирози;

3. бир неча марта юз берган ва ҳанузгача ечимини топмаган Араб-Исроил урушлари;

4. араб монархияларининг ташкил топиши ва минтақа сиёсий архитектурасининг ўзгариши;

5. сиёсий инқилобларнинг содир бўлиши;

6. араб давлатлари ўртасидаги ўзаро тўқнашувлар (Ливан-Сурия, Ироқ-Эрон ва б. низолар) ва ҳоказолар алоҳида ажралиб туради.

«Яқин Шарқ можаросини бирор бир можаро турига таққослаб бўлмайди, хусусан араб дунёси ва Ғарбнинг сиёсий таҳлилчилари фикрига мувофиқ можаролар жуда кўп тоифа, тур ва шаклларга бўлинади». Минтақадаги можаролар таснифи:

- XX асрнинг иккинчи ярмида Яқин Шарқ араб давлатлари бошдан кечирган воқеаларнинг энг шиддатлиси ва дунё сиёсатида ҳанузгача ўз ечимини топмаган сиёсий муаммо – Фаластин ҳудудида Исроил давлатининг ташкил топишидир. Ушбу масала кўплаб тадқиқотларда ёритилиб, жаҳон миқёсидаги сиёсий жараёнларда энг кўп тилга олинган. А.Ерковнинг фикрига кўра «1947 йилда Араб-Исроил ҳудудий чегараланишини амалга оширилиши, орографик (аниқ чегаралар белгиланиши) геоморфологик (жўғрофий имкониятлар) ва гидрологик таркибий қисмларнинг ҳисобга олинмаганлиги шароитида амалга оширилди ва бу ҳолат, бошқа муаммолар билан бир қаторда, тинчлик ўрнатиш жараёнини ҳам янада қийинлаштирди».

Россиялик тарихчи олим Г.Исаевнинг таъкидлашича «Англия мандати остида бўлган Фаластин масаласи 1947 йилда БМТнинг № 181 Резолюцияси асосида ўзининг бир томонлама ечимини топди. Чунки унда Англия ушбу мандатдан воз кечганлигини эълон қилиш билан бир қаторда, Фаластин ҳудудида иккита давлатни, Яҳудийлар ва араблар давлатини ташкил қилиш таклифини ўртага ташлади» [155: Б.39]. Араблар гарчи бу режани рад қилган бўлсаларда, яҳудийлар томонидан ушбу режа уларнинг тарихий орзуси амалга ошганлиги сифатида қабул қилинган. 1947 йил 29 ноябрда Исроил давлатининг ташкил этилиши инсоният тарихи, Яқин Шарқнинг келажаги учун янги бир даврни бошлаб берганлигини қайд этиш лозим.

Чунки, Исроил давлатининг ташкил қилиниши минтақанинг келажакдаги кўплаб беқарорлик омилини белгилаб берди. Муаммонинг энг хавфли томонларидан бири – бу минтақа давлатлари ўртасида сунъий равишда Исроил агрессиясидан хавфсирашнинг пайдо бўлиши ва барча давлатларнинг қуролланиш учун миллиардлаб маблағ сарфлашидир. Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт, Қатар, Уммон, Бахрайн ва бир қатор араб давлатларининг ҳарбий соҳага ажратаётган маблағлари йилдан-йилга ўсиб борган. Ўз навбатида бу жуда катта қурол-яроғ бозорининг шаклланишига ва ҳарбий саноати ривожланган мамлакатларнинг ушбу бозор учун рақобати кучайишига олиб келган[77:Б.1-19]. Рақобат эса ўз-ўзидан геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатларнинг янада кескинлашувининг муҳим омили ҳисобланди. Ижтимоий, иқтисодий, демографик, гуманитар муаммоларнинг кўпайиб боришига қарамасдан, давлатлар замонавий қуроллари сотиб олишга зўр берганлиги, ўзаро турли

низоларни келтириб чиқарганлиги, ўз манфаатларини бошқа мамлакатлар манфаатларидан доимо устун қўйганлиги вазиятга салбий таъсир кўрсатган[200: Б.56].

- Низолар ичида энг шиддатли урушлардан бири бу - Сувайш инқирозидир. 1869 йил Сувайш каналининг очилиши дунёнинг уч қисми, яъни Европа, Осиё ва Африкага олиб чиқадиган савдо йўллари қисқаришига олиб келди. Айнан Сувайш канали Европа, Осиё ва Африкани боғлайдиган муҳим стратегик аҳамиятга эга. Каналнинг ишга туширилиши дунё миқёсида ўз ўзидан янги геосиёсий вазиятни вужудга келтириб, кудратли давлатларнинг Қизил ва Ҳинд денгизини боғловчи йўл устидан назорат ўрнатишга интилиши туфайли ўзаро курашларга асос бўлди. Жумладан профессор Г.Ҳидоятонинг фикрича, «биринчи жаҳон уруши жараёнларида англияликлар, урушдан сўнг араб давлатларида кескин ўзгаришлар содир бўлишини ҳамда араб миллий-озодлик ҳаракатларига қарши туришнинг янги омилларини топиш зарурлигини англаб етгандилар. Улар учун биринчи ўринда Сувайш каналига кафолатли эгалик ҳуқуқини ўрнатиш лозим эди».

2. Ғарб давлатларининг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашиш XX асрнинг иккинчи ярмида Яқин Шарқда тобора авж олиб, миллий мустақиллик сари ҳаракатларнинг ривожланиши натижасида Франция ва Англиянинг ўз мустамлакаларидан ажралиб қолиш эҳтимоли ортиб борди. Бунга асосий сабаблар сифатида жаҳон уруши натижасида бу давлатларнинг мустамлакаларни ушлаб туриш учун сиёсий ва иқтисодий имконияти чекланганлиги ва денгизорти мустамлакаларига эгалик қилиш кудратидан аста-секин маҳрум бўла бошлаганлигида эди. Айниқса, минтақа давлатлари ичида катта ҳудудга эга, минтақа давлатларига нисбатан ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий маъқси юқори бўлган Миср Яқин Шарқда стратегик аҳамияти юқори ҳисобланади. М.Муҳаммадсидиқов таъкидлаганидек «Географик жиҳатдан Европа, Осиё ва Африка қитъалари туташган ҳудудда жойлашган ҳамда Ғарб давлатларини араб нефти билан таъминловчи Сувайш каналига эга бўлган Миср давлати нафақат минтақавий, балки халқаро миқёсда муҳим стратегик ўринга эга»[90: Б.97-98]. 1953 йил Мисрда қирол Фуаднинг тахтдан афдарилиши натижасида қироллик ҳокимияти йўқ қилиниб, Республика давлат тузуми ўрнатилди. 1956 йилнинг июлига келиб мамлакатда Сувайш каналини национализация қилиш тўғрисида қонун қабул қилинди. Бу ҳолат Ғарб мамлакатлари томонидан уларнинг манфаатларига тажовуз сифатида баҳоланди ва Мисрга нисбатан иқтисодий санкциялар қўлланди. Бундан ташқари, Англия, Франция ва Исроил давлатлари томонидан Мисрга нисбатан ҳарбий тажовуз амалга оширилди.

1956 йилда Мисрга қарши уч давлат яъни, Франция, Буюк Британия, Исроилнинг тажовузи билан боғлиқ сиёсий жараён Сувайш инқирози, дея номланиб, ушбу сиёсий жараён мустамлакачиликка, Ғарб давлатларининг ушбу ҳудуддаги ҳукмронлигига қарши курашларни бошлаб берган. (Манбаларда Сувайш инқирози номи фақатгина собиқ Иттифок ҳудуди ва араб давлатларига хос бўлиб, 1956 йилда содир бўлган ушбу уруш Ғарб

давлатлари тарихий манбаларида «Сувайш уруши» ёки «1956 йилдаги уруш», деб номланган. Шунингдек, бевосита уруш иштирокчилари бўлган Буюк Британия ва Франция манбаларида «Кадеш операцияси», уруш уч давлат томонидан амалга оширилганлиги сабабли «Мушкетер операцияси» сифатида қайд этилган. Исроил манбаларида эса ушбу урушга «Кадеш» операцияси, «Юз соатлик уруш» ва ҳоказо таърифлар берилган. Баъзи манбаларда эса шунчаки, Сувайш-Синай уруши, 1956 йилги араб-Исроил уруши ёки «Сувайш кампанияси» сифатида эътироф этилган).

Ушбу ҳарбий тажовуз натижасида Миср нафақат Синай ярим оролидан, балки, мамлакат иқтисодиётининг асосий манбаси ҳисобланган Сувайш каналидан жудо бўлди. Учлик томонидан ўйланган асосий режа «мазкур масалага аралашиб қобилятига эга бўлган Совет иттифоқини Венгриядаги можаролар билан бандлиги ва у ушбу масалага аралашмайди», деб ўйлаганлиги эди.

Мамлакатнинг жуда катта ҳудуди ҳарбий учлик, яъни Франция, Англия ва Исроил томонидан эгаллаб олинсада, Мисрнинг халқаро майдондаги саъй-ҳаракатлари, айниқса собиқ Совет иттифоқининг фаол аралашуви билан нафақат Мисрнинг мустақиллиги, балки эгалланган ҳудудлар ҳам қайтариб олинди. Амалга оширилган бундай тажовузлар қудратли мамлакатларни Яқин Шарқ араб давлатларида ўз манфаатларини юзага чиқариш ва ўрнатиш учун ҳаракати эди.

- Араб-Исроил низолари сиёсий жараёнларни янада тифизлаштириб, халқаро майдонда ўз ечимини топмади. Айрим мутахассисларнинг фикрича, бу низолар яқин йилларда кескинлашса, кескинлашадики, лекин ўз ечимини топиш эҳтимоли жуда кам. (1. 1-жадвалга қаранг).

Араб-Исроил низолари тадқиқотларда ўз аксини топиб, А.В.Перияшкин «Исроил-Фаластин зиддиятлари на ғайримодеринистик на фундаменталистик бўлмасдан, балки асосан ҳудудий масалаларга қаратилган бўлиб, бу ўз навбатида яҳудий ва ислом динида муқаддас ҳисобланган ерларни назорат қилиш каби диний ва маданий масалалар билан боғлиқ» дея таъкидлайди.

1.1-жадвал

Араб-Исроил низолари хронологияси

ЙИЛЛАР	НОМЛАНИШИ	ВОҚЕЛИКЛАР
1948 й 15 май	Накба-Фалокат, Мустақиллик уруши	1948-1949 йй. Саудия Арабистони, Миср, Ироқ, Сурия, Ливан, Трансиордания, Яманнинг Исроилга хужуми
1948 й июль-октябрь		Исроилнинг араблар қўшинини енгиси ва 6,7 минг. км ² ҳудудга эгалик қилиши.
1949 й 8 март		Исроил қўшинларининг жангсиз Ум Ращраш ҳудудига кириши (ҳозирги Эйлат шаҳри).
1956 й 29 октябрь	Сувайш уруши, Мушкетер операцияси, Кадеш операцияси, Юз	Буюк Британия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши ҳаракати

	соатлик уруш	
1964 й 13 ноябрь		Биринчи Исроил-Сурия уруши
1967 й 5 июнь	Накса – Такрор Олти кунлик уруш	Миср, Сурия ва Исроил- ўртасидаги уруш
1967 й 10 июнь	Исроил-Сурия уруши	Исроил томонидан Жўлон тепаликлари эгалланиши
1967—1970	Қувват тугаши уруши	Исроил-Миср ўртасидаги уруш
1970 й 17 сентябрь	Қора сентябрь	Фаластинни озод қилиш ташкилоти ҳаракатлари
1973 й 6 октябр	Қиёмат куни уруши	Сурия ва Мисрнинг Исроилга қарши уруши
1976 й 4 июль		Энтеббе операцияси
1982 й 6 июнь	Биринчи Ливан уруши	Исроилни Ливанга қарши ҳужуми
1982 й 9 июнь		Суриянинг урушда иштирок этиши
1982 й 24 июнь		Сурия ва Исроил жанглари

«Айнан ушбу урушларда Исроил ўзининг ҳудудини деярли икки бараварга кенгайтиришга эришди. 13 декабрь 1949 йил Исроил Бош Вазири Бен-Гурионнинг Исроил томонидан назорат қилинадиган Шарқий Қуддус ҳудуди босиб олинган ҳудуд эмас, балки Исроил давлатининг ажралмас қисми, деб расман эълон қилди» [96: Б.359]. Уч дин учун муқаддас ҳисобланган Қуддусни эгалланиши ва давлат пойтахти, дея эълон қилиниши минтақадаги кўплаб кескинликларга сабаб бўлди. Исроил давлати ҳар қандай урушлар ва низоларда ўзининг самарали армияси шунингдек халқаро қўллаб-қувватланиши ҳисобига ғалаба қозонган. Ушбу можаролар ва урушларда Исроилнинг ғалабасига қуйидаги тўрт омилни асос сифатида келтиришимиз мумкин:

Биринчидан, Исроилга дунёнинг барча нуқталаридаги Яҳудийлар ташкилотлари ва жамғармаларидан молиявий ёрдамлар берилганлиги, ҳамда ушбу маблағлар ҳисобига замонавий қурол-яроғлар сотиб олиш, ҳарбий саноатни юқори даражада ривожлантириш, ҳар қандай шароитда жанговор ҳаракатларни амалга ошира оладиган самарали армия ташкил қила олганлиги;

Иккинчидан, Исроилнинг халқаро миқёсда АҚШ, Англия ва Франция томонидан сиёсий ва иқтисодий қўллаб-қувватланганлиги;

Учинчидан, Фаластинда қуролли кучлар шаклланмаганлиги, уруш тактикасини олиб борадиган мутахассислар ҳамда замонавий қурол-яроғнинг йўқлиги;

Тўртинчидан, Исроилни ўраб турган араб давлатлари тарихан Усманийлар империясининг қисмлари бўлганлиги, замонавий қурол-яроғлар йўқлиги, айрим араб давлатларининг иқтисодиёти заиф бўлиб, хали оддий техникаларга ҳам эга бўлмаганлиги кабилардир.

Юқорида келтириб ўтган омиллар сабабли ҳам араб-Исроил урушларида араб давлатлари доимо мағлуб бўлганлар. Бундай воқеалар бир томондан араб давлатларининг мағлубиятга юз тутган, уларнинг бир неча ўн

йиллик изтиробларига сабаб бўлган бўлсада, иккинчи томони, бу арабларнинг миллий ўзлигини англашларига, миллат сифатида ўйғонишларига, бирлашишлари лозимлигини англаб етишларига замин бўлди.

Араб монархияларининг ташкил топиши. Араб дунёси сиёсий архитектурасининг ўзгариши бошқарувнинг турли моделлари мавжуд бўлган давлатларнинг ташкил топиши Яқин Шарқдаги муҳим сиёсий жараёнлардан бўлиб, минтақавий геосиёсий жараёнларга катта таъсир кўрсатди. XX асрда мустақиллик учун курашлар кенг авж олиб, Англия, Франция ва Туркиянинг мустамлакаси ёки ушбу давлатларга сиёсий жихатдан қарам бўлган давлатлар мустақилликни қўлга кирита бошладилар. Бир вақтнинг ўзида ушбу давлатлар иқтисодий салоҳияти юксалиб борди. Бунинг асосий сабаби жаҳонда энергетик ресурсларга, айниқса нефтга бўлган талабнинг бир неча баробар ортиб кетганлигидир. Бу ҳолат араб монархияларининг иқтисодий ва молиявий имкониятларининг яхшиланишига, уларнинг ўз миллий манфаатларини чуқурроқ англаб етишларига сабаб бўлди.

Яқин Шарқда жойлашган бир неча араб давлатларининг пайдо бўлиши, ёки уларнинг мустақил давлатлар сифатида шаклланиши мураккаб сиёсий жараён бўлиб, бундай воқеликларда Туркия, Буюк Британия, Франция, Миср ва бошқа давлатларнинг таъсири кўпроқ бўлган. Минтақада юз берган ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ўзгариш ушбу давлатларнинг аралашувисиз ёки қўллаб-қувватлашисиз амалга ошмаганлигини асло эътибордан четда қолдирмаслик лозим[178: Б.15].

Глобал ва минтақавий хавфсизликка таъсир кўрсатиш салоҳияти, шунингдек давлатлар ичида алоҳида мақомга эга бўлиб, Яқин Шарқ мамлакатларини ўз мустамлакачилиқ тасарруфига олган Англия ва Франция Усмонийлар империясини парчалаш, араб инқилобини вужудга келтириш бўйича кўплаб ҳаракатларни амалга ошириш билан бир қаторда, минтақада ўз геосиёсий манфаатларини доимий ҳимоя қилишнинг механизми, услуб ва воситаларини ҳам яратди[193: Б.59].

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги босқич араб давлатлари сиёсий тузумлари ва тартиботлари шаклланишига кенг таъсир кўрсатди. Асосий сиёсий воқеликлар ичида Иордания Хошимийлар Қироллиги, Миср, Ироқнинг фаол иштирокчилар сифатида намоён бўлганлигини қайд этишимиз лозим. Буюк Британия протекторати бўлган Трансиордания Амирлигининг Иордания Хошимийлар Қироллигига трансформациялашуви, унинг Араб-Исроил урушларида ўз ҳудудини кенгайтириш учун олиб борган сиёсати шунингдек, 1951 йил 20 июлда Қирол Абдулланинг Қуддусдаги масжидда Фаластин миллатчиси томонидан ўлдирилиши каби жараёнлар Яқин Шарқ сиёсатида бутунлай янги ўзгаришлар бошланишига асос бўлган эди.

Сиёсий жараёнларда Хусайн I Мисрнинг босими остида Буюк Британия маслаҳатчиларини мамлакатдан чиқариб юборди, 1957 йилда Миллий гвардия томонидан амалга оширилган давлат тўнтаришини бостирди ва партиялар фаолиятини чеклаб, мамлакатда монархия режимини қарор

топтирди. Умуман олганда, Яқин Шарқдаги сиёсий жараёнлар шунчалик шиддатли тус олдики, Хусайн I нинг амакиваччаси, Ироқ Қироли Файсал II нинг ўлдирилиши, бундай ҳолат Иорданияда ҳам юз беришидан хавфсираган АҚШ ва Буюк Британиянинг Иордания Хошимийлар Қироллигига ҳарбий ёрдам берилиши кучайишига олиб келди.

- *Сиёсий инқилобларнинг содир бўлиши*; XX асрнинг иккинчи ярми Яқин Шарқ минтақасида сиёсий инқилобларга бойлиги билан ҳам фарқланди. Минтақада Европа давлатларига қарамлик, авторитар тартибдаги зўравонликка асосланган давлат бошқарувининг ҳукмронлиги, ҳукуматда халқ манфаатлари химоя қилинмаслиги, уларнинг ҳуқуқлари чекланганлиги, зўравонликнинг кучайганлиги кескин норозиликларга сабаб бўлди. Араб давлатлари тарихида халқ кўзғолонлари фақатгина XX асрда вужудга келмаган, балки ўтган даврларда ҳам ўзига хос кўринишга эга халқ чиқишлари содир бўлган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг араб давлатларининг миллий озодлик учун кураши янада ривожланди. Бу давр араб халқлари эркин ҳаёт кечириш ва давлатда янги сиёсат ўрнатилиши тарафдори бўлиб, натижада турли кўзғолонлар, намоёишлар амалга оширилди. Кўзғолонлар ва намоёишлар ташқи ва ички омиллар таъсирида вужудга келиб, минтақавий геосиёсий жараёнларда XX аср араб уйғониш даври сифатида баҳоланди. Бу термин 1938 йил араб миллий ҳаракати тадқиқотини олиб борган Жорж Антониус томонидан илмий термин сифатида киритилди. У араб миллий ҳаракати шаклланишини батафсил ўрганиб, уни Ғарб давлатлари мустамлакичилик сиёсати нуқтаи назардан тушунтиришга ҳаракат қилган. Бошқа манбаларда эса ушбу давр араб совуқ уруши сифатида баҳоланган.

3. Умуман олганда, сиёсий ёки мафкуравий хилма-хиллик туфайли Сурияда, Ироқда инқилоблар содир бўлиб, Араб социалистик уйғониш партияси (БААС) партиясининг ҳокимиятни қўлга олиши, Миср ва Эрондаги инқилоблар Яқин Шарқ минтақасидаги вазиятнинг ривожланишига таъсир кўрсатганлигини таъкидлаш лозим. Иордания, Ироқ, Миср, Сурия, Яман, Эрон ва ҳоказо мамлакатларда содир бўлган инқилоблар ўзининг минтақавий, миллий, диний, сиёсий, мафкуравий асосларига таянади.

- *Араб давлатлари ўртасидаги ўзаро тўқнашувлар*. Ливан ва Суриядаги низолари; Минтақада ва давлатлараро муносабатларда Ливан ўзига хос ўринга эга бўлиб инглиз тарихчиси П. Кальвокоресси таъкидлаганидек Ливан бу «Яқин Шарқ Швецарияси», чунки «ливанликлар моҳир савдогар ва банкирлар бўлиб, пул топишни жуда яхши билишади, аҳолиси қўшни давлатларга нисбатан бир мунча бой. Давлат сиёсий маҳорат ва бағрикенглик асосида бир бири билан бирлашган жамоаларнинг моддий манфаатлари учун хизмат қилади. Ливан масаласида нафақат Яқин Шарқ минтақаси давлатлари Саудия Арабистони, Миср, Сурия, Исроил шунингдек кўпгина Европа давлатлари манфаатлари ҳам ҳамиша тўқнаш келган. Ливан бир томондан Фаластин билан, иккинчи томондан Исроил билан чегарадош бўлганлиги боис барча араб-Исроил урушларида катта жабр чеккан. «Ливан сиёсий жараёнларида Фаластин муаммоси босқичма босқич муҳим ўрин

эгаллаб борди. Минглаб фаластин қочоқлари Ливан ҳудудидан паноҳ топдилар, 1970 йилдаги Иордания воқеаларидан сўнг Ливан Фаластин қаршилиқ ҳаракатининг асосий таянч марказига айланди» [106: Б.31]. Ҳудудга катта миқдордаги қочоқларнинг кириб келиши ниҳоятда оғир бўлиб, Ливан учун муаммоларни вужудга келтирди. Деярли ярим миллионни ташкил қиладиган Фаластинликлар Ливан давлати сиёсий ҳаётига ҳам кучли таъсир кўрсатди.

Мамлакатдаги сиёсий барқарорлик 1943 йилдаги «Миллий пакт»да, турли конфессиялар ўртасидаги келишув ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Аммо, Ливан ҳудудига Фаластинлик қочоқларнинг кириб келиши маълум маънода ўртадаги мувозанат бузилишига олиб келди. «Фаластинликларнинг мамлакатга оқиб келиши, шунингдек, мусулмон оилаларида туғилиш даражасининг юқорилиги туфайли (1943 йил Миллий пакт қабул қилингунига қадар мусулмонлар мамлакат аҳолисининг 48,8%, фуқаролар уруши бошланиши йили, 1975 йил – 62,5%, урушнинг тугаш вақтида 64% ташкил қилди) давлатда мусулмон аҳолисининг тез суратда ўсиши рўй берди».

Ҳудудда мусулмон динига эътиқод қилувчи аҳолининг кўпайиши, бошқа миллатлар ва конфессияларни ташвишга солиб қўйди. Вақти-вақти билан ливанликлар ва фаластинликлар ўртасида юз бериб турган низолар, мамлакатда фуқаролар урушининг келиб чиқишига, мамлакатдаги конфессиялар ўртасидаги қарама-қаршилиқнинг кучайишига сабаб бўлди. Бу эса Ғарб давлатларининг, жумладан, Англиянинг Яқин Шарқда олиб борган калтабин сиёсати ва Фаластин муаммоси натижасида келиб чиққан урушларнинг яққол далили эди. «Яқин Шарқ низоларининг ечимини топмаётганлиги нафақат минтақа, балки, бутун дунёдаги вазиятга салбий таъсир кўрсатиши билан бир қаторда, араб давлатларининг Исроил билан муносабатларидаги кескинликни янада кучайтирди».

Бу ҳолатнинг таъсири кўшни давлатларнинг Ливанга нисбатан муносабатларида, айниқса Суриянинг сиёсий фаолиятида яққол сезилди. Сурия ва Ливан ҳудудлари чегарадош бўлиб, бир бирига иттифокдош давлат ҳисоблангани боис, Сурия Ливан сиёсий муносабатларида доимо иштирок этишга ва аралашушга интилан. 1975 йил фуқаролар уруши бошланиши билан, Ливан Суриянинг сиёсий муносабатлар марказига айланди. Давлатдаги низолар натижасида Ливан ҳудудида насронийлар ва мусулмонларни ташкил қилган икки бир бирига қарама қарши лагер вужудга келди. Ҳудудидаги нотинчликлар кўшни араб давлатларининг хавотирига сабаб бўлиб, 1976 йил октябрда етакчи араб давлатлари томонидан Ар-Риёдда ўтказилган саммитда Сурия ҳарбий кучлари Ливанда фуқаролар урушини тўхтатиш, томонларнинг ўзаро келишувини таъминлаш, давлатда тинчлик ўрнатишга хизмат қиладиган асосий куч (араблар ўртасидаги тийиб турувучи куч) эканлиги тўғрисида қарор қабул қилди ва 1976 йил Сурия кўшинлари Ливан ҳудудидига киритилди.

Ироқ-Эрон уруши; XX асрнинг иккинчи ярмида Яқин Шарқ минтақасида содир бўлган яна бир йирик можоралардан бири бу Ироқ - Эрон

уришидир. 1980-1988 йилларни ўз ичига олган Ироқ ва Эрон урушини содир бўлишида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, тарихий, диний омиллар мавжуд бўлган. Ўзаро давлатлар ўртасидаги келишмовчиликлар, ҳудудий низолар Ироқ-Эрон урушини бошлаб берди. Эрон Ислом Республикаси маънавий-диний етакчиси Оятулло Руҳулло Ҳумойний томонидан Ироқда Саддам Хусайн етакчилиқ қилган Араб социалистик уйғониш партиясини (БААС) ислом анъаналари ва қоидаларига зид ишларни амалга ошираётганлигини таъкидлаб қоралайди.

Саддам Хусайн 1979 йил Ироқ етакчиси бўлгандан сўнг, у араб давлатларига нисбатан Эрон таъсирини тўхтатиш учун ҳаракат бошлайди. Бу ҳаракатлар кўпгина араб давлатлари томонидан қўллаб-қувватланди. Саддам Хусайн 1980 йил 17 сентябрда 1975 йилда тузилган Жазоир келишуви Ироқ манфаатларига зид тузилганлигини таъкидлаб, келишувни расман бекор қилиб, Шатт ал-араб дарёсини Ироқ ҳудудига киришини эълон қилди. 1980 йил 22 сентябрда Ироқ қўшинлари Эрон ҳудудига бостириб киришди. Маршел Кристин ёзишича, «Саудия Арабистони, Қувайт, Баҳрайн, Қатар ва Бирлашган Араб Амирлиги томонидан Эронга қарши ҳарбий операцияларда Ироқни қўллаб қувватлаш учун 14 млрд АҚШ долл. беришга келишиб олдилар».

Саддам Хусайннинг ҳарбий режасига асосан уруш бир неча ҳафта давом этиб Ироқнинг ғалабаси билан тугатилиб Эрон Ироқни Республика сифатида тан олиши ва Шатт ал-араб дарёси устидан ҳукмронлик шунингдек, Эрон мандати остидаги оролларга эгалик қилиш кўзда тутилган эди. Лекин уруш 8 йил давом этиб, араб давлатлари томонидан Эрон ва Ироқ ўртасидаги ушбу урушга барҳам бериш ва минтақада тинчлик ўрнатиш мақсадида муайян ҳаракатлар олиб борилган.

Араб давлатлари юзага келаётган сиёсий воқеъеликлар натижасида фақатгина Эрон таъсиридан эмас, балки энди Ироқ таъсирига тушишдан ҳам хавотирлана бошлашди. «1985 йил май ойида Техронда Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири, шахзода Файсал ал Сауднинг расмий ташрифи бўлиб, Эрон етакчи вакиллари билан учрашувлар давомида минтақавий хавфсизлик муаммолари муҳокама қилинди». Ташрифдан кўзланган асосий мақсад Эронни уруш ҳаракатларини тўхтатиш эди. Жаҳон ҳамжамияти, Халқаро ташкилотлар ва Форс кўрфази давлатлари аралашуви асосида 1988 йил 20 августда Эрон-Ироқ ўртасидаги уруш тўхтатилиши тўғрисидаги келишув кучга кирди ва уруш тўхтатилди.

С.М.Ғафуров тадқиқотида «Эрон ва Ироқ ўртасидаги ҳарбий қарама қаршилиқнинг вужудга келиши Ғарбнинг минтақадаги можароли вазиятни сақлаб қолишга бўлган интилишларига тўлиқ мос келди. Ироқнинг Эрон ҳудудига ҳужумига нисбатан Европа давлатлари ва АҚШ томонидан аниқ чора кўрилмади», деб ёритилган. 1980-1988 йилларни ўз ичига олган Эрон-Ироқ урушида ҳеч бир давлат ғолиб чиқмай аксинча иккала давлат ҳам катта талофатлар кўрди. Экспертларнинг баҳолашича уруш натижасида миллионлаб инсонлар ҳалок бўлиб, иккала давлат инфратузулмаси ишдан чиққан ва Ироқ 188 млрд доллар, Эрон эса 369 млрд. дол. миқдорида зарар

кўрган. Иқтисодчи К.Мофиднинг маълумотларига кўра иккала давлат кўрган зарар миқдори 1 трлн долларни ташкил этган.

Умуман олганда, дунёда геосиёсий вазиятнинг кескинлашуви, қудратли давлатларнинг манфаатларини доимий ўзгариб бориши, ўз навбатида глобал ва минтақавий акторларнинг кучайиб бориши сингари сиёсий омиллар тарихда, бугунги кунда ва келажакда ҳам Яқин Шарқдаги сиёсий, ижтимоий ҳаётига чуқур таъсир кўрсатди. Бу жарёнларда минтақа ҳаётига нисбатан катта таъсир кучига эга бўлган Франция, Англия, Туркия, АҚШ ва Россия каби анъанавий давлатлар билан бир қаторда энергоресурслар экспорти ҳисобидан молиявий имкониятлари тобора ортиб бораётган минтақанинг баъзи бой монархия давлатлари ҳам янада фаоллашиб борган.

Яқин Шарқда халқаро муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос бўлиб, унга кўплаб сиёсий омиллар таъсир кўрсатди. Араб давлатлари турли низолар, табиий бойликлар, маданий ранг-баранглик, минтақа ҳаётига халқаро акторларнинг аралашуви сингари омиллари туфайли интеграцияга кучли эҳтиёж сеза бошлади. Зеро, турли имкониятлар пайдо бўлсада, иккинчи жаҳон урушидан кейинги Араб-Исроил муаммоси, икки қутбнинг доимий аралашуви, қудратли давлатлар манфаатларини минтақадан излаши сингри ҳолатлар араб давлатлари ҳаётига салбий таъсир кўрсатди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

5. Яқин Шарқнинг жўғрофий тузилиши ва геосиёсий мавқеи нималардан иборат?
6. Қудратли давлатларнинг Яқин Шарқ минтақасига нисбатан геосиёсатини шакллантирувчи омилларни санаб беринг.
7. Яқин Шарқ минтақсининг диний, миллий ва этник тузилиши ҳақида нималарни биласиз?
8. Яқин шарқ геосиёсати шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва сабаблар нималардан иборат?

ОЛТИНЧИ МАВЗУ. АҚШнинг геосиёсий манфаатлари ва уларнинг минтақавий жиҳатлари. “Атлантизм” ва “Изоляционизм”

РЕЖА:

1. АҚШ геосиёсати ва уни шакллантирувчи омиллар
2. Атлантизм ва неоатлантизм ғояларининг мазмун моҳияти
3. Изоляционизм сиёсатидан воз кечиш жараёнлари
4. Замонавий АҚШ геосиёсати ва унинг минтақавий жиҳатлари

1. Америкалик ва Буюк Британиялик олим (геосиёсий назариётчи бўлган ушбу олим бир вақтнинг ўзида икки давлат фуқароси бўлган) Колин С. Грей геосиёсатни ифодалаш учун иккита, яъни инглизча - “геополитикс” ва немисча - “геополитик” сўзларни қўллашни таклиф қилди. Улардан биринчиси геосиёсатнинг прагматик ва англосаксонча талқинини англатиб, Спайкмен (Спайкман), Мехен ва Маккиндерларнинг сафдошлари бўлган муаллифларнинг асарларига бориб тақалади. Иккинчи сўз эса “минтақавий вариант”ни англатиб, айрим “маънавий” ёки “метафизик” омилларни ҳисобга олувчи Хаусхофер мактабининг мероси ҳисобланади. Албатта бу бўлиниш шартли бўлиб, сиёсий қарашлардан келиб чиққан сафсатабозликка асосланган йўлдир.



Геосиёсатдаги америкача ёки кенг маънода атлантистик (талассократик) йўналиш деярли узлуксиз равишда анъаналар билан ривожланиб борди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёнинг энг буюк давлатини тузишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. Бу жараёнда атлантистлар геосиёсатнинг назарий жиҳатларини эмас, балки амалий қирраларинигина ривожлантирдилар.

Геосиёсатда асосий ўрин эгаллаган «Денгиз кучи» модели ва унинг назарий ривожини айрим ҳарбий географик мактабларнинг илмий тадқиқотларини ташкил қилар эди, иккинчи жаҳон урушидан кейин бу дастур АҚШнинг расмий халқаро сиёсатига айланди.

Шунингдек, АҚШнинг энг кучли давлатга айланиб, ер юзида талассократиянинг ҳукмронлигини ўрнатишда асосий мавқеини эгаллаши, америкалик геосиёсатчиларни бутунлай янги геосиёсий стратегияни ишлаб чиқишга мажбур қилди. Бу стратегияга кўра дунёни икки куч эмас, балки ягона куч бошқаради. Воқеалар ривожининг 2 хил қатъий кўриниши пайдо бўлди:

- геосиёсий дуэлда Ғарбнинг Шарқ устидан қатъий ғалабаси рўй беради;

- икки мафкура лагерларини бирлаштириб, умумжаҳон ҳукуматини ўрнатиш (бу лойиҳа французча «монде», «дунё» сўзидан келиб чиқиб, «мондеализм» номини олди). Ҳар икки ҳолатда ҳам цивилизациялар тарихининг бошланиши янгича геосиёсий фикрлашни талаб қилди.

Бундай ҳолат «мондеализм» геосиёсатида алоҳида йўналишларни пайдо қилди. Бошқача айтганда, бу назария «дунёнинг янгича тартиботи» дастури сифатида ном қозонди. Бу доктрина 70-йиллардан бошлаб америкалик геосиёсатчилар томонидан ишлаб чиқилган. Бу ҳақда 1991 йил Форс кўрфазидаги уруш чоғида президент Жорж Буш томонидан очик-ойдин айтилган эди.

1945 йилдан бошлаб геосиёсатда америкача, соф атлантист йўналишнинг ривожини Николас Спайкмен тезисларида намоён бўлди. У ўз назарияларини ишлаб чиқишда Маккиндернинг фикрларига таянган бўлса, издошлари асосан унинг фикрларини талқин қилишдан бошладилар.

Америкалик Сол Коен «Бўлинган дунёда география ва сиёсат» китобида геосиёсий усулга қўшимча классификация киритишни таклиф қилди. Бунга кўра асосий геосиёсий реалликлар «ядро» (нуслеус) ва «дисконтинуум белбоғ»ларга бўлинади. Унинг фикрича, планетанинг ҳар бир конкрет региони 4-та геосиёсий қисмдан ташкил топган.

1. Савдо флоти ва портларга боғлиқ ташқи денгиз (сув) муҳити.
2. Минтақавий ядро (нуслеус), “Ҳинтерланд”га яқин термин (қирғоқдан узоқлашган ички регионлар).
3. Дисконтинуал белбоғ (континентнинг ичига ёки ундан ташқарига йўналган секторлар).
4. Бу ансамблдан мустақил геосиёсий регионлар.

«Дисконтинуал белбоғлар» концепцияси йирик америкалик стратеглар томонидан ўзлаштирилиб, Генри Киссенжернинг фикрича, АҚШнинг сиёсий стратегияси алоҳида «дисконтинуал» қирғоқ зоналарини бирлаштириш ва яхлит ҳолатга келтириб Совет Европаси устидан тўлиқ назорат ўрнатишга қаратилиши лозим. Бу доктрина инглизча «линк» , «алоқа», «бўғин» сўзидан келиб чиқиб, «Линкаге» номини олди. «Анаконда» стратегияси тўлиқ муваффақиятга эришиши учун нейтрал ёки континентнинг ички ҳудудларига мойил Евросиё «қирғоқ секторларига» аҳамият бериш зарур эди. Амалда бу сиёсат Вьетнам уруши, Америка-Хитой муносабатларининг яхшиланиши, Эронда Америкага мойил режимни қўллаб-қувватлаш, Болтиқбўйи ва Украина миллатпарвар диссидентларни қувватлаш орқали бажарилди.

2. Олдинги даврлар каби урушдан кейин Америка атлантист геосиёсат ҳокимият билан алоқаси узилмай турди. «Ядро даври» ҳақидаги геосиёсий фикрларнинг ривожини биз америка мактабининг бошқа вакили Колин Грейда учратамиз. У «Ядро даврининг геосиёсати» китобида АҚШ ва НАТО нинг ҳарбий стратегияси ҳақида очерк ёзар экан, минтақаларнинг географик ва геосиёсий хусусиятига кўра сайёрада ядро объектларининг жойлашишини кўрсатади.

Атлантистларнинг совуқ урушдаги ғалабаси. 90-йилларнинг бошига келиб атлантизмнинг геосиёсий тараққиёти ўзининг кулминацион нуқтасига етди. «Анаконда» стратегияси ўзининг мутлақ самарадорлигини тўла намоён қилди. Дастлабки англосаксон геосиёсатчилари Х.Маккиндер ва Мехенлар қарийб авлиёларча башорат қилган ва Спайкмен томонидан қайта ишланган стратегия бу пайтга келиб тўлиқ амалга ошганлигини кузатиш мумкин эди.

Бутун XX аср ҳаётга тадбиқ этилган атлантистлар стратегиясининг ғалабасини советлар давлатининг ва Варшава шартномасини парчаланиши белгилаб берди. Ғарб совуқ урушда Шарқ устидан ғалаба қозонди. Денгиз кучи (Sea Power) ҳартланд устидан ғалабасини нишонлади:

Совет блоки ва НАТО қарама-қаршиликлари тарихда биринчи бор куруқлик ва Денгиз, Бегемот ва Левиафан оппозициясининг соф шаклида намоён бўлди. Бунда геосиёсий кучлар баланси нафақат мафкуравий, балки геосиёсий константаларни ҳам ўзида аск эттирди.

Совет давлати Хартланд Евроосиёси сифатида ўзида идеократиянинг совет типини намоён қилди. Географик нуқтаи-назардан, бу улкан табиат ресурслари ва ривожланган ҳарбий қуролларни қамраб олган «Йирик ҳудуд» эди. Совет давлатининг асосий ютуғи совет ҳудудида ёки унга яқин жойлашган аҳолининг «маданий-функционал» мойиллиги ва ишончли муҳофаа ва технологик плацдармлар қуришга мослашган ички континент кенгликлари мавжудлигида эди. Бундан ташқари Совет давлатининг Шимол ва Шарқдан ҳимоя қилиниши осон бўлган денгиз чегаралари бор эди.

Марказлашган иқтисодиётга асосланиб совет давлати товар-оziқ-овқат автаркиясига ва ҳарбий статусга (мақомга) эга бўлган кучли давлатга айланди. Имконияти бориша у таъсирини бошқа континентларга тарқатишга ҳаракат қилди. Лекин Шарқий блокда бир қанча принципиал геосиёсий камчиликлар бор эди. Жануб томонидан чегаралар евроосиё тоғлари, Манчжуриядан бошланиб то Тянь-Шан, Помир ва Кавказгача чўзилган бўлса, Ғарбда чегаралар атлантизмнинг стратегик плацдарми жойлашган Европа текисликларидан ўтган эди. Бунда блокнинг марказий базаси «Ўрта Океан», (Midland Оcean) нинг ғарбий қирғоғида жойлашган эди. Бироқ жанубий йўналишда тоғлар нафақат ҳимоя, балки бўлажак экспансия ва жанубий денгизга борадиган йўللарга тўсиқ ҳам бўлди.

Бунинг устига Шарқий блок бир геосиёсий марказнинг ўзида ҳарбий-стратегик, иқтисодий, интеллектуал, ишлаб чиқариш ва табиий ресурсларни жамлашга мажбур бўлган эди. Бундай ҳолат Ғарбнинг геосиёсий вазияти ва АҚШ маркази билан муносабатидан кескин фарқ қилар эди.

(Бу жуда муҳим, чунки кучларнинг бундай жойлашишида ғарбий Европага аянчли рол тушган эди; у «санитар кордон» сифатида қарши кучларнинг чегарасига яқин АҚШнинг қуруқлик базасига айланган эди.) Америка бутунлай «ҳарбий денгиз чегаралар» билан ҳимоя қилинган эди. Бундан ташқари, континентини стратегик бирлаштириб, евросиё қирғоқбўйи, «ҳартланд» нинг катта қисмидан ташкил топган регион устида ўз назоратини ўрнатди. Ғарбий Европадан Туркия ва Греция (НАТО га аъзо давлатлар) орқали атлантистларнинг назорати Узоқ Шарққа ҳам тарқалар эди. (Таиланд, Жанубий Корея, стратегик мустамлака Япония) ва бу зона Сан-Диего, Филиппин, Гуам, Кариб ва Гаити оролларидаги муҳим ҳарбий базаларга бориб тақаларди. Демак, барча потенциал конфликтлар асосий стратегик ҳудуддан ташқарига чиқарилган эди.

Шунингдек, атлантистлар геосиёсий «ядро» кучлар тақсимланиши мураккаб тизимини ишлаб чиқдилар. АҚШ бевосита ҳарбий-стратегик ёрдамини таъминлаб турди. Интеллектуал, молиявий ва ишлаб чиқариш тизимлари ҳамда юқори технологиялар яратувчи марказлар ғарбий Европада жойлаштирилди. Натижада Европа ўзининг ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш масаласидан ҳоли бўлди (полиция ва декоратив ҳарбий кучлардан ташқари).

Табиий бойликлар ва арзон ишчи кучи учинчи дунёнинг кам ривожланган иқтисодий ночор давлатларидан келар эди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг вужудга келган статус-КВО ни сақлаш ҳужум позицияси бўлиб, атлантист геосиёсатчиларнинг башоратига кўра, бундай вазият континентал блокнинг емирилишига, тўлиқ автаркияга учрашига ва барча стратегик йўналишларини бир вақтнинг ўзида ривожлантиришга мажбур қилар эди.

Бундай вазиятдан чиқишга ҳартланд олдида иккита йўл бор эди. Биринчиси – Европани то Атлантикагача эгаллаш мақсадида ғарбга экспансия қилиш. Ушбу ҳаракатдан сўнг Совет давлати тинч денгиз чегаралари ва саноат-интеллектуал ва технологик потенциални ўзига таминлаши мумкин эди. Параллел равишда худди шу ҳаракатни жануб йўналишида, денгизга чиқиш ва «анаконда узугини» узиб ташлаш учун амалга ошири зарур бўларди. Бу қатъий йўл ғалаба қозонган тақдирда барқарор континентал тинчлик ва "римланд" дан айрилган инқирозига олиб келарди. Бошқа йўл Совет давлати ва унга тегишли ҳарбий кучларнинг Шарқий Европани тарк этиши эвазига НАТОнинг ғарбий Европани тарк этиши ва тўла-тўқис бетараф позицияга эга бўлган Европани ташкил этиш бўлган. Мана шу вариант Де Голл даврида анча жиддий муҳокама қилинган эди. Осиёда ҳам ана шундай ўзгаришларни амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида баҳслар бўлиб ўтган эди. Масалан Эрон, Афғонистон ҳамда Ҳиндистон (ва эҳтимол Хитой) иштирокида Америкага қарши турувчи кучли стратегик блок яратиш эвазига айрим Ўрта Осиё Республикаларини сиёсий жиҳатдан бевосита назорат қилишдан воз кечиш мумкин эди.

Бундан ташқари ушбу икки йўлни бир-бирига мослаштирган ҳолда ғарбда тинч йўл билан, Шарқда эса ҳарбий ҳаракатлар (ёки аксинча) билан

ҳам бориш мумкин. Ушбу икки геосиёсий ҳаракатни омухталиқ билан олиб бориш айниқса муҳим эди.

Цивилизациялар тўқнашуви: Хантингтоннинг неоатлантизми. Геосиёсат нуқтаи назаридан бу ҳолат Мехен ва Спайкмен тамойилларига аниқ эргашишни билдиради, чунки Хантингтоннинг маданият ва цивилизацион фарқларга худди муҳим геосиёсий факторлар (омиллар) сифатида урғу бериши унинг "органист" фалсафасига бориб тақаладиган классик геосиёсат мактабига алоқадорлигини кўрсатади. Ушбу фалсафага олдиндан хос бўлган хусусиятлардан бири шундаки, ижтимоий тизимлар ва давлатлар механик ёки ғоявий тузилмалар сифатида эмас, балки "ҳаёт шакллари" сифатида қараларди.

Хантингтон Ғарбнинг эҳтимоли катта бўлган душманлари сифатида Хитой ва ислом давлатларини (Эрон, Ироқ, Ливия ва ҳоказо) кўрсатади. Бунда Мейнинг ва Кирк доктриналарининг тўғридан-тўғри таъсири кўриниб турибди. Бу геосиёсатчилар римланд га геосиёсий тегишли бўлган ислом ва "конфуцийлик" цивилизациялари мавжуд "қирғоқ зоналари" давлатларининг йўналишини "ҳартланд"нинг позициясидан кўра муҳимроқ деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун неоатлантизмнинг бошқа вакилларидан, хусусан Пол Волфовисдан фарқли ўлароқ Хантингтон Россия-Евросиё, ҳартланд ёки қандайдир янги Евросиё континентал тузилмасининг геосиёсий қайта тикланишини асосий таҳдид деб ҳисобламайди.

1992 йил март ойида америкалик Пол Волфовис (хавфсизлик ишлари бўйича маслаҳатчи) АҚШ ҳукуматига доклад йўллайди. Бу докладда Европа ва Осиё қитъаларида АҚШга қарши тура оладиган стратегик кучни пайдо бўлишига йўл қўймаслик ҳақида гап бориб, бундай куч Россия бўла олиши ва унга қарши Болтиқбўйи давлатларидан "санитар кордон"ини яратиш лозимлиги тушунтирилади. Бу ҳолатда америкалик стратег Волфовис Спайкмендан кўра Маккиндерга яқин туриши билиниб турибди ва шу нарса унинг фикрларини Хантингтоннинг назариясидан фарқлаб туради.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам, конкрет потенциал рақибни аниқлашдан қатъи назар, барча неоатлантистларнинг фикри бир бўлиб қолаверади: совуқ урушдаги ғалаба ғарбга бошқа геосиёсий тузилмалардан (ҳозирги ёки келажакдаги) келадиган таҳдидни бекор қилмайди. Демак, «дунёнинг ягона»лиги ҳақида гапиришга ҳали эрта, чунки теллутократия ва талассократиянинг сайёравий қарама-қаршилиги XXII асрда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолаверади. Рўй берадиган барча геосиёсий жараёнлар ана шу дуализм атрофида давом этаверади.

3. Турли маъмуриятлар даврида ва турли халқаро шароитларда АҚШ ташқи сиёсатининг шаклланиши ва уни амалга ошириш жараёни анъанавий равишда «изоляциялизм» сиёсати билан «фаол аралашуш» сиёсати ўртасида танлаш муаммосидан иборат бўлиб келган. Доимо иккала йўналиш маъмуриятда ҳам, Конгрессда ҳам, мамлакат жамоатчилиги орасида ҳам ўз фаол тарафдорлари ва муҳолифларига эга бўлган. Биринчи йўналиш тарафдорлари бошқа мамлакатларнинг муаммоларидан муайян даражада узоқлашуш зарурлигини АҚШ ривожланишининг тарихий, геосиёсий

хусусиятлари билан ва бу мамлакатда, таниқли сиёсатчи О.Нейл таъбири билан айтганда, «бутун сиёсат фақат маҳаллий сиёсатдан иборат» эканлиги билан асослашга ҳаракат қилганлар. Уларнинг муҳолифлари, ўз навбатида, АҚШнинг миллий сиёсий ва иқтисодий манфаатларини жаҳоннинг турли нуқталарида фаол ҳимоя қилмасдан, иттифоқчилар билан ҳамкорликда иш олиб бормасдан ва рақибларга қарши курашмасдан Америка жамиятининг барқарор ривожланишини таъминлаш мумкин эмас, деб таъкидлаганлар. Ҳозирги босқичда АҚШ ташқи сиёсатида иккинчи йўналиш - халқаро ҳаёт муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок этиш сиёсати устунлик қилаётир. Муайян мамлакат ёки минтақага нисбатан АҚШнинг узоқ муддатли сиёсати бир қанча омиллар таъсирида шаклланади. Бу омилларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга АҚШ ташқи сиёсатининг тарихан шаклланган асосий принциплари замирида ётувчи омиллар киради. Бошқача айтганда, бу Америка дипломатиясининг моҳиятини ташкил ётувчи, «қонига сингган» омиллардир. Улар узоқ муддатли, барқарор хусусиятга эга бўлиб, маъмурият ёки Конгресснинг партиявий асосидан қатъи назар у ёки бу даражада доим ўз таъсирини кўрсатади. Иккинчи гуруҳ омиллари умуман олганда биринчи гуруҳ омилларига бўйсунди. Улар муайян тарихий шароит, халқаро вазиятнинг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари, жаҳон бозоридаги ҳолат билан боғлиқ. Америка дипломатияси субъектлари партиявий дастурининг ўзига хос хусусиятлари ҳам шу омиллар билан белгиланади. Ҳозирги шароитда АҚШ ташқи сиёсатининг стратегиясини белгиловчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат. *Биринчи омил* - дунё миқёсида устунлик (global dominance), глобал лидерлик стратегияси. СССР парчаланиб кетганидан сўнг АҚШнинг жаҳондаги етакчи давлат сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаш Америка дипломатиясининг бош ғоясига айланди. Бу ғоя бошқа ҳар қандай давлат ёки мамлакатлар гуруҳидан иқтисодий, ҳарбий, илмий-техникавий, маданий, ахборот соҳаларида АҚШнинг стратегик устунлигини таъминлашни назарда тутди. Бу, ўз навбатида, Вашингтонга жаҳондаги сиёсий жараёнларга ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб таъсир кўрсатиш имконини беради. Дунё миқёсида етакчилик қилишга бўлган бу интилиш халқаро муносабатлар соҳасига кўчирилган “биологик атавизм” эмас. У табиий бир ҳол бўлиб, қўлга киритилган устунликдан муайян натижаларга эришишга интилишни акс эттиради. АҚШ ташқи сиёсати ҳозирги дунёга ҳар қандай мамлакатни ва исталган минтақада ўз хоҳиш-иродасига бўйсундиришга қодир қудратли ва барқарор етакчи давлатга эга бўлган бир қутбли тизим сифатида қарайди. Бу концепцияга очик ёки яширин қаршилиқ кўрсатиш нимага олиб келишини АҚШнинг Ироқдаги, ундан олдинроқ - Афғонистон ва Судандаги ҳаракатлари, шунингдек Покистон ва Ҳиндистонга қарши санкциялар кўрсатди. Вашингтон кўп қутбли дунё концепциясини тан олмайди. Дунё миқёсидаги устунликни мустаҳкамлаш бўйича ҳаракатларнинг ички мантиғига кўра мамлакат тенг ҳуқуқли стратегик иттифоқчига эга бўлмайди. АҚШнинг НАТО бўйича ҳамкорлари билан муносабатлари бундан буён шу мантиққа асосан ривожланса керак. Бу узоқ келажакда АҚШ мавқеига муайян хавф

туғилишига олиб келиши мумкин. Шу ички мантикка кўра бирон-бир давлат жаҳоннинг бирон-бир худудида АҚШ манфаатларига зид ёки уларга мос келмайдиган манфаатларни илгари суриши мумкин эмас. Шу боис АҚШнинг дунё миқёсидаги устунлик схемасига муайян даражада мос келмайдиган мамлакатлар бевосита ёки билвосита тазйиқ ўтказиш объекти сифатида баҳоланади. Марказий Осиёга нисбатан бу ҳозир шунда намоён бўладики, 90-йиллардан фарқли ўлароқ, Россия ёки бошқа регионал давлатнинг бу минтақадаги қонуний манфаатлари юзасидан мунозаралар деярли барҳам топди. Эндиликда бу ерда АҚШ ўз таъсирини ўрнатиши кераклиги ва мақсадга мувофиқлигига Вашингтонда ҳеч ким шубҳа қилмайди ва бирон-бир учинчи кучнинг манфаатларини ҳисобга олишни зарур деб ҳисобламайди. Шунини таъкидлаш лозимки, сўнгги йиллар мобайнида ҳалқаро ривожланиш, «бир қутбли» дунёнинг барқарорлиги ҳақидаги тезис ўз тасдиғини топмаяпти. Бугунги дунёга хос бўлган воқелик бу - узлуксиз можаролар, зўравонлик ва терроризмнинг кенг тарқалиши, ҳалқаро муносабатларда тангликнинг кескин ўсиши ва деярли барча мамлакатларда янги кўпуровчилик ҳаракатларини ҳавотир билан кутиб туриш ҳолати, кучайиб бораётган ксенофобия, яъни чет элликларга нисбатан адоватнинг илдиз отиши. «Демократик лидер-давлатнинг» дунё ривожига кўрсатажак ижобий таъсири Билан боғлиқ бўлган оптимизм, некбинлик ҳам амалда тасдиғини топа олмади. Глобал барқарорлик ривожининг асосий муаммолари наинки ечилмоқда, балки янада мураккаблашмоқда. Ироқдаги ҳарбий-сиёсий инқироз, ҳатто АҚШнинг ўзида «Вашингтоннинг глобал миқёсдаги мажбуриятлари ҳаддан ташқари катталиги» юзасидан баҳсларга олиб келмоқда.

Ягона «супердавлат» ва бутун қолган дунё орасидаги зиддиятлар натижасида, антиамериканизм кайфиятлари тобора ортиб бора ётгани кўзга ташланмоқда. Бу кайфиятлар шу жумладан Американинг доимо ва сўзсиз ғоявий ва ҳарбий-сиёсий иттифоқчилари бўлган мамлакатларда ҳам пайдо бўлмоқда.

Иккинчи омил - геосиёсий ёндашув принципи. Америка дипломатияси бу принципни кўп йиллардан бери ишлаб чиқиб қўллаб келмоқда ва бундан буён ҳам унга амал қилса керак. Ушбу концепцияга кўра, кучлар нисбати назарияси ўтган даврларда қўл келар эди. Ўша даврда манфаатлари зид бўлган мамлакатлар (ёки давлатлар гуруҳи) нинг ҳарбий-сиёсий салоҳиятини мувозанатга солиш мумкин бўлган эди. Ҳозирги шароитда бу ёндашув барқарорликни таъминлай олмайди. Бундан ташқари, у АҚШнинг дунё миқёсидаги устунлик принципига мос келмайди. Геосиёсат принципига кўра, жаҳон географик, иқтисодий ва цивилизацион мезонларнинг бирлигидан келиб чиқиб шаклланадиган регионал тузилмалардан ташкил топади. Бунга кўра муайян мамлакат бир неча геосиёсий тузилма таркибига кириши мумкин. Масалан, Ўзбекистон «собик СССР худуди», «янги мустақил давлатлар», «ислом дунёси», «Марказий Осиё», «Марказий Осиё ва Каспий бўйи минтақаси»га киради.

Айрим йирик тадқиқотчиларнинг фикрича, сўнгги йилларда рўй бераётган геосиёсий ўзгаришлар шунга олиб келадики, Ўзбекистон, ўз тарихий аجدодлари каби, Яқин ва Ўрта Шарқнинг таркибий қисмига айланади. Айрим америкалик тадқиқотчилар «Осиё» бу асосан Хитой ва Тинч Океани минтақасини қамраб олувчи макон, деган ёндашувидан келиб чиққан ҳолда, унинг таркибига Ўзбекистонни киритмайдилар. Регионал тузилмада узоқ муддатли сиёсатни амалга оширишда АҚШ ҳамкори бўлишга қодир таянч давлатни ажратиш геосиёсий ёндашувнинг асосий принципларидан биридир. Одатда, бундай ҳамкор сифатида нафақат етарли сиёсий, иқтисодий ва маданий салоҳиятга эга бўлган, балки АҚШнинг ғоявий императивлари ва ижтимоий қадриятларига қўшиладиган мамлакат танланади (бундан мустасно ҳолатга мисоллар йўқ эмас. Масалан, узоқ вақт мобайнида АҚШнинг энг яқин ҳамкори Саудия Арабистони бўлиб келган). Манфаатлари бир-бирига зид бўлган жуда кўп мамлакатлар Марказий Осиё ва Каспий ҳавзасига эътиборни кучайтирган ҳозирги шароитда АҚШ минтақада обрўли, барқарор ва ишончли ҳамкорга муҳтож бўлиб турибди. Ислом дунёсига таъсир кўрсатиш воситаларини кўпайтириш, Эронга қаршилик кўрсатиш вазифаси ҳам Вашингтон учун долзарб бўлиб қолаётир. *Учинчи омил* - демократияни фаол илгари суриш принципи. Моҳият эътибори билан, АҚШ мафкуравий, чуқур илдиз отган қадриятлар ва принциплар тизимига эга давлатдир. Либерал демократия, ҳуқуқий давлат ва тадбиркорлик эркинлиги АҚШ жамиятининг асосий қадриятлари ҳисобланади. Ташкил топган пайтидан бери бу мамлакат Ғарб цивилизацияси ғояларининг инъикоси ва ифодачиси бўлиш вазифасини ўз зиммасига олишга интилиб келмоқда. Мессиян давлат каби АҚШ ўз ғоявий императивларини тарқатиш доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилаётир. АҚШнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган иқтисодий прагматизм кўпинча демократик фундаментализм принципи билан уйғунлашмоқда. Бу шу жумладан Маршал режасини амалга оширишда, Япония ва Жанубий Кореяни тиклашда, Исроил, Миср, Украинага кўп миллиард ёрдам кўрсатишда намоён бўлди. Бунда АҚШ моддий ёрдам кўрсатиш билан бир вақтда, ўзига ўхшаган давлатларни вужудга келтиришга ҳам ҳаракат қилди. Айрим мамлакатларга нисбатан икки хил стандарт қўллаш ҳолатларига қарамай, демократия, фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиёти масалалари АҚШнинг чет мамлакатлар билан муносабатлари мазмунига таъсир кўрсатувчи кучли омил бўлиб қолаётир.

4. АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан ташқи сиёсатига оммавий ахборот воситалари ва ноҳукумат ташкилотлари минтақа мамлакатларини ислохотларни дадил амалга оширишга мойил эмас, Ғарб демократияси ва бозор иқтисодиёти қадриятларини тан олмайдиган мамлакатлар - ўзига хос коммунизм қўриқхонаси” сифатида кўрсатишлари катта таъсир кўрсатди. Юқорида қайд этилганидек, АҚШ дипломатиясининг масих, мессиян характери, охириги йилларда Америка қадриятларини «универсиал ва барчага тааллуқли» деган тушунчадан келиб чиққан ҳолда, уларни бошқа мамлакатларга «экспорт» қилишга уринишларида кўринмоқда. Бу мақсадларга салмоқли маблағлар ва дипломатик фаолият сафарбар

этилмоқда. Аммо, кўп ҳолатларда, АҚШ маъмурияти ва Америка нодавлат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган «кўмак ва техник ёрдам дастурлари», одатда, АҚШ манфаатларини илгари суришга эмас, балки антиамериканизмнинг кучайишига ва бошқа мамлакатларда барқарорликнинг издан чиқишига олиб келмоқда.

Тўртинчи омил - «ташқи сиёсатнинг иқтисодийлашуви» принципи. Америка ташқи сиёсати бошқа давлатларнинг дипломатиясига нисбатан савдо-иқтисодий мақсадларга эришишга кўпроқ йўналтирилган сиёсатдир. Бу унинг халқаро иқтисодий муносабатларни эркинлаштиришга интилишида ва «энергетик хавфсизлик»ни таъминлаш стратегиясини амалга оширишида намоён бўлади. Биринчи ҳолда АҚШ «нисбий устунликлар» иқтисодий концепциясидан келиб чиқади. Бу концепцияга кўра, ўз иқтисодиётининг муайян тармоғида меҳнат унумдорлиги даражаси бошқа мамлакатларнинг шундай кўрсаткичларидан юқори бўлган мамлакат шу тармоқ маҳсулотини экспорт қилишга интилиши лозим. Мамлакатда ишлаб чиқаришнинг амарадорлиги паст бўлган маҳсулотни эса импорт қилиш зарур. Шунга асосан ва АҚШда ижтимоий меҳнат унумдорлиги бошқа мамлакатлардагидан юқори эканлигини ҳисобга олиб, Қўшма Штатлар жаҳон бозоридаги тўсиқларни мумкин қадар камайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун у Жаҳон Савдо Ташкилоти, Халқаро Валюта Фонди ва бошқа халқаро иқтисодий ташкилотларнинг имкониятларидан фаол фойдаланмоқда. АҚШ олиб бораётган (айниқса, Япония ва Хитойга нисбатан) икки тарафлама дипломатия сиёсати ички бозорни ҳимоя қилиш бўйича протекционистик чора-тадбирларга барҳам беришга қаратилган. Марказий Осиё географик жиҳатдан АҚШдан узоқда жойлашганлиги туфайли, унинг Қўшма Штатлар билан бевосита савдо алоқаларини фаол кенгайтириш имконияти чеклангандир. Кичик ва ўрта корхоналар капиталининг даромаддорлик даражаси юқори бўлган бошқа мамлакатлар АҚШга яқинроқда жойлашганлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шу боис бугунги кунда иқтисодий алоқалар стратегиясини мамлакатнинг катта капитал сарфини талаб қиладиган тармоқларида йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга қаратиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, АҚШ жаҳонда энг қудратли молия капитали бозори бўлиб қолаётир.

Энергия ресурсларидан фойдаланиш масалалари АҚШ иқтисодий дипломатиясининг иккинчи устувор йўналишидир. Маъмуриятда Каспий ҳавзасида энергетик дипломатия масалалари бўйича Президент маслаҳатчиси ва давлат котиби лавозимининг жорий этилиши ҳам шундан далолат беради. Бу АҚШ ўз миллий хавфсизлиги манфаатларини мустаҳкамлайдиган ва минтақада Америка компанияларининг имкониятларини кенгайтирадиган Шарқ-Ғарб қувур йўллари тармоғини барпо этиш ниятини акс эттиради. Бу минтақада АҚШ фаоллигининг асосий сабабларидан бири уни Россия ва Эрондан ажратиш, ҳеч бўлмаса уларнинг имкониятларини камайтиришдан иборат эканлиги шубҳасиздир.

АҚШнинг фикрича, Ўзбекистон, айтайлик, Озарбайжон, Туркменистон ёки Қозоғистон каби энергия ресурсларининг катта захираларига эга бўлмаса

хам, унинг минтақадаги мавқеини оширадиган бир қанча стратегик омиллар мавжуд. Минтақадаги барқарорлик энергетика соҳасидаги барча лойиҳаларни амалга оширишнинг бош шартидир. Ўзбекистон - Марказий Осиё ва Кавказ минтақасидаги етакчи ва обрўли давлат. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш, минтақадаги можароларни тартибга солиш, наркобизнес ва терроризмга қарши кураш олиб боришга қаратилган изчил ташқи сиёсати энергетика соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўси Шарқ-Ғарб иқтисодий йўлагини муваффақиятли барпо этишнинг гаровидир. Бундан ташқари, айрим нуфузли мутахассисларнинг фикрича, катта нефт захираларининг мавжудлиги беқарорлик омили бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Асосан шу хом ашёни ишлаб чиқаришга қараб мўлжал олиш кўпинча ҳокимият тузилмаларида коррупциянинг кучайиши, нефт қазиб олишни назорат қилувчи кланлар ўртасидаги кураш, мафия гуруҳларининг вужудга келиши каби салбий оқибатларга олиб келади. АҚШнинг Марказий Осиёдаги сиёсати ҳақида Марказий Осиё мамлакатлари ва Қўшма Штатлар ўртасидаги алоқаларнинг дастлабки даврида муносабатлар спорадик хусусиятга эга бўлди. АҚШ минтақа мамлакатларининг суверенитет ва мустақилликни қўллаб-қувватлаши, ислохотларни маъқуллашини вақти-вақти билан қайд этиб турса-да, амалда Марказий Осиё ишларига амалий равишда сезиларли аралашмади деса бўлади. Қозғистоннинг ядро қуроли ҳамда Каспий ҳавзаси энергия ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги масалалар бундан мустаснодир. Ўша даврда Давлат департаментида минтақага нисбатан сиёсатни Строуб Телбот командаси белгилар эди ва у ҳатто Вашингтоннинг ўзида «русоцентризм» (собик СССР ҳудудидаги барча масалаларга Москва билан муносабатлар нуқтаи назаридан қарашга мойиллик) ва «демократик радикализм» (икки тарафлама муносабатларда асосий урғуни инсон ҳуқуқлари масалаларига бериш) учун танқид қилинган эди. 1994 йил ўрталарида минтақага АҚШнинг ўша даврдаги мудофаа вазири Уилям Перри ташриф буйўрганидан сўнг вазият анча ўзгарди. У Марказий Осиёга ташриф натижалари тўғрисидаги ўз докладида кучли мустақил сиёсат олиб бораётган, барқарор дунёвий давлат ҳисобланган ва анча катта ҳарбий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистонга алоҳида эътиборни қаратди. 90-йилларнинг ўрталарига келиб АҚШда Марказий Осиё географик чегараларининг кенгайтирилган, яъни Афғонистон, Ғарбий Хитой, бутун Қозғистон ва Озарбайжон киритилган талқини муомаладан мустаҳкам ўрин олди. Шунинг ўзиёқ АҚШнинг минтақадаги манфаатлари Америка ташқи сиёсатининг Ҳиндистон субконтиненти, Ўрта Шарқ, Хитой ва Россиядаги стратегик мақсадларига тааллуқлилигини англатади. Айни вақтда, ўтган аср давомида шаклланган маълум омилларга кўра, Марказий Осиёга «собик СССР ҳудуди» сифатида ёндашилади. Шу билан бирга, минтақани жанубий Кавказ ва Каспий минтақаси билан ягона геостратегик ва иқтисодий маконда кўздан кечиришга интилиш ҳам кучайиб бораётир. Ниҳоят, яна бир муҳим йўналиш бу Евросиё йўналиши бўлиб, у Марказий Осиё Европадаги

жараёнлар, ЕХХТ фаолияти доирасига киришини назарда тутди. Шунинг учун бўлса керак, АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсатида муайян кўп қатламлилиқ ва бунинг натижаси ўлароқ ёндашувларнинг ҳар хиллиги, бир-бирига зид тенденцияларнинг мавжудлиги кузатилади. АҚШнинг минтақадаги жараёнларда иштироки шубҳасиз мураккаб хусусиятга эга. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, у кўпроқ «реактив» хусусиятга эга бўлган, учинчи мамлакатлар, аввало Россия, Хитой ва Эрон манфаатлари билан белгиланган.

Лекин бу ёндашув АҚШнинг минтақадаги жараёнларда иштирокини жўнлаштиришдан бошқа нарса эмас ва АҚШнинг ҳозирги босқичдаги умумий ташқи сиёсий концепциясига мос келмайди, чунки у бошқа давлатлар дипломатиясига қарам ва етакловчи бўлиши глобал лидерлик концепциясига тўғри келмайди. Халқаро хавфларга қарши дунё миқёсида кураш нуқтаи назаридан Марказий Осиё ҳозирги дунёда муҳим рол ўйнаши Вашингтонда тобора кенг эътироф этилмоқда. Бу энг аввало минтақадан тарқалаётган ва Қўшма Штатларнинг миллий манфаатларига дахл этаётган хавфлар - халқаро терроризм, наркобизнес ва диний экстремизм миқёси янада аниқроқ тасаввур қилинишида намоён бўлмоқда. Сўнгги йилларда минтақа мамлакатлари билан икки тарафлама муносабатларда хавфсизлик ва минтақада ҳарбий-сиёсий кучларнинг бўлиб туриши масалаларига кўпроқ урғу берилди бошланди.

АҚШ Россия ва Хитойнинг минтақадаги фаоллигини ҳозир ҳам ташвиш билан кузатиб бормоқда. Давлат департаменти Марказий Осиё мамлакатлари терроризмга қарши кураш масалаларида Россия билан ҳамкорлик қилиши зарурлигини тан олган бўлса-да, Россиядаги муайян доиралар юзага келган вазиятдан минтақада Россия таъсирини кучайтириш учун фойдаланиши мумкинлиги Қўшма Штатларни қаттиқ ташвишга солмоқда. Шундай қилиб, Марказий Осиёдаги «катта геосиёсий ўйин»да ўз иштирокини тан олмаган ҳолда, АҚШ бу ерда аксарият ҳолларда геосиёсий вазиятнинг ривожланишига ва Россия, Хитой, Эрон, Европа Иттифоқи, Ҳиндистон, Туркия каби куч марказларининг хулқ-атворида қараб иш кўрмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсатидаги номуайянлик маълум даражада Қўшма Штатлар маъмуриятида мазкур сиёсатнинг йўналишига нисбатан яқдил фикр ва ёндашувлар йўқлигининг натижасидир. Ресурсларга бой, барқарор, ҳамкорликка тайёр, мустақил халқаро сиёсат олиб боришга қодир мамлакатларнинг минтақавий ҳамкорлиги ривожланишидан Вашингтоннинг манфаатдорлиги АҚШнинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолаётир. Минтақанинг барқарорлиги, унда хавфсизлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга ошириш бўйича ташланган қадамларга боғлиқ эканлигига АҚШ маъмуриятининг ишончи комил. Бунда жаҳон хўжалик алоқалари тизимига минтақанинг қўшилиши муҳим аҳамият касб этади. «Ипак йўли стратегияси: XXI аср» қонун лойиҳаси шу йўналишда ташланган муҳим қадамлардан бири бўлди. У

Марказий Осиёга нисбатан ташқи сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида АҚШ Конгрессининг иштироки фаоллашганидан далолат беради.

Қонун лойиҳаси Марказий Осиё ва Кавказорти давлатлари Европанинг ривожланган мамлакатлари билан янада яқинроқ ҳамкорлик қилишига имконият яратувчи кўп даражали инфратузилма - «Евросиё коридори»ни барпо этиш бўйича кўп тарафлама музокаралар олиб боришни таклиф қилди. Конгрессда муҳокама қилинаётган ушбу қонун лойиҳаси минтақа мамлакатларининг мустақиллиги ва суверенитетини қўллаб-қувватлаш, минтақавий ҳамкорликни рағбатлантириш, минтақа мамлакатлари жаҳон ҳамжамиятига қўшилишига, ижтимоий-иқтисодий ва демократик ўзгаришларга имконият яратиш, минтақавий можароларни тартибга солиш, халқаро терроризмга қарши курашда ҳамкорлик қилишни назарда тутди. АҚШнинг минтақадаги иқтисодий манфаатларига келсак, Каспийбўйи энергия ресурсларининг ривожланишига Қўшма Штатларнинг қизиқиши АҚШнинг Марказий Осиёдаги сиёсати таъсир кўрсатаётган муҳим омил бўлиб қолаётир. АҚШнинг энергетик лойиҳалари таъсирида шаклланаётган ёндашувлар нафақат Каспий нефтида ўз улушига эга бўлган минтақа давлатлари билан АҚШнинг икки тарафлама ҳамкорлик истикболларини, балки Россия ва Эрон билан сиёсий ва иқтисодий рақобатни ҳам ҳисобга олади.

Айниқса, ХХI асрнинг бошларида терроризм ва экстремизмнинг тобора кучайиб кетиши АҚШнинг ташқи сиёсати ҳам таъсир кўрсата бошлади. Халқаро террористик ташкилотларнинг рўйхати кенгайтирилиб, уларга қарши курашлар кучайтирилди. Айниқса, дунёнинг энг қудратли террористик ташкилотларидан бирига айланган Ал-Қоидага нисбатан АҚШ аёвсиз курашар, аммо, унинг асосий кучлари Афғонистонда жойлашганлиги, ўта махфий структурага ва молиявий манбаларга эгаллиги каби омиллар масалани янада мураккаблаштирар эди. Аммо, 2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШнинг Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарларига қилинган террористик хужумлар дунё терроризмга қарши кураш саҳифасида бутунлай бошқа бир саҳифани очиб берган бўлса, АҚШнинг геосиёсий манфаатлари ва мақсадларига ҳам катта ўзгаришлар киритилишига сабаб бўлди.

АҚШ дунёдаги энг катта терроризмга қарши операцияларни айнан икки минтақа, яъни Яқин Шарқ ва Афғонистонда амалга оширишга қарор қилди. Дастлаб, Ироқ ҳокимиятидан Саддам Хусайнни Ал-Қоидани қўллаб-қувватлаганликда айблаб, шунингдек, катта миқдорда кимёвий қуроллар мавжудлиги тўғрисидаги “хабарлар” туфайли Ироққа бостириб кирди ва мамлакатда янги ҳокимият ўрнатган эди. Лекин бу ўзини ўзи оқламади ва мамлакатда хаос вужудга келди.бу ҳақдаги маълумотлар бошқа мавзуда берилганлиги учун тухталмаймиз.

Бироқ, Афғонистондаги вазият ҳам умуман бошқача бўлди. Афғонистонда яширинган Ал-Қоида етакчисини АҚШ томонидан талаб қилинишига нисбатан Толибон ҳукумати уни рад этди ва АҚШ 2002 йилдан бошлаб кенг кўламли ҳарбий амалиёт бошлади. Қисқа вақтда замонавий қуролларга эга бўлган, ҳарбий жиҳатдан қиёслаб ҳам бўлмайдиган АҚШ

Толибон ҳукуматини бутунлай қулатди ва янги ҳокимияни шакллантирди. 20 йил давомида ўз мақсадига ета олмаган АҚШ мамлакатни 2021 йилда тарк этди ва Марказий Осиёда мураккаб геосиёсий вазиятни вужудга келтирди. Қолган маълумотлар Афғонистон мавзусида берилганлиги учун, бу мавзуга бошқа тўхталиб ўтирмаймиз.

Умуман АҚШ геосиёсатининг устун томонлари ҳақида гапирганда, доимо учун иқтисодий қудрати ва ундан келиб чиқадиган ҳарбий-технологик устунлиги, энг замонавий қурод-яроғларга эгалиги ва бошқа омилларни албатта ҳисобга олмоқ лозим. Лекин Афғонистондаги 20 йиллик сиёсатининг барбод бўлиши билан боғлиқ воқеликларда мамлакат Президенти Жо Байденни айблаш нотўғри. Чунки, бу борадаги ҳаракатларнинг истиқболсиз эканлигини Президент Жорж Буш маъмурияти томонидан англаб етилмаган ва хатога 20 йил олдин йўл қўйилган эди аслида.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1. АҚШ геосиёсатини шакллантирувчи омиллар ҳақида гапириб беринг.**
- 2. АҚШ ташқи сиёсати ва геосиёсий стратегиясининг устун томонлари нимада?**
- 3. Атлантизм ғояларининг АҚШ ташқи сиёсатига таъсири нималардан иборат?**
- 4. Изоляционизм ва унинг АҚШ ташқи сиёсатидаги ўрни нималарда акс этган эди?**
- 5. АҚШнинг геосиёсий мақсадларига хавф соладиган омиллар нималардан иборат?**

ЕТТИНЧИ МАВЗУ: Лотин Америкаси ва унинг геосиёсий жараёнлардаги ўрни

РЕЖА:

1. Лотин Америкаси геосиёсий мавқеини шаклланирадиган омиллар
2. АҚШ ва бошқа қудратли давлатларнинг Лотин Америкаси бўйича геосиёсий манфаатлари
3. Лотин Америкасидаги геосиёсий жараёнларнинг хусусиятлари

1. Тарихий жиҳатдан АҚШнинг иқтисодий, ҳарбий, молиявий қудрати ва сиёсий салоҳияти кучайиши билан Лотин Америкасидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсир кўрсата бошлаганлиги бизга тарихий ҳужжатлардан ва фактлардан маълум. Лотин Америкасининг асли туб халқи индеейлар бўлганлиги, кейинчалик Испания, Португалия ва бошқа Европа мустамлакачи давлатлар томонидан босиб олинганлиги ва ундан кейинги босқич сифатида аста-секин шимолий қўшнисининг геосиёсий майдонига тортилганлигини қайд этиш лозим.



Амалда, Америка Қўшма Штатлари бу қитъа мамлакатларининг мутлақ кўпчилигида гегемон ва етакчи позицияни эгаллайди. Америка Қўшма Штатлари XIX асрнинг биринчи чорагида Лотин Америкасини "қўлга" олишни бошлади. 1823 йил охирида Америка Қўшма Штатлари Президенти Жон Монро Конгрессга махсус хабар билан мурожаат қилди. Бу доктрина Америка ҳукумати йиғилишларида Муқаддас Иттифоқнинг (Россия, Австрия, Пруссия) Лотин Америкаси ҳаётида, минтақа ҳаётига аралашуви таҳдиди ҳақидаги миш -мишлар туфайли Испаниянинг Америка колонияларида собиқ ҳукмронлигини тиклаш мақсадида ишлаб чиқилган. Бундай уйдирма

баҳонани АҚШ қитъанинг жанубий ярим шарида ўзининг гегемонлигини тасдиқлаш учун ишлатган эди. Доктринанинг 7-§ида "мустамлакани мустаҳкамлайдиган тамойил" илгари сурилган ва ишлаб чиқилган. Унда шундай дейилган:

Америка қитъалари, улар эришган эркин ва мустақил позициясини ҳисобга олган ҳолда, келажакда ҳеч қандай Европадаги сиёсий кучларни мустамлака қилиш объекти сифатида қаралмаслиги керак.

Ушбу ҳужжатда дипломатик ёпиқ шаклда Жанубнинг қул-эгалари ва Шимолий йирик буржуазиясининг манфаатлари кенгайтирилди, бу АҚШ ҳудудини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратди ва турли шиорларни илгари сурди. Америка қитъасида АҚШнинг "имтиёзли ҳуқуқлари" ни оқлаш ташқи сиёсатнинг муҳим масалалари қаторига кирди. Шимолий қўшнининг бу "устун ҳуқуқлари" оддий геосиёсий ғояга айлантирилди: мамлакат қудрати ва фаровонлигининг ўсиши Америка штатлари ҳудудининг кенгайиши билан боғлиқ эди. Аҳолининг сони ортиши ва янги штатларнинг қўшилиши Иттифокнинг барча олий манфаатларига ижобий таъсир кўрсатди. Бу бизнинг ресурсларимизни сезиларли даражада оширди ва бизга ҳамма тан оладиган миллатнинг кучи ва кадр -қимматини берди. Кўриниб турибдики, бизнинг тизимимизнинг асосини кенгайтириш ва штатлар сонини кўпайтириш орқали бу тизимнинг ўзи иккала бўлимда ҳам кучли тарзда мустаҳкамланди - бу ҳужжатда қайд етилган.

АҚШнинг Монро доктринасида эълон қилинган "устун ҳуқуқлари" 1924-1926 йилларда амалга ошди. Куба ва Пуэрто - Рикога қарши, америкаликлар Колумбия ва Мексика кучлари томонидан кубаликлар ва Пуэрто -Рикаликларни бўйсундирганларида ва XIX асрнинг 40 - йилларида. Мексикадан, Кубани қул қилиш ҳаракатлари учун "миннатдорчилик" белгиси сифатида, америкаликлар Техас, Орегон ва Калифорнияни рад етишди. Шу муносабат билан Президент Д.Полк 1845 йил декабрда Конгрессга мурожаат қилиб, ўз тақдирини фақат халқнинг ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга эканлигини иккиюзламачилик билан тасдиқлади. Агар унинг мустақил давлатини ташкил этувчи бирон бир қисми бизнинг конфедерациямиз билан бирлашишни таклиф қилса, бу масалани улар ҳам, биз ҳам ҳеч қандай аралашувсиз ҳал қиламиз.

150 йилдан кўпроқ вақт ўтгач, АҚШ худди шундай ҳаракат қилиб, Лотин Америкасида, Африкада, Болқонда, Шарқий Европада ёки сайёрамизнинг ҳар қандай бошқа геосиёсий нуқтасида бўлсин, аввал "мустақил давлат" ни ташкил қилди ва кейин у ерда "тинчликпарвар" қўшинларни юборади. Америка Қўшма Штатлари "халқаро полиция кучлари" (биринчи навбатда Лотин Америкаси мамлакатларига нисбатан) вазифаларини бажаришга қарорини 1895 йилда эълон қилди (Давлат котиби Р. Олней доктринаси), 1904 йилда тасдиқланган. Президент Рузвелт тўғридан -тўғри Фарбий яримшарда АҚШнинг Монро доктринасига риоя қилиши Лотин Америкаси мамлакатларида ички тартибсизликлар ва кучсизликлар юзага келганда "халқаро сиёсий куч" сифатида ҳаракат қилишга мажбур қилиши мумкинлигини айтди.

Бу функцияни амалга ошириш, XX аср бошларида Қўшма Штатлар Куба, Мексика, Гаити, Доминикан Республикаси, Никарагуа, Панама ва бошқа мамлакатлар сиёсатига кўп маротаба аралашувларини вужудга келтирди. XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб ва иккинчи минг йилликнинг охиригача АҚШнинг, шунингдек қитъанинг бошқа давлатларининг ҳаётига аралашуви деярли тўхтамади: Лотин Америкасида кучайиб бораётган миллий озодлик ҳаракати, биринчи навбатда, ҳеч бир тўсиқларсиз шимолий қўшнига ва унинг ҳомийларига қарши қаратилганлиги ва бошқа ҳолатлар туфайли Испанларнинг аксарияти Монро доктринасига кескин қарши эди. Гондураснинг собиқ президенти П. Бонилланинг сўзларига кўра, ҳатто бу... доктринани эслатиш... Лотин Америкаси мамлакатларида уларнинг кадр - қиммати ва суверенитетини ҳақорат қилиш ва айни пайтда мустақилликка таҳдид сифатида қаралади.

2. XX - асрнинг охири, албатта, қитъанинг куч майдонларининг геосиёсий тизимида ўзгаришларга олиб келди. Сиёсат ва иқтисодиётда янги жараёнлар пайдо бўлди ва фаоллашмоқда, бу асосан илмий - техник тараққиётнинг тезлашиши, трансмиллий компанияларнинг шаклланиши ва бошқа сабабларга боғлиқ. Бу ўзгаришларнинг муҳим хусусияти шундаки, дунёнинг барча давлатлари ўз орбитасига тортилмоқда. Лотин Америкаси эса янги муҳитнинг ижобий ва салбий таъсирини тўлиқ бошдан кечирмоқда. Қитъа мамлакатлари, АҚШнинг қаршилигига қарамай, биринчи навбатда, объектив сабабларга кўра, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув йўлларини изламоқда. Айтиб ўтиш лозимки, АҚШ ўзининг геосиёсий манфаатлари йўлида доимо иқтисодий ва савдо инвестициявий методлардан ўта самарали фойдаланган. АҚШнинг доимий босими, геосиёсий манфаатлари йўлидаги ҳаракатлари туфайли Лотин Америкаси мамлакатлари аксарият ҳолларда унинг йўриғига юришга мажбурлигини қайд этмоқ лозим.

Лекин, Куба ва Венесуэла каби мамлакатлар бири Совет Иттифоқи билан иккинчиси, кейинроқ Россия ва Хитой билан муносабатларни ривожлантирганлиги сабабли Ғарб билан, шунингдек, АҚШ билан муносабатлари ҳар доим текис бўлмаган. Бунинг ташқи ва ички сабаблари бўлиб, уларнинг барчаси геосиёсий манфаатлар таъсирида рўй берган.

Интеграциянинг ички сабаблари қуйидагилардан иборат эди: Лотин Америкаси иқтисодиётидаги турғунлик (бу қитъанинг аксарият мамлакатлари учун ҳосдир), жаҳон бозорида маҳсулотларнинг рақобатбардош емаслиги, иқтисодий ривожланишнинг беқарорлиги, ишсизликнинг ошиши, инфляция, ижтимоий кескинлик ва бошқалар. Энг муҳим ташқи сабаб - бу жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Бу бизнинг давримизнинг жаҳон иқтисодий жараёнларидан биридир. Жаҳон иқтисодиётининг сифатли ўзгариши амалга ошмоқда. Глобаллашув илмий - техник тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири бўлиб, ишлаб чиқаришни янгилайди ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиш суръатларини тезлаштиради, халқаро иқтисодий алмашинувнинг барча шакллариининг ўзаро таъсирини кучайтиради (жаҳон савдоси, капитал экспорти, илмий - техникавий) ҳамкорлик ва бошқалар - Аммо глобаллашув қитъанинг барча

субминтақаларида рақобатнинг кескин кескинлашишига, иқтисодий беқарорликнинг ошишига олиб келади: иқтисодий муҳитнинг тез - тез ўзгариб туриши, ишсизликнинг ошиши, банкротликнинг ошиши, ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақининг пасайиши рўй берди. Албатта, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув сиёсати Лотин Америкаси халқларига маълум фойда келтирди: бу инфляцияни пасайтириш ва иқтисодий ўсишни тиклаш, савдонинг нисбатан юқори ўсиш суръатларини таъминлаш имконини берди. Бу даврда хорижий капитал оқими деярли 500 миллиарддан ортиқ долларни ташкил етди, лекин кўринадиган фаровонлик ортида кўплаб салбий ҳодисалар ва тенденциялар яширинган: импорт ўсиш суръатлари бўйича экспортдан ошиб кетди (шунинг учун пассив савдо баланси катта).

Жаҳон савдасининг пасайишига 2020 йилнинг охирларида бошланган **коронавирус пандемияси** ҳам ўзининг салбий таъсир кўрсатди. Айнан ушбу **пандемия** жаҳон иқтисодиётига жуда катта салбий таъсир кўрсатди. Айниқса, Бразилия, Колумбия ва Перуда ташқи савдо тақчиллиги сезиларли бўлди. Доминика Республикаси ҳам афсуски, бундан мустасно эмас. Экспортни ривожлантириш ички иқтисодий тараққиётни ҳаракатлантирувчи восита бўлмади. Минтақа давлатлари жаҳон бозорида мустаҳкам мавқега ега бўла олишмади. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари иқтисодиёт давлат томонидан тартибга солинган 50-70 - йилларга қараганда анча паст бўлиб чиқди (50-70 -йилларда ЯИМ ўсиши 4,8 - 5,3%, 90 -йилларда - 2, 7%). 90-йилларнинг ўрталарига келиб минтақа давлатларининг жаҳон савдо айланмасидаги улуши 70-йилларнинг охирига нисбатан 0,5% га камайди. Импортнинг кескин ўсиши миллий ишлаб чиқарувчиларнинг аҳволини мураккаблаштирди, банкротлик тўлқини, ишсизлик ва ижтимоий зиддиятларнинг кучайишига олиб келди. Бу, айниқса, ишлаб чиқариш ва йенгил саноатга (поябзал, кийим -кечак, мебел, асбоб -ускуналар ишлаб чиқариш) жиддий таъсир кўрсатди. Бу ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналарнинг ярми банкрот бўлди. Саноатлаштириш ва иқтисодиётни қайта қуриш жараёни бошланди, яъни Лотин Америкаси мамлакатларини АҚШ, Канада ва Европанинг хомашё қўшимчасига айлантириш сиёсатининг давоми. Жаҳон бозори таъсири остида минтақа минерал хом ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қазиб олиш ва дастлабки қайта ишлашга тобора кўпроқ эътибор қаратмоқда. Кўпгина мамлакатларда металлга ишлов бериш, машинасозлик, электротехника ва бошқа ривожланган саноат ишлаб чиқаришлари ёпиқ ишлаб чиқариш циклидан импорт қилинадиган қисмлар ва йиғилишлардан маҳсулот йиғиш ва йиғишга ўтмоқда.

3. XX аср охирига келиб, АҚШ, ЕИ, Хитой ва Россия Лотин Америкасига ўз эътиборларини кучайтираётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Аммо, бу қитъага турли куч марказлари сифатида эмас, худди Африкадаги каби, давлатлар конгломерати сифатида қараш керак. Лекин уларнинг интеграцияга бўлган истаги ушбу давлатларнинг таъсирига боғлиқ бўлиб қолаётганлигини инобатга олган ҳолда, айтиш мумкинки, минтақада бундан кейин ҳам АҚШ, ЕИ, Россия ва Хитой ўртасида геосиёсий зиддиятлар тобора кучайиши кутилмоқда. Бунга санаб ўтилган халқаро актор ўртасидаги

муносабатлар ўзининг катта таъсирини кўрсатади. Албатта, барча алоқалар бир - бирига мос келадиган геосиёсий, геостратегик манфаатларга, шу жумладан уларнинг таркибий қисмларининг бутун гамутига асосланган бўлиши керак. Уларнинг муносабатларида ҳал қилувчи омил - акторлар ва Лотин Америкаси мамлакатларининг кўпчилиги турли хил ривожланиш босқичида ва шунга ўхшаш муаммоларни ҳал қилаётгани - ижтимоий модернизация, жаҳон иқтисодий алоқаларини қайта қуриш масалаларига таянмоғи лозим. Иқтисодий салоҳиятига кўра, Россия ва Бразилия, Аргентина, Мексика каби минтақавий кучлар деярли тенг позицияга эга бўлдилар - Г7 мамлакатлари уларнинг овозига кулоқ соладилар, лекин уларни деярли ҳисобга олишмайди.

Шу боис, қитъа давлатлари мегаблоклар ривожланаётган дунёда чекланиш ҳавфи билан тўқнаш келмоқда. Россия ва Америка қитъасининг жануби, геостратегик нуқтаи назардан, иқтисодий, сиёсий ва бошқаларнинг учта кутбидан ташқарида. ривожланиш: Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Тинч океани (энг динамик кутб). Россия Федерацияси ва Лотин Америкаси давлатлари манфаатларини объектив равишда яқинлаштирадиган яна бир омил - бу бир кутбли дунё тузумига қизиқмаслик, АҚШ геосиёсатида гегемонлик интилишларини ўз ичига олувчи механизмларга эҳтиёж. Қитъа мамлакатлари раҳбарлари бу борада тажриба тўплашди ва тез - тез ўз шимолий қўшниларига қарши умумий Лотин Америкаси фронтини яратиш керак деган ҳулосага келишмоқда. Масалан, 1996 йил май ойида “Рио гуруҳи” (қитъанинг 14 та энг нуфузли штатлари) 1996 йил 12 мартда Кубанинг савдо-иқтисодий блокадасини кучайтирган Хелмс-Буртон қонунини кескин қоралаш билан чиқди. Рио гуруҳи Америка қонунлар қўмитасига, шунингдек, Гаагадаги Халқаро судга ушбу қонунга ҳуқуқий баҳо беришни тавсия қилди. Қарздор давлатларнинг ўхшаш аҳволи, товарлар ва хизматлар бозоридаги рақобатнинг кучайиши, халқаро ҳавфсизлик муаммоларига ёндашувларнинг ўхшашлиги, ядровий қуролни тарқатмаслик режимини кучайтириш, минтақавий тартибга солиш Россияни Лотин Америкаси мамлакатларига яқинлаштирмоқда.

Америка штатлари ташкилоти (ОАС) билан алоқага кирди. Бу ташкилот Ғарбий ярим шарда сиёсий ва иқтисодий интеграция жараёнларида ўз таъсирини доимий равишда ошириб бормоқда. Шундай қилиб, Россия 1992 йилда сотиб олган доимий кузатувчи мақоми Россиянинг минтақа билан кўп томонлама ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиради, гарчи Вашингтон бу имкониятларни чеклаш учун имконияти борича ҳаракат қилаётган бўлсада, ОАС фаолиятининг деярли ярим асрлик тажрибаси, Россия Федерацияси ва қўшни давлатлар раҳбарларининг хайрихоҳлиги билан, МДҲ фаолиятини ташкил қилишда жуда фойдали бўлиши мумкин. Россия ва иккита йирик иқтисодий бирлашмалар - НАФТА ва МЕРКОСУР ўртасидаги ҳамкорлик самарали бўлиши мумкин.

НАФТА - Шимолий Америка эркин савдо уюшмаси 1992 йилда ташкил этилган. Унинг таркибига АҚШ, Канада ва Мексика киради. 2005 йилга келиб у Аляскадан Тиэрра дел Фуэгогача бўлган қитъанинг барча

мамлакатларини ўз ичига олади деб тахмин қилинган эди, лекин лойиҳада иштирок этаётган мамлакатлар орасида “ҳар хил вазн тоифалари” топилди ва энг йирик умумий бозорни яратиш тўхтаб қолди. Жаҳон геосиёсатида (биринчи навбатда, иқтисодий орқали) кучлар мувозанатига НАФТА таъсири кучаяди деб тахмин қилиш мумкин. МЕРКОСУР 1991 йилда ташкил этилган. Дастлаб унга Бразилия, Аргентина, Парагвай ва Уругвай кирган. 1996 йилда бошқа мамлакат - Чилининг гуруҳга қўшилиши унинг геосиёсий қиёфасини сезиларли даражада ўзгартирди: у Тинч океани минтақасига кирди, унинг сиёсий ва иқтисодий имкониятлари, мегаблокларга қаршилиқ кўрсатиш салоҳияти ошди. Келажакда МЕРКОСУР ва "тўртлик иттифоқи" - Россия, Беларусия, Қозғистон, Қирғизистон қитъанинг шимолида ва Тинч океани ҳавзасида қўшма қарама -қаршилиқ учун кучларини бирлаштириши мумкин. Ҳозирча Россия Федерацияси ва Лотин Америкаси давлатлари Осиё-Тинч океани минтақасидаги интеграцион жараёнлардан ташқарида. Уларнинг АПРга фаол кириш истаги ўзаро қўллаб -қувватлаш учун яхши асос бўлиши мумкин., Биргаликдаги ҳаракатлар. Бунинг учун баъзи ҳаракатлар амалга оширилди: Россия, Мексика, Чили ва Перу Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик кенгашига аъзо. Кенгаш ҳукумат, илмий доиралар ва бизнес вакиллари бирлаштиради ва қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун яхши восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари, Мексика ва Чили Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ассоциациясининг аъзолари сифатида Россия еркин савдо ва инвестиция ташкилотига қўшилганда нейтрал позицияни егаллаган. Россия Федерацияси ўртасида янги нозик технологиялар соҳасида ҳамкорлик қилиш учун ажойиб имконият очилади. Лотин Америкасида рус технологиялари, айниқса, ҳарбий-саноат комплекси, хусусан, қурол-аслаҳа сотиб олувчилар кўп. Бу АҚШнинг энг катта қаршилигига жавоб беради деб тахмин қилиш мумкин. Аммо жанубий америкаликлар бу дастурни яхши қўллаб -қувватладилар. 4 миллиард долларлик устав капиталига ега бўлган иккинчи йирик халқаро банк-Америка Тараққиёт Банки (ИТБ) жарима (айниқса, ҳарбий) технологияларни сотиб олишни молиялаштиради. технологиялар. Ҳарбий техника бугунги кунда Россия экспортининг рақобатбардош маҳсулотларидан биридир. Унга минтақада, айниқса Бразилия, Перу, Колумбияда талаб жуда юқори. Бу мамлакатлар армиялари фаол ислоҳ қилинмоқда ва техник жиҳатдан қайта жиҳозланмоқда. Бу шуни англатадики, бу занжирли реакциянинг бошланиши, қитъанинг бошқа мамлакатларида ҳарбий ислохотлар учун рағбат. Айни пайтда, Россия Федерациясининг Лотин Америкаси мамлакатлари билан савдоси ҳажми нисбатан кичик - Россиянинг умумий ташқи савдо айланмасининг тахминан 1%. Енг катта улуш Куба билан савдога тўғри келади. Россия-Куба муносабатларида ҳозирда прагматик принцип устувор бўлиб, Россиянинг геосиёсий манфаатлари инобатга олинган. Масалан, АҚШнинг кучли босими ва иқтисодий санкциялар таҳдидига қарамай, Москва ижара шартлари бўйича стратегик объект - Лоурдесдаги радиоэлектрон станциядан фойдаланишни сақлаб қолди, яъни Россия бу ҳолатда ўзини кучли геосиёсий деб еълон қилди. таъсир объекти

емас. Россиянинг Кубани қўлаб -қувватлаши кучайиб бормоқда, бу узок муддатда Озодлик оролини НАФТАга қабул қилиш учун катта имконият беради. Бу уюшманинг яна икки аъзоси - Канада ва Мексика - Куба иқтисодиётига сармоя киритиш бўйича биринчи ва иккинчи ўринда. Шундай қилиб, Кубага Россия томонидан катта имкониятларга ега ишончли савдо ҳамкори ва ғарбий ярим шарнинг шимоли ва жанубидаги кўприк (дарвоза) сифатида қараш мумкин. Россия Мексика билан ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш учун яхши истиқболга ега, айниқса газ ва тоғ-кон саноати, энергетика ва транспорт ва аерокосмик соҳада. Россия ва Венесуела ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда. Улар Венесуела Президенти Хосе Тадео Монагаснинг 1856 йил 22 мартда Россия императори Александр II га ёзган мактубидан бошланиб, у ўзаро савдо ва дўстлик алоқаларини очиш истагини билдирган еди.¹¹ Россия ва Венесуела ўртасидаги енг тўлиқ муносабатлар 1975 йил еди. 1991 йилгача, СССР, Венесуела ва Куба ўртасида нефт етказиб бериш бўйича ҳамкорлик тўғрисида маълум бўлган келишув. 1996 йилда Россия ташқи ишлар вазири Е.Примаков Венесуэлага ташриф буюрди. У икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Буни нефт тўртбурчаги: Россия-Венесуэла-Куба-Европа фаолиятининг тикланиши тасдиқлайди. Венесуэла яна Кубага, Россия эса Европага нефт етказиб беради. Нефт ва газ етказиб беришни мувофиқлаштириш, айниқса, энергия нархи тушаётган бир пайтда муҳим аҳамиятга эга. Худди шу Лотин Америкасига ташрифи чоғидаги яна бир яхши геосиёсий ҳаракат кўп қутбли дунё концепциясининг эълон қилиниши бўлди. Бу чақириққа дарҳол Колумбия раҳбарияти жавоб берди, у Россия Федерациясини "Колумбия дўстлари" (Испания, Венесуела, Мексика ва Коста -Рикани ўз ичига олган) давлатлар халқаро гуруҳига қўшилишга таклиф қилди.

Умуман олганда, геосиёсий жиҳатдан Лотин Америкасининг аҳамияти – бу аввало Панама каналининг жаҳон савдосидаги тутган ўрнини қайд этмоқ жоиз. Айнан ушбу каналнинг Лотин Америкасида жойлашганлиги, қитъанинг Антарктидага яқинлиги ва бошқа кўплаб омиллар унинг мавқеини белгилаб берувчи, балки унинг геосиёсий мавқеини ҳам оширувчи манба эканлигини унутмаслик лозим.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Лотин Америкаси геосиёсатини шакллантирувчи омиллар ҳақида гапириб беринг.
2. Лотин Америкаси геосиёсий мақоми ва унинг стратегик жиҳатдан устун томонлари нимада?
3. Қитъа атрофидаги геосиёсий муаммолар нималарда намоён бўлмоқда?
4. АҚШнинг геосиёсий мақсадлари тизимида Лотин Американинг ўрни нималардан иборат?

САККИЗИНЧИ МАВЗУ. Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёдаги геосиёсий жараёнлар. Минтақада қудратли давлатларнинг геосиёсий манфаатлари

РЕЖА:

1. Шарқий Осиёдаги геосиёсий жараёнлар ва уларнинг халқаро муносабатларга таъсири
2. Жануби-Шарқий Осиёдаги геосиёсатнинг хусусиятлари
3. Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёда қудратли давлатларнинг геосиёсий манфаатлари

1. Шарқий Осиё ёки дунё сиёсий, иқтисодий ва геостратегик ҳаётида муҳим роль ўйнайдиган, жуда катта жўғрофий минтақа ҳисобланади. Минтақа ўзининг сиёсий бекдорлиги, геосиёсий зиддиятлари ва тобора ортиб бораётган иқтисодий қудрати билан жаҳон миқёсида алоҳида мавқега эга. Айниқса, минтақада тўрт асосий гигант давлатнинг (АҚШ, Россия, Хитой ва Япония) жойлашганлиги ва уларнинг минтақада ўз ҳукмронлигини таъминлаш учун интилишлари вазиятнинг доимий жиддий ва мураккаб тарзда ривожланишига сабаб бўлаётган омил дейиш мумкин.



Шунингдек, бундай қийин вазиятда глобал даражада мавқеи ортиб бораётган Хитой, самурай маданияти дахлдор бўлган Япония, тобора тараққий этиб бораётган Корея Республикаси, ядро қуролига эга ва стратегик ракета технологияларини доимий такомиллаштириб, улар орқали ўзини ҳимоя қилишни кўзлайдиган Корея Халқ демократик республикаси ўртасидаги доимий рақобат ва нодўстона кайфият минтақа ҳаётига жуда катта салбий таъсир кўрсатишини ҳам алоҳида қайд этмоқ лозим.

Энди воқеликларни ва минтақадаги геосиёсий жараёнларни бирма-бир таҳлил қилиб ўтсак. Маълумки, Шарқий Осиё бир неча юз йиллар давомида Асосан Хитой ва Япония империялари ўртасидаги курашлар майдони бўлган бўлса, кейинчалик воқеликларнинг ривож Россиянинг геосиёсий манфаатлари ва йўналишлари шарққа қараб силжиши, АҚШнинг кучайиши ва унинг ҳам Шарқий Осиёдаги давлатлар ўртасидаги зиддиятлардан ўз геосиёсий манфаатларини кучайтириши учун катта ва муҳим майдон сифатида фойдаланишга бўлган интилишларида намоён бўла бошлади. Япония азал-азалдан минтақадаги кучли миллат сифатида бошқа халқларни ўзига тобе қилиш сиёсатини илгари сурганлиги натижасида корейс халқи, хитойликлар ва бошқа миллатлар учун асосий тажовузкор мамлакатлардан бири сифатида гавдаланганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Шу билан бир каторда, Япония ўзини қуёш ўғлининг авлодлари сифатида қараганлиги, ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўйганлиги уларда албатта тажовузкор мафкуранинг шаклланишига, кейинчалик эса бу унинг геосиёсий қарашларида ҳам ўзининг аксини топганлиги кўплаб манбаларда келтирилган ва бу борада мазкур қўлланманинг Япония мавзусида ҳам кўриб чиқишимиз мумкин.

Шунингдек, бу борада расмий Москванинг ҳам минтақага дахлдор эканлигини, Приморье ўлкаси, Сахалин ва Курил ороллари айнан Шарқий Осиё минтақасида жойлашганлиги учун ўзининг геосиёсий манфаатларини қидириши табиий. Бундан ташқари сўнгги йилларда Россия Европа ва АҚШ билан муносабатлари ёмонлашуви фонида Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан муносабатларни ҳам ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Бу билан Россия иккита муҳим масалани, яъни биринчидан, Шарқий Осиё минтақаси давлатлари билан алоқаларни ривожлантириш, ўзининг геосиёсий мавқеини юксалтириш, иккинчидан, мамлакатнинг шарқий ҳудудларини ривожлантириш мақсадига эришишни ўз олдига қўйган десак, муболаға бўлмайди. Шу муносабат билан, Россиянинг Тинч океани ҳудудлари евроосиё интеграциясининг муҳим ресурси бўлиши мумкинлиги ҳам кўплаб экспертлар томонидан тилга олинмоқда.

Умуман олганда, дунё архитектурасида юз бераётган кескин ўзгаришлар, глобал сиёсатда кучларнинг мувозанати ва жойлашуви ўзгариши шароитида, Шарқий Евроосиёдаги ҳолатга ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Хитойнинг кучайиши, Япониянинг амбициялари қайта ўйғона бошлаганлиги, АҚШ ўз позициясини Корея ярим ороли ва Тайвань атрофидаги вазият баҳонасида кучайтиришга интилаётганлиги, икки Корея бир-бирларига мускулларини намойиш қилаётганлиги, Россия ҳам бундай жараёнларда хавфсираб, узоқ шарқий чегараларини мустаҳкамлаётганлиги каби ҳолатлар вазиятнинг чигаллашувига сабаб бўлмоқда. Ўз номидан қатъий назар, минтақа халқаро ҳамжамият кўз ўнгида янги геосиёсий реалликка ва иқтисодий маконга айланмоқда. Минтақадаги ҳар бир давлат ўз ташқи сиёсатини ушбу реалликлар асосида олиб боришга, ўз миллий манфаатларига таянадиган геосиёсат олиб боришга интилмоқда.

Ушбу ўзгаришлардан минтақа учун ҳал қилувчи аҳамиятга бўлган иккита оқибатни ва сабабни келтириш мумкин.

Биринчиси – бу либерализмнинг чуқур инқироzi натижасида АҚШ сиёсий устунлигининг заифлашуви. Ғарб томонидан илгари сурилган “универсал инсоний қадриятлар”нинг Шарқда ўз аҳамиятини аста-секин йўқотиши кузатилмоқда. Шарқ давлатлари аста-секин Ғарб модели асосида эмас, балки ўзларининг тараққиёт модели асосида ривожланишни афзал кўраётганлиги, ташқи сиёсий муаммоларни ҳам аста-секин ўзларининг янги форматлари асосида ечишга бўлган ҳаракатлари кузатилмоқда. Мисол учун сўнгги вақтларда, азалий рақиблар ҳисобланган Япония, Хитой ва корейя ўртасидаги муносабатларда икки томонлама форматларнинг ривожланаётганлиги, Корейя яриморелида икки корейс давлатларининг ҳам бир-бирлари билан муносабатлари борасидаги янги силжишлар рўй бераётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бўлиб, булар ичида Европа Иттифоқи ёки АҚШнинг воситачилик роли ҳам пасайиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Маълумки, сўнгги йилларда Европа ва АҚШнинг ўз муаммолари ҳам кўпайиб бораётганлиги, ташқи сиёсий стратегиясида ва геосиёсий фаолиятида йўл қўяётган хатолари, жамиятларида турли қарашлар ва номутаносибликларнинг кучайиши Шарқий Осиё жамиятлари аслида ўзларининг буддистик Конфуцийлик маданияти кучли эканлиги ҳақидаги қарашлар ҳам бунга замин бўлмоқда.

Ушбу жараёнларга ҳамоҳанг тарзда, Хитой Халқ республикасининг глобал қудратга эришишини ҳам алоҳида қайд этмоқ жоиз. ХХI асрнинг биринчи чорагида Хитой дунёнинг энг қудратли икки иқтисодиётидан бирига айланди ва бунга бутун дунё гувоҳ бўлди. Баъзи экспертларнинг фикрича, яқин йиллар ичида Хитой жаҳон савдосининг драйверига, шунингдек, нафақат минтақа, балки глобал миқёсдаги қудратли хурбий кучга ҳам айланиши мумкин. Айниқса, мамлакатнинг сиёсий мавқеи, позицияси юксалиб бориши шароитида минтақада Япония, АҚШ ва Тайван учлиги ўртасидаги муносабатлар ҳам ривожланиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу учликнинг асосий мақсади, Шарқий Осиёда, умуман Осиё тинч океани минтақасида Хитойнинг қудратига қарши туриш ҳисобланади ва бу халқаро муносабатлардаги энг катта муаммолардан ҳисобланади. Хитой томони Тайванни доимо ўзининг ҳудуди ҳисоблаши, Сарик денгизда жойлашган баъзи ороллар устидан ўзининг суверенитетини ўрнатишга бўлган интилишлари, денгиз ҳудудларида кўплаб сунъий ороллар ташкил қилиш ва у ерларда ҳарбий кучларини жойлаштириши ва хоказо масалалар халқаро миқёсда кўплаб давлатлар қаршилигига, шунингдек, уларнинг муҳокамасига дуч келмоқда.

Аммо, Хитой, ўзининг дунёдаги кўплаб глобал ва минтақавий муаммоларнинг ечими учун масъул эканлигини эълон қилди. Хитойнинг таъкидлашича, мамлакат кўплаб давлатларни ўзига жалб қилиш учун тортиш марказига айланди. Бугунги кунга келиб, тинч океани минтақасидаги

бўшлиқни тўлдириш учун икки асосий гигант давлат АҚШ ва Хитой кучли рақобатга киришмоқда.

Маълумки, Вашингтон очикчасига минтақадаги ҳукмронлигидан воз кечмаслигини, бунинг учун ўз арсеналидаги барча имкониятларни ишга солишини қайта ва қайта таъкидлаётган бўлса, тобора кучайиб бораётган Хитой эса ўз миллий ва давлатчилик манфаатлари, геосиёсий мақсадлари борасида чекинишни эмас, аксинча минтақада ўзининг қудратини янада кенгроқ намоён қилишга интилмоқда.

Вашингтон сўнгги вақтларда Япония, Тайвань ва Кореяни янада кўпроқ куруллантириш, Жануби-Шарқий Осиё давлатларини Хитой таъсиридан асраш борасида катта ишларни амалга ошираётганлигини алоҳида таъкидламоқда. Аммо, Хитойнинг иқтисодий тараққиёти, молиявий имкониятлари ва инвестицион жозибadorлиги АҚШданда, керак бўлса, минтақа давлатлари учун Япония ва Корея Республикасиданда ортиб бормоқда ва кўпалб давлатлар Хитой инвестицияси, капитали ва кредитларининг жозибadorлигини қайд этмоқдалар. Бу ҳолат эса ўз-ўзидан мамалакатларнинг Хитой билан яқинлашувига сабаб бўлмоқда. Бундан табиий ҳолатда шуни англаш мумкинки, Хитойнинг иқтисодий имкониятлари билан бир вақтда геосиёсий манфаатлари ва мақсадлари ҳам кенгаймоқда, доимий трансформацилашмоқда.

2. Жануби-шарқий Осиё Шарқий Ҳиндистондан Хитойгача бўлган ҳудудларда жойлашган 11 мамлакатни ўз ичига олади ҳамда “материк” ва “ороллар” ҳудудларига бўлинади. Материк давлатлар сафига Бирма, Таиланд, Лаос, Камбоджа ва Вьетнамлар киради ҳамда улар бевосита Осиёнинг давоми дейиш мумкин.

Орол давлатлар (ёки денгиз давлатлари) эса ўз ичига Малайзия, Сингапур, Индонезия, Филиппин, Бруней ва Шарқий Тиморни (илгари Индонезия таркибига кирган) қамраб олади. Малайзия, Бруней каби давлатларда Ислом давлат дини ҳисобланса, 235 млн. аҳолига эга ва унинг ҳам 85%ини мусулмонлар ташкил қиладиган Индонезияда ислом расмий давлат дини сифатида эътироф этилмайди, Филиппин – диний жиҳатдан католик насронийлар мамлакати бўлиб, фақатгина жанубий ҳудудларда ислом дини кенг тарқалган.



Жануби-Шарқий Осиёдаги маданий жараёнлар икки минг йиллар олдин бошланганлигини қайд этиш лозим. Ҳукмрон фалсафий қарашлар, дин асосан Конфуцийлик ва буддизм бўлганлигини, асосан Хитойнинг маданий таъсири кучли бўлганлигини алоҳида қайд этмоқ лозим. Шу билан бирга, кейинчалик ҳинд ва араб-мусулмон маданиятининг ҳам таъсири юқори бўлганлигини қайд этмоқ лозим. Уч диннинг аралаш таъсири бутун минтақада калорит жамиятларни вужудга келтирган.

Бугунги кунда минтақа геосиёсий ҳаётида ҳам ушбу уч дин ва маданиятнинг ўзаро рақобати, тўқнашуви кузатилаётганлигини қайд этиш лозим. Чунки, минтақада нафақат жадал суръатлар билан ривожланаётган иқтисодиётга эга бўлган давлатлар, балки ўз ечимини топа олмаётган ҳудудий низолар ҳам мавжуд. Парасел ороллари ва Спратли архипелаги атрофидаги зиддиятлар минтақа давлатлари ўртасидаги кескинликларнинг манбаи бўлиб қолмоқда. Жанубий-Хитой денгизидаги табиий ресурсларга бой ҳудудларга даъво билан чиқиш ҳам минтақа учун катта муаммоларнинг бошланиши сифатида кўринмоқда. Умуман олганда, муаммоларнинг ҳақиқий сабаблари анча чуқур. Бир томондан расмий Пекин, иккинчи томондан Япония ва учинчи томондан АҚШ минтақада ўзининг геосиёсий манфаатларини доимо қидиради. Минтақа иккинчи жаҳон урушига қадар Япония томонидан истило қилинганлиги ҳам минтақа давлатлари қаолбида битмас жараҳатларни қолдирган.

Маълумки, жануби-Шарқий Осиё – дунёнинг динамик ривожланаётган ҳудуди ҳисобланади. Кўплаб мутахассисларнинг фикрича, минтақа давлатларининг тараққиёти борган сари юксалиб боради ва демографик, иқтисодий, ишлаб чиқариш бўйича ХХІ асрда Европани ортда қолдиради ва жаҳон иқтисодиётининг локомотивларига айланади. Шу билан бирга, давлатлар ўртасида сиёсий рақобат ҳам кучайиб боради ва бу геосиёсий кескинликларни ҳам вужудга келтириш имкониятлари мавжуд.

Энг ёмони, юқорида бир неча бор таъкидлаб ўтганимиздек, Хитойнинг кучайиши давлатлар ўртасида унга нисбатан хавотирни, ишончсизликни кучайтириб бораверади. Ўзининг геосиёсий қудрати, демографик салоҳияти, инвестицион фаоллиги, капитал кучи билан Хитой минтақада фаол ташқи сиёсат юритишга ҳаракат қилаётганлиги, бунинг устига давлатлар АҚШ ва Япониянинг ахборот таъсири остида Хитойга нисбатан муносабатлари шаклланаётганлиги ҳам минтақа геосиёсатининг мазмунига айланиб бормоқда.

Жанубий Хитой денгизидаги Парасел ороллари архипелаги чегараланиши билан боғлиқ ҳудудий муаммолар (Хитой, Вьетнам ва Тайвань каби давлатларнинг даъво қилиши) ва Спратли (Хитой, Вьетнам, Тайвань, Филиппин, Малайзия ва Бруней даъво қиладиган) минтақадаги геосиёсий вазиятни тобора мураккаблаштирмоқда. Ушбу катта кенгликлардаги куруқлик ҳудудлари унга чегарадош давлатлар томонидан ҳарбий куч ёрдамида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган. Ҳар бир давлат ўз манфаатидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудларга даъвогарлик қилмоқдалар.

3. Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёда бугунги кунда ҳар бир қудратли давлат ўзининг геосиёсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ҳаракат қилмоқда. Минтақада асосий қудратга эга бўлган акторлар сифатида Хитой, Япония ва АҚШни келтиришимиз мумкин. Россия ва ЕИ ҳали бу ҳудудларга таъсир кўрсатадиган даражада қудратга эришмаган. Шунингдек, минтақада Ҳиндистон ва Араб давлатларининг ҳам таъсири аста-секин сезилмоқда. Бунинг ҳам икки цивилизациявий асослари мавжуд бўлиб, минтақада ҳинд диаспораларининг ва мусулмон давлатларининг мавжудлигидир.

Умуман олганда, сўнгги йилларда ўз геосиёсий мақсадларини амалга ошириш учун Хитой турли хил декларациялардан воз кечган ҳолда, амалий ишларга ўта бошлади. Яъни, энергетик ресурсларга бой, давлатлар ўртасида бахсларга сабаб бўлаётган шельфларда нафақат геологик разведкалар ўтказиш, балки энергетик ресурсларни қазиб олиш ишларини ҳам самарали ташкил қила бошлади. Бу эса бошқа давлатларнинг кескин норозиликка сабаб бўлмоқда. Бу эса геосиёсий зиддиятларни, балки урушларнинг ҳам вужудга келишининг асосий омили бўлиши мумкин. Ҳаттоки, Вьетнам ва Филиппин билан кесинликларни ҳам вужудга келтирди. Умуман, бугунги Европа ва Жануби-Шарқий Осиёни солиштирадиган бўлсак, иккинчисида вазият жуда мураккаблигини, биргина Хитойнинг ўзи Ҳиндистон, Япония, Корея Республикаси, Вьетнам, Филиппин, Малайзия, Бруней ва хоказо давлатлар муносабатлари ўта “дўстона” эмаслигини кўришимиз мумкин. Бу эса минтақада ҳали зиддиятли геосиёсат давом этишини англатади.

Шунингдек, минтақада ўзини азалий “хўжайин” ҳис қиладиган Япония, гарчи, Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг мавқеи анча пасайган бўлишига қарамасдан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига “кўз олайтириши” кузатилаётганлиги кўплаб экспертлар томонидан эътироф этилмоқда. Шунингдек, муносабатлардаги совуқлик, бу Япония томонидан айнан ўша Иккинчи жаҳон уруши даврида етказилган ситамлар ва ҳали уларнинг жабрдийда давлатлар ва халқлар томонидан ҳали унутилмаганлигини мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Мисол учун, Иккинчи жаҳон урушида келтирган зарарлари ва оғир оқибатлари учун Германия кўплаб давлатларга каттадан-катта бадаллар тўлаган бўлса, Япония ҳеч бир давлатга бадал тўламаган. Бу эса ундан зарар кўрган, мусибатларни бошдан кечирган мамлакатлар томонидан совуқ баҳоланаётганлиги ҳам Япониянинг имиджига таъсир кўрсатади. Лекин Япония бу давлатларнинг асосий инвестори ролини бажараётганлиги эса вазиятни бир мунча юмшатмоқда.

Минтақада ўзининг азалий манфаатлари билан алоҳида ажралиб турадиган АҚШ эса ўзининг асосий геосиёсий мақсадига эга. У ҳам бўлса, минтақани ўзининг назорати остида ушлаш ва Хитойнинг таъсирини чеклашдир. Бу мақсадларига эришиш учун эса у ўзининг иттифоқдошларини, яъни Японияни, Кореяни, Тайванни ва бошқа давлатларни замонавий куроллантириш ва уларни Хитойга қарши “қайраш” эканлигини ҳам эътироф этмоқ жоиз. Бу борада ҳанузгача катта ютуқларга эришган. Бугун Жануби-Шарқий Осиёдаги геосиёсий вазият асосан АҚШ ва Хитой муносабатларига ҳар томонлама боғлиқ эканлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Минтақадаги геосиёсий аҳволнинг ривожланиш йўналишининг эҳтимолларини башорат қилиш учун биринчи галда, геосиёсий акторлар ва турли томонларнинг мақсадларини яъни англамоқ лозим. Аксарият ҳолларда, мавжуд зиддиятлар демографик аҳвол, энергетик ресурслар ва геостратегик йўллар устидан ўз назоратини ўрнатишга бўлган интилишларда намоён бўлмоқда. Дунёда юз бераётган кесин геосиёсий ҳолатларни таҳлил қиладиган бўлсак, минтақада ҳам турли кесинликлар бундан буён ҳам чуқурлашишини алоҳида қайд этмоқ лозим.

Юқорида келтириб ўтганимиздек, геосиёсий мақсадлар ва манфаатларнинг зиддиятлардан холи тарзда ривожланиши, минтақада АҚШ, Хитой, Япония ва Ҳиндистоннинг геосиёсий фаолиятига, Корея яриморолидаги вазият барқарорлашувига, Жануби-Шарқий ҳудудлардаги цивилизациялар ўртасидаги мулоқотга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Мавзунини мустаҳкамлаш саволлар:

1. Шарқий Осиёдаги геосиёсатнинг хусусиятлари нималардан иборат?
2. Жануби-Шарқий Осиёдаги геосиёсий зиддиятларни шакллантирувчи омиллар нималарда акс этмоқда?
3. Минтақадаги геосиёсий баҳсларнинг асосий сабаблари нима?
4. Қудратли давлатларнинг минтақадаги геосиёсий мақсадларини ёритиб беринг.

ТЎЎҚҚИЗИНЧИ МАВЗУ. Россиянинг жаҳон геосиёсий жараёнларига таъсири, геостратегик манфаатлари

РЕЖА:

1. Россия геосиёстининг асослари ва устувор йўналишлари
2. Россия халқаро муносабатлар тизимининг глобал актор сифатидаги роли
3. Россиянинг геосиёсий манфаатлари ва мақсадлари

Тушунча ва таянч иборалар: *глобал лидерлик стратегияси, сиёсат, «фаол аралашини» сиёсати, стратегик иттифоқчи, жаҳон географик, иқтисодий ва цивилизацион мезонлари, миллий хавфсизлиги манфаатлари*

Россия ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари ва устувор йўналишлари. Россия Федерацияси жаҳон сиёсатида етакчи куч марказларидан бири бўлиб, рус олимларини таъкидлашларича, “буюк давлат” сифатида Россия 250 йиллик тарихга эга. Шу жиҳатдан жаҳонда янги сиёсий тартиботнинг шаклланишига кучли таъсир кўрсата олиш потенциалига эгадир. Бу, энг аввало, халқаро муносабатларда муҳим аҳамиятга эга бўлган Россиянинг ташқи сиёсий ресурслари билан белгиланади. Ушбу ресурслар таркибига рус олими Г.А.Дробот эътироф этганидек, географик, демографик, иқтисодий ва ҳарбий ресурсларни келтириш мумкин. Бу ресурслар моддий ҳарактерга эга бўлиб, номоддий ресурслар сиёсий, ижтимоий, мафкуравий, маданий, информацион ва илмий-технавий ресурслардан иборат.

Қисқача Россия Федерациясининг ташқи сиёсий ресурслари тўхталиб ўтадиган бўлсак, Россия географик жиҳатдан дунёдаги энг катта ҳудудга эга - 17.075.200 км кв. Бу ер шаридаги қуруқликнинг 1/8 қисмини ташкил этади. Жаҳоннинг стратегик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этган Яқин Шарқ, Европа, Марказий Осиё, Узоқ Шарқ минтақалари билан туташ чегараларга эга ва кўплаб денгизга чиқиш портлари мавжуд. Шарқ ва Ғарб давлатларини бир бири билан боғлаб туриш вазифаларидан бирини бажаради.

Россиянинг демографик ҳолати кўра аҳолиси 2008 йил июлдаги маълумотларга биноан 140,702,096 ни ташкил этиб, бу жиҳатда жаҳонда еттинчи ўринда туради. Бироқ аҳоли ўсиши йилдан йилга камайиб бормоқда, бу кўрсаткич 2008 йилда - 0,474%га тенг бўлган.

Иқтисодий потенциалига кўра, Россия тез тараққий этиб бораётган давлатлардан биридир. 1998 йилга иқтисодий инкироздан буён иқтисодий ўсиш йилига ўртача 7% ташкил этган бўлса, бугунги кунда ЯИМ 2021 йилда 4.4 фоизга ўсган. Шунингдек, Россиянинг иқтисодий жиҳатдан жадал суратда ўсишига унинг улкан бойликларга эга эканлиги, хусусан, энергетикага талаб ва баҳосининг ошиб боришидир. Бугунги кунда мамлакат нефт захираси 60 млрд. баррел ва табиий газ захираси эса 47,57 трлн. куб м. (2020). Жаҳонда жамияти нефть экаспортининг 15% Россия хиссасига тўғри келади ва бу жиҳатдан Саудия Арабистонидан (16,1%) сўнг иккинчи ўринни эгаллайди. Бироқ таъкидлаш жоизки, Россия экспорти ва ЯИМнинг катта қисми хом ашё даромадига тўғри келиши, Россия ФА халқаро хавфсизлик Маркази

директори А.Арбатов таъкидлаганидек, унинг жаҳон сиёсий майдонида барқарор ролини таъминлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.



Ташқи ва хавфсизлик сиёсатида ҳал қилувчи омил бўлган Россия ҳарбий потенциалига тўхталадиган бўлсак, бу борада Россия жаҳондан икки ҳарбий қудратли давлатлардан биридир. Ҳозирги даврда жаҳондаги ядровий қурол захирасининг 95% АҚШ ва Россияга тегишлидир. Гарчи собиқ иттифок парчалангандан сўнг ҳарбий харажатлар қисқарганига қарамай, бу жаҳондаги шу соҳадаги умумий харажатларнинг 3% ташкил этади. Ушбу кўрсаткич бўйича дунёда еттинчи ўринда туради. Стокгольм халқаро тинчликни тадқиқ этиш институти (СИПРИ)нинг 2019 йилги докладига биноан жаҳон қурол ярқ бозорида Россия улуши 25%ни ташкил этган (АҚШ-31%). 2003 – 2021 йил умумий етказиб берилган қуролларнинг 45% Хитой, 22% Ҳиндистон, 5% Венесуэла ва 4% Жазоир хиссасига тўғри келган.

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги ва XXI асрнинг бошларидаги жаҳон сиёсий майдонидаги кескин ўзгаришлар: икки қутбли дунё тартиботининг барҳам топиши, Собиқ СССР ва Варшава ташкилотининг парчаланиши, глобал характердаги муаммоларнинг вужудга келиши, халқаро хавфсизликка таҳдиднинг янги кўринишларининг юзага келиши, халқаро муносабатлар тизимида янги етакчиликка даъвогар куч марказларининг шаклланиши Россия ташқи сиёсатини қайта кўриб чиқиш ва замонавий давр талабларига мослаштириш зарурати туғилди. Бу эса ташқи сиёсатнинг янги ҳуқуқий асосларининг яратилишига замин яратди.

Россия ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари сифатида халқаро кўп ва икки томонлама шартномардан ташқари қуйидаги ҳужжатларни келтириш мумкин:

1. Энг аввало, Россия Федерацияси Конституцияси (1993 йил 12 декабр);
2. Россия Федерацияси ташқи сиёсий концепцияси (12 июл 2008 йил);
3. Россия Федерацияси миллий хавфсизлик концепцияси (2000 йил 10 январ);

4. Россия Федерацияси ҳарбий доктринаси;
5. 2020 йилгача даврдаги Россия Федерацияси денгиз доктринаси (2004 йил 18 август);
6. Россия Федерацияси ахборот хавфсизлиги доктринаси (2000 йил 20 январ);
7. Халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасида Россия Федерацияси давлат сиёсати Концепцияси (2000 йил 20 январ);
8. Россия Федерацияси экологик доктринаси;
9. Россиянинг Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иштирокчи давлатлари билан стратегик Курси;
10. Россия Федерацияси давлат миллий сиёсати концепцияси ва бошқа ҳужжатлар.

Маълумки, Россия ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ва бу борадаги фаолиятининг шаклланишида юқорида келтирилган, бошқа бир қатор халқаро ва миллий қонунчилик меъёрлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, тасдиқланган “Россия Федерацияси ташқи сиёсий концепцияси”да Россия Федерациясининг ташқи сиёсий принциплари ва устувор йўналишлари, унинг моҳияти белгилаб берилган. Концепсияга мувофиқ, Россиянинг халқаро майдонда ва глобал муаммоларни ҳал қилиш ташқи сиёсий устувор йўналишлари (приоритетлари) сифатида қуйидагилар белгилаб берилган:

1. Янги жаҳон тузилмасини ташкил этиш. Бу система жаҳон ҳамжамиятининг ҳар бир аъзосига сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, инфор­мацион, гуманитар ва бошқа соҳаларда ишонли ва тенглик таъминлашга асосланган ҳавфсизликни таъминлашга даъват қилишдан иборат. Унинг бош инструменти кўп томонлама дипломатия белгиланган. БМТ халқаро муносабатларни бошқариш ва тартибга солишдаги ролини оширишга алоҳида тўхталиб ўтилган;
2. Халқаро муносабатларда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш;
3. Халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш;
4. Халқаро иқтисодий ва экологик ҳамкорликни кучайтириш;
5. Халқаро гуманитар ҳамкорлик ва инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш;
6. Ташқи сиёсий фаолиятни ахборот билан таъминлаш (Информационное сопровождение внешнеполитической деятельности);

Шунингдек, ушбу концепцияда Россия Федерацияси ташқи сиёсатининг минтакавий приоритетлари (устувор йўналишлари) борасида ҳам тўхталиб ўтилган. Улар орасида қуйидагиларни ажритиб кўрсатиш мумкин:

- МДХ давлатлари билан икки ва кўп томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш (шунингдек, Евросиё, КХШТ ва ШХТ доирасида);
- Қора денгиз ва Каспий денгизи қирғоғидаги давлатлар билан ҳамкорликни кучайтириш;
- Европа йўналиши – шунингдек, ЕХХТ ва Европа Кенгаши доирасидаги алоқалар;

- Европа Иттифоқи билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш. Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Испания, Финландия, Греция, Нидерландия, Норвегия ва бошқа бир қатор Ғарбий Европа давлатлари билан ўзаро фойдали икки томонлама алоқаларни ривожлантириш;
- Арктика ва Европа минтақасида Шимолий Европа билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш;
- АҚШ, НАТО ва Россия Кенгаши доирасида муносабатларни ривожлантириш;
- АТР мамлакатлари, АСЕАН, Хитой ва Ҳиндистон билан келгуси ҳамкорликни ривожлантириш;
- Яқин Шарқ, мусулмон мамлакатлари, Африка ва Лотин Америка давлатлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш.

Бевосита 1990 йиллардан бошлаб Россия ташқи сиёсати тенденциясини таҳлил қиладиган бўлсак, рус олими Г.А.Дробот таъкидлаганидек замонавий Россия ташқи сиёсатини уч босқичга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич. Россия ташқи сиёсатининг бу босқичи 1980 йиллар охирида совуқ уруши барҳам топиши, Вашингтон Шартномаси ташкилотининг тугаши, совет иттифоқининг парчаланиши билан бошланган. Бир неча йиллар давомида, яъни 1990 йиллар иккинчи ярмига қадар демократик тизимга ўтиш ривожланди. Ғарбда “демократик Россия энди бизга душман эмас” ҳолати вужудга кела бошлади ва ўзаро қарама қаршилик, низолар учун сабаб бўлган бош омиллар тугади дейиш мумкин. Бир қатор таҳлилчилар наздида, Россия АҚШ етакчилиги қилаётган Ғарб дунёсига бирлашиб кетди деган қарашлар ҳам юзага келди.

Россияда ҳам либерал характерга эга давлат раҳбари Б.Елсин ва ташқи ишлар вазири А.Козирев даврида Ғарб билан, хусусан, АҚШ билан дўстона алоқалар икки йўналишда: иқтисодий ва ҳарбий сиёсий йўналишда ривожланди. 1992 йил бошида Россия томони АҚШ билан алоқаларда очиқликни намоён этди. Президент Б.Елцин расмий равишда мамлакатнинг ядровий қуроли АҚШ территориясига йўналтирилмаслигини билдирган. Россия иқтисодий ислохотлар учун 1990 йилларда Ғарбнинг катта молиявий ёрдамларидан фойдаланди. Натижада барча муҳим халқаро масалалар, жумладан қуролланиш бўйича музокараларда, Россиянинг Америка ташқи сиёсати таъсирига берилди дейиш мумкин.

Бу даврда Россиянинг ролини тушиши ва унинг муҳим халқаро муаммоларда АҚШга ён беришини икки омил орқали изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, мамлакатда аниқ ва пухта ишлаб чиқилмаган ислохотлар натижасида дававал Россиянинг иқтисодий ва ҳарбий потенциали сезиларли даражада тушиб кетиши;

Иккинчидан, Россиянинг иқтисодий, ҳарбий ва техникавий қудратининг тушиб кетиши, унинг халқаро майдондаги обрўсининг тушига олиб келди. Бошқача айтганда, икки қутбли даврдаги таъсирини бой берганлигидир. Масалан, 1999 йил Югославия инқарозида Ғарбга таъсир ўтказа олмаганлиги.

Бугунги кунда солиштирадиган бўлсак, Россиянинг ташқи сиёсатга ажратаётган ҳаражати паст кўрсаткичда қолмоқда. Ташқи сиёсатга АҚШ - 300 млрд. доллар, Япония - 50 млрд. атрофида, Англия - 40 млрд.га яқин, Россия эса - 8 млрд.доллар сарфлайди.

Иккинчи босқич. Россия ташқи сиёсатининг иккинчи босқичи ўтган асрнинг сўнгида бошланди. Сабаб НАТОнинг Шарққа кенгайиши билан боғлиқ биринчи музокараларнинг бошланиши ва альянснинг Югославия (1999)га қарши агрессияси билан боғлиқ. Бу Россия ташқи сиёсати учун жиддий зарба эди.

Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, 1996 йил охиридан бошлаб Россия ташқи сиёсатидаги бош муаммо НАТОнинг шарққа кенгайишидир. НАТОга пост совет мамлакатларини қабул қилишнинг биринчи тўлкини 1997 йил июлда НАТОнинг Испаниянинг Мадрид шаҳридаги кенгашида Польша, Венгрия ва Чехияни қабул қилиш борасида қарор қабул қилинган ва бу жараён 1999 йилда ниҳоясига етган эди. Бу мамлакатлардаги қайта курулганиш ва ҳарбий инфраструктурани тиклаш учун 10-15 млрд.доллар ажратилиши ҳам ҳисобга олинди.

Мазкур даврдаги муҳим жиҳатлардан яна бири жаҳон сиёсатида яна бир кучли актор - Хитойнинг тасири кучая бошлаганидир. 1990 йиллар охиридан - Ден Сяопин бошлаган ислоҳатлардан тахминан йигирма йилдан сўнг - жаҳон ҳамжамияти эътиборини ХХРга қаратишди. Иқтисодий қудрати ошган Хитойнинг ҳарбий потенциалини модернизация қилишга ўтиши, мамлакат халқаро муносабатларнинг янги даврида жиддий омилга айланди.

Россия ташқи сиёсатининг янги даври бошланишини аниқлаб берган омиллардан бири АҚШнинг 1900-2000 йилларда халқаро муносабатлардаги ролининг ўзгарганлиги ва ягона етакчи позициясини эгаллашга уриниши билан характерланади. Россиянинг ўз муаммолари доирасида қолганлиги, Хитойнинг етарлича рақобатбордош эмаслиги, Европа иттифоқи ва Япониянинг АҚШ билан биргалиги Американинг дунёда гегомонликка интилишига олиб келди. Шу даврдан бошлаб, АҚШ “ўз йўлидан юриш”ни синаб кўрмоқда, қолган давлатлар у билан ҳисоблашиши зарур, деган фикрни билдирган олим Г.А.Дробот.

Россия ташқи сиёсатининг иккинчи даври бошланиши амалиётда Россия Президенти сифатида 2000 йилда В.Путиннинг сайланиши билан боғлиқ. Унинг ташқи сиёсатини буюк давлатчилик тамойилига асосланган дейиш мумкин ва икки муҳим таркибий қисмини кўрсатиб ўтиш мумкин:

Биринчидан, Россия ташқи сиёсий йўналишини қайта ташкил этиш, шунингдек, замонавий дунёда етакчи куч марказларининг катта қисми билан, шу жумладан АҚШ, ЕИ, Хитой, Ҳиндистон, Лотин Америка давлатлари ва Яқин Шарқ билан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа соҳаларда алоқаларни қўллаб-қувватлаш.

Иккинчидан, жаҳонда АҚШ гегомонлигига йўл қўймаслик сиёсатидан бориш, 1990 йил охиридан, ташқи ишлар вазири Е.Примаков бўлган даврдан, бошланган. Жорж Масон Университети профессори М.Н.Катснинг таъкилашича, Россиянинг ҳозирги президенти В.Путиннинг ташқи сиёсати

АҚШ “тегемонияси” ва “бир кутбли дунё” ғояси таъсирини камайтиришга уринишмоқда ва кўп кутбли дунё тартиботида Россияни йирик қудратли давлатга айлантиришга уринишмоқда.

Е.Примаков билан Россиянинг буюк давлат мақомини сақлашга келишган холда, В.Путин Ғарб томонидан бўладиган таҳдидлар таъсирини камайтиришга эътибор қаратди. Шу билан бирга у Европа давлатлари ва АҚШ билан ҳамкорликни ривожлантиришга уринди.

В.Путин Россиянинг ўзига хос хусусиятлари унинг Осиё давлати эмас, Европа давлати сифатида қолишини тасдиқлади. Бу борадаги кўплаб қийинчиликларга қарамасдан, В.Путин ўзининг ўзининг барча Президентлик давларида Россиянинг Европа давлати сифатида қолишини таъминлашда давом этди. Россиянинг яқин келажақдаги муҳим миллий ва узоқ муддатли манфаатлари - Ғарбга максимал даражада сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан яқинлашиши ва ягона евроатлантик маконни шакллантиришдир. Шунинг учун янги ташқи сиёсий курсда Европа вектори бош вектор сифатида таъкидланган.

Учинчи босқич. Россия ташқи сиёсатининг учинчи босқичини Президент В.Путиннинг 2007 йил февралда Мюнхен шаҳрида бўлиб ўтган Хавфсизлик бўйича конференцияда чиқиши билан боғлиқ мумкин. Бу давр норасмий тарзда “ҳужумкор давр” деб номланди ва асосий жиҳатлари қуйдагилардан иборат:

1. АҚШ дунёга бир низо кетидан бошқасини олиб келаётган ташқи сиёсатини кескин танқид қилиш. Сўз бу борада, энг аввало, Ироқ муаммоси, Эронга уруш билан таҳдид қилиш ҳақида бормоқда. Россия АҚШнинг БМТнинг жаҳонда ҳарбий хавфсизлик масаласини беътибор қолдиришда ва Европада ўрнатишни режалаштираётган РХҚМТ (ПРО) масаласида танқид қилган эди. Шундан сўнг, Афғонистон, Украинадан Қримнинг тортиб олиниши, икки область, яъни Донецк ва Луганскнинг бир томонлама мустақилликни эълон қилиши билан боғлиқ воқеликлар Россиянинг яққаланишига сабаб бўлаётганлиги, В.Путиннинг эса Ғарб давлатларига ташрифи, айниқса, муҳим халқаро тадбирларда сўзга чиқиши билан имкониятлари анчайин чекланишига сабаб бўлди дейиш мумкин.

2. Европа йўналишида Россия Европада одатий қуроли кучлар тўғрисидаги шартнома (ДОВСЕ)ни иштирокчилар томонидан амали суёт кетаётганликда айблади. ДОВСЕда иштирок этишга моноторий эълон қилди. Бундан ташқари Россия Европада энергетик хавфсизлик бўйича ўзининг сиёсатини қатъий белгилаб олди. Шунингдек, ЕХХТ га МДХ ҳудудида Россия манфаатларига қарши “демократлаштириш” ни қўллаб қувватлаш орқали фаолият олиб бораётганлиги учун бадал пулини тўлашни тўхтатишини эълон қилди.

3. Яқин Шарқда Россия Фаластиндаги Ғарб томонидан террорчи ташкилот сифатида эълон қилинган етакчи ХАМАС ташкилоти билан расмий муносабатлар ўрнатди. Марказий Осиёда Россия тинчлик йўлида Эрон билан ядровий технология борасида алоқаларни қўллаб қувватлади. Шу билан бирга, 2011 йилда Сурия Араб республикасида бошланган фуқаролар

ураши, унинг натижасида баъзи Яқин Шарқ араб давлатлари, Туркия, АҚШ ва Европа давлатларининг Сурия Президенти Башар Асадни ҳокимиятдан кетказиш бўйича санкциялари эълон қилинди. Россия эса минтақада вужудга келган Ислом давлати террористик ташкилотига қарши курашиш шиори остида Суриядаги Хмеймим ва Тартус ҳарбий базаларини бутунлай янги асосда модернизация қилиши ва Сурияда бутунай мустаҳкам ўрнашишга эришди. Бунга муносиб тарзда, нафақат Яқин Шарқда, балки бутун жаҳон миқёсида Россиянинг геосиёсий таъсири янада ортиб бормоқда.

Россия геосиёсатида газ ва нефть дипломатияси

Россиянинг геосиёсий мақеи ортишининг яна бир сабаби, унинг жаҳондаги энг йирик нефть ва газ қазиб олувчи ва экспорт қилувчи мамлакатга айланганлигидир. Бугунги кунда бу борада Россия Европа давлатларини, Осиё давлатларини Хитой ва Японияни энергетик ресурслар билан таъминлаш борасида ўзининг трансмиллий компанияси бўлган Газпром, Лукойл, «Интер РАО», «Газпром энергохолдинг», «Энел Россия», «ЕвроСибЭнерго» ва бошқа қатор компаниялари имкониятларидан жуда самарали фойдаланаётганлигига алоҳида қайд этмоқ жоиз.

Европа давлатларини газ билан таъминлашнинг бир неча йўллари бўлиб, улар ичида “Шимолий оқим” (Nord stream) ва “Шимолий оқим-2” (Nord stream-2), Турк оқими, жанубий оқим, Украина орқали транзит ва хоказо йўللardan фойдаланган ҳолда, уларни энергетик жиҳатдан ўзига қарам қилаётганлиги масаланинг бир томони бўлса, Россиянинг бундай энергетик геосиёсатини пайқаб қолган ва турли санкция йўллари билан уларни тўхтатишга ҳаракат қилаётган АҚШ ва Буюк Британиянинг сиёсати иккинчи томон сифатида бутун Европа геосиёсатида маълум бир мураккабликларни ҳам келтириб чиқармоқда. Шунингдек, Россия сўнгги ўн йилликнинг энг катта лойиҳаси сифатида “Сила Сибири”ни (инглизча талқин қилинганда - Power of Siberia is a Gazprom-operated pipeline in Eastern Siberia that transports natural gas from Yakutia to Primorsky Krai and China) илгари сураётганлигини эътироф этмоғимиз лозим. Приморье ўлкаси ва Хитойни газ билан таъминлаш борасидаги ушбу улкан лойиҳанинг асосий мақсади, Европа учун муқобил экспорт йўналишини топиш ҳисобланади.

Шунингдек, Россия дунё нефть бозорида ҳам жуда юксак мақега бўлиб, ушбу муҳим энергетик хом-ашё мамлакат экспортининг ва давлат бюджети шаклланишининг асосий омили ҳисобланади. Россиянинг жаҳон бозоридаги яна бир муҳим мақеи, унинг ОПЕК давлатларидан ташқари, ўзининг мустақил энергетик сиёсат олиб бориши, аммо, бу борада ОПЕК давлатларининг дунё энергетик бозоридаги мақеига ҳам таъсир кўрсата олиш қобилиятидир.

Шуни алоҳида қайд этмоқ жоизки, яқин йилларда анъанавий энергетика бозорида жиддий ўзгаришлар бўлиши кутилмапти ва Россиянинг жаҳон геосиёсатидаги энергетик дипломатияси сақланиб қолаверади.

Россиянинг Марказий Осиё давлатлари ва Ўзбекистонга нисбатан геосиёсати

Бугунги кунда Россиянинг Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан алоқалар кенгайиб бораётганлиги кўриниб турибди. Икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар, ҳарбий-сиёсий муносабатлар икки ва кўптомонлама асосда тараққий этмоқда. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар, алоқалар бир қанча ҳуқуқий асослари мавжуд ва Ўзбекистон билан боғлиқ мавзуда қўшимча ёритилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар


1. Россия геосиёсатининг асосий йўналишлари ва манфаатлари ҳақида айтиб беринг.
2. Россия геосиёсатини белгиловчи омиллар нималардан иборат?
3. Россиянинг Марказий Осиё минтақасидаги манфаатлари ҳақида гапириб беринг?
4. Россия геосиёсий мақсадлари ва манфаатлари ҳақида маълумот беринг.

ЎНИНЧИ МАВЗУ. Жанубий Осиёдаги геосиёсий жараёнлар: Ҳиндистон ва Покистон геосиёсатининг хусусиятлари

РЕЖА:

1. Жанубий Осиёдаги геосиёсий жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари
2. Ҳиндистон ва Покистон геосиёсати ва унинг халқаро муносабатларга таъсири
3. Жанубий Осиёдаги геосиёсий жараёнларга қудратли мамлакатлар геосиёсатининг таъсири

1. Бугунги Жанубий Осиё халқаро муносабатларнинг энг муҳим иштирокчи минтақаси сифатида ўзининг алоҳида геосиёсий мавқеига эга. Гарчи, Жанубий Осиё жўғрофий жиҳатдан айнан Хитойни қамраб олмасда, аммо, АҚШ ва Хитой ўртасидаги рақобат муҳити барибир минтақа барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатиш омили бўлиб қолаверади. АҚШ томонидан илгари сурилаётган лойиҳа, яъни тўрт демократик давлат, АҚШ, Ҳиндистон, Япония ва Австралияни қамраб оладиган Ҳинд-Тинчокеани қвартети баррикаданинг бир томонида – Хитойнинг “Ягона тақдир ҳамжамияти” лойиҳаси номли лойиҳаси эса иккинчи томонида туриб, минтақадаги икки қудратли давлат Ҳиндистон ва Хитой ўртасидаги рақиблик муҳитини янада авж олдирмоқда ва вазиятга янги ёндашувларни вужудга келтирмоқда. Шунингдек, Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги вазиятнинг ҳам таранглашувиға нафақат ушбу икки давлатнинг геосиёсий манфаатлари, балки қудратли давлатлар томонидан узоқ йиллик тарих давомида “экилган” геосиёсий зиддиятлар “уруғи” ўз мевасини бермоқда. Бунинг натижасида эса нафақат уч ядровий мамлакат Хитой-Ҳиндистон-Покистон муносабатларидаги таранглик юз бермоқда, балки минтақага қўшни бўлган давлатлар, яъни Афғонистон ва Эронда ҳам акс этмоқда.



Нью-Дехлининг расмий Пекин билан муносабатлари фақатгина чегаравий муаммолар билангина эмас, балки Ҳинд-Тинч океани минтақасида ўз таъсири ёйиш билан ҳам боғланганлигини қайд этмоқ лозим. Ҳиндистон Ҳинд океанини мамлакатнинг геосиё устунлигини таъминловчи анъанавий

омил сифатида қараши, мамлакатнинг тақдирига боғлиқ эканлигини илгари сурсалар, Хитой томонидан илгари сурилаётган, Ҳинд океанини кесиб ўтадиган «Денгиз ипак йўли» концепцияси Ҳиндистоннинг норозиликка сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, Ҳиндистон томони Хитойнинг ҳар қандай лойиҳаларига қарши чиқаётганлигини, ҳаттоки “Бир макон-бир йўл” лойиҳасига ҳам танқидий ёндашаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса ҳақиқий геосиёсий манфаатларнинг тўқнашуви сифатида эътироф этилиши мумкин.

Шу билан бир қаторда, Хитой-Покистон иқтисодий йўлаги номли камар ва йўл лойиҳаси ҳам Ҳиндистон томонидан совуқ қаршиланмоқда. Бунинг асосий сабаби эса ўтадиган автомобил ва темир йўлининг Покистон ҳарбийлари назорати остида бўлган Кашмир ҳудудидан ўтишидир. Бу эса Хитой ва Покистон томонидан Ҳиндистон суверенитети бузилиши сифатида баҳоланиб келинмоқда.

Глобал ва минтақавий ривожланишнинг бугунги тенденциялари Жанубий Осиёнинг замонавий халқаро муносабатларнинг тузилмалари янгиланишидаги ролини оширмоқда. Ҳиндистон, Хитой ва бошқа жанубий Осиё мамлакатларининг иқтисодий юксалиши, ҳарбий қудратининг ортиши, уларнинг дунёнинг бошқа мамлакатлари ва минтақалари билан алоқалари кенгайиши ва диверсификацияси Жанубий Осиё ва Ҳинд океани ҳавзасини таъсир соҳасининг трансформациялашуви даврида муҳим аҳамиятини вужудга келтирмоқда. Бундай жараёнлар мураккаб ва зиддиятли тарзда амалга ошмоқда. Чунки, минтақага дахлдор мамлакатлар фақатгина ўзларининг миллий ва давлатчилик манфаатларинигина ҳисобга олмоқда.

Минтақада ўз таъсирини ёйиш учун рақобатли курашларнинг кучайиши учун қўшимча турткини Хитой томонидан илгари сурилаётган ташаббус, яъни “Бир макон – бир йўл” ва унинг XXI асрдаги Денгиз ипак йўли бераётганлиги ҳақида юқорида ҳам гапириб ўтдик. Маълумки, Ҳинд океани орқали ўтадиган денгиз йўли орқали Хитой ўзининг 90% юklarини Европага ташиши, шунингдек, мамлакат учун зарур бўлган энергетик ресурсларни олиб кириши мумкин. Бунинг учун эса Хитой, Ҳиндистон билан эмас, балки бошқа Ҳиндхитой мамлакатлари муносабатларни ривожлантирмоқда ва улар билан турли мулоқотларни бормоқда.

Бу эса Ҳиндистоннинг миллий манфаатларига жавоб бермайди ва у Хитойнинг жанубий Осиёдаги мавқеи ортишидан хавотирда. Шу муносабат билан, Ҳиндистон минтақада Хитойнинг манфаатларига жиддий жавоб беришга қодир кучлар билан, Япония, АҚШ, керак бўлса Корея Республикаси билан ҳамкорликни ярана чуқурлаштириш тарафдори бўлиб қолмоқда. Минтақада қулай позицияга эга бўлиш билан боғлиқ рақобатли курашларда транспорт йўлаклари муҳим эканлиги аллақачон англаб етилган. Ушбу йўлаklar билан боғлиқ инфратулизмавий лойиҳалар ўз ташаббускорларига ўзининг иқтисодий, ҳарбий-сиёсий, ахборот ва бошқа ресурсларга боғлиқ таъсирларини янада оширишга, ўз геосиёсий манфаатларини илгари суришни таъминлашга имкон беради.

Ҳиндистон томонидан Жанубий Осиёда илгари сурилаётган интеграцион лойиҳаларнинг геосиёсий хусусиятларини Жавохарлаъл Неру университетининг халқаро тадқиқотлар мактаби Европа тадқиқотлари маркази профессори Гулшан Сахдева (Gulshan Sachdeva) “Евроосиёдаги интеграцион лойиҳаларнинг ҳар бири икки ўлчам билан баҳоланади: геосиёсий ва иқтисодий” дея таъкидлайди. Шу билан бирга экспертнинг таъкидлашича, “баъзан геосиёсат биринчи даражага чиқади ва бу ўз-ўзидан ўзаро мулоқотларни қийинлаштиради”.

Энди бевосита Жанубий Осиёнинг энг катта ва динамик тарзда ўсиб бораётган, аҳолисининг сони бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллайдиган, ўзининг ранг-баранг маданияти билан алоҳида ажралиб турадиган Ҳиндистон ва унинг геосиёсий манфаатлари, фаолияти ҳақида сўз юритсак.

2. Ҳиндистон бугунги кунда жадал ўсиб бораётган, аҳолисининг умумий сони 1 млрд. 400 млн.ни ташкил қиладиган, умумий майдони 3 287 263 км², ни ташкил қилади. Аҳоли сони жиҳатдан дунёда иккинчи, ҳудудининг катталиги жиҳатдан эса еттинчи ўринни эгаллайди. Мамлакат дунёнинг деярли барча қудратли геосиёсий акторлари билан мустаҳкам алоқаларга эга бўлган давлат бўлиб, Жанубий Осиёдаги энг катта “демократия”ни ўзида акс эттирганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Мамлакат иқтисодий жиҳатдан кўшниси Хитой сингари жадал ривожланмоқда. Саноат, фармацевтика, тиббиёт, ахборот технологиялари, туризм сингари соҳалари кун сайин ривожланиб бормоқда ва мамлакат бу борадаги асосий шериклари сифатида Европа, АҚШ ва Япония билан жадал ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шунингдек, ўзининг геосиёсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, бир вақтнинг ўзида Россия, Европа давлатлари билан ҳам ҳарбий-техникавий алоқаларни ривожлантирмоқда.

Ҳарбий қудрати тобора юксалиб бораётганлигини, Покистон ва Хитойнинг доимий геосиёсий босимларидан ҳимояланиш учун қуролланиш соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратаётганлигини эътироф этмоқ жоиз. Дастлаб СССР, кейинчалик эса Россия билан ҳам ҳарбий-техникавий соҳада алоқаларни ривожлантиришга эриша олганлигини, сўнгги йилларда АҚШнинг санкциялари хавфига қарамасдан Россиядан С-400 қуроллари сотиб олишга журъат қилганлигини, у билан ҳарбий самолётлар, сувости кемалари, ўқотар қурооллар, ҳарбий вертолётлар ишлаб чиқариш борасида жуда катта ҳамкорликка эга. Бу эса Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати самарадор эканлигидан, уни белгилашда мустақил ва қатъий қарорлар қабул қила олишини англатади. Гарчи, Россиянинг ушбу мамлакатда Куданкулам атом электростанциясини қуриш ва ишга тушириш учун катта инвестицион лойиҳаларига учинчи сектор томонидан кенг қаршилиқ кўрсатилган бўлишига қарамасдан, Ҳиндистон ўз позициясида қатъий турганлигини ҳам кўришимиз мумкин. Аммо, сўнгги йилларда Россиянинг Хитой ва Покистонга ҳам замонавий қуроолларни сотиш борасидаги шартномаларининг кенгайиши оқибатида Ҳиндистон бу борада ўз бозорларини АҚШ, Франция ва Исроилга очаётганлигини, уларнинг юқори ҳарбий технологияларидан фойдаланиш имкониятини кўлга киритганлигини алоҳида эътироф этиш

лозим. Шунингдек, Ҳиндистон расмий Москва билан нафақат икки томонлам, балки кўп томонлама форматларда, яъни РҲХ (Россия-Ҳиндистон-Хитой), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва БРҲХЖ (ингл.-BRICS) Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий Африка сингари халқаро тузилмаларда ҳам кенг ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Шунингдек, минтақавий жиҳатдан Ҳиндистоннинг икки асосий рақиби, Покистон ва Хитой эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. Буюк Британия мустамлакачилигидан озод бўлгандан сўнг диний қарашлар ва эътиқод жиҳатдан бир-биридан ажралган икки давлат Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги зиддиятлар мана 70 йилдан ошдики ўз ечимини топмай келмоқда. Шу билан бир қаторда, икки мамлакат ўртасидаги вазият таранглашувининг, вақти-вақти урушлар содир бўлишининг асосий сабаби сифатида Кашмир муаммосини ҳам алоҳида таъкидлашимиз лозим. Аҳолисининг асосий қисмини мусулмонлар ташкил қиладиган, Британия томонидан тақсимлашдан маълум бир геосиёсий мақсадлар кўзланган ҳолда бир-бирларидан ажратилган ушбу ҳудудлар, аслида дунёнинг энг чиройли жойлари сифатида эътироф этилади ва икки томон (гоҳида уч томон, яъни Хитой ўртасида ҳам) ўртасидаги зиддиятларнинг асосий сабаби бўлиб келмоқда.

Шунингдек, мамлакат Осиёдаги, аниқроғи Шарқий Осиёдаги энг катта ва қудратли мамлакат бўлган Хитой билан ҳам доимий рақиб давлатлардан бири саналади. Айниқса, сўнгги вақтларда икки мамлакат ўртасидаги чегара муаммоларининг тобора катта зиддиятга сабаб бўлаётганлиги (Ладакх ҳудудлари), тарихан Кашмир ҳудудлари учун ўртасида юз берган урушлари ва учинчи асосий сабаб сифатида Хитойнинг Покистонни доимий қўллаб-қувватлаши, унинг асосий инвесторига айланганлиги кабилар энг катта геосиёсий қарама-қаршиликлар сифатида намоён бўлмоқда. Ҳиндистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар Хитой мавзусида ҳам берилганлиги учун мавзуга чуқур тўхталмаймиз

Покистон ҳам жадал суъратлар билан ривожланаётган, 225 млн. атрофида аҳолига ва 803 940 км² эга бўлган мамлакат бўлиб, Жанубий ва Марказий Осиёга туташ ҳудудларда рўй бераётган геосиёсий кескинликлар таъсиридаги давлат ҳисобланади. Собиқ Британиянинг мустамлакаси сифатида асосий муаммоси, юқорида келтириб ўтилганидек, Ҳиндистон билан чегаравий, сиёсий ва Кашмир муаммоси бўйича турли қарашларга эга. Афғонистон, Хитой, Ҳиндистон ва Эрон чегарадош давлатлари саналади.

Ўзининг бир неча ўн йиллик тараққиёти давомида мамлакат асосан Ҳиндистон билан бир неча бор урушларни бошдан кечирган. Лекин бу муаммолар ҳанузгача ўз ечимини топмаган. Афғонистондаги вазиятга геосиёсий жиҳатдан бевосита алоқадор ва таъсир кўрсатиш даражаси юқори бўлган давлат ҳисобланади.

Бугунги кунда Покистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар бир мунча совуқ бўлиб, бу АҚШ геосиёсий мақсадларининг ўзгариши ва у Покистон манфаатларига жавоб бермаслиги билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, Афғонистонда АҚШ қўшинларини зарурий маҳсулотлар билан таъминлаш

борасидаги кампания учун Покистон 2015 йилдан бошлаб ўз ҳудудларини логистика учун турли қарашлар асосида ёпганлиги, иккинчидан, Покистоннинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида АҚШ билан қарашлари бир хил бўлмаганлиги, учинчидан эса мамлакатнинг Хитой билан тобора яқин муносабатлари. Мамлакатнинг АҚШ билан муносабатларига салбий таъсир кўрсатадиган яна бир жиҳат сифатида Покистон ҳудудида яширинган Ал-Қоида ва бошқа қатор террорчи гуруҳларни йўқ қилиш учун АҚШ томонидан Покистон раҳбариятидан рухсат сўрамаган ҳолатда оли борган ҳарбий операциялари ҳам сабаб бўлганлигини, бундай актларга нисбатан Покистон томонининг муносабати жуда салбий бўлганлигини алоҳида қайд этмоқ жоиз. АҚШнинг собиқ Президенти Дональд Трамп айниқса Покистонни терроризм хомийси бўлган давлатлар сафида тилга олганлиги масалани янада чигаллаштирган эди.

Маълумки, бугунги кунда ядровий қуролга эга бўлган Покистондаги сиёсий вазиятнинг ўзи бир мунча беқарор ҳисобланади. Ҳокимиятнинг тез тез алмашинуви, террор хавфининг юқорилиги, мамлакатда миллатлараро, динлараро муносабатларнинг кескинлашиб туриши ҳам кузатилади. Бунинг сабаблари сифатида мамлакатда аҳолисининг 95%ини мусулмонлар, шундан 75%ини мусулмонлар, 20 %ини шиалар, насронийлар ва ҳиндлар ташкил қилади. Бу эса диний жиҳатдан муаммоларни келтириб чиқарса, миллий муносабатлар ҳам жуда чигаллиги билан ажралиб туради. Зеро, мамлакатдаги этник ҳолат жуда мураккаб бўлиб, панджобликлар аҳолининг 44,68 %ини, пуштунлар 15,42 %ини, синдхлар 14,1 %ни, сераиклар 8,38 %ни, мухожирлар 7,57 %ни, белужлар 3,57 %ни ва бошқалар ташкил қилади. Бу эса мамлакатда панжобликлар ва пуштунлар ўртасидаги муносабатларни гоҳида кескинлашувига ҳам сабаб бўлмоқда.

Бевосита пуштунлар бир томондан, Покистондаги сиёсий тузум барқарорлиги учун “бошоғрик” сифатида талқин қилинса, иккинчи томондан мамлакатнинг Афғонистондаги геосиёсий устунлигини таъминлашнинг асосий омили сифатида ҳам қаралади. Дюранд чизиғи эса бугун Покистон учун ҳам Афғонистон учун катта ҳудудий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Қабилалар ҳудудининг асосий қисми бугунги кунда Покистонга қарашли бўлсада, Афғонистондаги асосий миллат ҳисобланган ярим пуштунлар эса Покистон ва Афғонистон ўртасидаги ушбу чегарани, яъни Генри Мортимер Дюранд муаллифлигида тортилган сунъий тўсикни ҳанузгача тан олмайдилар.



Тошкент шаҳрида 2021 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан бўлиб ўтган **“Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар”** номли халқаро конференцияда сўзга чиққан Имрон Хон Афғонистон президенти Ашраф Ғанининг Покистоннинг муаммодаги салбий ролини эслатганига муносабат билдирди. *“[Ундан кўра], президент Ғани Афғонистондаги можародан энг кўп жабр кўрган мамлакат – Покистон ҳақида гапирсин. Сўнгги 15 йилда Покистонда 70 минг киши ҳалок бўлди. Покистон янги-янги можароларни хоҳламайди. Иқтисодийтимиз энди оғир даврдан чиқиб келмоқда. Мен учун Афғонистондаги воқеаларда Покистон айбланишини эшитиш жуда оғир”*, деди Покистон бош вазири.

Маълумот учун айтиб ўтиш лозимки, Ҳиндистонда яшайдиган инглизлар зодагонлари оиласида дунёга келган ва Шарқ маданиятини жуда яхши билан, ўша вақтларда Британиянинг ташқи ишлар вазири даражасига кўтарилган Генри Мортимер Дюранд томонидан пуштунларни иккига бўлиш бўйича Дюранд чизиғи ишлаб чиқилган эди. Харитада 2670 километрлик чегара 1893 йилда Ҳиндикушда ўрнатилган. Бу чизик Афғонистон ва Британия Ҳиндистонди ўртасидаги расмий чегара сифатида қатъий белгилаб қўйилган эди. Бугунги кунда ҳам расмий чегара бўлиб ҳисобланади. Бу чизик гарчи, ўша вақтда Афғонистон подшоҳи Абдурахмон томонидан ноиложликдан қабул қилинганлигини ва у Британиянинг Ҳиндистондаги кейинги бутун ҳукмронлиги даврида ҳам амал қилганлиги тарихан бизга маълум. Лекин ушбу чизик, ўша вақтдаги Британия геосиёсатининг энг муҳим қисми ҳисобланарди.

Бугунги кунга келиб, Покистон ўз тараққиёти йўлини Хитой билан кўпроқ боғлаганлигини, Ҳиндистон билан рақобатга асосланган кайфиятда эканлиги барчамизга маълум. Шу билан бирга, Покистон ҳам Хитой ва Ҳиндистон билан, шунингдек, Россия ва Марказий Осиё давлатлари билан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳамкорлик қилиб келаётганлигини келажак учун умид берадиган, жанубий Осиёда ҳам ҳамкорликка асосланган тинчлик ҳукм суради деб прогноз қилишга асос берадиган ҳолат сифатида эътироф этмоғимиз мумкин.

3. Жанубий Осиё минтақавий жиҳатдан бугун дунёнинг қудратли мамлакатлари геосиёсий манфаатлари остида қолаётганлигини алоҳида қайд этмоқ жоиз. Юқоридаги мавзулардан ва келтирилган тезислардан маълум бўлдики, Жанубий Осиё ўзининг демографик, ишлаб чиқариш, ҳудуд ва транспорт-логистика салоҳияти билан АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Россия, Япония, Яқин Шарқ араб давлатлар геосиёсий манфаатлари доирасида қолмоқда.

Шу билан бирга, келтириб ўтганимиздек, минтақада энергоресурсларга бўлган талаб ҳам ортиб бораётганлиги, уларни қондириш учун эса бошқа ҳудудлардан энергоресурслар билан таъминлаш масаласи ҳам минтақанинг энергетик геосиёсатининг бир қисми сифатида намоён бўлмоқда. Бунинг яққол мисол сифатида ТАПИ газ қувурини келтиришимиз мумкин. Туркманистон – Афғонистон – Покистон – Ҳиндистони ўз ичига оладиган

ушбу лойиҳага умид катта бўлсада, тўхтамаётган Ҳиндистон-Покистон низолари, Афғонистондаги тўхтамаётган урушлар ушбу лойиҳани ҳам тўлиқ рўёбга чиқишига тўсқинлик қилмоқда.

Шунингдек, Хитой ва Ҳиндистоннинг фақатгина ўз геосиёсий манфаатларидан келиб чиқиб, минтақа тараққиётига ёндашувлари эмас минтақага бошқа кучларнинг таъсири кучайишига олиб келмоқда. 2017 йил АҚШнинг Ҳинд-Тинч океани минтақаси деб номланган концепцияга қўшилиши эса минтақадаги вазиятга янада ўзининг жиддий таъсирларини ўтказмоқда.

2021 йилнинг июль ойида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан **“Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар”** мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон, Афғонистон президентлари (собиқ Президент Ашраф Ғани), Покистон Бош вазири Имрон Хон ва бошқа хорижий давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари ҳамда юқори даражадаги вакиллари иштирок этган эди.

Мазкур конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қуйидаги ташаббусларни илгари сурди:

Ўзбекистон етакчиси энг аввало Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи самарали ва хавфсиз транспорт-логистика инфратузилмасига эҳтиёж катталигини айтди.

“Бунда “Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар” темир йўл тармоғи минтақаларимиз ўртасидаги ўзаро боғлиқлик архитектурасининг асосий бўғинига айланиши керак” – деди Мирзиёев. Маълумот учун, мазкур темир йўлни қуриш бўйича “йўл харитаси” шу йил февралда Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон томонидан тасдиқланган эди.

Шунингдек, Президент, шунингдек, қуйидаги йўналишларда ўз таклифларини илгари сурди:

- Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо, транзит ва чегаралардан ўтиш жараёнларини рақамлаштириш;
- икки минтақадаги озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича дастур қабул қилиш;
- икки минтақанинг улкан сайёҳлик салоҳиятини тўлиқ ишга солиш;
- “яшил” иқтисодиётни рағбатлантириш;
- хавфсизликка нисбатан таҳдидларга қарши курашишда кучларни бирлаштириш.

Шавкат Мирзиёев икки қўшни минтақа ўртасида иқтисодий ҳамкорлик битимини тузиш ва ҳар йили минтақалараро форум ўтказиб боришни ҳам таклиф этди.

Бундан ташқари, илмий ва маданий-гуманитар алмашувларни кенгайтириш, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг олим ва тадқиқотчилари учун соддалаштирилган виза тартибини жорий этиш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Жанубий Осиёдаги геосиёсий жараёнларни шакллантирувчи омиллар нималардан иборат?
2. Қудратли давлатлар геосиёсий манфаатларининг минтақада тўқнашув сабаблари ҳақида нималарни биласиз?
3. Дюранд чизиғининг мазмун-моҳиятини гапириб беринг?
4. Ўзбекистон Рсепубликаси Президентининг **“Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар”** номли конференциядаги нутқи ҳақида нималарни биласиз?

ЎН БИРИНЧИ МАВЗУ. Хитой геосиёсати ва геостратегиясининг ўзига хос хусусиятлари

1. Хитой геосиёсати ва ташқи сиёсий стратегияси
2. Хитойнинг глобал ва минтақавий геостратегиясида «юмшоқ куч» тамойиллари
3. Хитойнинг иқтисодий тараққиётига ҳамоҳанг геосиёсий манфаатлари
4. Осиё Тинч океани минтақаси ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари билан муносабатларда геосиёсий омиллар

1. Сўнгги ўн йилликларда жаҳон ҳамжамиятининг Хитойга нисбатан қизиқишлари тобора ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби, мамлакатнинг иқтисодий соҳада қўлга киритга ва киритаётган ютуқларидир. Аммо, бундай улкан муваффақиятларга эришиш, техник ва технологик тараққиёт борасида дунё давлатлари ичидан ёриб чиқиш Хитой учун осон бўлдики? Иқтисодий тараққиётнинг геосиёсий асослари мавжудми? Мамлакат геостратегик жиҳатдан қандай позияга эга ва у келажакда қандай геосиёсий тенденциялар асосида ривожланади? Ўз геосиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш ва амбицияларини қондириш учун минтақавий ва глобал миқёсда қандай ташқи сиёсатни амалга оширади? Энг асосийси, бу қўшни давлатлар билан муносабатларда қандай акс этади? ва хоказо саволларга илмий жавоб топишга бўлган интилишлар ҳам сўнгги йилларда тобора ортиб бораётганлигини эътироф этишимиз лозим.



Хитой Халқ Республикаси дунё миқёсида худудининг катталиги жиҳатдан учинчи ўринни эгаллайдиган (Россия ва Канададан кейин) давлат бўлиб, Осиё қитъасининг жануби-шарқида жойлашган. Тинч океани денгизларига туташ ва Осиёдаги энг катта давлат ҳисобланади. Россия, Монголия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, Корея,

Ҳиндистон, Покистон, Бирма (Мянма), Непал, Лаос, Вьетнам каби давлатлар билан куруқлик чегараларига эга. Чегараларининг энг узун қисми Россия билан, унинг шарқий қисми Тинч океанидан Монғолия-Хитой чегарасигача давом этса, кейинги 50 километрлик чегараси Қоҳогистон-Хитой чегараларига қадар чўзилган. Денгиз чегаралари Япония ва Жанубий Кореяга туташган. Давлатнинг умумий майдони 9 596 960 км²ни ташкил қилади.

Маълумки, энг қадимий давлатчилик тарихига эга бўлган Хитой дунё миқёсида иқтисодий тараққиёт борасида шундай катта муваффақиятларни қўлга киритдики, бу ҳолат унинг тажрибасига нисбатан қизиқишларнинг борган сари ортишига сабаб бўлмоқда. Коммунистик партия раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги мамлакатни яқин йилларда ўз қўшнилари бўлган Япония ва Жанубий Кореяни ҳам ортида қолдириши эҳтимоли мавжудлигида ҳам намоён бўлмоқда. Инсоният тараққиёт йўли учун коммунистик тузумнинг ҳам ўта самарадор бошқарув шакли эканлигини мамлакат ўз тажрибаси билан исботлаб берди. Жуда катта ҳудудга ва аҳолига эга бўлган Хитой, бугун нафақат деярли бир ярим миллиард аҳолисини боқа олишини, балки, бошқа мамлакатларни ҳам қўллаб-қувватлаш салоҳиятига ва иқтисодий имкониятларига эга эканлигини кўрсатиб қўйди десак, ҳечам муболаға бўлмайди. Шу билан бирга Хитойнинг геосиёсий жойлашуви ва Осиё Тинч океани минтақасидаги геостратегик вазифалари ҳам тобора кучайиб бораётганлигини қайд этишимиз жоиз.

Бугунги Хитой ўз тарихи давомидаги барча империялардан кўра жуда қудратли кучга, ҳақиқий геосиёсий етакчи давлат айланганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бунга XX асрнинг иккинчи ярмида икки қутбли дунёнинг вужудга келиши ва улар ўртасидаги зиддиятли вазиятдан Хитой ўз манфаати йўлида фойдалана олганлигини ҳам бир омил сифатида келтиришимиз мумкин. Гарчи, бугунги Хитой дунёнинг иккинчи иқтисоди сифатида эътироф этилаётган бўлсада, Ғарб давлатлари (АҚШ, Канада, Германия, Франция, Буюк Британия ва ҳоказо), Япония, Корея Республикаси сингари давлатлардан технологик жиҳатдан ортида қолаётганлиги ҳам кўплаб экспертлар томонидан таъкидланмоқда. Бироқ, Хитойнинг молиявий, инсоний, табиий ресурслари шу даражада ривожланганки, бугун Хитой аҳолиси ва демографик ресурсларисиз дунё тараққиёти боши берк кучага кириб қолиши, ҳеч бўлмаганда катта инқирозларни бошдан кечириши ҳам аниқ равшан бўлиб қолди. Хитойнинг салоҳияти, иқтисодий қудрати ҳам шунда намоён бўлмоқдаки, мамлакат аҳолисининг харид қуввати ортиб боргани сайин мамлакатнинг истеъмол имкониятлари, мамлакатнинг глобал иқтисодиётдаги ўрни борган сари ортиб бормоқда. Гарчи минтақа нуқтаи-назаридан Осиё қитъаси Европага нисбатан кам ривожланган бўлсада, аҳолисининг сони ва ресурслар жиҳатдан ундан устун туради. Шунингдек, Хитой бугунги кунда нафақат Европа, балки дунё иқтисодиётида ҳал қилувчи куч сифатида шаклланиб бўлганлиги ҳеч биримизга сир эмас.

Жаҳоннинг геосиёсий вазиятини таҳлил қиладиган бўлсак, бевосита Хитойнинг жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлардаги позицияси ниҳоятда

мустваҳамланиб бораётганини кўришимиз мумкин ва уларни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- ХХІ асрнинг бошларида ШХТ, БРИКС, “Катта йигирматалик” сингари халқаро тузилмаларнинг вужудга келиши ва уларда Хитойнинг ўрни ва мақоми асосийлардан бири эканлиги;

- ўтган 25 йил давомида мамлакатнинг қудратли жаҳон иқтисодиётига айланиши, иқтисодиётининг йилдан-йилга барқарорлашган ҳолда ўсиб бориши;

- тобра ошиб бораётган қудратидан келиб чиққан ҳолда, жаҳон сиёсатида ўз манфаатларини қатъий ҳимоя қилаётганлиги;

- 2019 йилдан бошлаб, дунёни ларзага солаётган короновируснинг тарқалишининг олдини олиш ва аҳолини ҳимоя қилиш бўйича дунёнинг етакчи мамлакатига айланганлиги ва хоказо.

Геосиёсий нуқтаи-назардан баҳолаганда, Хитойнинг бу борадаги сиёсати уч хил йўналишда олиб борилаётганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин:

Биринчиси, ўз ичига Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистонни ўз ичига оладиган Шимоли-ғарбий геосиёсий йўналиш. Ушбу йўналиш орқали қадимги Буюк Ипак йўлини тиклаш ва 12 минг километрлик Ғарб билан боғланадиган йўлакни тиклаш учун Хитой томонидан глобал транспорт ва инвестицион инфратузилма бўлган “Бир макон, бир йўл” ташаббуси илгари сурилмоқда. Бу ташаббус Хитой томонидан том маънодаги иқтисодий лойиҳа сифатида тарғиб қилинаётган бўлса, Ғарб давлатлари томонидан бу Хитойнинг геосиёсий мегалойиҳаси сифатида талқин қилинаётганлигига ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз.

Иккинчиси, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Бутан, Непал ва Бангладешни ўз ичига оладиган Жануби-ғарбий йўналиш. Хитойнинг Жанубий Осиёнинг кўплаб давлатлари билан қуруқликдаги чегаралари тибет платосининг четлари ва Ҳимолай тоғларининг тизмалари бўйлаб ўтади. Бу эса жуда катта жўғрофи тўсиқни ҳам англатади. Бу чизикдаги асосий давлат Ҳиндистон ҳисобланади ва ҳар икки давлат ўртасидаги чегаравий ва геосиёсий рақобатнинг ҳам авж олишининг асосий омили бўлиб хизмат қилади. Улар ўртасидаги муносабатлар ва умумий манфаатлар, ҳамкорлик масалалар аслида жуда истиқболли ҳисобланди. Чунки, ҳар икки давлат аҳолиси дунё аҳолисининг 44%ини ташкил қилади. Лекин кўплаб геосиёсий омилар таъсирида икки давлат ўртасида келишмовчиликлар борган сари кескинлашмоқда.

Учинчи йўналиш – бу КХДР, Корея Республикаси, Япония, АСЕАН давлатлари, Австралия, Янги Зеландия ва тинч океанининг жануби-ғарбий қисмларидаги давлатларни қамраб оладиган Жануби-шарқий йўналишдир. Бу чизик 6475 километр қуруқлик ва 18 000 километрли денгиз чегараларидан иборат бўлиб, ушбу геосиёсий денгиз маконида Хитой тўғридан-тўғри АҚШ ва Япония билан ҳам ҳамкорлик ва ҳам рақобат қилади дейишимиз мумкин. Негаки, Япония, Жанубий Корея сингари қатор давлатларда ҳарбий базалари

бўлган АҚШ мазкур ҳудудлар геосиёсатига катта таъсир кўрсатиш қудратига эга. Айниқса, Тайван муаммоси (ХХР Тайванни ўзининг ажралмас қисми сифатида эътироф этади, ғарб давлатлари эса Тайваннинг суверенлигини тан олади ва у билан дипломатик, мавдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириб келмоқда. Бу ҳолат ўртадаги муносабатларнинг кескинлашувига таъсир кўрсатиб келмоқда) минтақадаги геосиёсий жараёнларнинг кескинлашувининг асосий омили бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, Хитой томонининг таъкидлашича, учинчи йўналишдан Хитойнинг миллий хавфсизлик стратегиясига таҳдидлар ва катта ва булардан хавотирга тушган Хитой ушбу ҳудудларда ўзининг ҳарбий салоҳиятини доимо оширишга интилмоқда. Гарчи, геосиёсий манфаатларнинг турличалиги учун қарама-қаршилиқлар тобора кучайиб бораётган бўлсада, ҳар икки давлатнинг иқтисодий ҳамкорлиги ва алоқалари тобора чуқурлашиб, ривожланиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида, АҚШнинг каттадан-катта трансмиллий корпорацияларининг Хитой билан ўта самарали ҳамкорлиги, яъни Хитой ҳудудида арзон ишчи кучи ва малакали мутахассислар кўплигидан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлиги ва унинг натижасида катта молиявий ва иқтисодий фойда кўраётганлигини келтиришимиз мумкин. Бундан ташқари, Хитой аҳолисининг дунё бўйича асосий истеъмолчилардан бирига айланганлиги натижасида АҚШ трансмиллий корпорациялари миллиардлаб фойда кўрмоқдалар. Мисол учун, 2001 по 2021 йиллар оралиғида АҚШдан Хитойга товарлар экспорт 8 мартага ортган бўлса, Хитойдан АҚШга экспорт 5 бараварга ошган ва икки томон ўртасидаги товар айланмаси 2001 йилда 121,5 млрд. Долларни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 650 млрд. Долларни ташкил қилмоқда. Икки давлат ўртасидаги асосий келишмовчилик, “Тайван”, инсон ҳуқуқлари, Синцзян (Шарқий Туркистон)даги уйғурлар билан боғлиқ этник, миллий, диний ва сиёсий воқеликлар, Япониядаги АҚШ ҳарбийлари, Жанубий Хитой денгизида баҳсли ҳудудлар ва ороллар борасида рўй бермоқда. Шунингдек, киберхавфсизлик, интеллектуал мулк билан боғлиқ жосусликлар сингари мавзулар ҳам икки давлат муносабатларига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хитой томонидан Жанубий Хитой денгизида сунъий оролларнинг яратилиши ва уларда энг замонавий қуроолларни жойлаштириши, ҳарбий стратегиясига доимий ўзгартириш киритиб бориши билан боғлиқ геосиёсий жараёнлар АҚШ манфаатларига зид келаётганлиги таъкидланмоқда. Тинч океанининг ғарбий қисмидаги АҚШ денгиз қуяларига қарши туришга қаратилган “Яқин денгизларда мудофаа” концепциясини амалга ошириш ва “ўзининг хориждаги манфаатларини ҳимоя қилиш” учун Хитой ноёб қуроолларни, кемалар ва авиаташувчиларга қарши баллистик ракета­ларни ишлаб чиқаришга зўр бераётганлиги ва катта натижаларга эришаётганлиги АҚШ томонини хавотирга солмоқда. Хитойнинг ядровий давлат эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ҳақиқатда АҚШни, Япония ва бошқа давлатларни ҳам ташвиш солиши табиий. Бундай мураккабликларда Хитой

ядро қуроли борасида Францияни ҳам ортда қолдирган бўлиши мумкинлиги, бугунги кунда ушбу мамлакат 90 дан ортиқ қитъалараро баллистик ракета­ларга (ICBM), шахтали (DF-4 и DF5 / "Дунфэн-4" и "Дунфэн-5А") сингари ракета­ларга, шунингдек, ҳаракатланадиган шассили DF-31 и DF-31А("Дунфэн-31", "Дунфэн-31А") DF-41 ("Дунфэн-41") ракета­ларга эга. Бу ҳолат АҚШ томонидан унинг Осиё Тинч океани минтақасидаги ман­фаат­ларига таҳдид деб баҳо­лан­моқ­да ва им­кон қадар Хитойнинг геосиёсий ман­фаат­ларига “зарба беришга” инти­л­моқ­да.

АҚШ томонидан эълон қилинган маърузаларда ушбу ракета­ларнинг қан­ча­си ядровий эканлиги ҳақида ҳам гап кетган ва бу борада Хитой минтақа учун янги таҳдид сифатида баҳо­лан­ган. АҚШлик мутахассисларнинг баҳо­ла­ри­га кўра, Хитой бундай қуро­л­лар­дан 750-1500 тасига эгалик қилади ва бу борадаги қудратини доимий модер­ни­за­ция қил­моқ­да. Бундай сиёсатнинг асосий мақсади – Хитой ўзининг геосиёсий стратегиясини доимий та­ко­мил­лаш­ти­риб бораётганлиги билан изоҳ­ла­ни­ши­дир.

2. Хитой ўзининг геосиёсатида ташқи сиёсатини амалга оширишнинг “юмшоқ куч” усулидан тобора кенг­роқ фойдаланаётганлиги тўғрисидаги илмий концепциялар ва қарашлар ривожланиб бораётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Маълумки, ушбу мамлакат XX асрнинг иккинчи ярмида жуда катта қийинчиликларни, иқтисодий қашшоқлик ва очарчиликни, таназзулни бошдан кечирган мамлакат сифатида бутун Шарқда кузатилганидек, ўтган асрнинг 60-йил­ла­ри­га келиб ўзини тиклай бошлади. Ташқи сиёсатда эса аста-секинлик билан, босқичма-босқич тарзда **soft power**⁶ (ихтиёрий иштирок ва жизибадорлик асосида ўзлари учун мақбул натижани қўлга киритиш салоҳиятига эга бўлган сиёсий ҳокимият шакли, ташқи сиёсат услу­би) услубини қўллаши натижасида дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар, ижтимоий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга кенг эътибор қарата бошлади. Асосий эътибор техник ва технологик жиҳатдан тараққий этган давлатлар билан муносабатлар қаторида ўзининг геосиёсий рақиб­ла­ри­га қарши бўлган давлатлар билан ҳам алоқаларни ривожлантиришга эътибор қаратди. Бундай давлатлар қаторига Покистон, Шимолий Корея, Эрон, Афғонистон сингари давлатларга асосий эътибор қарата бошлаган эди.

Бунинг ўзига хос сабаблари бўлиб, Покистони қўллаб-қувватлаш ва у билан алоқаларни чуқурлаштиришдан мақсад, Жанубий осиедаги катта ва азалий рақибларидан бўлган Ҳиндистонга қарши сиёсат олиб бориш бўлганлигини қайд этмоқ жоиз. Покистонга ҳар томонлама иқтисодий, маданий-гуманитар, технологик ёрдам кўрсатиш, том маънодаги “soft power” услубидан фойдаланиш натижасида собиқ Боғдод пакти ўрнида ташкил топган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатлари – Туркия, Эрон ва Покистон билан алоқаларни ривожлантира олди. Кейинчалик, яъни 1992 йил

⁶ «Юмшоқ куч» термини (ингл. soft power) дастлаб Гарвард университети профессори Джозеф Най томонидан 1990 йил Bound to Lead: The Changing Nature of American Power номли китобида илмий соҳага киритилган. Кейинчалик у ушбу тушунчани ўзининг 2004 йил ёзган Soft Power: The Means to Success in World Politics китобида янада ривожлантирган.

бу ташкилотга беш Марказий Осиё давлатлари ҳам қўшилди ва ушбу ташкилотнинг мавқеи ва унда Хитойнинг имкониятлари янада ортди.

Хитой ўзининг имкониятлари ортиб бориши фонида, дунёнинг кўплаб мамлакатларида soft power дипломатик услуги қўлланилиши натижасида жуда катта муваффақиятларни қўлга киритганлигига бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди. Айниқса, сўнгги йилларда гарчи 1 млрд. 400 млн.га яқин аҳолиси бўла туриб, хорижий талабалар учун жаҳон миқёсида минглаб таълим грантларини ажратиш, уларни Хитой тили, маданияти билан яқинлаштириш, сиёсий жиҳатдан айтганда келгусида ўз ватанига қайтиб борган собиқ талабалар Хитой билан дўстлик сиёсатини олиб бориши каби вазифалар кўзланган. Хитойнинг “юмшоқ куч” сиёсатини янада кучайтирган ҳолда амалга ошириши 2002 йил ҳокимиятга Ху Цзиньтао келиши билан бошланган эди. Бу вақтга келиб, Хитой ўз тақи сиёсатида “юмшоқ куч”нинг анъанавий услубларини қўллаш билан боғлиқ янги йўналишларни ишлаб чиққан эди. Хитой коммунистик партиясининг 2007 йил октябрда бўлиб ўтган XVII съездида мамлакат ташқи сиёсатининг алоҳида йўналиши сифатида “маданий юмшоқ куч” сиёсати илк бор эълон қилинган эди. Мазкур съезддаги ўз нутқида Ху Цзиньтао “Биз яшаётган бугунги замонда маданият умумий давлат қудратидаги рақобатда муҳим элементга айланди, мамлакат ичидаги маданиятнинг ривожланиши эса унинг халқаро даражадаги таъсири билан биргаликда амалга ошмоғи лозим” деган эди.

Орадан биров вақт ўтиб, 2011 йилнинг октябрида Хитой коммунистик партиясининг 17-чақириқ олтинчи пленумида “Хитой коммунистик партияси Марказий Кенгашининг маданият тизими ислохотларини чуқурлаштириш, социалистик маданият ривожини ва юксалишига кўмаклашишнинг баъзи муҳим масалалари тўғрисидаги қарори” номли ҳужжат қабул қилинди. Унда мамлакатлар ўртасидаги рақобатларда “юмшоқ куч”нинг аҳамияти ортиб бораётганлиги, шунингдек, “маданиятни ташқи сиёсатда қўллаш стратегиясини амалга ошириш, дунёга Хитойнинг ислохотчилиги ва янги қиёфасини намоиш қилган ҳолда, мамлакатнинг халқаро таъсирини юксалтириш” зарурати эътироф этилган.

Дунёдаги кўплаб таҳлилчиларнинг гапларига кўра, Хитойнинг “юмшоқ куч” стратегияси уч асосий йўналишга бўлинади. **Биринчиси**, халқаро жараёнларнинг кескинлашувини олдини олишга қаратилган хавфсизлик сиёсатини олиб бориш. Унга кўра, Хитой Тайван ёки Жанубий Хитой денгизидаги ҳудудий манфаатларига тегишли бўлган муаммолардан ташқари, ҳар қандай ҳарбий низолардан четда туришга интилади.

Иккинчиси, бошқа мамлакатларга иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа гуманитар ёрдам кўрсатиш масалаларида Ғарбдан фарқли равишда сиёсий ёки мафкуравий мотивларсиз, шартларсиз амалга ошириш ва шу йўл билан “дўстона давлатлар” сафини кўпайтириш.

Учинчиси, бутун дунёга замонавий Хитойнинг ютуқларини намоиш қилишга қаратилган маданий характердаги тадбирлар, ўқувлар, маданий ва тил курслари ва хоказолар. Ушбу йўналиш доирасида Хитой бутун дунёда Конфуций институтлари тармоғини ривожлантирмоқда. Ушбу йўналиш

ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб Хитой томонидан кенг қўлланилиб келинмоқда. Бундан ташқари Ханьбан давлат канцелярияси идораси ёрдамида бдунё бўйлаб Хитой тилини илгари суриш сиёсатини олиб бормоқда. Бундай вазифалар Испаниянинг Сервантес институти, Германиянинг Гёте институти кабиларнинг иш услубини чуқур ўзлаштириш ва ривожлантириш йўли билан амалга оширилмоқда. Синьхуа агентлигининг маълумотларига кўра, 2020 йилда жаҳоннинг 142 мамлакатимида 700 дан ортиқ Конфуций институтлари фаолият юритиб, уларда 7 млн.дан ортиқ талаба ва тингловчилар таълим олмоқда.

Бундан ташқари, Хитойнинг Буюк Ипак йўлини тиклаш билан боғлиқ сиёсати ҳам бугунги кунда тобора ўзининг жозибадорлигини орттирмоқда. Лекин бу борада маълум бир мураккабликлар ёки рақобат ҳам мавжудлигини таъкидлаш лозим. Мисол учун америкалик олим Збигнев Бжежинский илгари сурган доктринага мувофиқ АҚШ дунёдаги устунлигини сақлаш болиш учун Евроосиёда ва унинг арофида бирорта қудратли куч пайдо бўлишига йўл қўймаслиги керак. Бу борадаги энг катта хавф сифатида эса Хитой кўрилмоқда. Шунинг учун ҳам АҚШ Монголия ва Қозоғистонни, Ҳиндистон ва Японияни, Тайван ва бошқа қатор давлатларни Хитойга қарши қўймоқда, Хитойнинг таъсири ёйилиб кетишининг олдини олиш бўйича махсус стратегияни ҳаётга жорий қилмоқда. Лекин, Хитой билан қўшни ёки у билан яқин муносабатда бўлган бошқа давлатлар ҳар доим ҳам АҚШ таъсирига тушмасликка ҳаракат қилиши, Хитойдан инвестициявий ёрдам олиши сингари ҳолатларда намоён бўлмоқда.

Ҳар доим Хитой учун бетарафлик аънанаси хос бўлган ва бу унга ҳар қандай вазиятда ёрдам берганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоғимиз жоиз. Бу борада Хитойнинг тўплаган тажрибаси ва тарихига мурожат қилсак. Тарихий тараққиёт ва кўп асрлик тажриба Хитойга Ғарб давлатларидан анча мунча олдин “таъсир ҳокимиятданда муҳим” эканлигини тушунишга замин яратган ва бу ҳолат Хитойнинг геосиёсатида акс этган эди. Мамлакат ҳар доим геосиёсий мақсадларини муҳим минтақалар ва мамлакатлар, ижтимоий тизимлар учун чекланган, аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда таъсир йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қиларди. Бу эса тарихан ўрта асрларда шаклланган **цзинцзи** тушунчаси, яъни — **халққа ёрдам бериш ва дунёни бошқариш** методидан фойдаланган ҳолда амалга оширарди. Хитойликлар ўз бошқарувида доимо қадимги хитой тажрибаси ҳисобланган “жанг қилмасдан ғалабага эришиш” тамойилига асосланган ва ҳамкорлик ва тафаккур воситалари билан кураш услубларидан фойдаланган. Стратегиянинг аниқ тамойиллари Хитойга дунё ишларини тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита назорат қилиш имконини тақдим қилади.

3. Хитой бугунги кунда ўзининг хайратомуз иқтисодий натижалари ва ўта самарадор ислохотлари билан халқаро майдонда ўзининг обрў-эътиборига эга бўлиб бормоқда. Бу эса унинг геосиёсий имкониятлари ҳам тобора ортиб бораётишага замин бўлмоқда. Мамлакатнинг иқтисодий ўсиб бориши суръати жаҳон бўйича жуда юқори бўлиб, 1979-95 йиллар оралиғида йилига 10%дан ўсиб, мамлакат иқтисодиёти тўрт баробарга ошган эди.

Хитой бугунги кунда жаҳон миқёсида бошоқли ўсимликлар, гўшт, тухум, пахта, пахта газламалари, телевизорлар ва бошқа маиший техника буюмлари, пўлат қўйиш ва кўмир қазиб олиш бўйича дунёнинг етакчи мамлакатимига айланди. Мутахассисларнинг фикрича, Хитойнинг саноат жиҳатдан ўсиши шу зайдда давом этса, у яқин йилларда АҚШни, Япония ва ЕИ ни қувиб ўтиши ва дунёни турли кенг истеъмол молларига тўлдириб ташалаш мумкин. Мамлакат жуда катта инсоний ва табиий иқтисодий ресурсларга эга бўлиб, бу ҳолат унинг дунё маркази бўлиш учун имкон яратади. Бундан икки юз йилдан ортиқроқ вақт олдин Франция императори Наполеон Бонапарт Хитой ҳақида шундай деган эди: “У ерда бир гигант ётибди. Ухлайверсин! Қачонки у ўйғонса, у дунёни ларзага солади”. XIX асрнинг охирида АҚШ давлат котиби бўлган **Джон Хей** ҳам шунга ўхшаш фикр билдириб, “Ер куррасидаги дунё Хитойга таянади. Кимки уни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, диний нуқтаи-назардан тушуна олса, у кейинги беш асрда дунё сиёсатининг калитини қўлга олган бўлади” деб таъкидлаган эди.

Бор-йўғи бундан 30 йиллар олдин ҳам Хитой кучли иқтисодиётга эга бўлмаган, ўртача давлат ҳисобланарди. Инсон ҳуқуқлари, қатағончилик сиёсати, Синцзяндаги вазият, Тайван билан муносабатларнинг таранглиги, Тянь Ан Мин майдонидаги талабалар қўзғолонининг бостирилиши каби ҳолатлар унинг халқаро майдонда изоляция қилинишига, унга нисбатан санкцияларнинг қўлланилишига сабаб бўлган эди. Аммо, ўзининг табиий, инсоний, жўғрофий ва бошқа ресурсларидан самарали фойдалана олган Хитой юқорида таъкидлаганимиздек, ўзининг меҳнатсевар халқи ва тадбиркорлиги билан яна дунёни хайратга солишда давом этмоқда.

Иқтисодий салоҳияти ортган сайин мамлакат ўзининг ҳарбий кудратини, аввало, ҳарбий саноатини ривожлантириб бораётганлиги кузатиш мумкин. Бунинг исботи, бугунги кунда Хитойнинг жуда катта юқори технологияларга асосланган ҳарбий техника ва қурооллар экспортчисига айланганлигини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, дунёнинг кўплаб мамлакатлари Хитойнинг асосий ҳарбий техникаси харидорига айланган бўлиб, бунинг сабабларидан бири бу Хитойнинг ўша мамлакатларга турли қуроолларни давлатлараро келишувларга асосланган кредитларга бераётганлиги, нархи жаҳоннинг бошқа қуроол экспортчилариникидан анча арзонлиги, лекин сифат жиҳатдан тобора тенглашиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Мавзуимизнинг юқоридаги қисмларидан таъкидлаб ўтганимиздек, Хитой ўзининг геосиёсий манфаатлари йўлида баъзи давлатларни жиддий қўллаб-қувватлаётганлиги, Покистон, Африкадаги кўплаб давлатлар учун замонавий ҳарбий техникаларни етказиб берганлиги, уларнинг баъзилари бепул ёки рағбий нархларда берилганлиги кўплаб ҳарбий экспертлар томонидан эътироф этилган. Ҳаттоки, ўтган асрнинг 90-йилларида Ҳиндистонга нисбатан мувозанатни таъминлаш учун Хитой Покистоннинг ядро дастурида фаол иштирок этганлиги ва унинг ядро қуролига эга бўлишининг асосий актори бўлганлиги ҳам Ғарб давлатлари мутахассислари, сиёсатчилари томонидан таъкидланган эди.

Сўнгги йилларда Хитой иқтисодий сиёсатининг энг катта стратегик йўналишларидан бири – бу дунёнинг кўплаб давлатларига кам фойзли, имтиёзли кредитлар ажратиш, бунда улардаги сиёсий аҳвол, инсон ҳуқуқлари, сўз ва виждон эркинлиги кабилар мезон сифатида олинмаганлиги ҳам аслида жуда катта геоиқтисодий мақсаддан дарак беради. Бугунги кунга келиб Хитой Африка қитъасининг, Марказий ва Жанубий, жануби-Шарқий Осиё, собиқ Совет иттифоқи таркибида бўлган давлатлар, шунингдек, Лотин Америкаси ва Яқин Шарқ давлатларининг энг асосий кредитор ва донор давлатига айланган. Бундай фаол кредиторлик сиёсатининг мазмун-моҳияти аввало, ушбу давлатлар билан иқтисодий ва инвестицион сиёсатни ривожлантириш бўлса, иккинчи томондан дунёнинг, асосан Ғарб давлатлари экспертларининг таъкидлашларича, уларни иқтисодий қарам қилиш сиёсатини илгари суришидир. Уларнинг қайд этишича, сўнгги вақтларда Хитойнинг “молиявий ёрдам бериш қобиғига ўралган” геосиёсати исканжасига нафақат собиқ Совет иттифоқи давлатлари, балки Шарқий Европа давлатлари ҳам туша бошлаган. Беларус, Украина, Руминия, Болгария, Болтиқбўйи ва бошқа қатор давлатлар Хитойнинг “сахийларча” ажратаётган кредитларидан баҳраманд бўлаётганлиги билан бир қаторда, унга кўплаб юқори технологияларга асосланган соҳалари ва корхоналарини, логистик терминаллари “топшираётганлигини” ҳақида Ғарб ОАВда бонг урилмоқда. Ҳаттоки, дунёдаги энг гигант самолёт ҳисобланган Украинанинг “Руслан” самолётлари ҳам бугунги кунда Хитой қўл остига ўтаётганлиги, улардаги собиқ иттифоқнинг меърос стратегик кўплаб корхоналари аллақачон, Хитойнинг молиявий кўмаги ёрдамида ишлаётганлиги, бунинг эвазига технологияларни баҳам кўриш сиёсати асосий геосиёсий мақсад сифатида илгари сурилаётганлиги билан изоҳланмоқда. Бир вақтлар Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев ҳам Хитойнинг бундай сиёсатини олқишлаб, “Хитой инвестициясининг Ғарбникида фарқи, уларнинг сиёсий талаби йўқлиги, шунчаки муносиб гаров эвазига осон ажратилиши, бу эса ўз навбатида кредитга муҳтож давлат учун жуда қўл келадиган имконият” сифатида баҳоланганлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Ўтган асрнинг сўнгги йилларида дунёнинг энг қудратли давлатларидан бири СССРнинг қулаши билан боғлиқ жараёнлардан Хитой нафақат катта сабоқ чиқара олди, балки, ўзининг иқтисодий, ҳарбий, техник ва технологик тараққиёти йўлида жуда самарали фойдаланди дейишимизга тўлиқ асос бор. СССРда ишланган кўплаб технологиялар, ҳарбий техникалар, ракетасозлик, кемасозлик, ҳарбий авиация, космик технологияларнинг катта қисмини Хитой арзон нархларда тўғидан-тўғри технологик жосуслик йўли билан қўлга киритганлиги натижасида жуда катта тараққиёт сакрашини амалга ошира олганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Бугунги Хитой нафақат гигант экспортёр, балки дунёдаги энг катта импортёр давлат эканлигини ҳам асло унутмаслигимиз керак. Хитойда ишлаётган АҚШ ва бошқа Ғарб давлатлари компаниялари мислсиз даромадларни айнан Хитой халқи харид қуввати ортиши ҳисобига қўлга

киритмоқда. Бу жараёнда Хитойнинг демографик салоҳияти жаҳон иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи кучга айланди десак, муболаға қилмаган бўламиз. Хитой экспортига чегара қўйишни истаётган Ғарб давлатлари аввало, бу бозордан ажралиш ўзлари учун жуда катта “иқтисодий фожиа” эканлигини аллақачон тушуниб етган. АҚШда Барак Обама Президентлиги даврида унинг “Apple” корпорациясига энди мамлакатга қайтиш ва АҚШ аҳолисини иш билан таъминлашга асосий эътибор қаратиш зарурлигини айлганда, тилга олинган корпорация Президенти АҚШ Хитой сингари арзон ишчи кучи ва юқори технологиялар соҳасидаги юз минглаб мутахассисларга эга эмаслиги, бундай қилса, корпорация аниқ синиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирган эди. Экспертларнинг баҳолашларича, Хитой билан савдо иқтисодий алоқаларни узиш Ғарб давлатларининг ўзлари учун юз миллиардлаб зарар келтиради. Шунинг учун бугун Хитойнинг иқтисодий геосиёсатида мамлакатнинг демографик ва молиявий ресурслари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мамлакат ўзининг иқтисодий тараққиётидан жуда катта геосиёсий дивидентларни қўлга киритар экан, ташқи сиёсатда ҳам мутаносиб равишда муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Ўзининг чегараларини тобора мустаҳкамлаш, имкон қадар геосиёсий муҳим ҳудудларга “қўз ташлаш” сиёсати туфайли бугун Хитой денгизларда сунъий ороллар ташкил қилаётганлиги, уларда кўплаб ҳарбий қисмларни, кучларни жойлаштираётганлиги АҚШ, Япония ва бошқа қатор давлатларни ташвишга солмоқда. Бундай фаолият аввало қўшни давлатлари учун, шунингдек, узок йиллик баҳсларга ўралашиб келаётган Тайван учун катта хавф сифатида баҳоланаётганлигини эътироф этмоқ жоиз. Ўтган асрнинг бошларида заифлиги натижасида кўплаб ҳудудларини бой берганлиги, Хитой учун катта бир жароҳатдек тинчлик бермаётганлиги, аста-секин ушбу ҳудудларни ўз тасарруфига олаётганлиги ҳам аввало иқтисодий қудратининг намоён бўлиши демакдир. Бунга мисол тариқасида, Хитойда геосиёсатининг мазмун-моҳиятини ташкил этадиган Катта Хитой тушунчасининг илгари сурилаётганлигини айтиб ўтиш лозим. Унинг асосий мақсади, бой берилган ҳудудларни, яъни Тайван, Сянган (собиқ Гонконг), Макао каби ҳудудларни ўз таркибида кўришдир. Сянган ва Макао кўлга киритганлиги, Россия билан келишувлар эвазига Катта айиқ оролини ва бошқа қатор ҳудудларга эга бўлганлиги, Хитойнинг иштаҳасини очаётганлиги, бу эса кейинги ҳудудий қадамлар учун асос бўлиши мумкинлигига тобора ишонаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Иқтисодий тараққиёт мамлакатни муқобил савдо йўлларини излашга, ўзининг геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлари йўлида турли лойиҳаларни ишлаб чиқишида ҳам намоён бўлмоқда. Мисол учун, дунёнинг саккизинчи мўжизаси дея эътироф этиладиган Хитой ва Покистонни бир-бири билан боғлайдиган Қорақурум йўлини қуриб ишга туширганлиги, миллиардлаб маблағларни ва мураккаб қурилиш технологиясини ўз ичига оладиган лойиҳага қўрқмасдан қўл урганлиги ва бугун унинг натижасини кўз-кўз қила олаётганлигини қайд этиш лозим. Бугун ушбу йўл, нафақат Хитой ва

Покистон ўртасидаги савдо, балки туризм, инвестиция, Буюк Ипак йўлининг тарихини сўзлайдиган йўл эканлигини қайд этмоғимиз лозим. Жануби-Ғарбий ҳудудларга тобора чуқур кириб бораётган Хитой томони сўнгги йилларда яна бир жуда катта, яъни қадимий Буюк Ипак йўлини тиклаш бўйича “Бир макон-бир йўл” мегалойиҳасини илгари сурмоқда. Бу эса жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари томонидан катта қизиқиш билан маъқулланаётганлиги, иккинчи томондан бир гуруҳ давлатлар томонидан Хитойнинг хавфли геосиёсатининг бир йўналиши сифатида баҳоланаётганлигини ҳам эътироф этишимиз мумкин. Аммо, Марказий Осиё минтақасини Хитой ва Европа билан боғлашга қаратилган ушбу лойиҳа Марказий Осиёнинг барча давлатлари томонидан ижобий баҳоланаётганлиги, минтақа давлатлари ушбу йўлдан катта инвестиция ва логистик имкониятни кутаётганлигини ҳам эътироф этмоқ жоиз.

Бундан ташқари, кўплаб бахсли ороллар устидан ўз суверенитетини ўрнатиш, бу борада Япония ва Корея, Вьетнам ва Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатлари билан алоқалар ёмонлашаётганлиги ҳам бугунги Хитой геосиёсатининг бир йўналиши сифатида кўрилмоқда. Бундан ташқари, Ҳиндистон билан Ладакх тоғли ҳудуди учун талашиш жадал кетаётганлиги, бу борада тарихан бир неча бор низоли ҳолатлар кузатилганлигини эътиборга оладиган бўлсак, Хитой геосиёсатида ҳудуд масаласи ўта долзарб эканлигини англаш мумкин бўлади. Катта Хитойда келажакда Буюк Хитойга айланиш имконият жуда катта эканлигини, Индонезия, Малайзия, Филиппин, Таиланд, Сингапур ва бошқа давлатларда ўз ҳукмини ўтказа оладиган катта империяга айланиши кўплаб экспертлар томонидан прогноз қилинаётганлигини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Бунинг асосий сабаби, Хитойнинг жуда катта демографик салоҳияти бўлиб, санаб ўтилган мамлакатларнинг барчаси 60 миллиондан ортиқ Хитойликлар диаспораси (Хуацяо) истиқомат қилиши ва уларнинг эгалик қиладиган умумий бойлиги миллиардлар билан баҳоланишидадир. Зеро, улар (Хуацяо)лар Хитойнинг иқтисодий тараққиётида жуда катта роль ўйнаганлигини, 1979 йилдан то бугунга қадар Хитой иқтисодиётига 500 млрд.доллар инвестиция киритганлиги иқтисодчи олимлар томонидан эътироф этилган. Хитойликлар учун ҳам барча Шарқ жамиятларида бўлгани сингари қон-қариндошлик ришталари хос бўлиб, бир вақтлар бошқа мамлакатларга иш излаб, шунингдек, тижорий ёки сиёсий мотивлар асосида чиқиб кетган Хуацяолар сиёсий рискларга қарамасдан мамлакат ўзларининг тарихий мамлакатларига жон-жаҳдлари билан инвестиция киритишга уринишлари муҳим аҳамиятга эга бўлган.

4. Хитойнинг Осиё тинч океани минтақаси ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари билан муносабатларида ҳам бугунги кунда геосиёсий омиллар устунлик қилмоқда. Бу йўналишдаги асосий сиёсий вазифалар сифатида қуйидагилар шакллантирилган дейиш мумкин:

1) Тайваннинг материкдаги Хитойга тинч йўл билан бирлашиши. Бунда Тайван томонидан илгари сурилиб келинаётган формула “Битта халқ – иккита давлат” тамойилига чек қўйиш ва ўзининг формуласи “бир мамлакат – икки тизим” тамойили кўзда тутилган;

2) Минтақада Япониянинг иқтисодий ва дипломатик таъсирини минимал даражада камайтириш;

3) Япония ва АҚШ ўртасидаги барқарор коалицияни, дўстликни бузиш, салбий муносабатларни вужудга келтириш;

4) Корея яриморотидаги муаммоларнинг ҳарбий ечимининг олдини олиш ва хоказолар.

Шулар билан бир қаторда, Хитой Халқ республикасининг Жануби-Шарқий Осиёдаги геосиёсий вазифалари эса қуйидагиларни қамраб олишини ҳам аниқлаштириб олмоғимиз лозим:

1) Жанубий Хитой денгизида ўзининг позициясини мустаҳкамлаш ва ҳудудий бахсларни ҳал қилиш;

2) Ўзининг Жануби-Шарқий Осиёдаги сателлитлари (ўта мойил бўлган давлатлар – Шимолий Корея, Бирма, Лаос, Камбоджа, Шарқий Тимор) устидан назоратни сақлаб қола билиш;

3) Филиппин ва Таиландлар билан конструктив руҳдаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш кабилардир.

Яна бир муҳим йўналиш – бу Жанубий Осиё бўлиб, ушбу минтақада ҳам Хитой ечиши лозим бўлган ёки ўзининг асосий геосиёсий мақсади сифатида қўрадиган вазифалар бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1) Ҳинд океанида ўзининг ҳарбий денгиз флотини жойлаштириш имкониятини қўлга киритиш;

2) Покистон, Афғонистон, Непал, Шри-Ланка, Бангладеш ва Бутан давлатлари ўртасида «санитар коридор» яратиш йўли билан Жанубий Осиёда Ҳиндистоннинг таъсири ортисининг олдини олиш;

3) Юқорида келтириб ўтганимиздек, Покистонни кучайтириш, у билан ҳарбий-техникавий ва инфраструктуравий ҳамкорликни ривожлантириш.

Умуман олганда, Хитой Халқ Республикаси сўнгги ўттиз йил ичида дунёнинг ўртамиёна давлатидан энг қудратли давлатларидан бирига айланди. Мамлакат бир вақтлар Ғарб давлатларининг инвестициясига муҳтож бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, юқори технологиялардан тортиб, молиявий капиталга қадар дунёнинг мана-ман деган давлатлари учун инвестор, донор давлатга айланди. Бундан ташқари, иқтисодий қудрати шу даражада ошдики, унга монанд тарзда мамлакатнинг геосиёсий амбициялари ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирда анъанавий жиҳатдан қудратли ҳисобланган АҚШ, Россия, Япония, Буюк Британия, Германия каби давлатларга таъсир кўрсата оладиган, улар билан бемалол рақобатлашадиган кучли давлатга айланганлигига дунё гувоҳ бўлиб турибди.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Хитойнинг геосиёсий манфаатлари чегарасини нималарда белгилайсиз?
2. Хитой қудрати ва геосиёсий манфаатларига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқланг.
3. Минтақавий ва глобал хавфсизлик тизимида Хитойнинг мавқеи ҳақида гапириб беринг.

4. Хитой геосиёсатида Марказий Осиёнинг ўрни ва роли ҳақида нималарни биласиз?

ЎН ИККИНЧИ МАВЗУ. Япония геосиёсий жараёнлар марказида. Япониянинг геосиёсий манфаатлари ва қарашлари

Режа:

- 1. Япониянинг жўғрофий жойлашуви ва геосиёсий имкониятлари**
- 2. Япония геосиёсати ва манфаатлари**
- 3. Шарқий Осиёдаги геосиёсий жараёнлар ва унда Япониянинг ўрни**

1. Японий ўз жўғрофий жойлашувига кўра Шарқий Осиёда жойлашган ва умумий майдони 377,4 минг км² ни ташкил қилади. Мамлакат асосан тўртта Кюсю, Сикоку, Хонсю ва Хоккайдо каби ороллардан, шунингдек, Рюкю ва 4 мингдан ортиқ кичик ороллардан иборат. Мамлакатнинг пойтахти Токио шаҳри. Шимолда Охота денгизи, шарқда Тинч океани ва Шарқий-Хитой денгизи, ғарбда Корейс буғози ва Япон денгизлари билан ўралган. Япониянинг жўғрофий салоҳияти шундаки, мамлакат қуруқлик борасида ҳеч қандай давлат билан чегарадош эмас. Сув орқали чегарадош давлатлари Россия, Хитой, Корея халқ демократик республикаси (КХДР), Корея Республикаси ҳисобланади. Барча томони денгиз билан ўралганлиги унга халқаро денгиз сув йўллари орқали савдо қилиш борасида кенг имкониятларни тақдим қилади.



Бугунги Япония иқтисодий, саноат ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш, электротехника, автомобилсозлик, рақамли ва замонавий ахборот технологиялари, қўйингки, барча соҳалар бўйича дунёнинг энг илҳор мамлакатларидан бири ҳисобланади. Хитой Халқ Республикасининг дунё миқёсида иккинчи ўринга чиққунга қадар, Япония дунёнинг гоҳида иккинчи ва гоҳида учинчи иқтисодиёти саналарди. Бунинг сабаби, АҚШ дунёнинг иқтисодий жиҳатдан энг қудратли мамлакати сифатида доимо биринчи ўринни эгаллаб келган ва келаётган бўлса, XX асрнинг сўнгги йиллари ва XXI асрнинг биринчи ўн йилликлари давомида Германия ва Япония иккинчи

Ўринни бир-бири билан рақобатлашган ҳолда эгаллаб келар эди. Яна бир қизиқарли жиҳат, ўтган асрнинг 40-йилларидаги ҳарбий вазият, яъни Иккинчи жаҳон урушидан айнан ушбу икки давлат, Япония ва Германия бутунлай вайрон бўлган ҳолда чиққан эди. Энг ачинарлиси, Япония дунёда бўйича илк бор ядро синовини бошдан кечирди ва ўша вақтнинг Япон милитаризмининг асосий саноат шаҳарлари ҳисобланган Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига АҚШ томонидан атом бомбалари ташланди, бу икки шаҳар бутунлай вайрон бўлиши билан бир қаторда, юз минглаб аҳоли ушбу қурол синови натижасида фоижаили тарзда ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Иккинчи жаҳон урушидан мисли кўрилмаган катта талофатлар билан чиққан Япония дастлабки йилларда ўз сиёсий мустақиллигидан ҳам маҳрум бўлган мамлакат сифатида, иқтисодий жиҳатдан жаҳон миқёсида ўз мавқеини тиклашга чуқур эътибор қаратди. Мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан тез тараққиёт этишининг бир нечта объектив сабаблари бўлиб, булар:

1. Япония иккинчи жаҳон урушидан кейин милитаристик руҳни бутунлай йўқ қилиш, мамлакатда ҳарбий ҳокимият вужудга келишига йўл қўймаслик, мамлакатда ҳарбий саноат ривожланиши ва тажовузор қуролли кучлар шаклланишининг олдини олиш мақсадида унинг мудофаасини АҚШ ўз зиммасига олганлиги, бунинг натижасида эса Япония бор имкониятларини қуролли кучларни ривожлантириш ва таъминлашга эмас, аксинча, саноатни ривожлантиришга йўналтирганлиги;

2. АҚШнинг Корея ва Вьетнамдаги урушларини технологик ва бошқа хом-ашёлар, озиқ-овқат ва бошқа маиший товарлар билан таъминлаш ҳам Японияга жуда катта иқтисодий имкониятларни тақдим қилганлиги;

3. Японияда ишлаб чиқарилган товарларни АҚШ ҳудудига олиб кириш ва реализация қилишда божхона имтиёзлари жорий қилинганлиги ва бу ҳолат Япония учун кўпмиллиардли экспортга шароит яратанлиги;

4. Денгизлар ичида жойлашганлиги ва бу ҳолат мамлакат аҳолисини озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришда табиатнинг текин неъматларидан, яъниким, денгиз маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятини тақдим қилади. Шунингдек, мамлакатда сув ресурсларининг етарли эканлиги деҳқончилик ва зироатчилик соҳаларини ривожлантиришда ҳеч бир қийинчиликка дуч келмаслиги ва хоказоларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Мамлакатнинг демографик имкониятлари ва хусусиятлари ҳам ўзига хос бўлиб, дунёда жуда кам сонли баъзи мамлакатлар сингари Япония моноэтник давлат ҳисобланади. Мамлакат аҳолисининг умумий сони бугунги кунда 126 300 мингдан ортиқ, уларнинг деярли 99%и айнан японлардан иборат бўлиб, қолган 1% ўтган ва олдинги асрларда мамлакатга қул сифатида ишлатиш учун олиб келинган корейслар ва хитойликлар ташкил қилади. Иккинчи жаҳон урушига қадар мамлакат аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилган бўлса, бугунги кунга бу ҳолат бутунлай тескари томонга ўзгарган. Мамлакат аҳолисининг катта қисмини кекса авлод вакиллари ташкил қилади, жаҳон бўйича аҳолининг узок умр кўриш кўрсаткичи

ниҳоятда юқори ва бу ҳолат мамлакат иқтисодиётига жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Аҳолининг $\frac{3}{4}$ қисми мамлакат пойтахти Токио ҳамда Осака ва Нагоя сингари катта мегополис шаҳарларда истиқомат қилади.

Жўғрофий ва геосиёсий имкониятлари ниҳоятда кенг бўлиши билан бир қаторда, Японияга ўз қўшни давлатлари билан нодўстона муносабат характери ҳам хосдир. Биз юқорида келтириб ўтганимиз, шимол томондаги қўшниси бўлган Россия билан узоқ тарихий баҳсли ҳудудий муаммоларга эга. Бу аввало Курил ороллари (Шикотан, Итуруп, Кунашир ва Хибоман ороллар гуруҳи), Сахалин ва умуман олганда, бир вақтлар ҳам Россия ва ҳам Япония томонидан эгалик қилинганлиги, иккинчи жаҳон уруши якунида Япониянинг мағлубияти билан боғлиқ ҳолда, ушбу ороллар СССР томонидан эгаллаб олинганлиги ва ҳозирга қадар улар Россия ва Япония ўртасида баҳсли ҳудудлар сифатида сақланиб қолаётганлигидир. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бир неча маротаба уринишлар рўй берган. Аммо, Япониянинг АҚШ ва Ғарб давлатлари билан ўта яқин муносабатлари СССР манфаатларига зид келиши натижасида бу уринишлар самарасиз якунланаверган ва икки томон ўртасида бугунги кунга қадар Тинчлик шартномаси имзоланмаган, Курил ороллари билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини топган ва улар Россия таркибида қолмоқда. Бу ҳолат эса икки томон ўртасидаги муносабатларнинг янгича босқичда ривожланишига тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Японияга яна бир қўшни мамлакат Хитой бўлиб, бу икки давлатнинг муносабатлари мураккаблигича қолмоқда. Гарчи икки давлат ўтган асрнинг 70-йилларидан сўнг нормаллаша бошлаган бўлсада, баъзи сиёсий хатти-ҳаракатлар бундай муносабатларга путур етказиб қўймоқда. Бунинг ўзига хос сабаблари бўлиб, ўтган асрнинг ўрталарига қадар Япония олиб борган империалистик сиёсати ва Хитойни истило қилиши натижасида иккинчи томоннинг жуда катта қатағонни ва қирғинни бошдан кечирганлиги, Хитой эса буни катта фожиа сифатида баҳолаб, миллат шаънига етказилган тарихий изтиробларни асло унутолмаслигини таъкидлаб келмоқда. Бу сиёсат ҳам Хитойнинг ва ҳам у билан ҳамфикр бўлган давлатларнинг мактаб дарсликларида, барча ахборот манбаларида, кино, санъат ва турли адабиётларида қайд этилган. Бунга жавобан эса Япония ҳам худди шундай йўл тутмоқда ва натижада қўшни давлатлар билан ўрталарида мафкуравий зиддиятлар кучаймоқда. Бу ҳолат айниқса, аҳоли онгига мустаҳкам ўрнашган ва бу ҳолат вақти вақти билан турли чиқишлар ва ахборот маконида акс этиб туради.

Муносабатларнинг илиқлашувига салбий таъсир кўрсатадиган яна бир жиҳат, бу Германия томонидан фашистлар даврида зарар етказилган халқлар, миллат ва давлатларга моддий ва маънавий бадал тўлаганлиги, буни эса Япониядан зарар кўрган давлатлар ҳам кутаётганлигидир. Лекин Япония бу йўлдан бормади ва тарихда рўй берган империалистик сиёсати туфайли зарар кўрган халқларга бадал тўламади. Бу ҳолат эса хитойликлар ва ҳар икки Корея, Жануби-Шарқий Осиё халқлари учун Япония борасида шаклланган салбий имидж давом этишига замин бўлмоқда.

Шунингдек, япон милитаризмининг тарихий асоси, синтоизмга боғлиқ муқаддас даргоҳлари бўлган Ясукуни ибодатхонасига япон амалдорларининг вақти вақти билан амалга ошириладиган ташрифлари Хитой ва Кореяда жуда катта норозиликларни келтириб чиқаради. Бу ибодатхоналарда кўплаб қўшни мамлакатларда мустамлакачилик ва улар томонидан геноцид деб баҳоланган ҳарбий жиноятчиликларни амалга оширган 14 та ҳарбий жиноятчи дафн этилган. Бу ташрифлар уларнинг миллий шаъни ва ҳиссиётларига каттик тегадиган амаллар сифатида баҳоланади.

Хитой - Япон муносабатларига катта салбий таъсир кўрсатаётган яна бир муаммо - бу геосиёсий масала, яъни Хитой ҳам Япония ҳам Дяюйдао (японча - Синкаку) ва бошқа оролларнинг баҳсли ҳудудларга айланганлигидир. Ҳар икки томоннинг ҳарбийлари вақти вақти билан ушбу оролларга келиб ўз байроқларини ўрнатишлари икки томонлама муносабатларда кескинликни вужудга келтирмоқда. Бундай ҳолат, Корея ва бошқа баъзи мамлакатлар билан ҳам мавжуд ва бу ҳақда юқорида сўз юритилди.

Бундан ташқари, Хитой ва Япония доимий равишда Нанкин (Наньцзин) қирғини борасида доимий баҳсли келишмовчиликни давом эттириб келмоқда. Хитой томонининг фикрича, ушбу фожиа аслида юз бериши лозим бўлмаган, лекин Япония томони уни сунъий уюштирган ва 300 мингдан ортиқ тинч аҳолининг умрига зомин бўлган бўлса, Япония томони бунини кескин рад этади ва қурбонлар сони 40 мингдан ошмаганигини таъкидлайди. Яна бир ҳолат, Тайван масаласи бўлиб, Япония уни Хитой таркибий қисми сифатида тан олишни истамайди ва у билан дипломатик алоқаларни ривожлантириб келмоқда. Бу эса Хитой манфаатлари ва ташқи сиёсий стратегиясига зид ҳолат. Хитойнинг бугунги кундаги ҳарбий салоҳияти ва унинг доимий ортиб боришини Япония жуда катта хавф сифатида кўради ва шунинг учун ҳам бунга қарши туриш учун АҚШ ва бошқа баъзи давлатлар билан катта коалиция яратиш тарафдори бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, Япония ва иккала Корея ҳақидаги муносабатлар ҳақида гапирганда таъкидлаш лозимки, минтақада хавфсизликни ва барқарорликни таъминлаш учун Япония ҳар икки давлат билан илиқ муносабатларни шакллантиришга ва сақлаб қолишга интилади. Зеро, у бундай сиёсат билан ҳам ўзининг ва ҳам Осиё хавфсизлигини таъминлаш мумкинлигини яхши англайди. Шунингдек, Япония дунёдаги бир неча қудратли давлат, яъни АҚШ, Хитой ва Россия каби Корея яриморлида ўзининг маълум бир манфаатларига эга бўлган давлат ҳисобланади. Бироқ, Корея ярим оролидаги сиёсий муаммоларни ҳал қилиш борасида Япониянинг иштироки бир мунча чекланган. Бунинг сабаби, 1910-1945 йиллар оралиғида Корея Япониянинг мустамлакаси бўлганлиги ва япон империалистларининг қилган ҳарбий жиноятлари корейслар онгу-шуурида, хотирасида сақланиб қолганлигидир. Ҳар икки корейс давлатида ўтказилган сўровлар уларда японларга нисбатан салбий қарашлар юқори эканлигини кўрсатиб берган. Бу эса ҳар икки миллат ва уч давлат ўртасидаги муносабатларнинг совуқлигига асос бўлиб қолмоқда.

Япониянинг яқин қўшни давлатлари билан бундай муносабатлари фақатгина Россия, Хитой ва Корея давлатлари билангина чекланиб қолмайди. Баъзи Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ҳам ўзларини тарихий япон милитаризмидан жабр чеккан ва бунинг учун Япония уларга бадал тўлаши лозим деган фикрда.

2. Япония геосиёсати ва манфаатлари – биринчи навбатда, мамлакатнинг қулай географик жойлашуви, иқтисодий ва технологик тараққиёти ва дунёнинг қудратли давлатлар сафидан ўрин олганлиги билан белгиланади. Илмий нуқтаи-назардан ёндашганда, япон геосиёсатида шартли равишда немис геосиёсатига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган йўналишлар ажратиб кўрсатилади. Иккинчи жаҳон урушига қадар Японияда мустақил геосиёсий тадқиқотларнинг маркази Киотодаги Император университети бўлган. Унинг раҳбари, ўз даврининг кучли назариётчиси С. Комаки мамлакатдаги илк жўғрофия кафедрасининг раҳбари бўлган ва айнан унинг муаллифлигида “Япон геосиёсатининг манифести” китоб чоп этилган эди.

Мазкур марказда фаолият юритган геосиёсат назариётчиларининг фикрича, Япония дунёнинг бошқа давлатларидан синтоизм динига асосланган илохий тэнно бошқаруви сингари ноёб хусусиятлари билан ажралиб туради. Тэнно илохий сиймосига асосланган синтоизм мафкураси япон халқининг умумий сиёсий дунёқарашининг асоси деб эълон қилинган. 1868 йилдан бошлаб синтоизм расмий давлат мафкураси, ахлоқ меъёрлари ва инсон шаънининг қонидаси сифатида ўрин олган.

Япониянинг расмий миллий тарғиботида таъкидланишича, қадимги муқаддас битикларга кўра, буюк Ямато (Япониянинг қадимги номи), “Буюк Осиё”ни яратишга ва бутун дунёни Япония ва япон императори ҳокимияти остида бирлаштиришга чақирилган. Бундан келиб чиққан ҳолда, айтишимиз мумкинки, япон расмий мафкураси дунёнинг катта қисмларини забт этиш ва Япониянинг ҳукмронлигини таъминлашга қаратилган геосиёсатни илгари суришга қаратилган.

Ўз даврининг машҳур сиёсатчиси, Японияда бир неча маротаба (1934, 1938 ва 1939 йилларда) Япония бош вазири лавозимларида ишлаган Коноэ Фумимаро томонидан уч муҳми геосиёсий доктрина ишлаб чиқилган. Булар:

1. Ички сиёсатда “Янги тузилма” яратиш, унинг доирасида барчи сиёсий партияларни тарқатиб юбориб, уларни Император ҳуқуқий кўмаклашув ассоциациясига (бир миллат-бир император-бир партия) айлантириш.

2. “Буюк Шарқий-Осиё биргаликда юксалиш соҳаси”ни яратиш.

3. Германия, Италия ва бошқа АҚШ ҳамда Буюк Британияга қарши қаратилган давлатлар билан дўстлашишга йўналтирилган ташки сиёсий курс. Лекин, бу геосиёсий докторина муваффақиятсизликка учради ва ўтган асрнинг 40-йилларидан бошлаб юз берган дахшатли урушлар туфайли Япониянинг барча геосиёсий амбициялари барбод бўлди.

Мавзунинг бошида келтириб ўтганимиздек, бугунги кунда Япония дунёнинг энг юқори даражада ривожланган давлатлар бешлигидан жой

олади, “Катта еттилик”, “Катта йигирматалик” каби ривожланган давлатлар норасмий клубининг аъзоси ҳисобланади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Ғарбнинг ривожланиш ва тараққиёт технологияларидан илҳомланган Япония бир неча ўн йилликлар давомида дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига кириб, ўзининг империалистик амбицияларини намоён қила бошлаган эди. Замонавий техникалар билан бир қаторда, қурол-яроғлар ва турли ҳарбий техникалар ишлаб чиқариш борасида ҳам мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритган Япония учун ўтган асрнинг бошларида жуда катта хом-ашё базаси ва турли ресурслар керак эди. Бундай катта эҳтиёжни қондиришнинг ягона йўли сифатида ён-атроф ҳудудларни мустамлакага айлантириш ва уларнинг ресурсларини мамлакатга ташиб келиш лозим дея тушунган мамлакат японлар қуёшнинг ўғли ва бошқа миллатлардан самурайлик руҳи билан устун деган мафкурани ривожлантиришга зўр берди. Империалистик ва милитаристик мафкурасини ҳалқ онига сингдира олган, технологик жихатдан ўша вақт Осиё мамлакатлари ичида анчайин устун бўлган Япония ён-атрофдаги мамлакатлар ва ҳудудларни зудлик билан тасарруф қила бошлади. Бу ҳолат янги дунё тартиботи шаклланишида **Япониянинг геосиёсий манфаатлари ва мақсадлари** шаклланишининг асоси бўлган эди.

XX бошларидан Россия империясидан Сахалин ва узоқ Шарқдаги кўплаб ҳудудларини тортиб олган, Корея яримороли ва Хитойни, Жануби-шарқий Осиёнинг катта ҳудудларини эгаллаб, мустамлакага айлантирган, Шарқда энг қудратли империяни яратиш истагида ёнган Япониянинг иштаҳаси борган сари очилиб борар эди. Ўзининг империалистик мақсадлари йўлида ўша даврдаги фашистик режимлар билан алоқаларни ўрнатган ва Осиёнинг ягона ҳўжайинига айланишга интилган Япония бевосита АҚШ ва СССР томонидан 1945 йилда бутунлай вайрон бўлган ва мавҳ этилган давлатга айлантирилди.

Иккинчи жаҳон урушининг натижаси ўлароқ, ўзининг сиёсий мустақиллигидан жудо бўлган, бошқарувни бутунлай АҚШга топширган Япония худди Германия сингари жазоланган давлат сифатида мавжуд эди. Мавзунинг бошларида таъкидланганидек, мустақил ташқи сиёсат олиб бориш, ҳарбий қўшинларга эга бўлиш, ҳарбий соҳани ривожлантириш ва хоказо ҳуқуқлардан маҳрум бўлган Япония ўн йиллар давомида Окинава оролида АҚШ томонидан ташкил қилинган ва жойлаштирилган ҳарбий маъмурият томонидан бошқарилган эди.

Бу давр Япония учун нафас ростлаш ва тарихда йўл қўйган хатоларидан хулоса чиқариш даври бўлди дейишимиз мумкин. Зеро, жуда катта талофатлар, мусибат ва йўқотишларни бошдан кечирган Япония ўзини йўқотиб қўймади. Бу даврда иқтисодий, технологик ва миллий тикланиш жараёнларига алоҳида эътибор қаратди ва қисқа муддатда яна жаҳон ҳамжамияти томонидан “мўжизалар яратган миллат”, “руҳи синмаган миллат”, шиддат билан ривожланган ва оёққа турган давлат сифатида эътироф этила бошланди. Мамлакат ҳақиқий саноат-технологик инқилобни

амалга ошира олган ва ўз даврининг энг қудратли давлатлари қаторига аста-секин қайта бошлаган эди.

Япониянинг нуфузи ва обрўси ортиши, катта тараққиёт босқичларига эришишига таъсир кўрсатган бир неча объектив сабабларни биз санаб ўтган эдик. Шу билан бир қаторда, унинг геосиёсий манфаатлари ва мақсадлари шаклланишига таъсир кўрсатган асосий иккита омил ҳам мавжуд. Булар:

биринчидан, дунёда совуқ урушнинг вужудга келиши ва кескинлашуви;

иккинчидан, АҚШ томонидан ташкил қилинган ҳарбий маъмуриятнинг Япониядаги бошқарувни қўлга олганлиги.

Биринчи омил ҳақида гапирганда, таъкидлаш лозимки, айнан совуқ уруш даври Япония учун жуда катта имкониятларни тақдим қилди. Совет иттифоқи ва Социалистик блокка қаршилик бир томондан, Ғарб давлатлари, хусусан, АҚШ билан ўта яқин муносабат иккинчи томондан, мамлакат учун жуда катта Ғарб инвестицияси ва бозорларини очди. Ўзининг ташқи сиёсатида Ғарбий Европа ва АҚШ билан ҳамоҳанглик, барча бўғиндаги халқаро тадбирларда ва ташкилотларда доимо Ғарбий позицияни қўллаб-қувватлаб келган. Бу эса ўз навбатида Япониянинг ҳам халқаро майдонда АҚШ бошчилигидаги давлатлар гуруҳи томонидан унинг позициясини мустаҳкамлаш, ўзининг қуролли кучларига эга бўлиш борасидаги ҳуқуқларини тиклашга қўмаклашиш, халқаро ҳамжамиятнинг олдида сиёсий позициясини мустаҳкамлаш, иккинчи жаҳон уруши даврида милитаристик ҳукумати томонидан амалга оширилган ҳарбий жиноятларга кўз юмиш ва хоказолар борасида сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватладилар.

Бундай сиёсатнинг хосиласи ўлароқ ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб халқаро муносабатларда Япония ўзининг “сиёсий қаддини” тута бошлади ва жаҳон геосиёсий майдонида ўзининг манфаатларига жиддий кириша бошлади. Айниқса, Хитойнинг геосиёсий кучайишига йўл қўймаслик учун АҚШ билан ҳамкорликда Тайванни сиёсий жиҳатдан қўллади, Корея Республикаси ва КХДР ўртасидаги муносабатларга жиддий аралаша бошлади, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига фаол инвестициялар киритиш йўли билан уларни Хитойга қарши қайраш сиёсатини кучайтирди, СССР ва у тарқалиб кетгандан сўнг Россия билан тенг ҳуқуқли асосда Курил ороллари қайтариш борасида дадил музокараларга киришди ва хоказо. Энг катта геосиёсий ютуқлари сифатида 90-йиллардан бошлаб дунё миқёсида замонавий ва тинчликпарвар Япония имиджини ярата олди. Бугунги кунга келиб, дунё ҳамжамияти Японияни 76 йил олдинги милитаристик агрессор давлат сифатида эмас, балки тинчликпарвар ва ўз меҳнати билан жадал тараққиётга эришган мамлакат сифатида таний бошлади. Айниқса, ер қуррасидаги бугунги кун авлодларининг деярли 90%и Япония ҳақида фақатгина ижобий фикрда.

Бундан ташқари, Япония бугунги кунда 50 яқин давлатни ўз ичига оладиган Осиё Тинч океани минтақаси давлатлари ичида ҳам энг қудратли давлатлардан бирига айланганди. Энг катта геосиёсий ютуғи сифатида Япониянинг дунёнинг деярли барча давлатлари билан ижобий сальдодаги

савдо балансига эгалигидир. Шунингдек, мамлакатнинг сўнгги йиллардаги энг катта геосиёсий мақсадлари ичида БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзо бўлишга интилаётганлигидир. Энг муҳим жиҳат шуки, Япония бу борада жаҳоннинг кўплаб мамлакатларининг қўллаб-қувватлашига эришаётганлигини ҳам алоҳида қайд этишимиз лозим.

Иккинчи омил, бу АҚШ томонидан ташкил қилинган ҳарбий маъмуриятнинг Япониядаги бошқарувни қўлга олганлигидир. Зеро, тарихнинг мураккаб даврларида, яъни совуқ урушнинг вужудга келиши ва кескинлашуви даврида Япония ташқи сиёсий амбицияларга берилмасдан, ўзининг иқтисодий тараққиёти учун асосий ресурсларни йўналтирганлиги ҳақида юқорида ҳам айтиб ўтган эдик. Шу билан бир қаторда, АҚШ қаноти остида бўлиш Японияга халқаро муносабатларни зимдан кузатиш, жаҳон миқёсида рўй бераётган геосиёсий жараёнларни таҳлил қилиш ва қачондир ўзининг мустақил ташқи сиёсати ва ҳуқуқига эга бўлса, тўпланган тажрибадан фойдаланишни режалаштириш имконини берган эди. Айниқса, ўзининг азалий рақиби Хитой, СССР (ундан кейинги даврда Россия), Шимолий Корея каби давлатларни ўз қўли билан эмас, балки ўзининг асосий иттифоқчиси АҚШ ёрдамида “попугини пасайтириб туриш” сиёсатини моҳирона амалга ошира олди.

Япониянинг геосиёсий манфаатлари ва мақсадларига қарайдиган бўлсак, уларнинг асосий моҳияти бу – Россияни заифлаштириш ва бунинг натижасида Куриль ороллари қайтариб олиш, Хитойнинг кучайиб кетишига йўл қўймаслик ва ҳар қандай йўл билан бўлсада (Тайванни қўллаб-қувватлаш, унга замонавий қурол-яроғлар етказиб бериш, АҚШнинг Хитой борасидаги сиёсатига таъсир кўрсатиш) ўз мақсадларини амалга ошириш ҳисобланади.

Шунингдек, Япония ўз хавфсизлиги, барқарорлиги учун Корея яриморотида ҳам тинчлик ва ядросиз ҳудуд мавжуд бўлишидан манфаатдордир. Зеро, тарихан “душманона” кайфият ҳукм сураётган Шимолий Кореянинг ядровий мақоми Япония хавфсизлиги учун энг катта таҳдидлардан ҳисобланади. Айниқса, сўнгги йилларда Шимолий Корея томонидан Япония сари учираётган баллистик ракетааларнинг кўпчилиги Япония устидан учиб ўтиб, денгизга қулаётганлиги ва уларнинг ядро қуролини таший олиш салоҳияти мамлакатга “тинчлик бермаслиги” бугунги кунда барчага аён. Шунинг учун ҳам Япония Корея ярим оролида барқарор вазият бўлишидан геосиёсий манфаатдор мамлакатлардан бўлиб қолмоқда.

3. Шарқий Осиё бугунги кунда иқтисодий ва саноат, балк-молия ва товар айланиши бўйича дунёнинг энг салоҳиятли минтақаларидан бирига айланган. Жанубни кўшиб ҳисобламаганда, биз юқорида келтириб ўтганимиздек, Шарқий Осиёда дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари Япония, Корея Республикаси, Хитой, Тайван, шунингдек, ривожланмаган икки мамлакат Монголия (жўғрофий жиҳатдан Шарқий Осиёга тегишли бўлсада, минтақа ҳаётида муҳим роль ўйнамайди) ва Корея Халқ демократик Республикаси жойлашган. Минтақа нафақат бугун, балки сўнгги 100 йилликларда жаҳон геосиёсий жараёнларининг муҳим майдонига айланган.

Замонавий халқаро муносабатларнинг мураккаблашуви жараёнлари натижасида минтақада давлатлар ўртасида бир томондан геосиёсий рақобатнинг, иккинчи томондан, зиддиятларнинг авж олиши ва учинчи кучларнинг аралашуви билан боғлиқ сиёсий муносабатлар шаклланган. Ҳар бир давлат ўз миллий манфаатидан келиб чиққан ҳолда, минтақавий барқарорликни таъминлашга ҳаракат қилиши ҳам табиий. Мисол учун, Япония ва Хитой ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши нафақат АҚШга, балки минтақада ўзининг манфаатларига эга бўлган Россияга ҳам маъқул эмас. Шунингдек, Корея яриморотида тинчлик ўрнатилишидан ҳам манфаатдор ва манфаатдор бўлмаган давлатлар мавжудлигини ҳисобга олганда, Япония олдида жуда катта мураккаб геосиёсий масалалар кўндаланг бўлади. Шу билан бир қаторда, Япония барча турдаги энергетик ресурсларнинг энг катта истеъмолчи давлатларидан, импортёрларидан эканлиги унинг геосиёсий манфаатлари ва мақсадларига катта таъсир кўрсатади. Ўзининг ташқи сиёсий стратегиясини белгилашда Япония доим ушбу омилни ҳисобга олишга мажбур. Шунинг учун ҳам нафақат Яқин Шарқ, балки, Африка, Марказий Осиё, Бруней ва бошқа нефть ва газ экспортчи мамлакатлар билан муносабатларни жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратади. Шунингдек, АҚШ томонидан санкциялар жорий қилинган Эрон, Венесуэла сингари давлатлар билан ҳамкорлик масаласида иттифоқчи давлатларининг иродасига бўйсинишни афзал кўради.

Япониянинг мафкураси, унинг геосиёсий стратегиясини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди ҳамда халқаро майдонда “осиёцентризм” концепцияга таянади. Мазкур концепция Япониянинг фаоллигини ОТОМ (Осиё тинч океани минтақаси) билангина жўғрофий чеклашни назарда тутди. Ушбу моделга мувофиқ, ОТОМ ҳудуди япон геостратеглари томонидан марказлаштирувчи айлана кўринишида ташкил қилинган. Уларнинг биринчиси мамлакатнинг ҳаётий манфаатлари ҳисобланган ҳудудларни ва уларнинг ҳимоясини назарда тутди. Иккинчи айлана эса Хитой қирғоқлари, Корея яримороти, Приморье ўлкаси, Сахалин ҳудудларини ўз ичига олади. Учинчи айлана эса АСЕАН ва Ҳиндихитой, Ҳиндистон қирғоқлари ва Гавай ороллариғача бўлган океан акваторияларини қамраб олади.

XXI асрда Япония учун асосий мафкуравий ва геосиёсий мақсадлардан яна бири – бу япон мафкурасига зид ғояларнинг, жамиятга бошқа аъзоларнинг, бошқа миллатларнинг кириб келишига имкон қадар тўсқинлик қилиш ва шу йўл билан миллатнинг бирлиги ва ноёблигини бузадиган глобаллашувнинг янги омилларидан ҳимоя қилишдир. Зеро, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Япония 99% японлардагина иборат.

Минтақада юз бераётган геосиёсий жараёнлар ичида яна бир муҳим ҳолат – бу халқаро ташкилотларнинг фаоллашувидир. Бундай ҳолатлардан Япония максимал даражада фойдаланишга ҳаракат қилиши ва шу йўл билан ўзининг геосиёсий манфаатларини амалга ошириш учун интилишидир. Мисол учун Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки сингари халқаро молиявий ташкилотларда Япониянинг мавқеи жуда баланд. Бунинг

асосий сабаби, мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлиги ва катта молиявий имкониятларга эгалигидир. Бундан ташқари, Япония ривожланаётган мамлакатларга бир неча миллиардлаб маблағларни грантлар, иқтисодий кўмак, ижтимоий ривожланиш мақсадлари учун ажратади.

Сўнгги йилларда мамлакат дунёнинг энг катта кредитор ва донор мамлакатларига бирига айланганлиги – бу унинг оқилона ва пухта режа асосида амалга ошираётган геосиёсий фаолияти натижасидир. Бу ҳолат нафақат икки томонлама, балки кўплаб халқаро ташкилотларнинг дастурларига кўрсатаётган хомийлигида ҳам намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, Япония ўзининг иқтисодий ва молиявий имконияти билан дунёнинг геосиёсий ва геоиқтисодий жараёнларига ҳам катта таъсир кўрсатадиган гигант давлатга айланди. Жануби-Шарқий Осиё, Шарқий Осиё, Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари учун Япония асосий инвестор давлат сифатида намоён бўлмоқда ва шу йўл билан улардаги “азалий душманлик” кайфиятига барҳам бермоқда. Мамлакат ўта самарали “юмшоқ куч” (soft power) ташқи сиёсатини олиб борганлиги, нафақат минтақа, балки бутун дунё мамлакатлари учун маданий-гуманитар, таълим, тиббиёт ва бошқа қатор соҳаларни ривожлантириш учун катта ёрдам кўрсатганлиги албатта ўзининг меvasини бермоқда. Энг асосийси, минтақада вужудга келиш эҳтимоли юқори бўлган ҳар қандай низоли вазиятни (Тайвань, Корея ярим ороли, АҚШнинг ҳарбий сиёсати ва хоказо) барқарорлаштириш учун самарали геосиёсат олиб бораётган мамлакат сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон ва Япония билан муносабатлар ҳақида гапирганда, шуни қайд этиш лозимки, бугунги кунда икки давлат 29 йил мобайнида ўзаро манфаатлар ва ҳурматга асосланган икки томонлама муносабатларни изчил кенгайтириб келмоқда. 2002 йил июль ойида имзоланган Қўшма баёнот бу алоқаларни стратегик шериклик даражасига кўтарди. Хусусан, сермазмун парламентлараро мулоқот йўлга қўйилган – “Олий Мажлис – Япония парламенти” депутатлар гуруҳи ҳамда Япониянинг Ўзбекистон билан дўстлик лигаси фаолият юритмоқда, “Ўзбекистон-Япония” парламентлараро форуми тадбирлари доимий ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон ва Япония ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар мунтазамлик руҳини олган. 2019 йил июль ойида Тошкентда маслаҳатлашувларнинг 17-раунди ўтказилди. 2019 йил май ойида Душанбе шаҳрида ташкил этилган Марказий Осиё ва Япония ташқи ишлар вазирларининг 7-йиғилиши доирасида икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари ўзаро мулоқот қилди.

Икки мамлакат халқаро ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилади. Хусусан, мамлакатимиз Япониянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти турли тузилмаларига номзодини қўллаб-қувватлаб келмоқда, япониялик ҳамкорлар эса Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро куролидан холи ҳудуд яратиш бўйича ташаббусини Шартнома лойиҳаси бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш жараёнига кўмак тақдим этиш орқали изчил қўллаб-қувватлаган.

Япония БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2018 йил Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” ва “Маърифат ва диний бағрикенглик” тўғрисидаги резолюцияларни қўллаб-қувватлади. Кунчиқар мамлакат, шунингдек, иккинчи расмий ҳужжатга ҳаммуаллиф бўлди.

2004 йил Кунчиқар мамлакат ташаббуси билан ташкил этилган “Марказий Осиё+Япония” формати ушбу давлат ва минтақа мамлакатлари ўртасида савдо-сотиқ, инвестициялар, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, туризм ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилиб келмоқда.

Икки томонлама шартномалар Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлмоқда. Мамлакатларимиз ҳамкорлик йиллари бундай мазмундаги 160 дан ортиқ ҳужжатни имзолаган. Иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик Ўзбекистон-Япония муносабатларида устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Ўзаро савдо алоқаларига энг қулай тартиб жорий қилинган. Мамлакатлар ўз экспорт салоҳиятидан машинасозлик, металлургия, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда фойдаланмоқда. 2019 йил январь-октябрь ойларида ўзаро савдо айланмаси қарийб 360 миллион долларни ташкил қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Япония сармоялари иштирокида 10 та қўшма корхона ва юз фоиз хориж капитали асосида ташкил этилган битта корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда 15 та япон компанияси ваколатхоналари рўйхатга олинган. Улар нефть-газ, нефть-кимё ва кимё тармоқлари, энергетика жиҳозлари ва машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, транспорт-логистика хизматини кўрсатиш, савдо операциялари ва туризм соҳаларига ихтисослашган. Ўзбекистонда “Marubeni”, “Mitsubishi Motors”, “Japan Oil, Gas and Metals National Corporation (JOGMEC)”, “Toyota Tsusho”, “Itochu”, “Isuzu Motors Ltd.” ва бошқа машҳур япон компаниялари иш юритмоқда. Юқорида келтирилган рақамлар ўзаро инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун мамлакатларда ҳали фойдаланилмаган саноат ва иқтисодий салоҳият мавжудлигини кўрсатади.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик алоҳида эътиборга молик, зеро Япониянинг маданий ва маърифий ўзига хослиги Ўзбекистоннинг тарихий ва замонавий ҳаёти билан ҳамохангдир. Маданиятлараро мулоқотни муваффақиятли ривожлантиришда 1999 йил таъсис этилган “Ўзбекистон-Япония” дўстлик жамиятининг салмоқли ўрни бор. Жамият Кунчиқар мамлакатнинг “Япония-Ўзбекистон” дўстлик ассоциацияси ва “Фукушима-Ўзбекистон” маданий-иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси билан яқин алоқалар ўрнатган.

Шунингдек, икки мамлакат шаҳарларини беэб турган қатор маданий иншоотлар халқларимизнинг дўстлиги ва ўзаро англашувининг рамзларига айланган. 2001 йил Тошкент марказида очилган “Япон боғи” ўзбекистонликларнинг ҳордиқ чиқарадиган ва турли тантанали тадбирлар

ўтказадиган севимли масканига айланган. Таниқли япон рассоми Икуо Хираяма билан ҳамкорликда пойтахтимизда 2002 йил асос солинган Ўзбекистон-Япония илмий-иждоий “Маданият карвон саройи” замонавий маданият маркази сифатида фаолият юритмоқда. Бу масканда фото ва санъат кўргазмалари ва бошқа қизиқарли тадбирлар ўтказилмоқда.

Тошкентда ўрнатилган “Хиросима тинчлик тоши” ва “Тинчлик бонги” Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролини тарқатмаслик, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга содиқлигининг тимсолларига айланган.

Японияда ҳам халқимизнинг қадимий тарихи ва маданиятига қизиқиш катта – ушбу мамлакатда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарларини мутолаа қилишади ва севишади. 2004 йил Сока университетида ўзбек адабиётининг мумтоз вакили ҳайкали қад ростлади. 2019 йил машҳур япон меъмори, Притскер мукофоти лауреати Тадао Андо Ўзбекистон давлат санъат музейининг янгиланган дизайни концепциясини яратиши эълон қилинди. 2019 йил июнь ойида Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси Нагоя шаҳри мерияси ва “Ўзбекистон-Нагоя” дўстлик ассоциацияси билан ҳамкорликда “Нагоя Тошкент билан учрашади” номли тадбир ташкил қилди. Анжуман доирасида мамлакатимизнинг иқтисодий ва туристик салоҳиятига бағишланган семинар, халқимизнинг тарихий ва маданий мероси тақдироти ҳамда Ўзбекистон халқ амалий санъати кўргазмаси бўлиб ўтди. Бугун ўзбекистонлик кўплаб ёшлар Японияда таълим олишга интиломоқда. Япон тилини мамлакатимиз йигит-қизлари қизиқиб ўрганмоқда. Республикадаги олтига олий ўқув юрти таълим дастурларига япон тилини ўрганиш киритилган. Шунингдек, Япония халқаро ҳамкорлик ташкилотининг (JICA) минтақавий ваколатхонаси кўмагида қатор университетларда мазкур тилни ўрганиш марказлари очилган.

Япония таълим, маданият, спорт, илм-фан ва технологиялар вазирлиги Кунчиқар мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабалари, мактаб, лицей ва коллеж битирувчиларига Япония университетлари ва коллежларида тахсил олиш учун йиллик стипендиялар тақдим этмоқда. Сўнгги 20 йилда 4 мингдан ортиқ ўзбек талабаси Японияда таълим олди. Олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик жадал суръатда ривожланмоқда. Нагоя университети ваколатхонаси Япония ҳукумати номидан таълим ва академик тадқиқотлар соҳасида илмий-техникавий кўмак бериб келмоқда. Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети қошида Сукуба, Нагоя, Кеё, Тоёхашин университетлари ҳамда Токио технология институти билан ҳамкорликда “Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази”ни ташкил этиш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда. Мазкур даргоҳ кимё ва нефть-кимё, тоғ-кончилик ва минерал хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, энергетика, қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежамкорлиги, машинасозлик ва материалшунослик соҳаларига ихтисослашади.

2019 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга ташрифи арафасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида икки мамлакатнинг таълим ва маданият

соҳасидаги алоқаларини янада чуқурлаштиришга хизмат қиладиган, Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган Япония тадқиқотлари таҳлил марказининг очилиш маросими ўтказилди.

Ўзбекистон-Япония маданий-гуманитар ҳамкорлиги тўғрисида гапирганда, мамлакатимизда 1993 йилдан бери самарали ишлаб келаётган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги фаолиятига тўхталиш зарур. Мазкур ташкилотнинг минтақавий ваколатхонаси Ўзбекистонга имтиёзли кредитлар ажратиш, тегишли грантлар тақдим этиш, қолаверса, техник ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизга экспертлар жўнатиш ҳамда ўзбекистонлик мутахассислар учун Японияда муайян ўқув амалиётлари уюштириш каби йўналишда кўмаклашиб келмоқда. Япония илмий доиралари вакиллари мамлакатларимиз ўртасидаги гуманитар алоқалар ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Хусусан, мамлакатимиз тарихини ўрганишда япон археологи, “Дўстлик” ордени соҳиби, Термиз шаҳрининг фахрий фуқароси Кюдзо Като ҳам улкан ҳисса қўшган буюк дарғалардан биридир. Ўзбекистон тўғрисидаги кўплаб илмий ишлар муаллифи бўлган япон профессори мамлакатимизнинг яқин дўсти бўлиб, ўзбек халқини жуда севар эди. У ушбу заминни ўзининг иккинчи Ватани деб атарди. Япон олими 25 йилдан зиёд вақт мобайнида Ўзбекистон фанлар академияси ва бошқа илмий-тадқиқот институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиб, турли лойиҳаларда қатнашди, хусусан, Сурхондарё вилоятида (Далварзинтепа, Қоратепа, Холчаён, Фаёзтепа) кўплаб археологик қазилмалар олиб борди. Унинг тадқиқотлари натижалари Ўзбекистон тарихи бўйича дарсликларда ўз аксини топган. Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 43-мактабга япон археологи номи берилган.

Хулоса тарзида айтиш лозимки, ўзининг ўта самарали ташқи сиёсати натижасида, Япония бугунги кунда кўплаб геосиёсий мақсадларига эришмоқда. Дунёнинг деярли барча мамлакатлари билан савдо-инвестициявий муносабатларни ўрнатган мамлакат ўзининг геостратегик манфаатларини ва мақсадларини амалга оширишда кўпроқ иқтисодий ва демократик тараққиёти жадал ривожланаётган мамлакатларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ташқи сиёсатни илгари сурмоқда. Асосий ташқи сиёсий мақсад сифатида дунё миқёсида ядродан ҳоли ҳудудларни қарор топтириш ва қўллаб-қувватлаш, қашшоқ мамлакатларни оёққа турғазлаш, уларга камбағалликни енгиб ўтишлари учун кўмак кўрсатиш, жаҳон миқёсида таълим, соғлиқни сақлаш ва инсоният тараққиёти учун асос бўладиган бошқа фундаментал соҳаларни ривожлантириш кабилар белгилаб олинган.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Япониянинг жўғрофий жойлашуви ва геосиёсий мавқеи
2. Япония геосатини шакллантирувчи омиллар ва уларнинг тарихий хусусиятлари нималардан иборат?

3. Мамлакат ташқи сиёсатида ҳудудий яхлитлик ва минтақавий хавфсизлик масалалари.
4. Япония ташқи сиёсатида геосиёсий манфаатлар ва мақсадларнинг намоён бўлиши.

ЎН УЧИНЧИ МАВЗУ. Туркиянинг замонавий геосиёсий жараёнлардаги мавқеи ва халқаро муносабатларидаги ўрни

Режа:

- 1. Туркиянинг геосиёсий мавқеи ва халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни**
- 2. Туркия Республикасининг замонавий геосиёсий манфаатлари ва мақсадлари**
- 3. Яқин Шарқдаги ва Жанубий Кавказдаги геосиёсий жараёнларда Туркия ўрни ва геосиёсати**

1. Кичик Осиё ярим оролида жойлашга Туркия давлати геосиёсий жиҳатдан ўта қулай жойлашганлиги билан дунёнинг кўплаб давлатларидан фарқ қилади. Шу билан бирга айнан ушбу мамлакат орқали Осиё ва Европа, ҳаттоки Африка ҳам боғланади ва шу нуқтаи-назардан ҳам қадимдан минтақанинг геосиёсий мавқеи ниҳоятда юқори бўлган. Бугунги кунда эса унинг ушбу боғловчилик имконияти жаҳон савдоси ва товар айланишининг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида Қора денгиз, Мармар денгизи, Эгей ва Ўрта ер денгизлари билан ўраб олинган мамлакатнинг жўғрофий жойлашувига ҳақиқатда хавас қилиш мумкин. Бу ҳолат эса мамлакатнинг геосиёсий стратегияси шаклланишига ва унга ҳамоҳанг ташқи сиёсат олиб боришига турли даражаларда таъсир кўрсатади.

2. Барчамизга маълумки, геосиёсат нуқтаи-назаридан Евроосиё икки қисмга бўлинади: ернинг марказий қисми (Heartland) ва қирғоқ қисмлари (Rimland). Мумтоз геосиёсат вакиллариининг қарашларига кўра, денгиз ҳудудларига тўғридан-тўғри чиқиш имконияти мавжуд бўлган давлатларнинг имкониятлари қитъа давлатларини, яъни денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имконияти бўлмаган давлатларга нисбатан жуда катта ҳисобланади. Чунки, қирғоқлари катта қисмга эга бўлган давлатлар денгиз ва ҳудуд устидан ҳукмронлик қилиш салоҳиятига эга бўлади. Кўплаб асрлар давомида денгизлар айнан савдо йўллари ҳисобланиши, улар натижасида давлат нафақат моддий, балки маданий бойликларга ҳам эга бўлиши, халқининг фаровонлиги ошиши сингари ҳолатлар ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, назаримда. Классик геосиёсатда бундай давлатлар талласократия деб номланади. Сабаби, уларга жадаллик, ҳаракатчанлик ва техник тараққиётга мойиллик хосдир. Уларнинг яна бир хусусияти кўчиб юриш (денгизларда сайр қилиш), савдо, ҳар ишда тадбирлилик руҳидир. Бундай цивилизациялар тез ривожланади, фаол тарзда ўзгара олади, ўз ички ўзлигини сақлаб қолган ҳолда, ташқи маданий хусусиятларини осон ўзгартира олади.

3. Юқорида келтириб ўтилган ҳолатлар асосида Туркияни ҳам талласократик давлатлар сафига киритиш мумкин. Чунки, юқорида келтириб ўтганимиздек, мамлакатнинг бирданига тўрт денгизга чиқиш имконияти, энг муҳим ва стратегик йўллар ҳисобланган Босфор ва Дарданел бўғозларига эгалик қилиши кабилар унинг геосиёсий қарашлари шаклланишининг асосий шартидир. Шунингдек, ягона жўғрофий макон ҳисобланган Кичик Осиёда жойлашганлик, денгиз чегараларининг қирғоқ чегаралариданда узунлиги ва

энг асосийси Евроосиё қитъасининг дарвозаси ҳисобланиши мамлакатга бир вақтда ушбу чегараларни ҳимоя қилиш масъулиятини ҳам юклайди.

4. Туркиянинг бундай ноёб жўғрофияси унга Буюк Усманийлар империясидан меърос қолган бўлиб, бир вақтлар Яқин Шарқдан тортиб, Шимолий Африка, кичик Осиёдан тортиб, Шарқий Европани ўз ичига олган империя ҳақида ортиқча сўз юритишга ҳам ҳожат йўқ. Аммо, бугунги Туркия ушбу геосиёсий мавқени сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилишга мажбурдир. Чунки, денгиз қирғоқларининг катталиги фақатгина имконият эмас, балки турли кучлар, давлатлар томонидан хавф-хатарларнинг ҳам кириб келишининг асосий омили ҳисобланади.

5. Геосиёсий адабиётларда ҳозирги Туркия Республикаси қадимги ва ўрта асрларда турли давлатлар ва империялар барпо этган туркийларнинг, хусусан Усманийлар империясининг вориси сифатида тақдим этилгани боис тадқиқотчилар туркийларнинг XX асрга қадар бўлган геосиёсий назарияларини ҳам асосан Усманийларга оид манбалар билан боғлайдилар. Туркларнинг исломдан аввалги ўтроқлашуви ва исломни қабул қилгандан сўнг Византия ерларини ишғол этиш борасидаги геосиёсати, дунёдаги энг қудратли ва узоқ вақт ҳукм сурган Усманийлар империясини барпо этишлари, бу давлатнинг ўрта асрлардаги ҳарбий-сиёсий қадамлари ва атрофдаги олам билан геосиёсий муносабатлари, Европада марказлашган давлат бунёд этишлари ва мустамлакачилик ҳаракатлари давридаги мақсадлари ва геостратегик фаолияти ҳақидаги маълумотлар ҳали яқин ўтмишда жаҳон ижтимоий фикрига қоида тарзида фақат Ғарб ва рус тадқиқотчилари томонидан тақдим этилган эди. Бу эса, ўз навбатида, турклар ва улар яратган давлатлар, юргизган сиёсат, атрофдаги мамлакатлар билан йўлга қўйган геосиёсий алоқалар ва ҳоказолар тўғрисида жаҳон ижтимоий фикрига кўпроқ салбий маънодаги материаллар, бирёқлама шарҳлар ва фикр-мулоҳазалар етказилишига, тарихда жуда муҳим роль ўйнаган бу халқ ҳақида воқеликка тўғри келмайдиган тасаввурларнинг шаклланишига сабабчи бўлганлигини ҳам таъкидлашимиз жоиз. Турклар томонидан бунёд этилган Усманийлар давлати ўрта асрларда, қадимги дунёнинг диний ва бошқа империялари ҳалокатга учраган ҳамда миллий ва марказлашган давлатлар оёққа тураётган бир даврда сайёранинг геосиёсий муносабатлари сахнасига чиққан. 500 йилдан кўпроқ вақт давомида жаҳондаги асосий ҳодисалар марказида турган бу империя XX аср бошларида Европада капиталистик муносабатларнинг ривожини, мустамлакачи империялар орасидаги зиддиятлар кескинлашуви натижасида бошланган Биринчи жаҳон уруши охирида кулади. Турклар Европада халқларнинг бирлашувига, марказлашган ва миллий давлатларнинг вужудга келишига – мазкур даврда жаҳон миқёсидаги энг муҳим геосиёсий ҳодиса ҳисобланувчи жараёнга жиддий туртки бердилар. Усманий туркларнинг энг кучли ва самарали тараққиёт босқичи улар энг муҳим геосиёсий ва геостратегик маконларни эгаллаган, барча қитъаларни бирлаштирган ва жаҳон давлатларининг савдо йўлларида назорат қилган (XV аср бошидан XVII аср охиригача бўлган) даврга тўғри келади.

6. Европада марказлашган давлатлар ва буржуазиянинг ташкил топиши, капиталистик муносабатларнинг гуркираб ривожланиши, энг асосийси техник ва технологик тараққиёт жиҳатдан Усманийлар империясининг ортда жуда ортда қолиши, бунинг акси сифатида сифатида Европа давлатларининг замонавий куролларга эга бўлиши сингари ҳолатлар XVI асрнинг охири – XVII асрнинг бошларида маҳаллий халқлар ва давлатларнинг Усманийлар империясига қаршилиги кучайишига, Европанинг бирлашган кучлари олдида бу империянинг аста-секин заифлашуви, ўз геосиёсий мавқеини бирин-кетин бой беришига ва, ниҳоят, жаҳоннинг янги мустамлакачи империялари босими остида тўла ҳалокатга учрашига олиб келди.

7. Тўғри, Усманийлар империяси XVIII–XIX асрларда ҳам геосиёсий марказ сифатидаги ўрнини бой бермасликка ҳаракат қиди. Чунки, у қулай геосиёсий позицияларга эга бўлган, муайян денгизлар, қирғоқ минтақалари ва қитъа маконларини назорат қилган давлат бўлиб қолаверди. Бироқ, шунга қарамай, жаҳонда мустамлакачилик ҳаракати аста-секин кучайган, Буюк Британиянинг Атлантикадан (атлантизм), Франция ва Австрия-Венгриянинг Европадан (континентализм), Россиянинг Евроосиёдан (евроосиёчилик) тазйиқлари тобора кучайган бир шароитда Усманийлар империяси ундай рақобатга бардош бера олмаган эди. Аслида Усманийларнинг XX аср бошларида юқорида тилга олинган геосиёсий кучлар қаршисида тахминан у билан айна вазиятда бўлган Германия билан яқинлашуви ва унинг тарафдори сифатида Биринчи жаҳон урушига қўшилиши мажбурий қадам бўлиб, туркларнинг мавжуд “статус кво”ни ҳимоя этишларидан бошқа йўли ҳам йўқ эди. Усманийларнинг енгилишининг асосий сабаблари – бу, **биринчидан, техник тараққиётда илгарилаб кетган Ғарб давлатлари билан рақобат қила олмаслик, иккинчидан, Буюк Британия, Франция ва Россиянинг гиж-гижлаши натижасида араблар, греклар ва арманларнинг доимий қаршиликлари, қўзғолонлари империяни жуда заифлаштириб қўйганлигидир.**



Маълумки, Германия бошчилик қилган ҳарбий блокнинг Биринчи жаҳон урушида мағлубияти Усманийлар империясининг ҳам геосиёсий инқирозини тезлаштирдим. Бунга қадар дунёнинг геосиёсий ўйинчиларидан бири бўлган ушбу империя тарих сахнасидан чиқиб кетди. Қарийб беш юз йиллик ҳукмронлик барҳам топди ва унинг ўрнида 1923 йилда Туркия Республикаси ташкил топди. Республика асосчиси Мустафа Камол Отатурк мамлакат сиёсий тизимини бутунлай модернизация қилиш ва Ғарблаштириш йўлидан бориши билан бир қаторда, ўз даврининг вазиятидан келиб чиққан ҳолда, бир қатор қўшни давлатлар билан Буюк Британия, Франция каби давлатларнинг геосиёсий босимлари остида мурса йўлини танлаган эди. Ушбу геосиёсий ён беришларнинг аксарияти ўша давр шароитидан, Туркия Республикасини мустақил давлат сифатида сақлаб қола олиш имкониятидан, мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, геосиёсий вазиятидан келиб чиққан эди. Туркия Республикаси халқаро босимлар ва ён қўшни давлатларининг ўзига қарши бирлашиши эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда, Болгария, Греция, Совет Иттифоқи, Эрон ва ҳозирги Сурия, Ливан каби давлатларни ўз ичига олган Франция мустамлакаларига қўплаб жўғрофий ҳудудий ён берганлиги Туркия учун жуда катта йўқотиш сифатида баҳоланганлиги ҳам барчамизга маълум.

Шу нуқтаи-назардан ҳам то XX аср бошларига қадар Туркия Республикаси нафақат минтақада, балки бутун жаҳонда ўзининг геосиёсий мавқеини аниқлашга уриниб келганлигини айтиб ўтиш лозим. Бундан уринишнинг асосий сабаблари сифатида шарафли ўтмиш ва бугунги жўғрофий жойлашув эканлиги кундай равшан эди. Бунинг тарихий ва мафкуравий асослари ҳам бўлганлигини, туркларнинг руҳиятидаги ўтмиш буюклиги ва замонавий дунёда унинг акс этмаётганлигидан норозилик кайфияти мавжуд эканлигини қайд этишимиз керак. Ушбу жараён ҳанузгача тугагани йўқ. Туркия жамияти ғоявий жиҳатдан катта бир инқирозни бошдан кечирмоқда. Аҳолининг турли сиёсий партияларга аъзолиги, турли дунёқараш ва маданиятга интилиши, Ғарбпарастлик, миллатчилик, исломчилик, туркпарастлик сингари хусусиятларга интилиш кабилар бугунги Туркия жамиятига хос бўлиб қолмоқда. Мамлакат бошқарувини ўз қўлига олган Режап Тоййип Эрдоған мамлакат иқтисодий ва технологик тараққиётини ўта юқори даражага олиб чиққан бўлсада, жамиятдаги турли қарашлар, айниқса, ислом дини таъсири кучайишидан хавфсирайдиган секуляр кучлар уни қўллаб-қувватламаётганлигини, унга нисбатан салбий фикрларни илгари сурётганлигини ҳам кўришимиз мумкин. Маълумки, бугунги Туркиянинг иқтисодиёти тараққиёти сўнгги 20 йилда хайратланарли тарзда ўзгарди ва ҳаттоки, мамлакат Катта 20 таликка (G-20; расмий номи — инглизча The Group of Twenty) ҳам аъзо бўлди..

Расмий жиҳатдан Туркиянинг ўз давлат мафкураси ҳам мавжуд. 1923 йил мустафо Камол Отатурк томонидан Туркия Республикаси ташкил қилингандан кейин мамлакат асосчиси номидан келиб чиқадиган миллий ғояси — Камолчилик таклиф қилинган эди. Мустафо Камол ислохотларини эълон қилар экан, Жан Жак Руссо ва Монтескёнинг чекланган либерализм ғояларидан илҳомланганди. Бу ислохотлар ҳозирда ҳам Туркияда

камолчилик доктринаси сифатида талқин қилинади. Камолчиликнинг асосий қуйидаги олти шакли 1937 йилдаги Туркия конституциясида ҳам ўз ифодасини топди. Булар: Халқчиллик, Республикачилик, Миллийлик, Дунёвийлик, Этатизм (иқтисодда давлат назорати), Ислохотчилик. Мазкур олти ақида орасида миллийлик устувор бўлиб, ислохотларни ўзагини ташкил қилар, турк жамиятини бирлигини ўзида ифода этарди.

Мамлакатда либерализм, тенг ҳуқуқчилик, ижтимоий синфларнинг йўқлиги эътироф этилса-да, Туркияда Мустафо Камолнинг кучли диктатураси ўрнатилди. Мустафо Камолнинг вафотидан сўнг унинг издошлари Исмат Иноню ва Сараж ўғли ҳам камолчилик мафкурасидан ўзларининг консерватив жамиятида ислохотлар ўтказишда фойдаланишди. Бир партияли тизим ва камолчилик ғоялари вақт ўтиши билан Туркиянинг урушдан кейинги бир қатор муаммоларини бартараф қилишга ёрдам берди. Бизга маълумки, Туркия Биринчи жаҳон урушидан мағлуб давлат сифатида чиққан эди. Мамлакатда маориф, тиббиёт, иқтисод ўта заифлашган, империя кулаган ва Европа давлатлари Туркияни қарам давлатга айлантирганди. Англия, Греция ва Франция Туркияни парчалаб ташлаб, унинг мустақил давлат сифатида яшашига нуқта қўйишни истади. Бу масала билан тўрт мамлакатдан иборат кенгаш Греция тарафига Антанта таркибида уруш ҳаракатларида иштирок этгани учун совға сифатида Измирни эгаллаш ҳуқуқини топширди.

1919 йилнинг баҳорида инглизлар Онадўлининг жанубий шарқий қисмини, французлар шимолий Фракияни, греклар Измирни бўйсундирди. Усмонли империясининг сўнгги ҳукмдори Султон Маҳмуд VI ҳеч нима қила олмасди. Шу пайтда ёш зобит Мустафо Камол пошшо ўз зиммасига мамлакатни ҳимоя қилиш масъулиятини олди. 1919 йилнинг ёз ойида Сивасда турк миллатлари конгрессини чақирди ва кенгашга унинг ўзи раислик қилди. Мажлисида Султон Маҳмуд VI ғарбнинг қўлидаги қўғирчоқ султон экани боис, унинг фармонлари ноқонуний экани ва «Туркия ўз чегаралари доирасида бўлинмас ва ажралмаслиги» таъкидланди ҳамда миллат ғарблик босқинчиларга қарши курашишга чақирилди. 1919 йилнинг 15 май санасида грек қўшинлари Смирна (Измир) шаҳрига қўшин киритди. Измир аҳолисининг аксари греклар экани боис шаҳарликлар грек қўшинларини озодлик элчилари сифатида қарши олди. Сал аввалроқ Италия Смирнани ўзининг оккупацион ҳудуди сифатида эълон қилган эди, Греция ҳукумати бунга жавобан Смирнага ўз қўшинларини киритди. Италия ҳукуматининг провакацион сиёсати натижасида грек ва турклар орасида қурбонлар бўлди. Бироқ Туркиядаги вазият мураккаблигича қолаётган, ҳеч ким ҳали Туркия мустақиллигини сақлаб қолишга интилмас эди.

Шундай вазиятда Мустафо Камол пошшо тарқоқ турк зобитлари, миллий зиёлиларини бирлаштириб, босқинчиларга қарши курашга киришиб кетди. Греция Ушоқ, Бурса, Бандирма, Адирна каби аҳоли пунктларини эгаллайди, лекин Туркия ичкарасига юриш қилишга иттифоқчилари розилигини ололмагач, ҳаракатларини тўхтатишга мажбур бўлди. Бу орада Англия ва Франция Султон Маҳмуд VI ни Камол пошшо билан муроса қилган ҳолда

янги парламентга сайловлар эълон қилишга қўндирди. Сайлов натижаларига қўра, Мустафо Камол пошшонинг тарафдорлари парламентда кўпчилик овозга эга бўлди.

1920 йилнинг 28 январь санасида инглиз ҳукуматининг босими остида Анқарада ўтказилиши белгиланган мажлис Анқарада эмас, Истанбулда ўтказилди. Кенгашда Туркиянинг мустақиллиги ҳақида декларация қабул қилинди. Декларациянинг 6-моддасига биноан Туркиянинг Қора денгиздаги қирғоқлари ҳам турк мулки, Туркия қўл остидаги араб миллатларининг келажаги плебиссит орқали ҳал қилиниши белгилаб қўйилди. Турклар истиқомат қиладиган ҳудудлар эса Туркия назоратида қолиши таъкидланди. Бу ҳудуд айти пайтдаги Туркиянинг ҳудуди саналади. Бунга жавобан Антанта қўшинлари Константинополни ва Қора денгиз соҳилларини ишғол қилди.

Анқарада Мустафо Камол ўз қўшинини йиға бошлайди. Бироқ қўшинга қурол-яроғ етишмасди. Мустафо Камол болшевиклар билан мулоқот ўтказди ва Туркияда коммунистик мафкурага асосланган давлат қурмоқчи эканини маълум қилди. Бу ўзига хос айёрона дипломатия ҳам эди. Болшевиклар Россияси Туркияга қурол-яроғ ва моддий ёрдам етказиб бера бошлайди. 1922 йилга келиб, турк ҳукумати аксар антантачиларни мамлакатдан қувиб чиқаришга муваффақ бўлди.

Бироқ грекларга қарши кураш ҳали тўхтамаган эди. Шунга қарамадан, Мустафо Камол ҳукумати 1923 йил пойтахти Анқара бўлган Туркия республикаси ташкил қилинганини эълон қилди. Мазкур воқеадан сўнг, Греция ва Туркия ўртасида аҳолини айирбошлаш келишуви имзоланди. Грециядаги турклар Туркияга, Туркиядаги греклар Грецияга кўчиб ўтишига рухсат берилди. Республика эълон қилиниши билан турк лираси – миллий валюта қабул қилинди. Янги мамлакатнинг президентлигига Мустафо Камол сайланди.

Президент Мустафо Камол Туркия иқтисодиётини изга солиш мақсадида бир қатор сиёсий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий ислоҳотлар ўткази бошлайди. Туркиядаги бу ислоҳотлар кейинчалик камолчилик ислоҳотлари номи остида «Atatürk Devrimleri» деган ном билан ҳам машҳур бўлди. Ислоҳотларнинг бош мақсади Туркияни ғарбдаги ислоҳотларни Туркияда жорий этиш орқали Туркияни дунёвий давлатга айлантириш эди. Ислоҳот шу даражада амалга оширилдики, натижада, Туркияда Усмонлилар империясидаги қадриятлар тезликда унутила бошланди. Ислоҳотлар натижасида 1924 йилда янги Туркия конституцияси қабул қилинди. Мустафо Камол ислоҳотларини баъзи тарихчилар 1839 йилда бошланган Танзимот даври ислоҳотлари билан менгзайди. Танзимот 1876 йилда дастлабки турк конституциясини қабул қилиши билан ниҳоясига етган эди. Кейинчалик президент Турғут Ўзал даврида Туркиядаги иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар мамлакатнинг Европа интеграциялашуви ортидан юз берди. 1987 йилдаги мазкур ислоҳотлар Турғут Ўзал ислоҳотлари ҳам деб талқин қилинди.

8. Модернизациялашаётган давлат ҳали Усмонийлар империяси меъросидан ҳали қутула олмаган эди. Мамлакат раҳбари Мустафо Камол

Отатурк мамлакатни ривожлантиришда вестернизация йўлини танлади ҳамда геосиёсий урушларда ғолиб давлатлар билан тил топишиш йўлидан борди. Шу билан бир қаторда, европа цивилизацияси ютуқларидан Туркияга хос йўлдан бора бошлади. Гарчи, ташқи сиёсатда Туркия нейтрал позицияда турган бўлсада, бир вақтда бир нечта давлатлар билан бир вақтда кучли ҳамкорликни ўрнатди. Бу эса мамлакатнинг геосиёсий манфаатларига жавоб берарди. Камолчиликнинг бош вазифаси бошқа давлатлар ва халқлар устидан ҳукмронликни мақсад қиладиган Усманийликнинг тамойилларидан қочишга ҳаракат қиларди. Ражап Тоййиб Эрдоғанга қадар Туркия президентларининг ҳаммаси ўша мақсад ва тамойилларга амал қилган ҳолда ташқи сиёсат олиб борганлар. Аммо жаҳон миқёсида сиёсий вазиятнинг ўзгариши (икки қутбли дунёнинг барҳам топиши СССРнинг тарқалиб кетиши, унинг ўрнида янги давлатларнинг ташкил топиши, Россиянинг заифлашуви каби ҳолатлар) Туркиянинг олдига бутунлай янги геосиёсий вазифаларни қўйди.

Бу вазифалар ичида Туркия аввало, Россиянинг таъсиридан чиқиш истагида бўлган туркийзабон давлатлар ва миллатлар билан муносабат ўрнатиш, уларнинг ташқи сиёсатига мафкуравий таъсир кўрсатиш, пантуркизм ва панисломизм ғоялари билан таништириш сингари масалаларда фаоллик кўрсата бошлади. Бундан ташқари, Яқин Шарқ, Болқон минтақаси, Жанубий Кавказда бўлиб ўтган воқеликлар Туркияни янада фаолроқ геосиёсат олиб боришга имкон яратди. Ўз геосиёсий манфаатларини оли бориш учун Туркия ҳам халқаро ташкилотлардан, жумладан, Ислом конференцияси ташкилоти (ҳозирдаги номи Ислом ҳамкорлик ташкилоти) имкониятларидан ҳам самарали фойдаланишга ҳаракат қилди. Узоқ йиллар ташкилотнинг Бош котиби бўлган Экмелиддин Эҳсоноғлу ҳам бу борада нафақат ислом дунёсида, балки туркий тилли давлатлар ичида обрўли шахслардан, арбоблардан бири ҳисобланарди. Турли йўллар билан Туркиянинг геосиёсий роли ва стратегиясининг трансформацияси учун шароитлар яратила бошланди. Бу пайтган келиб, яъни ўтган асрнинг 90-йилларидан сўнг Туркиянинг иқтисодий имкониятлари ҳам ортиб бора бошлаган эди.

XXI асрга келиб, нафақат Туркия, балки инсоният ҳаётида ҳам кенг кўламли ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатнинг НАТО доирасидаги нуфузи ҳам ортиб бора бошлаганлиги, ҳудудида жойлашган НАТО ва айниқса, АҚШ ҳарбий базаларининг ҳам Туркия учун жуда катта бир имконитга айланиши ва хоказолар жаҳон миқёсида унинг роли ортиб боришига сабаб бўлди. Айниқса, кўплаб экспертлар ва сиёсатчиларнинг таъкидлашларича, мамлакат сиёсий ҳаётига Ражап Тоййиб Эрдоғаннынг кириб келиши вазиятни бутунлай ўзгаришига олиб келди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакат аввало, дунёнинг энг нуфузли ташкилотларидан бирига, яъни Катта йигирматаликка аъзо бўлди. Бундай иқтисодий юксалиш мамлакатнинг геосиёсий манфаатлари ва мақсадларига таъсир қилмай қолмади.

Туркия, ўтган асрнинг 90-йилларида ҳам Ғарб давлатлари тараққиётидан анчайин орқада қолган, европа билан интеграциялашув орзуси юрган, иқтисодий ҳаёти ҳам ҳаминқадар бир давлат эканлиги

кўпчилигимизга сир эмас. Мамлакатимиз ҳам дастлаб, ўз тараққиёт йўли учун андоза сифатида Туркия тажрибасидан фойдаланишга қарор қилиб, кўплаб ёшларимизни бу мамлакатнинг ривожланишини ўрганиш ва уни миллий тараққиёт йўлимизга жорий қилиш ўқишга, таълим олишга йўналтирган эди ва афсуски, кутилган натижани қўлга кирита олмаганлигини яхши биламиз. Чунки, ўша йилларда ҳам Туркия биз орзу қилган давлат ва жамият даражасида ҳам эмаслиги маълум бўлиб қолган эди.

Лекин, Туркия биринчи галда, давлат кўрганлик руҳияти, юксак орномус, доимий изланиш ва интилиш, европанинг техник ва технологик ривожланиш омилларини ўзлаштира олиш салоҳияти туфайли, шунингдек, қулай географик муҳитдан самарали фойдалана олганлиги, ижодкорлиги ва илмий тараққиётдан сармояларни аямаслиги ва хоказолар туфайли жаҳонда ўз ўрнига, позициясига, сўзига, керак бўлса, баъзи масалалар бўйича ҳукмини ўтказа олиш имкониятига эга бўлган қудратли давлатга айлана олди. Бугунги Туркия, юз йил олдинги ночор, давлатчилиги хавф остида бўлган, мураккабликлар ботқоғидан эндигина чиқа бошлаган Туркиядан кескин фарк қилади ва бунинг бир неча сабаб ва омилларини кўриб чиқсак.

Маълумки, Туркия ўз имиджини юксалтириш, халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш уч хил аудиториянинг онгига таъсир кўрсатиш ва ижобий фикрини шакллантиришни мақсад қилган назаримизда:

Биринчиси, жаҳон жамоатчилигининг қарашлари;

Иккинчиси, мусулмон дунёсининг қарашлари;

Учинчиси эса туркий тилли давлатлар, миллатлар қарашлари.

Бу борада Туркия дастлаб маданий омил ва ресурслардан ўта самарали фойдалана олган мамлакат сифатида намоён бўлмоқда. Мамлакатнинг кўпмиллатлилиги, ҳар бир миллатнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланганлиги, шунингдек, маданий тараққиёти, унинг сиёсий имиджи ҳам шаклланишидаги омиллардан бирига айланди. Ўта ривожланган киноиндустрияси билан Туркия жаҳон халқлари онгини забт этаётганлиги, тафаккурига жиддий таъсир кўрсатаётганлиги, дунё мамлакатлари шу фильмлар орқали Туркияни таниётганлиги, унга қизиқиш ва ҳурмат ҳисси тобора ривожланиб бораётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу борада Туркия Президенти Ражаб Тоййип Эрдоғаниннг “Турк фильмлари ва сериаллари дунёда бизнинг маданиятимизнинг муҳим элчиларига айландилар. Бугун дунёнинг 152 та мамлакатада бизнинг сериалларимизни ва фильмларимизни 600 млн одам томоша қилмоқда” каби сўзларини ҳам тасдиқ сифатида келтиришимиз мумкин (Эрдоган: Турция полна решимости войти в число мировых лидеров. <https://www.trtussian.com/politika-turciya/erdogan-turciya-polna-reshimosti-vojti-v-chislo-mirovyh-liderov-4925202>). Зеро, биргина кинолар орқали, Голливуднинг шовшувли ёки Ҳиндистоннинг севги муҳаббатдан зериккан аудиториянинг эътиборини бутунлай ўзига жалб қила олди дейишимиз мумкин.

Бу ҳам мамлакатнинг нақадар бой тарихга эга эканлигини намоён қила олиш билан бир қаторда, мамлакатга туристлар оқимининг кўпайишига, мамлакатнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий шахслари яшаб ўтган қадамжоларни зиёрат қилишга бўлган қизиқишнинг тобора

ортишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бир қаторда, мамлакатнинг маданий тараққиётига ва хазинаси бойишининг, дунё миқёсида Туркия деган давлатнинг нечоғли салоҳиятли, нечоғли қизиқарли ва нечоғли маданиятли эканлигини намоёйиш қилиш имкониятини тақдим қилмоқда. Ўз имиджини мустаҳкамлаш учун Туркия нафақат турли халқаро ва маҳаллий ОАВ дан, шунингдек, бугунги кунда тобора оммалашиб бораётган ижтимоий тармоқларда ўта профессионал даражада ёритмоқда ва тарғиб қилмоқда. Бу эса ўзининг мевасини бераётганлигини яна бир бор таъкидлашнинг ҳожати йўқ.

Шу ишлар қаторида Туркия етакчисининг мусулмон миллатлар манфаатларини ҳимоячиси сифатидаги чиқишлари кўплаб мусулмон мамлакатларининг, ҳаттоки, тарихий жиҳатдан туркларга нисбатан салбий руҳияти шаклланган араб давлатларининг ёшлари орасида ҳам оммалашмоқда, Ражаб Тоййип Эрдоғаннинг обрўси, нуфузи ортиб бормоқда. 2009 йил Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтган Форумдаги нутқи ва унда Фаластинга нисбатан Исроилнинг сиёсатини қаттиқ қоралаганлиги, тадбирни мағрур тарзда тарқ этганлиги деярли дунёнинг барча ОАВларида кенг намоёйиш қилинди. Бу эса Фаластин халқи, айниқса ёшлари онгида туркларнинг тарихан уларнинг ҳимоячиси бўлганлигини ва келажақда ҳам бундан умид қилишлари мумкинлиги ҳақидаги қарашларни шакллантирмоқда. Энг асосийси, Туркия Президентининг обрўси, мамлакатнинг имиджини юксалтирувчи омилга айланганлигидир.

Шунингдек, Туркиянинг халқаро майдонда олиб бораётган сиёсати, туркий тилли давлатлар, халқлар билан ТУРКСОЙ ёки Туркий тилли давлатлар кенгаши доирасидаги ҳамкорликни кучайтиришга ҳаракат қилаётганлиги, уларга мафкуравий, маънавий ва маданий таъсир кўрсатаётганлиги, шунингдек, туркий миллатларнинг тарихий меъросидан келиб чиққан ҳолда, келажақдаги бирлиги учун “илхомлантираётганлиги” сингари фаолиятни ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Бу борада биргина Туркиянинг Халқаро Қизил Ярим ой жамияти фаолияти мисолида айтиб ўтадиган бўлсак, жамият раисининг ўринбосари Исмаил Хакки Турунчининг таъкидлашича, “Туркия Қизил Ярим ойининг фаолияти бошқа мамлакатларда Туркиянинг ижобий имиджини шакллантирмоқда”. Шунингдек, ўтган йилнинг сўнгги ойларида юз берган Арманистон ва Озарбайжон ўртасидаги Тоғли Қорабоғ учун бўлиб ўтган урушларда Туркия томонидан Озарбайжонга тақдим этилган қуроолларнинг, аниқроғи “Bayraktar” деб номланадиган учувчисиз бошқариладиган дронларнинг нақадар самарадорлиги, юксак илмий-технологик тафаккур асосида яратилганлиги, дунёнинг мана-ман деган қуроолларини йўққа чиқарганлиги ва энг асосийси, Озарбайжонга 30 йил кутилган ғалабани тақдим қилганлиги билан боғлиқ ҳолатлар Туркияга яна бир бор жаҳон мамлакатлари тан беришига, унинг технологик қудрати тобора юксалганлигига тан берди. Бундай ютуқлар Туркия томонидан бир мунча вақт олдин Ливияда ҳам намоёйиш этилган эди. Мазкур эътирофлар Туркиянинг халқаро майдондаги

имиджи юксалишига, геосиёсий таъсири дунё миқёсида янада ортиб бормоқда дея бемалол айта оламиз.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Туркиянинг геосиёсий мавқеини шакллантирувчи омиллар нималардан иборат?
2. XX аср бошларидаги халқаро вазият ва Туркиянинг янги замонавий давлатга айланиши сабаблари намоён бўлган?
3. Бугунги Туркия ва унинг геосиёсий имкониятлари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Туркиянинг халқаро майдондаги имиджига қайси омиллар таъсир кўрсатмоқда?

ЎН ТЎРТИНЧИ МАВЗУ. Марказий Осиёнинг геосиёсий мавқеи ва минтақада юз бераётган геосиёсий жараёнлар

РЕЖА:

1. Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий аҳамияти ва уни шакллантирувчи омиллар
2. Марказий Осиё давлатларининг сиёсат, хавфсизлик ва иқтисодий соҳадаги ҳамкорлиги ва босқичлари
3. Минтақа давлатларининг ҳамкорлигининг янги босқичи ва геосиёсий жараёнлар динамикаси.

1. XX асрнинг сўнги ўн йилликларида дунё геосиёсий манзарасининг кескин ўзгариши ва халқаро муносабатларнинг ўзгаришига замин бўлди. Дастлаб Чор Россиясининг, кейинчалик СССРнинг бевосита миллий давлатчилик сиёсати билан ажратилган бешта Марказий Осиё давлатлари пайдо бўлди ва 1990 йилларнинг бошларидан минтақага нисбатан кенг кўламли геосиёсий жараёнлар шакллана бошлади. Шунга ҳамоҳанг тарзда минтақада халқаро муносабатларнинг қудратли акторларининг манфаатлари тўқнашуви бошланди десак муболаға бўлмайди.

Марказий Осиё минтақаси жўғрофий жиҳатдан (ўз номидан келиб чиққан ҳолда) Евроосиё қитъасининг марказида жойлашган бўлиб, бешта давлат Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистондан иборат бўлиб, умумий майдони 3,994,300 км². дан иборат бўлиб, аҳолининг умумий сони 70 млн. атрофида. Марказий Осиё давлатларида 150дан ортиқ миллатлар ва элатлар, этник гуруҳлар истиқомат қилади. Минтақанинг баъзи қисмлари ўта аҳолининг зич жойлашганлиги, баъзи ҳудудлар аҳолиси жуда қашшоқлиги характерли бўлиб, минтақа жанубда Афғонистон ва Эрон, Шимолда Россия ва Монголия, ғарбда Россия ва Каспий денгизи, шарқда Хитой каби давлатлар билан чегарадош. Минтақада энг кўп сонли аҳоли ўзбеклар ҳисобланади.



Бугунги кунда дунё давлатлари каби Марказий Осиёдаги давлатлар ҳам глобализация жараёнларига тортилмоқда. Кўпчилик давлатлардаги сингари,

Марказий Осиёда ҳам глобализмни тушунмаслик мавжуд. Минтақадаги айрим давлатлар ўз муаммоларини ҳал этолмасдан турли ҳил баёнот ва чақирувлар билан чиқишмоқда. Ўз навбатида глобализмнинг Марказий Осиё хавфсизлиги ва барқарорлигига ижобий ва салбий таъсирини англаш жуда муҳимдир. Қирғизистонда бўлиб ўтган воқеалар шуни кўрсатмоқдаки, халқаро ноҳукумат ташкилотлари тўғридан-тўғри мамлакатнинг ички ишларига аралашадилар. Мамлакатда барқарорликни келтириб чиқарувчи ҳаракатларга «рангли инқилоб ёки демократияни экспорти» никоби остида ёрдам берадилар. Бундай халқаро ташкилотларнинг моҳиятини ўрганиш, улар орқасида кимлар ва қандай кучлар тўрганлигини аниқлаш ва булар ҳақда кенг жамоатчиликни хабардор қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Марказий Осиё минтақасига турли халқаро, ҳукуматга тегишли бўлмаган ташкилотлар, трансмиллий компаниялар кириб келди ва фаолият юритмоқдалар. Бу ташкилотлар асосан ўз мақсадларидан келиб чиқиб фаолият юритмоқдалар. Айримларининг мақсади минтақа давлатларида «демократияни экспорт» қилиш билан шугуллансалар, айримлари минтақа бойликларини ўз мақсадига йўналтиришдан иборатдир.

Биринчидан, Марказий Осиё Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарбнинг ўта муҳим транспорт-коммуникация йўлларини боғловчи восита бўлиб ҳисобланади. Бу ҳудуддан юз йил илгари Европадан то Хитой ва Ҳиндистонгача чўзилган. Буюк ипак йўли маршрутлари қатнаган бўлса, бугунги кунда уларни қайта тиклаш ишлари борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Трансмиллий темир йўл магистралининг, автомобил йўлларининг қурилиши ва Афғонистон ҳудудида транспорт коммуникацияларининг жанубга чиқиш имкониятларини кенгайтириш билан бу янада долзарб аҳамият касб этади. Бу эса минтақавий транспорт йўлларининг аҳамиятини оширишга, уларнинг транзит имкониятларини кенгайтиришга, сармояларни жалб қилиш учун мустаҳкам асосларни яратишга қулай имкониятлар туғдиради ҳамда савдо-иқтисодий, маданий алоқаларни фаоллаштиришига туртки бўлади. Истиқболда Марказий Осиё дунёнинг икки геосиёсий маркази – Осиё ва Европани боғловчи кўприкка айланади.

Иккинчидан, Марказий Осиё ислом ва христиан, шарқ ва ғарб цивилизацияларининг тўқнаш жойи ҳисобланади. Минтақа учта дунёвий динлар: ислом, христиан дини ва буддизмнинг кесишган нуқтасида жойлашганлиги XIX асрнинг ўрталариданоқ Буюк Британия, Германия, Россия ва Туркия каби давлатларнинг эътиборини ўзига жалб этган. Бу омил эса минтақанинг жаҳон маданиятидаги ўрнини белгилаб беради.

Учинчидан, Марказий Осиё минтақаси йирик геостратегик кучларнинг (Россия, Хитой, Европа Иттифоқи ва АҚШ) манфаатлари туташган ҳудуд деб эътироф этилади. Унинг геосиёсий аҳамияти унинг Ҳартленд ва Римленд оралиғида – дунёвий давлатларнинг доимий геосиёсий ўзаро кураши мавжуд ҳудудда жойлашган. Бу эса кўплаб ноқулайликлар туғдиради. Ҳартленд ва Римленд оралиғи тўғрисида Маккиндер ўзининг 1904 йилда «Жўгрофий журнал» ойнамасида Чоп этилган «Тарихнинг жўгрофий ўқи» номли асарида

фикр юритиб, бу борада ўз геосиёсий формуласини таклиф этади. Унниг таълимотига кўра, «Кимки Шарқий Европани назорат қилса, Хартленд устидан ҳукмронлик қилади; Ким Хартленд устидан назорат ўрнатса, дунё ороллари устидан ҳукмронлик қилади». Мазкур таълимот асосида бутун дунёнинг йирик давлатлари ўз ташқи геосиёсий стратегияларини амалга оширмоқдалар. 1997 йилда қабул қилинган РФ миллий хавфсизлик концепциясида давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари қаторида Евроосиё ва МДХ минтақасида таъсир кучига эга бўлган қудратли давлатни шакллантириш кўзда тутилган⁷.

2002 йилда АҚШ Конгресси томонидан тасдиқланган «АҚШ миллий хавфсизлик стратегияси»да «АҚШ хавфсизликни таъминлаш борасидаги олиб борилаётган сиёсатнинг муҳим йўналишлари сифатида Шарқий Европа ва собиқ совет иттифоқи давлатларида демократияни ривожлантиришга ёрдам бериш» деб эътироф этилган. АҚШ томонидан миллий мақсадларнинг асосий критерияси бўлмиш демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сиёсатини дунё минтақаларида (Шарқий Европа ва собиқ СССР ҳудудидаги Янги мустақил давлатларда) фаол олиб борилишини АҚШ манфаатлар дунёнинг бошқа ҳудудларга тарқатилишини таъминлаши, деб эътироф этса бўлади.

Нихоят, навбатдаги омил – бу минтақанинг нефт ва газ захираларига бой ҳудуд эканлигидир⁸. Ушбу хорижий давлатларни доимо ўзига жалб этиб туради. Марказий Осиёда разведка қилинган нефт захиралари 15 дан 31 млрд. баррел ёки барча дунё захираларининг 2,7 фоизини, табиий газ захиралари 230 дан 360 триллион куб.футни, яъни дунё захираларининг 7 фоизини ташкил этади. Таққослаш учун айтиш мумкинки, Яқин Шарқнинг нефт захиралари дунё захираларининг 55 фоизини, улкан Жанубий Америка захиралари 8 фоизни ташкил этади. Мазкур масала юзасидан изланиш олиб бораётган айрим геологларнинг фикрича, улкан Марказий Осиё ҳудуди ва Каспий денгизи ҳавзаси ҳали етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Келгусида бу ҳудудда жуда кўп микдорда углеводород хомашё захираларини забт этиш кутилмоқда.

Сайёрамизнинг турли бурчакларида жойлашган кучлар мувозанатининг ҳар қандай ўзгаришига Марказий Осиё давлатларида воқеликларнинг қандай йўналиш ривожланиши боғлиқ эканлигини эътироф этишимиз мумкин. Шунингдек, Марказий Осиёнинг қансидир давлатида юз берган сиёсий, ижтимоий-гуманитар, маънавий, диний, иқтисодий ҳодиса минтақадаги бошқа давлатларга албатта ўзининг таъсирини кўрсатади. Бу ҳолатлар эса глобал таъсирга ҳам эга эканлигини унутмаслик лозим. Бир вақтлар АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Збигнев Бжезинский Марказий Осиё, Кавказ ва Афғонистонни ўз ичига оладиган минтақани бутун Евроосиёга таъсир кўрсатиш салоҳиятини чуқур англаган

⁷ Л.Майоров. «Приоритеты концепции национальной безопасности России». «Международная жизнь». –М., 1997. №10. –С.18-28.

⁸ А.Мальчин. «Каспийская нефть и безопасность России». «Власть». –М., 1999. №3. –С.46-54; Макарова С. «Нефть и страны Кавказа и Центральной Азии». «Востоковедение и африканистика». 1999. №2. –С.52-59.

холда “Евроосиё Болқони” дея атаган эди. Шунингдек, АҚШ Давлат котибининг биринчи ўринбосари Строуб Тэлботт ҳам ўз таҳлилларида минтақанинг муҳимлигини эътироф этиб, унда юз берадиган ҳар қандай жараён нафақат постсовет ҳудудига (биринчи навбатда Россия ва Украинага), балки Хитой, Туркия, Эрон ва Афғонистонга (Евроосиёнинг катта қисмига) таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлаган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Марказий Осиёдаги сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан бири - бу дунёнинг қудратли давлатларининг ташқи сиёсий фаолияти ҳисобланади. Қудратли давлатларнинг стратегик рақобининг тобора кучайиб бориши Марказий Осиё минтақасида ҳам мафкуравий, геосиёсий ва иқтисодий зиддиятларни келтириб чиқармоқда ва бу ҳолат ўттиз йилдан ортиқ вақт давомида намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, қатор экспертларнинг баҳоларига кўра, минтақа геосиёсий жиҳатдан Евроосиёнинг марказий қисмини, геоиқтисодий жиҳатдан ресурс имкониятларини ва транспорт алоқаларини назорат қилишнинг эҳтимолли имкониятлари бор деб ҳисоблаш учун жиддий асослар мавжуд. Марказий Осиёда геосиёсий вазиятнинг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатадиган дунёдаги қудратли давлатлар ичида Россия, АҚШ, Хитой, Туркия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, ЕИ давлатлари ва қатор мусулмон давлатлари ҳисобланади.

Минтақадаги ташқи сиёсий фаолликни баҳолаганда геосиёсий регионализм тамойилларини алоҳида қайд этиш мумкин. Бу эса ушбу минтақани Евроосиёнинг асосий минтақалари ичидаги **ягона геосиёсий макон**; объектив умумий сиёсий (хавфсизлик соҳасидаги устуворликларни ҳам ўз ичига олган), иқтисодий (жумладан транспорт коммуникациявий) ҳудудлар сифатида қарашни тақозо этади. Ушбу давлатларнинг ҳар бири минтақада ўз мақсадларига, ўзаро бир-бирларидан фарқланадиган ички тараққиёт ресурсларига ҳамда ўзига хос сиёсий, иқтисодий характерга эга.

Минтақага бевосита таъсир кўрсатадиган давлатларни юқорида келтириб ўтдик. Энди уларни бирма-бир кўриб чиқсак;

Минтақада ўзига хос таъсирга ва анъанавий жиҳатдан қудратга эга бўлган давлат бу Россиядир. Гарчи ўзининг каттадан-катта муаммоларига ўралашиб қолганлигига қарамасдан, Россия сўнгги йилларда минтақага нисбатан ўзининг фаол стратегиясини ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқда. Кўплаб мутахассисларнинг фикрича, Россиянинг минтақадаги сиёсати зиддиятлик, қисқа муддатли манфаатлар устуворлиги билан характерланади. Шу муносабат билан, Россия минтақада ҳарбий мавжудлиги ўзи учун иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларга нисбатан муҳим ҳисобламоқда. Бунинг асосий мотиви эса илгари Чор Россияси томонидан олиб борилган мустамлакачилик сиёсати бўлиши мумкин.

Вазиятнинг кескинлашуви ташқи ва ички таҳдидлар, яъни анъанавий таҳдидларнинг ноанъанавий таҳдидлар билан ўзаро қўшилиши, улар орасидаги масофани қисқаришига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат эса миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлашда жиддий муаммоларни келтириб чиқаряпти. Булар билан бирга бугунги кунда жоҳон сиёсати геостратегик

кучлар мувозанатининг ўзгариши, кўп қутбли марказларни юзага келиши, улар орасида рақобат ҳамда айрим давлатларни дунё ҳукмронлиги учун очикдан-очик даъволари янги мустақил давлатларда жамиятни эркинлаштириш ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнига, миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ер шарининг ҳар бир нуқтасида жумладан, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масаласини долзарб қилиб қўйяпти. Шу нуқтаи назардан, минтақаларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда, улар ўртасидаги ўсиб бораётган узвий боғлиқлик эса ўзаро ҳамкорлик асосида фаолият олиб боришни талаб этмоқда.

Маълумки, собиқ Иттифоқ парчаланиши натижасида бу улкан ҳудуд ўрнида кўплаб мустақил давлатлар вужудга келди. Булар қаторида мустақиллигини қўлга киритган Марказий Осиё давлатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар халқаро майдонда ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, мустақил ташқи сиёсат олиб бора бошладилар. Агарда Марказий Осиё минтақасига фақат географик нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, у собиқ Иттифоқ ҳудудида вужудга келган янги мустақил давлатлардан ташқари Афғонистон, Хитойнинг Шинжон-уйғур мухтор вилояти, Эрон, Покистон, Мўғулистон, Непал, Бутан давлатларининг бир қисмини қамраб олади. Бирок тарихий, ижтимоий-сиёсий ҳамда минтақавий жиҳатдан масала биров ўзгача. Шунинг учун бу ўринда фикр илгари асосан «Ўрта Осиё ва Қозоғистон» деб аталган минтақа хусусида фикр алмашиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бунда Марказий Осиёнинг мавқеи тўғрисидаги фикрлар диққатга лойиқ.

«Марказий Осиё ғарбда Каспий денгизидан, шарқда Хитойнинг Шинжон мухтор туманига қадар Шимолда Қозоғистондаги то Покистонга қадар ҳудудни эгаллаган улкан географик бирлик бўлиб, Евроосиё текислигининг марказий қисмини ўз ичига олган 4 млн. кв. кмлик улкан ҳудудни эгаллайди. Россия, Эрон ва Хитой каби геосиёсий нуқтаи назардан муҳим давлатлар билан чегарадош бўлган минтақада бор йўғи 60 миллион атрофида аҳоли истиқомат қилади», - деб таъкидлайди А.Жалилов⁹.

Ҳар бир минтақанинг умумий ҳолатини аниқлашда бевосита унинг геосиёсий омилларига таянилади. Геосиёсат халқаро муносабатлар назариясидаги энг асосий тушунчалардан бири бўлиб, у маълум бир тарихий шароитда давлатнинг ёки давлатлар тизимининг ҳудудий жойлашуви асосида ўрганиладиган сиёсий билимлар мажмуаси ҳисобланади. Геосиёсатда жўғрофий омиллар билан давлат сиёсати бир-бирига чамбарчас боғланиб кетади. Давлат ўзининг жўғрофий жойлашуви ва бой табиий ресурслар захирасига эга бўлишидан қатъий назар жўғрофий белгиларни ҳар томонлама ҳисобга олиб, шунга мувофиқ сиёсат олиб бормаса, у ўз халқининг фаровон ҳаётини таъминлай олмайди ва ривожланмайди. Шу нуқтаи назардан биз Марказий Осиё минтақасини геосиёсий ўлчамлар орқали кўриб чиқишни, шу

⁹ А.Т.Жалилов. «Марказий Осиё географияси: ёндошувлар тизими». «Таҳлил ва истиқбол». 2003, №1. 31-356.

орқали унинг халқаро муносабатларда тутган роли ва аҳамиятини белгилашни зарур деб ҳисоблаймиз.

Марказий Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий, геоиқтисодий ва геостратегик аҳамияти нуқтаи назаридан дунёда муҳим ҳудуд сифатида эътироф этилади. Бунда икки муҳим омил: геостратегик шароит ва табиий ресурслар Марказий Осиё минтақасига оламшумул иқтисодий ва сиёсий ўлчовларни бахш этмоқда. Минтақанинг геостратегик шароитини белгиловчи омилларни биз қуйидагиларда белгиладик:

Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар Марказий Осиё минтақасининг бугунги замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб бермоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирда халқаро сиёсий тадқиқот доираларида Марказий Осиёнинг роли ва ўрнини концептуал жиҳатдан қайта англаш жараёни кузатилмоқда. Янги мустақил давлатларнинг вужудга келиши ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиши уларга нафақат янги имкониятларни берди, балки янги таҳдидларнинг юзага келишига ҳам сабабчи бўлди. Айниқса, охириги йилларда қатор тадқиқотчилар минтақа атрофидаги «катта сиёсий ўйинлар» янада кучлироқ ифодаланаётганлигини кўрсатишмоқда. Бу ўйиннинг янгидан бошланиши ноаниқ оқибатларга олиб келиши мумкин. Кўз ўнгимизда зиддиятларнинг яги моҳиятга эга бўлган, фақат энди мафкуравий эмас, балки иқтисодий сабаблари намоён бўлмоқда.

Сўнгги даврда ресурс ва бозор учун курашнинг Марказий Осиёда энг жадал босқичга кирганлигини кўрсатувчи янада кўп далиллар юзага чиқмоқда. Шундан келиб чиқиб жаҳондаги йирик корпоратсияларнинг манфаатлари бу ерда янада кўпроқ тўқнашади, деб айтиш мумкин. Ҳақиқатдан, бу кураш баъзан иқтисодий, баъзан сиёсий манзарани намоён этади. Табиийки, ушбу жараён ўзига хос қийинчиликлар ва муаммолар билан кечмоқда. Бунда ҳар бир давлат ўз салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда иштирок этади. Иккинчи томондан, халқаро хавфсизликни таъминлашда барча давлатларнинг фаол иштирок этишга бўлган талаб кундан-кунга кучайиб бориб боради. Бу жараёнда ҳар бир мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида муҳим ўринга эга. Шу нуқтаи назардан ҳар бир давлат ўз миллий манфаатларининг устуворлигини сақлаган ҳолда ташқи дунё манфаатларининг мувозанатини таъминлаши ўта муҳим масала ҳисобланади. Собик социалистик гуруҳга кирувчи давлатларнинг парчаланиб кетиши натижасида дунё сиёсий маконида ҳукум сўрган икки қутубли тизим юқлик қарига кетиб, дунёнинг жумладан, Марказий Осиёнинг геосиёсий харитасида катта ўзгаришлар бўлиб, қўп қутубли дунё тартиби юзага келди.

2. Марказий Осиё давлатлари мустақилликни қўлга киритишлари билан, ўзаро интеграция сари интилишларга жиддий аҳамият қарата бошладилар. Аммо, бундай жараёнларнинг ўзига хос мураккабликлари, ташқи ва ички омиллари мавжуд эди.

Марказий Осиё давлатларининг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш бугунги янги дунёвий ўзгаришлар содир бўлаётган шароитда минтақавийлик

ва миллий манфаатлар нуктаи назаридан ҳам ўз ечимини кутаётган энг долзарб масалалар сирасига киради.

Ҳозирги пайтда, Марказий Осиё географик жойлашуви жиҳатидан коллектив хавфсизлиги тўла таъминланмаган, яъни можароли муаммолар мавжуд бўлган минтақа ҳисобланади. Минтақада собиқ Иттифоқ давридан мерос бўлиб қолган иқтисодий-сиёсий, ҳарбий, транспорт, коммуникация ва экологик муаммолар сақланиб турибди. Бугунги кунда уларнинг ечимини топишнинг энг муҳим шарти можароли вазиятларнинг олдини олиш, минтақада ички ва ташқи мувозанатни сақлаш, минтақавий ва умумжаҳон интеграциялашувни таъминлаш асосида барқарор ривожланишга эришиш ҳисобланади. Умумхавфсизлик тизимининг шаклланишида минтақавий интеграция ғояси етакчи ўрин эгаллайди. Бу ғоянинг ташаббускори Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳисобланиб, уларнинг самарали саъй-ҳаракатлари натижасида бу маконда кафолатланган хавфсизлик тизимлари яратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А. Каримов: “Марказий Осиёдаги интеграцияни биз ҳудудий бирлик, коммуникациялар, иқтисодиётнинг асосий ва етакчи тармоқлари муштараклиги, сув ҳўжалиги ва энергетика объектларини биргалашиб ишлатиш, энергия захиралари билан таъминлаш эҳтиёжи тақозо этган объектив зарурат, деб ҳисоблаймиз. Бир-бирига чирмашиб кетган умумий теран томирларга эга бўлган ҳалқларимизнинг маданий, тил ва маънавий бирлиги ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади” - деб таъкидлаган эди.

Минтақанинг географик жиҳатдан катта маконни эгаллаганлиги ва табиий бойликлар кўплигини инобатга олган ҳолда унинг геоиқтисодий ривожланиш имкониятлари юқори баҳоланади. Мазкур имкониятларни тўлалигича ва рационал фойдаланиш минтақа давлатларининг интеграция доирасидаги умумий қарашларининг стратегиясига боғлиқ. Минтақавий интеграция стратегиясини амалга ошириш миллий манфаатларнинг уйғунлашуви билан изоҳланади. Мазкур интеграцион манфаатларни уйғунлаштирувчи мезонлар қуйидагиларлардан иборат:

- давлатлараро савдо-сотиқни эркинлаштириш орқали умумий ягона бозорни яратиш;
- минтақа сув ресурсларининг рационал тақсимотини таъминлаш;
- халқ ҳўжаликларини бирор-бир ишлаб чиқариш жабҳаларида ихтисослашуви ва меҳнат тақсимооти;
- миллий молиявий тизимларнинг ўзаро барқарорлашуви ва кескин ўзгаришлардан холи бўлган ҳамда келишилган пул сиёсати;
- минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг институционаллашувига бўлган умумий эҳтиёжнинг мавжудлиги.

Ушбу йўналишда, мамлакатларнинг минтақавийликка интилаётган бир шароитида мавжуд вазифаларни цивилизация йўллари билан ҳал этиш, кескинликларни юмшатиш орқали интеграция жараёнлари учун барқарор ҳуқуқий, институционал муносабатларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этди. Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришган илк

йиллариданоқ интеграцион тузилмаларида ўз манфаатлари доирасида иштирок этиб келмоқда.

Шундай тузилмалардан бири Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) ташкилоти ҳисобланади. Мазкур тузилма минтақа мамлакатларининг барчаси иштирок этаётган ташкилот ҳисобланади.

Минтақа мамлакатларининг интеграция асосини ташкил этувчи яна муҳим қадамлардан бири 1994 йил 15 апрелда имзоланган Эркин савдо ҳудудини ташкил этиш бўйича Келишув ҳисобланади. Мазкур келишув мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли савдо ҳамкорлигини ўрнатувчи ҳуқуқий базани шакллантириш мақсадида ташкил этилган.

Минтақада ривожланаётган иқтисодий-сиёсий жараёнлар объектив сабабларга кўра интеграция муносабатларини янада чуқурлаштиришни талаб этар эди. Шу боис 1994 йилда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон томонидан Ягона иқтисодий макон шартномаси тузилди. Юзага келган ҳуқуқий асосни ташкилий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш учун Давлатлараро кенгаш ва Марказий Осиё ҳамкорлик ва ривожланиш банки барпо этилди. Ушбу шартномага мувофиқ, 1995-2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий интеграция Дастурига асосан бир қатор соҳалардаги муносабатларни чуқурлаштиришга қаратилган. Жумладан, мазкур дастур доирасида сув-энергетика, ёнилғи ресурсларидан фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилиб, давлатлараро газ қувурлари ётқизилди. Натижада нефть-газ захиралари ва сув ресурсларини бир-бирига етказиб бериш инфраструктураси юзага келди. 1999 йил Бишкек саммитида 25 та катта ҳажмдаги лойиҳа маъқулланиб, томонлар минтақа давлатлари энергетика тизимларини ҳамкорликда ишлашини таъминлаш ва Сирдарё ҳавзаси сув-энергетик ресурсларидан тенглик тамойили асосида фойдаланишга келишиб олинди. Оқибатда минтақадаги интеграция жараёни Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти деган ном олди.

Аммо минтақадаги иқтисодий маконни яратиш бир қатор омиллар таъсири остидаги қийинчиликлар билан кечди. Жумладан, минтақа мамлакатлардаги божхона маъмуриятчилигида (божхона, антидемпинг ва солиқ масалалари) бирдамликнинг мавжуд эмаслиги, энергия ресурслардан ўзаро манфаатли равишда ишлатишга тўсқинлик қиладиган жиддий муаммоларнинг олди олинмаганлиги ҳамда соҳаларда тузилган кўп томонлама ва икки томонлама шартномаларнинг бажарилмай қолиши мазкур интеграция механизмининг самарали фаолият юритишига тўсқинлик қилди.

Масалан, Қозоғистоннинг ташқи савдони тарифлар орқали ва тарифсиз бошқарувида қўшни давлатлар манфаатлари эътибордан четда қолдирилди. Қирғизистон ўзининг сув-энергетик ресурсларини қўшни давлатлар билан ташқи иқтисодий муносабатларда чегараловчи чора сифатида қўллади. Ушбу давлат қўшни мамлакатлар билан ўзининг ташқи савдо масалаларини мувофиқлаштирмасдан туриб, Жаҳон савдо ташкилотига кириши Марказий Осиёда халқаро иқтисодий муносабатларда бир қатор чигалликларни келтириб чиқарди. Бу каби бир томонлама ташқи иқтисодий фаолият ва минтақа давлатларининг жаҳон бозорида уйғунлашган эмас, балки тарқоқ ва

ўзаро қарама-қарши хатти-ҳаракатлари, томонлар истаган ва режалаштирган интеграцион силжишларга тўсқинлик қилди. Натижада, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти ўз самарасини бермади.

Минтақадаги интеграция жараёнларини жонлантириш мақсадида 2002 йилга келиб ушбу тузилма негизида Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти тузилди. Бу ташкилотнинг мақсад ва вазифаси сифатида барча аъзо давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, транспорт тизимининг умумминтақавий тузилмасини барпо этиш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш, экологик муаммоларни биргаликда ҳал қилиш ва барқарорликни мустаҳкамлаш каби муҳим йўналишлар белгилаб олинган эди. Лекин бу ташкилотни самарали фаолият кўрсатишига, аъзо давлатлар миллий манфаатларининг муштараклиги таъминланмаганлиги ҳамда мамлакат миллий манфаатларини белгилашда минтақа манфаатларини инобатга олинмаслиги ўз салбий таъсирини кўрсатди.

2005 йилда Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги учрашуви Евроосиё интеграциялашув жараёнидаги бурилиш нуқтаси бўлди. Унга кўра, Евроосиё маконида иқтисодий интеграцияни ривожлантириш ва тараққиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти негизида янги Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шундай қилиб, минтақадаги мавжуд интеграция жараёнлари минтақадан ташқаридаги учинчи мамлакат иштирокидаги тузилмаларга кўча бошлади. Минтақа мамлакатларининг ягона умумманфаатларини амалга оширувчи тузилманинг мавжуд эмаслиги минтақадаги энергетика ресурсларидан фойдаланиш, чегараларни делимитация ва демаркация масалалари, транспорт тизими, трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш каби муаммоларни ҳал этишни янада мураккаблаштирар эди.

2000 йилнинг 10 октябрида Остона шаҳрида Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини тузиш тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Шундан бошлаб ҳамжамият ўз ривожининг бир неча босқичини босиб ўтди: 2007-2010 йиллар – БИнинг тузилиши, 2011-2012 йиллар – Эркин савдо ҳудудининг (ЭСХ), 2012 йил 1 январидан бошлаб эса Ягона иқтисодий макон (ЯИМ) ҳамда 2015 йилдан бошлаб ЕОИИ фаолият юрита бошлади. Шунингдек, ЕврАзЭС аксарият функцияларини мазкур иттифокқа топшириши билан ўз фаолиятини якунлади.

Мазкур ҳамжамият фаолияти доирасида қабул қилинган 151 та келишувнинг 87 тасигина ўз кучини сақлаб қолди. Шундай қилиб, 2014 йил 10 октябрдаги Минск саммитида қабул қилинган қарорга асосан 14 йил давомида фаолият юритиб келган Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти де-юре ўз фаолиятини тугатди.

Евроосиё ғояси остида жадал суръатларда ривожланаётган ЕОИИ товар, хизмат, капитал, ишчи кучининг эркин ҳаракатланишини назарда тутади. 2014 йил 29 майда Остана шаҳрида Россия, Белоруссия ва Қозоғистон президентлари томонидан имзоланган шартнома Евроосиё иқтисодий иттифоқини шакллантиришга замин яратди. Мазкур тузилма БИ ва ЯИМ интеграция жараёнларининг навбатдаги босқичи ҳисобланиб, мамлакатларнинг маълум бир соҳалардаги ваколатлари давлат усти органига ўтказилиши орқали (Евроосиё иқтисодий комиссияси) умумманфаатлар доирасида амалга оширилади.

Минтақавий хавсизликнинг муҳим муаммоларини ҳал этишда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) минтақа давлатларининг иқтисодий-иҷтимоий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўринга эга. Мазкур ташкилотнинг фаолияти 2001 йил 15 июнда МО мамлакатлари иштирокида Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисида Декларация имзоланиши билан бошланди.

Унинг асосий мақсадлари аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстликни мустаҳкамлаш; сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, таълим, энергетика, транспорт, экология ва бошқа соҳаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш; биргаликда саъй-ҳаракатлар билан минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш; демократик, адолатли, рационал, сиёсий ва иқтисодий халқаро тартибни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

ШХТ доирасида минтақанинг ҳарбий-сиёсий хавфсизлигини таъминлаш билан иқтисодий ривожланишига доир стратегиялари минтақа мамлакатлари томонидан кенг қўллаб-қувватланиб келинмоқда. 2003 йилда Пекинда ҳукумат раҳбарлари кенгаши аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик Дастури қабул қилиниб, унда транспорт инфраструктураси, энергетика, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва сув муаммоларини ҳал этиш бўйича масалалар ўз аксини топган. Мазкур дастур узоқ муддатга, яъни 2020 йилга қадар ташкилотга аъзо давлатларнинг ўзаро манфаатдорлик асосида минтақавий ресурслардан самарали фойдаланиш, маҳсулотлар, капитал, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида савдо ва инвестицияларга қулай шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган эди.

Бундан ташқари, Марказий Осиё мамлакатларининг ШХТдаги иштироки РФ ва Хитой билан кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ҳамда минтақадаги барқарорликни таъминлашда Москва ва Пекин ўртасидаги мувозанатни таъминловчи инструмент сифатида ҳам баҳоланмоқда. Марказий Осиё давлатлари қаторида Ўзбекистоннинг ШХТ фаолиятидаги иштирокининг устувор йўналишларидан бири минтақадаги хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлигига йўналтирилган. Бу борада Марказий Осиё ҳудудида терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашишда ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТ)ни таъкидлаб ўтиш лозим. 2002 йилда аъзо мамлакатлар ўртасидаги Келишувга асосан ташкил топган ушбу тузилма 2004 йил январдан бошлаб Тошкентда ўз фаолиятини домий тартибда амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, ШХТ

доирасида Ўзбекистоннинг мавқеи юксалишининг яна бир омили, бу мамлакатда ШХТ Саммитларининг ўтказилиши ва унинг Бош котиби сифатида Ўзбекистон вакили Владимир Норовнинг фаолият кўрсатаётганлигидир.

Марказий Осиё давлатларининг сиёсат, хавфсизлик ва иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигининг янги босқичи 2016 йилдан сўнг тубдина ўзгара бошлади. Сиёсий музлар анча эриб, 2017 йил 17 сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзга чиққан Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев «минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит яратишга эришилгани» ва «бу тенденциянинг мустаҳкамланиши Марказий Осиё давлатлари президентлари мунтазам учрашувлар ўтказиши учун имконият яратиши» ҳақидаги дастурий нутқини сўзлади. Шу билан бирга, 2017 йилнинг 10 ноябрида Самарқанда шаҳрида **“Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик”** мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, “бизнинг бош мақсадимиз: – умумий савб-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат. Бунинг учун биз турли низоларни кўзгайдиган ва унга кўмаклашадиган сабаб ва омилларга биргаликда барҳам бермоғимиз, умумминтақавий устувор манфаатларни инобатга олиш асосида миллий ривожланишни таъминламоғимиз зарур. Биз бугун тараққиётимизнинг умумий устувор йўналишларини англаган ҳолда, чегара, сувдан фойдаланиш, транспорт ва савдо сингари ўткир минтақавий масалаларни ечиш бўйича оқилона мураса йўлини изламоқдамиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ўтказилаётган мазкур форум Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш масалаларига қаратилган дея алоҳида таъкидлади ва Марказий Осиё давлатлари учун янги интеграцион давр бошланганлигини таъкидлаган эди.

Марказий Осиё улкан геостратегик ва геоиқтисодий аҳамиятга эга минтақа. Бу ерда 74 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг тарихи ва маданияти, мамлакатларимизнинг иқтисодиёти ва инфратузилмаси боғланиб кетган. Давлатимиз раҳбари бир неча бор таъкидлаганидек, минтақа мамлакатлари олдида умумий савб-ҳаракатлар билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдек бош мақсад турибди. Бу мақсадга эришиш, минтақа салоҳиятини тўла юзага чиқариш, ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Шавкат Мирзиёев 2017 йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувини ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди. Бугунга қадар ушбу форматнинг бир неча учрашувлари бўлиб ўтди ва уларда минтақа давлатларининг самарали учрашувлари ташкил қилинмоқда.

3. Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган, энг йирик инсон салоҳияти ҳамда барча минтақа мамлакатлари билан умумий чегарага эга ягона давлат – Ўзбекистон. 2016 йил охиригача давлат чегаралари

миналаштирилган, сув ва газ захираларидан оқилона фойдаланиш бўйича даҳанаки тортишувлар, ўзаро четлаб ўтиш ва ташқи сиёсий-иқтисодий манфаатларга қарам бўлмасликка йўналтирилган мухтор нақлиёт ҳамда темир йўлларининг барпо этилиши натижасида минтақада ишончсизлик кайфияти кескинлашиб кетганди. Ҳатто қариндошлар даражасидаги бордикелди ташрифлари ҳам ниҳоятда чекланган эди. Ундан аввал, 2017 йил 7 февралда тасдиқланган 2017–2021 йиллар учун Ҳаракатлар стратегиясининг «чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар» дея тавсифланган 5.2-бандида: «Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш» тамойили ҳам белгиланган эди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳатлашув учрашуви 2018 йил 15 март куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтди. Ушбу учрашувда навбатдаги учрашувлар Наврўз байрами арафасида, чунончи иккинчи учрашувни Тошкентда 2019 йил ўтказилиши эълон қилинган эди. Аммо Нурсултон Назарбоевнинг 2019 йил 19 март куни тўсатдан президентлик ваколатларини ўзидан соқит қилиши ушбу учрашувни кечроқ муддатга қолдиришни тақозо этди. Ва ниҳоят узок кутилган Тошкент учрашуви ўзбек дипломатиясининг қатор музокара ва сахна орти мулоқотлари натижаси ўлароқ ўша йили 29 ноябрда бўлиб ўтди. Ушбу учрашувларнинг ташаббускори бўлмиш Ўзбекистон ўзи мезбонлик қилган учрашувда, биринчи анжумандан фарқли ўлароқ, Туркменистон парламенти раисаси эмас, шахсан Гурбангули Бердимухамедов иштирок этди. Шунингдек, мазкур тадбирда Қозоғистондан мартабали меҳмон сифатида мамлакатнинг биринчи президенти Нурсултон Назарбоев қатнашган эди. Шунингдек, Тошкент учрашувида кейинги йиғилишни Бишкекда ўтказиш келишиб олинган эди. Аммо 2020 йилда кетма-кет дунё юзини кўрган COVID-19 офати ҳамда инқилоблар юрти Қирғизистонда бўлиб ўтган навбатдаги беқарорликлар ушбу учрашувнинг ўтказиш муддатини 2021 йилга суришга мажбур этди.

Савол туғилиши табиий, геосиёсий жиҳатдан тобора мураккаб шароитда жойлашган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувларини мунтазам равишда ўтказишга нималар тўсқинлик қилиши мумкинлиги ҳақида сўз юритсак.

Юқоридаги мавзуларда таъкидланганидек, Марказий Осиё давлатлари интеграцияси устида ўтган асрнинг 90-йилларидан бери бош қотириб келинади ва сўнгги учрашувлар минтақа етакчиларининг илк учрашуви эмас.

Кўп эҳтимол билан Туркменистон президентининг Тошкент учрашувига бепарво бўлмаганини Шавкат Мирзиёев билан мавжуд қалин муносабатлари ва ўзаро ҳурмат билан боғлаш мумкин. Чунки Ўзбекистон раҳбари президент инаугурациясидан сўнг ташриф буюрган илк мамлакат айнан Туркменистон эди.

Аслида Туркменистон давлатчилиги бетарафлик сиёсатига асосланади ва бу БМТнинг тегишли қарори билан мустаҳкамланган. Тожикистон ва Қирғизистон умумий чегарасида ушбу учрашувлардан сўнг, ҳатто

коронавирусуга чалиниш авж палласига чиққан дамларда ҳам, қатор тўқнашувлар содир бўлди. Ажабланарли томони, иккала мамлакатда ҳам Россиянинг ҳарбий базаси бор. Россиянинг Тожикистондаги 201-ҳарбий базаси бепоеън Россия Федерацияси ҳудуди ташқарисидаги энг йирик ҳарбий объект ҳисобланади. Ҳозиргача ялпи ички маҳсулоти ҳаминқадар бўлган қўшнилар ўзаро учрашувлардан кўра саноати ривожланган АҚШ, Жанубий Корея, Россия, Хитой, Япония каби давлатларнинг Марказий Осиёга хос учрашувлари ёки БМТ, Европа Иттифоқи, МДХ, ШХТ ташкилотлари доирасида учрашишни афзал кўришади.

Тошкент ташаббуси янги минтақавий ташкилот тузиш фикридан йироқ бўлса-да, ушбу мамлакатларнинг мумкин бўлган турли жабҳаларда ўзига хос соат милларини бир ёқадан бош чиқариб созлаб олиш сиёсатини олиб бориш тарафдоридир. Бунга мисол сифатида, 2019 йилда БМТ шафелигида Марказий Осиёга бевосита дахлдор иккита қарор қабул қилинди. Биринчиси, «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» қароридир. Унда минтақа давлатлари раҳбарларидан ташқари ташқи ишлар вазирлари даражасида доимий сиёсий маслаҳатлашувларни йўлга қўйиш, халқаро майдонда ушбу мамлакатлар салмоғи ва таъсирини ошириш, ўзаро мувофиқлаштирилган транспорт-транзит имкониятларини кенгайтириш ва денгиз йўлларига чиқишга доир йирик лойиҳаларни бирга амалга ошириш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, илм-фан, таълим, санъат, спорт каби жуда кенг устувор масалаларда ҳамкорлик қилишга, энг муҳими ишончли ва хулқ-атворини башорат қилиш мумкин бўлган халқаро шерик сифатида шаклланишга урғу берилган.

Иккинчиси эса «Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш» деб номланган БМТ резолюциялари.

Умуман олганда, Марказий Осиё ўзининг қулай географик жойлашуви, табиий ресурслари ва транспорт логистик имкониятлари билан дунёнинг қудратли мамлакатлари геосиёсий манфаатлари кесишадиган шароитда яшамоқда. Турли салбий тенденцияларга қарши туриш учун минтақа давлатлари ўзаро интеграция ва ҳамкорлик йўлидан боришини кераклиги замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Марказий Осиёнинг геосиёсий мавқеини белгиловчи омиллар нималардан иборат?
2. Минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда давлатлараро ҳамкорликнинг асосий тенденциялари қандай?
3. Марказий Осиёдаги интеграцион лойиҳаларнинг геосиёсий омиллари нималарга боғлиқ?

4. Марказий Осиёдаги геосиёсий жараёнлар ва минтақа хавфсизлигига таҳдидлар нималарда намоён бўлмоқда?

ЎН БЕШИНЧИ МАВЗУ. Ўзбекистоннинг геосиёсий мақои, манфаатлари ва мақсадлари

РЕЖА:

1. Ўзбекистоннинг геосиёсий мақои ва уни шакллантирувчи омиллар
2. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги геосиёсий жараёнлардаги ўрни ва роли
3. Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари

Ўзбекистон Марказий Осиёда геосиёсий жиҳатдан муҳим ўрин тутиб, минтақада кучлар мувозанатини таъминлаб ва стратегик ҳамкорликда Қозоқистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон ўртасида ўзига хос халқа вазифасини бажариб, Марказий Осиё давлатларини манфаатли ҳамкорлигини таъминлайди.



XX аср охирлари ва XXI аср бошларида Марказий Осиёда янги геосиёсий шароитнинг вужудга келиши ва Ўзбекистоннинг минтақада марказий ўринни эгаллаши, манфаатлар ва кучлар мувозанатини таъминлашга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни тақазо қилмоқда: **биринчидан**, Ўзбекистон Марказий Осиёда жойлашган давлатларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда, глобал ва минтақавий хавфсизлик тизимини яратишга эришиши, **иккинчидан**, қўшни давлатларда содир бўлаётган кескин сиёсий иқлим шароитида минтақада барқарорликни таъминлашга эришиш, **учинчидан**, минтақада давлатларнинг суверенитет ва мустақиллиги, чегараларнинг яхлитлиги ва даҳилсизлиги, ўзининг ижтимоий-сиёсий эркинлигини мустаҳкамловчи ягона битимга эришиш, **тўртинчидан**, иқтисодий-сиёсий муносабатларда ҳар қандай мафкурадан холи бўлишга эришиш, инсон ҳуқуқларини тўла таъминлаш борасида

минтақада давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, **бешинчидан**, минтақада БМТ ва халқаро муносабатларни қўллаб-қувватловчи механизмни яратиш.

Юқорида санаб ўтилган факторлар бугунги кунда дунёда геосиёсий кучлар баланси ўзгариб, бир томондан халқаро сиёсатни бегилаб беришга ҳаракат қилаётган йирик давлатлар ва иккинчи томондан халқаро сиёсатни кўп қутубли тизимга асосланган кучлар бошқариши керак деган фикрни илгари сурувчи давлатлар ўртасида кураш кетаётган бир пайтда жуда муҳимдир. Чунки, Марказий Осиё давлатлари халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида ўзларининг геосиёсий жиҳатларини ўрганиш, давлатнинг геосиёсий салоҳиятидан келиб чиқиб халқаро сиёсатда фаолият кўрсатаётган бир шароитда, мустақил давлатлар геосиёсий параметрларини, геосиёсий омилларини, геосиёсий ҳолатининг геостратегик ва геоэкономик йўналишларини аниқ белгилаб олиш ва амалиётда қўллаб олиши жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Марказий Осиёдаги янги геосиёсий вазиятга баҳо бериб, бугун ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилар эканмиз, бу масалага дунёда ва минтақада вужудга келган вазиятни инобатга олиб, ҳаётий аҳамиятга эга бўлган тинчлик ва барқарорлик, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ёндошмоғимиз кераклигини ўзининг кўплаб чиқишларида таъкидлаб келмоқда.

Хусусан, бу борада қуйдагича фикрларни билдирди:

1. Йирик давлатлар ва бизга давлатларнинг геостратегик манфаатлари мавжуд бўлиб, баъзида улар бир-бири билан келишмайди;

2. Халқаро терроризм, экстремизм, наркоагрессия ва минтақавий хавфсизликка нисбатан бошқа трансмиллий таҳдидлар ҳамон сақланиб қолмоқда;

3. Бугунги Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, ушбу кўхна заминда тинчликни қарор топтириш, турли таҳдидларга қарши самарали чоралар кўриш минтақада хавфсизлик ва барқарор ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ бошқа вазифаларни фақат шу заминда жойлашган кучларнинг фаол иштироки билан ҳал этиши мумкин.

Демак, биринчидан, Марказий Осиё давлатлари устидан, умуман таъсир доирасини кенгайтириш учун дунёнинг йирик давлатлари ўртасида ҳаракатлар давом этмоқда. Бу минтақада ўзига хос ҳолатни келтириб чиқаради. Давлатимиз раҳбари бу вазиятни баҳолаб, «минтақада стратегик мавҳумлик сақланиб қолаётганлигини ҳам тан олишга тўғри келади» деб таъкидлайли.

Иккинчидан, Ўзбекистон раҳбари халқаро хавфсизликни таъминлаш минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали амалга оширилади деган, XXI асрнинг геосиёсий ғоясини ўртага ташлади. Бугунги кунда ушбу ғоя асосида халқаро хавфсизликнинг янги (минтақавий) моделини яратиш, унинг иқтисодий, ҳарбий – сиёсий, долзарб масаласидир. Учинчидан, Марказий Осиё давлатларига глобализмнинг таъсир этиши, ижобий ва салбий

жиҳатлари билан боғлиқ муаммолар, айниқса «рангли инқилоблар», «демократияни экспорт қилиш» каби ғоялар орқали бошқарувини издан чиқариш, анархияга олиб келишга бўлган ҳаракатлар ўрганилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданоқ жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, халқаро Ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш йўлини танлади ва оғишмай шу йўлдан бормокда.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ҳоҳиш-иродаси ва таклифига кўра 1992 йил 2 мартда жаҳондаги энг нуфузли халқаро Ташкилот- Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Ўзбекистон БМТ Низомини, халқаро ҳуқуқий меъёрларни, давлатлараро муомала қоидаларини, шунингдек, БМТ таркибига кирувчи халқаро Ташкилотлар талабларига риоя қилишини билдирди. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тўла тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йилда бўлган 48-сессиясида иштирок этиши ва унда 27 сентябрда қилган маърузаси Ўзбекистонни жаҳонга кўҳна ва ёш навқирон давлат сифатида намоён этди. Ўзбекистон Республикаси номидан Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг Тошкентда доимий ишловчи семинарини чақириш, наркобизнесга қарши курашни кучайтириш, Орол муаммосини ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича бир қатор таклифларни ўртага қўйди.

1993 йил февралда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди ва у иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси ва БМТ раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари натижасида БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси мамлакатимизда БМТнинг Тараққиёт дастури, қочоқлар иши бўйича олий кўмита комиссари, Жаҳон соғлиқни сақлаш Ташкилоти, Аҳоли жойлашиш жамғармаси, Наркотик моддаларни назорат қилиш дастури, Саноат тараққиёти дастури, Болалар жамғармаси сингари ихтисослашган муассасаларни ўз таркибига бирлаштиришга муваффақ бўлди. 1993-1997 йилларда БМТ ваколатхонасига бошчилик қилган Холид Маликнинг фаол иштирокида Ўзбекистонда кўплаб халқаро тадбирлар ўтказилди. Чунончи, Тошкентдаги БМТнинг қочоқлар иши бўйича олий кўмитаси комиссарининг вакили тожик қочоқларни юртига қайтариш, уларга БМТнинг инсонпарварлик ёрдамини етказиш бўйича катта тадбирларни амалга оширди. 1994 йил октябрнинг бошларида БМТ ваколатхонасининг ёрдами ва иштирокида Тошкентда бўлган жаҳон сайёҳлик Ташкилотининг «Ипак йўли» халқаро йиғилиши жаҳон сайёҳлик ва тижорат ишларида Ўзбекистоннинг мавқеини янада кўтарди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувида БМТ доирасидаги ихтисослашган Ташкилотлар билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, унинг БМТ ҳомийлигида таълим, фан ва маданият билан шуғулланувчи халқаро Ташкилот — ЮНЕСКО билан алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормокда. 183 давлат аъзо бўлган ЮНЕСКОнинг бош мақсади — барча халқлар келажагининг умумийлиги асосларини ишлаб

чиқиш ва ривожлантириш, ҳозирги замон муаммоларини янада чуқурроқ ўрганишга кўмаклашишдан иборат. ЮНЕСКО ҳар йили ўз фаолияти доирасида жаҳонда 150—200 йирик тадбир ўтказади. ЮНЕСКО ҳар бир давлатдаги илғор тажрибаларни ўрганувчи ва бошқаларга тарқатувчи «ғоялар лабораторияси» ролини бажармоқда.

Ўзбекистон кўпгина минтақавий Ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи, НАТО, ЭКО, Ислом конференцияси Ташкилоти, кўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон тарихан қисқа бир даврда жаҳон ҳамжамиятига қўшилди, халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда, умумий ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда фаол қатнашаётган нуфузли давлат даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ташқи сиёсат, давлат фаолиятининг муайян соҳаси сифатида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрлари ва тамойилларига қатъий амал қилиш ҳамда миллий манфаатларга таянган ҳолда давлатлараро тузилмаларда иштирок этиш орқали белгиланади. Ўзбекистоннинг кўп томонлама муносабатларининг асосий йўналишлари Конституциянинг 17-банди иккинчи қисмида акс эттирилган.

Конституциявий тамойилларга кўра, миллий манфаатларга зид бўлган, жумладан, халқ фаровонлиги ва хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган давлатлараро тузилмаларда иштирок этмайди. Бошқача айтганда, халқ фаровонлиги ва хавфсизлиги, қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, муайян давлатлараро алоқаларга нисбатан муносабатнинг бош мезонидир. Ана шу икки омил республиканинг халқаро ташкилотларга интеграциялашувининг асосий йўналишлари, Ўзбекистоннинг кўп томонлама дипломатиясининг устувор мақсадлари ва мазмун-моҳиятини белгилаб беради.

Ҳозирги вақтда халқаро ташкилотлар, халқаро алоқалар, кўп томонлама дипломатия ва ҳамкорликнинг энг мукамал механизми ҳисобланади. Йилдан-йилга уларнинг сони ортиб, ваколат ва вазифалари кенгайиб, ташкилий тузилмаси мураккаблашиб бормоқда. Халқаро ташкилотлар ўртасидаги алоқалар ва ҳамкорликнинг ривожланиши халқаро ташкилотларнинг БМТ атрофидаги яхлит тизимининг шаклланишига хизмат қилади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон халқаро фаолиятининг бош мезони — кўп томонлама муносабатлар негизида миллий, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашга қаратилган. Бу эса турли ташкилотларда иштирок этиш орқали ушбу мақсадларга эришиш йўлида изчил ва ташаббус кўрсатиб фаолият юритиш талаб этилади. Ўзбекистон халқаро ялпи хавфсизлик тузилмаларига интеграциялашув жараён-ларида фаол иштирок этиб, турли ташаббус ва таклифлар орқали БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар роли ва таъсирчанлигини оширишга интилиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг БМТда иштироки

1992 йилнинг 2 мартдан Ўзбекистон ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлди. 1993 йилнинг 24 августида Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди. Бугунги кунда мамлакатимизда унинг бир қанча тузулмалари: тараққиёт Дастури, наркоманияга қарши курашиши дастури, Жаҳон соғлиқни сақлаш, Болалар фонди (ЮНИСЕФ), саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО), таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ваколатхоналари ташкил этилиб, кенг фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон БМТ ва унинг махсул ташкилотлари билан турли соҳаларда самаралари фаолият юритмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг халқаро интеграцияни кучайтириш ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган тинчликпарвар сиёсати алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти БМТ минбаридан туриб, дунёда хавфсизлик ва тинчликни таъминлаш, халқаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдосига қарши биргаликда курашиш борасида бир талай ташаббусларни илгари сурган эди. Давлатимиз раҳбари Бош Ассамблея ва бошқа тadbирларда жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистондани вазият ва Орол муаммосига қаратган эди. Бугунги кунга келиб, дунё жамоатчилиги Ўзбекистон даъватлари ва нуқтаи назарининг асосли эканини эътироф этмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича домий семинар ташкил этиш ташаббусини ҳам илгари сурди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг йиғилишларидаги қилган маърузаларида БМТнинг ролини алоҳида эътироф этиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари бир давлат — Афғонистон мисолида бир мамлакатдаги беқарор вазият минтақа ва глобал хавфсизлик, халқаро терроризм, наркобизнес ва қурол-яроғ тарқатиш билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Ушбу масалани амалда ҳал этиш учун Афғонистонга қурол олиб киришга эжмбарго жорий этилиши таклиф қилинди. Бу таклиф давлатимиз раҳбари томонидан афғон урушининг бутун даври мобайнида қайта-қайта таъкидлаб келинди.

Ўзбекистон Республикаси дунё минтақаларининг барқарор тараққети ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишида халқаро ҳамкорликнинг глобал тузилмаси сифатида БМТнинг муқобили йўқ эканлигини эътироф этиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, кўп томонлама халқаро муносабатларда намоён бўлган тизимий инқироз БМТ фаолиятини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Сайёрамизда минтақавий қуролли тўқнашувлар авж олиши, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси, террорчилик фаолиятининг кучайиши ва диний экстремизмнинг тарқалиши каби дунё хавфсизлигига таҳдид солаётган ноаънанавий хавф-хатарлар БМТ тузилмасини ислоҳ этиш ҳамда фаолиятини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Биринчи галда, давлатлар олдида вужудга келаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий

таҳдидларни бартараф этиш учун мутлақо янги институционал механизмларни шакллантириш зарур.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2020 йилнинг сентябрида ўтказилган саммитида сўзлаган нуткида давлатимиз раҳбари халқаро терроризм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, БМТ фаолияти ва тузилмасини ислоҳ этиш борасида ғоят муҳим таклифларни илгари сурди. Президент Ш.Мирзиёев, замонавий таҳдидлар ва хатарлар БМТнинг барча тизимлари ва механизмларининг мураккат воқелик ва унинг истикболдаги ривожига динамик мувофиқлаштирилишини, тинчлик, хавфсизлик ва барқа-рорликни таъминлаш борасида янги ёндашувлар ишлаб чиқилишини тақозо этишини доим эътироф этиб келмоқда. Ўзбекистон Президенти БМТ Хавфсизлик Кенгашини босқичма-босқич ислоҳ этиш зарурлиги таъкидлаб ўтди. Унинг доимий аъзолари таркиби нафақат ривожланган, балки ривожланаётган давлатлар ҳисобидан ҳам кенгайтирилиши лозим. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Хавфсизлик Кенгашининг ҳам доимий, ҳам муваққат аъзолари сонини ошириш мақсадга мувофиқ эканини ўқтирди. Бу борада дастлабки қадам сифатида Президентимиз Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари таркибига жаҳон сиёсатида муҳим роли ўйнаётган ҳамда БМТ фаолиятини, шунингдек, инсонпарварлик ва хайрия йўналишларидаги кўплаб лойиҳа ва дастурларни молияловчи асосий ҳомийлардан ҳисобланган Германия ва Японияни киритишни таклиф этмоқда.

Президент Шавкат мирзиёев Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ муаммога яна бир бор жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратди. Дарҳақиқат, Орол бўйида вужудга келган вазият нафақат Марказий Осиё ҳудуди доирасидан чиқиб, жаҳоншумул аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлатимиз раҳбари экологик хавфсизликка соҳасидаги халқаро ҳамкорликка кўмак бериш, халқаро тузилмалар ва донор давлатларнинг молиявий маблағларини жалб этиш мақсадида БМТнинг Атроф муҳит бўйича дастури доирасида Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича махсус кенгаш тузишни таклиф қилди.

Ўзбекистон ва ШХТ

Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотидаги иштироки алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ташкилот (у 1996 й. Шанхайда чегара ҳудудларида ҳарбий соҳада ўзаро ишончни мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида имзоланган Битим доирасида) Хитой билан қўшни давлатлар ўртасида чегараларга доир масалаларни ҳал этишга қаратилган норасмий форум сифатида ташкил этилган эди.

ШХТ – субминтақавий халқаро ташкилотга олти давлат – Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон аъзо бўлган. ШХТ таркибига қирадиган давлатларнинг умумий ҳудуди Евроосиё ҳудудининг 61 фоизини, умумий демографик (нуфусий) жиҳатдан дунё аҳолисининг тўртдан бир қисмини ташкил этади, иқтисодий салоҳияти нуқтаи назаридан АҚШдан кейинги энг қудратли – Хитой иқтисодиётини қамраб олади. Расмий тиллари

– рус ва хитой тили. Қароргоҳи Пекинда жойлашган. ШХТга аъзо давлатлар худудининг умумий майдони 30 млн. кв. км. зиёд ёки Евроосиё қитъаси майдонининг бешдан уч қисмини ташкил этади. Ушбу давлатлар аҳолисининг сони – 1,455 млрд. киши ёки дунё аҳолисининг тахминан тўртдан бир қисмини ташкил этади.

ШХТ ташкил этилиши тарихан умумий чегараларда қуролли кучлар ва қурол-аслаҳаларни қисқартириш тўғрисида Битим қабул қилинган Москва саммити билан узвий боғлиқдир. 1998 йилдан Марказий Осиё минтақаси, минтақавий хавсизлик ва кўптомонлама ҳамкорлик масалалари «Шанхай бешлиги»нинг диққат марказига айлана бошлайди. Терроризм, сепаратизмга қарши курашиш, минтақа доирасида иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш «Шанхай бешлиги»нинг асосий мақсадлари сифатида эълон қилинган эди ва бу борада юқоридаги мавзуларда ҳам эътироф этилган.

Ўзбекистон учун аҳамиятли жиҳати шундаки, ШХТ асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш;

- минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, янги демократик, адолатли ва оқилона сиёсий ҳамда иқтисодий халқаро тартибни шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида турли йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш;

- терроризм, сепаратизм ва экстремизмнинг барча кўринишларига қарши биргаликда кураш олиб бориш, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси ҳамда трансмиллий жиноий фаолиятнинг бошқа турлари, жумладан, ноқонуний миграцияга қарши курашиш;

- сиёсий, савдо-иқтисодий, муҳофаа, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, табиатни муҳофаза этиш, маданий, илмий-техникавий таълим, энергетик, транспорт, молия-кредит ва бошқа соҳаларда самарали минтақавий ҳамкорликни кўллаб-қувватлаш;

- аъзо давлатлар халқлари турмуш даражаси ва шароитларини узлуксиз яхшилаш мақсадида тенг шерикчилик асосида минтақада ҳар томонлама ва барқарор иқтисодий ўсиш, ижтимоий ҳамда маданий тараққиётга кўмаклашиш;

- жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувда ёндашувларни мувофиқлаштириш;

- аъзо давлатларнинг халқаро мажбуриятлари ҳамда миллий қонунчилиига мос равишда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга кўмаклашиш;

- бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

- халқаро низоларни олдини олиш ҳамда уларни тинч йўл билан ҳал этилишида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш;

- ХХІ асрда вужудга келадиган муаммоларнинг ечимини биргаликда излаб топиш.

Ўзбекистон ШХТ доирасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм ҳамда минтақавий барқарорликка таҳдид солаётган бошқа хавф-хатарларга қарши курашишга қаратилган ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Айниқса иқтисодий соҳада, шу жумладан, минтақада транспорт коммуникацияларини ривожлантириш соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорликни истиқболлари порлоқ.

Ўзбекистон ШХТ очиклик, бошқа давлатлар ва уюшмаларга қарши бўлмаслик, халқаро ҳамкорликни кенг ривожлантиришга тайёр бўлиш каби тамойилларини изчил амалга ошириш тарафдори бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон халқаро терроризм, экстремизм, сепаратизм ва накотрафикка қарши кураш ШХТ фаолиятини устувор йўналиши этиб белгиланганини шак-шубҳасиз қўллаб-қувватлайди. Минтақавий антитеррористик марказ фаолияти айнан худди шу масалаларнинг ҳал этилишига қаратилган. Биринчи галда, нафрат ва терроризм ғояларини тарғиб этаётган турли радикал ва экстремистик марказларга қарши курашиш зарур экани таъкидланди.

ШХТ доирасида иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш ҳақида тўхталиб, Президент Ислом Каримов ушбу масалани ҳал этишнинг асосий йўли сифатида Марказий Осиё умумий бозорини шакллантириш зарурлигига эътибор қаратади. Зеро, бу масаланинг ҳал этилиши минтақа мамлактлари ва халқлар туб манфаатларига мос келади. Россия, Хитой ва бошқа давлатларнинг фаол шериклик иштирокида умумий бозорнинг ташкил этилиши тор миллий доирадан ташқарида ягона ёндашув ва мувофиқлаштирилган қонуний меъёрлар амал қиладиган маҳсулот ва хизматлар, меҳнат ва капиталлар йирик бозорини шакллантиришга имкон беради. Ўзбекистон Марказий Осиё ҳудудидан ўтадиган ҳамда ШХТ аъзо давлатларнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), Европа Иттифоқи (ЕИ), Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган йирик транспорт-коммуникация лойиҳалари, йўлак ва маршрутларни амалга оширишга қаратилган ғоя ва таклифларни қўллаб-қувватлайди.

Бундан ташқари, «Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши 2007-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик Дастури» қабул қилинган. Аъзо давлатларнинг «Шарқ-антитеррор-2006» терроризмга қарши биргаликдаги машғулоти, терроризмга қарши биргаликдаги машғулоти, терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши симпозиумлар ўтказиб келинмоқда.

Ҳозирги вақтда ШХТ халқаро ҳамкорлигининг қудратли институти, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро терроризм, сепаратизм ва экстремизм, гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш каби замонавий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашишнинг чинакам омилига айланиб бормоқда.

Айни пайтда минтақанинг бой захираларидан фойдаланишга қаратилган йирик савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникацион ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш борасида мавжуд барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Ўзбекистоннинг ШХТнинг келгусидаги ривож ва фаолиятига ёндошуви қўйидагича.

Аввало, Марказий Осиёда шиддат билан ўзгараётган вазиятга тайёр туриш лозим. Зеро алоҳида давлатларда ҳам, умуман минтақа доирасида ҳам барқарорликни издан чиқариши мумкин таҳдидлар хавфи сақланиб қолмоқда. Бунга интилаётганлар етарли куч ва захираларга эга. Шу боис минтақадаги ўзаро алоқалар ва ҳамкорлик тизими шундай йўлга қўйилиши керакки, ў ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга дош бера олсин.

Айни пайтда, геосиёсий мақсадларни кўзлаган кучларнинг турли экстремистик ва айирмачилик тузилмалари билан бил бирикти-раётгани, шунингдек, радикал диний ташкилотлардан ўз мақсад-ларида фойдаланаётгани (эътиборлиси шундаки, бошқа вазиятда бу ташкилотлар террористик деб аталади) намоён бўлмоқда. Бундай хатти-ҳаракатлар минтақада “бошқариладиган беқарорлик” деб номланган вазиятни вужудга келтириш, барқарорликни издан чиқариш, ўз тараққиёт моделини тикиштиришга йўналтирилган.

Минтақада халқаро терроризмнинг ҳамкори, бундаги вазиятни издан чиқараётган қудратли омил — гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва наркотрафикдир. БМТ маълумтоларига кўра, кейинги йиллар мобайнида гиёҳванд моддалар экин майдонлари кенгайиб, героин ишлаб чиқариш ҳажми тез суръатлар билан ортиб бормоқда. Айни пайтда гиёҳванд моддалар саноат асосида ишлаб чиқарилмоқда.

Афғонистонда жойлаштиришган чел эл контингенти бу жараёнларга деярли таъсир кўрсата олаётгани йўқ.

Буларнинг барчаси борган сари жиддий тус олаётган бу ўта хатарли таҳдидга қарши курашда ШХТ аъзо давлатлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш борасидаги сиёсати

Ўзбекистон бугун яқин кўшничилик, дўстлик тамойилларига таянган ҳолда фаол ва прагматик сиёсат олиб бормоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси туфайли минтақа мамлакатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқалари жадал суръатларда ривожланиб борапти. Шунингдек, энергетика, сув ва экология масалаларида ўзаро манфаатли муносабатлар ривожланмоқда. Тарихан қисқа вақт мобайнида Марказий Осиёда принципиал жиҳатдан мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди.

Бунинг аниқ натижаси сифатида Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувлари ташкил

этилгани айтиш мумкин. Мазкур учрашув доимий мулоқот майдонига асос солди, минтақада хавфсизлик, барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қилиб келмоқда. Жорий йилнинг 6 августида Туркменистоннинг «Аваза» миллий туристик ҳудудида ташкил этилаётган Марказий Осиё давлат раҳбарлари маслаҳат учрашувининг навбатдаги йиғилиши доирасида ўтказилаётган Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти ва минтақа Иқтисодий форуми, миллий маҳсулотлар кўргазмаси, миллий таомлар фестивали ҳамда санъат усталарининг тантанали концерти Марказий Осиё давлат раҳбарлари саммитининг янги босқичга чиққанидан далолат беради.

Сиёсий алоқаларнинг фаоллашуви иқтисодий муносабатлар ривожланишига ҳам туртки бўлди. Қўшни мамлакатлар билан савдо--сотиқ ривожланиши минтақанинг инвестицион жозибадорлиги ошишига замин яратмоқда. 2020 йил якунига кўра, минтақага киритилган жами хорижий сармоялар қиймати 37 миллиард долларни ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 40 фоизга ошди. Бу рақамлар қисқа муддатда қанчалик ўсишга эришилганини яққол ифода этади.

Ўзбекистон минтақа мамлакатлари, хусусан, Тожикистон ва Қирғизистон билан энг нозик масалалар ечимида, айниқса, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш борасида прагматик ёндашиб, тарихий келишувларга эришмоқда.

Қўшни мамлакатлар чегарадош ҳудудлари даражасида алоқалар кенгайиб бораётгани, халқ дипломатияси механизмларидан фаол фойдаланилаётгани ҳам минтақа давлатлари муносабатларини мазмунан бойитмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласида Марказий Осиё давлатлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон билан махсус комиссия тузилди. Ҳозирги кунда сув хўжалиги бўйича мавжуд бўлган трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишга алоқадор барча муаммолар ўзаро манфаатли қарорлар асосида ечимини топмоқда. Ҳозирги кунда давлатларида 60 фоизга, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотида 68 фоизга тенг.

Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатларида фойдаланилмаган катта имкониятлар мавжуд. Жумладан, минтақаларо товар айирбошлаш ҳажмини, айниқса, тайёр маҳсулотни кўпайтириш истикболлари катта. Бостон халқаро консалтинг компанияси ҳисоботида кўра, Марказий Осиёнинг келгуси 10 йил мобайнида тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш салоҳияти 170 миллиард долларга тенг, шу жумладан, 40-70 миллиард хом ашё сектори билан боғлиқ бўлмаган соҳаларга жалб қилиниши мумкин.

БМТ маълумотларига кўра эса самарали иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш Марказий Осиё давлатларининг ЯИМ ҳажмини (2020 йилда 291 млрд доллар) икки баробар ошириш имконини беради.

Марказий Осиё мамлакатларининг манфаатлари минтақада халқаро транспорт йўлаклари ва халқаро транспорт инфратузилмасини биргаликда

яратишга мос келади, бу эса минтақа мамлакатларидан жаҳон бозорларига экспорт маҳсулотларини етказиб беришда транспорт харажатларини камайитиришга ёрдам беради. Афғонистондаги сиёсий вазиятнинг кескинлашуви ушбу мақсадларга эришишни кечиктириши мумкин.

Хусусан, Афғонистон транспорт коридори деб аталмиш «Термиз - Мозори Шариф - Кобул - Пешовар» темир йўл линиясини қуриш амалга оширилиши ортга сурилиши мумкин.

Афғонистон боғловчи бўғин бўлиш ўрнига, «тирбандлик»ка айланади, бу йирик иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларга тўсқинлик қилади. Қолаверса, Афғонистонда вазият издан чиқиши – экстремистик ва террористик гуруҳлар фаоллашуви, наркотик моддалар ноқонуний айланиши, гуманитар инқироз каби муаммолар кўчайишига олиб келади. Қўшни мамлакатда бундай таҳдидлар кучайиши, албатта, минтақа хавфсизлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш кўп жihatдан минтақанинг иқтисодий ривожланишига боғлиқ. Шу муносабат билан минтақа олдида турган асосий таҳдидлар сифатида Марказий Осиё давлат иқтисодиётининг хом ашё ресурсларига асослангани, самарали транспорт тизими ва денгизга чиқиш йўли мавжуд эмаслиги ҳамда иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини айтиш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Марказий Осиё давлатларида хом ашё экспортнинг салмоқли қисмини ташкил этади. Марказий Осиё давлатларининг транспорт харажатлари бошқа давлатларга нисбатан бирмунча юқори. Масалан, Марказий Осиё давлатларидан Шанхайга битта контейнер етказиш Туркия ва Польша давлатларига нисбатан 5 баробар қиммат. Денгизга чиқиш имконига эга бўлмаган давлатлар экспорт даромадларининг 18 фоизини транспорт харажатларига ишлатишади. Таққослаш учун, бу кўрсаткич ривожланган давлатларда 9 фоиз.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалалар бугун Марказий Осиё давлатларига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, бугун экологик соҳадаги сел кўчиши, чўллашиш, қурғоқчилик ва тошқинлар каби муаммолар кучайиши озиқ-овқат танқислиги ва гуманитар инқирозни келтириб чиқариши мумкин.

Маълумотларга кўра, сўнгги 30 йилда Марказий Осиёнинг экологик муаммолардан кўрган зарари 10 млрд долларни ташкил этади, азият чеккан аҳоли сони 10 млн кишига тенг. Табиий офатлардан кўрилаётган зарарлар бугун минтақа ялпи ички маҳсулотининг қарийб 2 фоизини ташкил қилмоқда.

Шу муносабат билан, ҳурматли президентимиз томонидан биринчи ва иккинчи маслаҳат учрашувларида илгари сурилган минтақавий иқтисодий форум ташкил этиш, саноат кооперациясини ва инвестиция соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт соҳасида минтақавий кенгаш тузиш, экологик муаммоларни ҳамкорликда бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқиш каби ташаббуслар айнан юқоридаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришгач, барчалари чегара муаммоларига дуч келишган, жумладан, Ўзбекистон ҳам. Чегара муаммолари икки томонлама муносабатларга салбий таъсир кўрсатувчи асосий омиллар бўлгани сабабли минтақа давлатлари бор имкониятларини ушбу муаммони имкон қадар тез ечишга ҳаракат қилишмоқда.

Ўзбекистон минтақадаги муаммоларнинг барчасини ўзаро манфаатларни инобатга олган ҳолда ва тинчлик асосида ечиш тарафдори. Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги чегара муаммолари юзасидан Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида ҳам айнан шундай қақирувлар мавжуд.

Чегара муаммоларининг мутлақ ечимига келадиган бўлсак, албатта бунинг имкони бор. Буни Ўзбекистоннинг Тожикистон ва Қирғизистон билан чегара масалалари бўйича олиб борилаётган музокаралари натижаларида ҳам кўриш мумкин.

Қирғизистон ва Тожикистон ҳам бугун чегара муаммосини ҳал қилиш учун бор имкониятларини сафарбар қиляпти. Хусусан, чегара масалари бўйича икки томонлама комиссия фаолияти 2019 йилда тикланди (2006 йил тузилган), чегара муаммосини ҳал этиш бўйича икки давлат президентларининг учрашувлари ташкил этилди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда шунини айтиш мумкинки, Марказий Осиё давлатлари ўзаро ҳамжиҳатлик, яхши кўшничилик, дўстлик тамойилларига асосланган ҳолда мавжуд муаммоларни барча томонларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда ҳал эта олишади. Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликнинг ривожланиши бир вақтнинг ўзида ҳам ички, ҳам ташқи омилларга боғлиқ. Бунга асосий сабаб Марказий Осиёнинг геостратегик жойлашуви (Шарқ ва Ғарбни боғловчи кўприк), табиий ресурсларга бойлиги (газ, уран, олтин), ривожланиб келаётган истеъмол бозори (аҳоли сони 74 млн), ҳамда хавфсизлик нуқтайи назаридан Афғонистон билан чегарадошлиги. Шу муносабат билан Марказий Осиё доимий равишда етакчи давлатларнинг эътибор марказида бўлиб келган. Табиий равишда минтақада уларнинг манфаатлари тўқнаш келган ва кесишган нуқталар мавжуд.

Албатта, етакчи давлатларнинг Марказий Осиёда геосиёсий қарама-қаршиликлари кучайиши минтақанинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Шу туфайли Ўзбекистон Шавкат Мирзиёев президент этиб сайланганининг илк кунларидан бошлаб, Марказий Осиёни ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва ривожланган минтақага айлантириш йўлида фаол ташқи сиёсат олиб бормоқда. Ўзбекистоннинг бундай минтақавий сиёсати етакчи давлатлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, Россия, Хитой, АҚШ, Ҳиндистон ва Европа Иттифоқи каби стратегик ҳамкор давлатлар минтақавий жараёнларни инобатга олган ҳолда, ўз ташқи сиёсатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритмоқда. Мисол тариқасида, ташқи ишлар вазирлари даражасидаги мунтазам учрашувлар, яъни «Россия - Марказий Осиё», «Хитой –Марказий Осиё», «Ҳиндистон – Марказий Осиё», шунингдек, АҚШнинг Марказий Осиё бўйича махсус стратегияси ва Европа

Иттифоқининг Янги Марказий Осиё стратегияси қабул қилиниши бунинг ёрқин далилидир.

Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий-сиёсий муносабатларида президент Шавкат Мирзиёевнинг ўрни ва роли

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон президенти вазифасини бажаришга киришган илк кунлардан минтақавий ҳамкорликка алоҳида урғу берган. Хусусан, 2016 йил 8 сентябрда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси қўшма мажлисида Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланганини алоҳида айтган.

Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган прагматик ташқи сиёсат натижасида бугун Марказий Осиё сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда фундаментал ўзгаришлар кузатилмоқда. Ҳеч шубҳасиз бу президентимизнинг Марказий Осиёда давлатлараро муносабатларни ривожлантириш бўйича мутлақо янги бўлган «муаммодан қочиш эмас унинг ечимини топиш», «ҳар қандай муаммо юзасидан мулоқот қилиш», «хавфсизликнинг бўлинмаслиги, уни самарали таъминлашнинг асоси ҳамкорлик эканлиги» каби ёндашувларининг натижаси ҳисобланади. Бу тўғрисида Марказий Осиё масалалари билан шуғулланадиган дунёнинг етакчи экспертлари ва давлат арбоблари жуда кўп ижобий фикр билдиришган.

Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоннинг президентимизнинг ушбу мамлакатга ташрифи чоғида айтган фикрларни ёдга олиш жоиз. У замонавий Ўзбекистон ва Тожикистоннинг ҳар томонлама стратегик муносабатларига таъриф берар экан, Шавкат Мирзиёевни унинг «ташаббускори ва архитектори» деб атаган.

Шавкат Мирзиёев нафақат ўзбек-тожик муносабатларининг, балки Марказий Осиё минтақаси давлатларининг замонавий муносабатларининг «ташаббускори ва архитектори» ҳисобланади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ўзбекистоннинг геосиёсий мавқеини шакллантирувчи омиллар нималардан иборат?
2. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги нималарда ўз аксини топган?
3. Ўзбекистоннинг геосиёсий манфаатлари ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги сиёсатининг боғлиқлигини нитмаларда кўрасиз?
4. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имиджи юксалишининг олмиллари нималарда кўринади?